

АНГОЛА
эртак
ва
афсоналари

*Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти*

ТОШКЕНТ
1978

И(Афр)
Л 64

РАССОМ
БАЯН ҲАЙБУЛЛИН




Русчадан
САНЪАТ ЙЎЛДОШЕВА

ва
ДАВРОН РАҲМОНОВ
таржимаси

С $\frac{70304-229}{352(06)-78}$ 102 — 78

© Гафур Ғулом комидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978
йил. (Тарж.)

ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ



«АНГОЛА ЭРТАКЧИЛАРИ»
ТЎПЛАМИДАН

ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

«Ангола эртакчилари»
тўпламидан



КОЛИБРИ ВА АРИ ШЕР ВА ЧИЯБҮРИ ЖАНЖАЛҚАШ
ХОТИН ҚУЁН ФИЛ ВА ГИШПОПОТАМ МАНГУСТА КАЛА-
МУШ ВА МУСИЧА ША-ШИПОНИНГ ҒОРГА ТУШИВ КЕТГАНИ
ҲАҚИДА ЭРТАК ТУЛКИ ВА КАКЛИК

КОЛИБРИ¹ ВА АРИ*(Ньянека халқ эртаги)*

Кунлардан бир куни арининг ўғли касал бўлиб қолибди. У афсунгарнинг олдига бориб, маслаҳат сўрабди.

Афсунгар унга:

— Колибри патидан битта сўраб олсанг, ўғлинг тузалиб кетади,— дебди.

Колибри патидан берган экан, чиндан ҳам арининг ўғли тузалиб кетибди.

Кейинчалик колибрининг ўғли касал бўпти. Шунда афсунгар колибрига:

— Арининг қаноти ўғлингга даво,— дебди.

Колибри арининг олдига келиб, ундан қанотини сўраган экан, ари унга:

— Менинг фақат иккитагина қанотим бор. Бирини сенга берсам, уча олмай қоламан,— дебди.

Шундай қилиб колибрининг ўғли вафот этибди.

Доғда қолган колибри арига:

— Ўғлим вафот этди. Энди сен билан биз бир умрга душманмиз,— дебди.

Бироқ ари колибрига:

— Кел, яхшиси, дўст бўлиб қолайлик! Биз сени муҳофаза қиламиз. Уянга тухум қўйсанг, биз ҳам ёнига ин қуриб, болаларингни қўриқлаб турамиз,— дебди.

Ана ўшандан бери арилар доимо ўз инларини колибрининг уяси ёнига қўядиган бўлишибди.

¹ Колибри — тропик мамлакатларда яшовчи ранг-баранг патли қушча.

ШЕР ВА ЧИЯБЎРИ

(Куаньяма халқ эртаги)

Шернинг бир серкаси бор экан, чиябўрининг эса урғочи эчкиси бор экан. Кунларнинг бирида чиябўри шерникага бориб:

— Жаноби олийлари, бир неча кунга серкангизни бериб турсангиз, эчкимни қочириб олсам. Бу яхшилигингиз эвазига сизни қуруқ қўймасдим,— дебди.

Шер чиябўрига серкасини берибди. Вақт-соати етиб чиябўрининг эчкиси иккита туғибди. Уларнинг биттаси эркак, биттаси урғочи экан.

Хурсанд бўлган чиябўри Шернинг серкаси ёнига урғочи эчки болани қўшиб олиб борибди.

— Мана омонатингиз,— дебди тавозе билан чиябўри.— Манавиниси эса қилган яхшилигингизга мукофот.

Шер эса чиябўрига ўшқириб:

— Эчкинг фақат битта болаладими?— дебди.

— Йўқ, иккита, серкаси ҳам бор.

— Унисини нима қилдинг?

— Эчким яна болаласин, деб ўзимга олиб қолдим.

Бу гапни эшитиб ўрмон шоҳининг қаҳри келибди:

— Қани, гириллаб уйингга бор-да, унисини ҳам олиб кел.

— Нега энди? Ахир бу инсофсизлик-ку!

— Йўқ, серкам бўлмаганда, сенинг эчкинг қаерда туғарди? Иккала эчки бола ҳам меники, чунки эчкинг менинг серкамдан қочган!

— Шоҳим, сен ноҳақсан,— дебди хафа бўлиб чиябўри.— Бироқ ким ҳақу ким ноҳақ — бу ҳозирча иккаламизга қоронғи. Яхшиси, бутун ўрмону тоғлардаги ҳайвонларни чақириб, воқеани айттайлик. Ким ҳақ, ким ноҳақ — ўзлари ҳукм чиқаришсин.

Ўрмон шоҳи дарғазаб бўлиб дебди:

— Эртага эрта билан ўрмон ҳайвонларининг ҳаммаси шу ерга тўпланишсин! Билиб қўй, чиябўри, ма-

бодо сени ноҳақ, мени ҳақ деб топишса, сениям, эчкиларингниям соғ қўймайман.

Чиябўри ўрмондан тошбақани излаб кетибди. Тошлар орасидан уни топиб:

— Қадрдоним, эртага ўрмонда катта суд бўлади. Мен ўрмонимиз хоқони шер билан нари-берига бориб қолдим. Менга ёрдам бер. Эртага судга бориб, менинг ёнимни ол, ҳимоя қил!

Тошбақа чиябўридан:

— Нима гап ўзи?— деб сўрабди.

Чиябўри унга шундай жавоб қилибди:

— Мен ўз эчкимни қочириб олиш мақсадида шердан бир неча кунга серкасини сўраб олдим. Эчким қочган экан, иккита туғди. Энди шер, эчкининг иккала боласи ҳам меники, менинг серкамдан қочмаганида эчкинг туғмаган бўларди, деяпти.

— Бўпти,— дебди тошбақа,— мен судга бориб, сени ҳимоя қиламан. Бироқ мен боргунимча бошлаб қўйманглар. Мени кутинглар.

Эртасига эрталабдан бошлаб ўрмон ва яйловларнинг барча ҳайвонлари судга йиғилишибди. Шунда ўрмон шоҳи ғазаб билан:

— Ҳамма йиғилдими?— деб сўрабди.

— Ҳа. Ҳамма йиғилди.

— Унда судни бошлаймиз. Қани кўрамиз ким ҳақу ким ноҳақ экан. Воқеа мана бундай бўлган...

Шу пайт чиябўри тортинибгина:

— Судни бошламай турсанглар, ҳали етиб келмаганлар ҳам бор,— дебди.

— Ким экан у?

— Тошбақа...

Ҳайвонлар уни кута бошлашибди. Кутаверишибди, кутаверишибди, кутаверишибди... Қуёш тиккага кепти ҳамки тошбақадан дарак йўқ эмиш. Ҳайвонлардан баъзи бирларининг тоқати тоқ бўлиб:

— Судни бошлайвериш керак. Шунча ҳайвон битта тошбақани кутиши яхшимас. Нима, у ҳаммадан ҳам доно бўп кетибдими?— дейишибди.

Шу пайтда тошбақа аста-секин ўрмондан чиқиб

кела бошлабди ва секин-аста йиғилганларнинг олдига яқинлашибди. Хуноби ошиб ўтирган сиртлон:

— Қаранг-а, шу кўримсиз жонивор, деб бекор ўтирибмиз. Эрталабдан бери қандайдир бир оймитиллани кутгандай кутамиз-а! Ҳа, намунча имиллаб қолдинг, тоғни уриб толқон қилдингмики, вақтида келмайсан. Ҳаммадан ниманг ортиқ?

Тошбақа вазминлик билан жавоб берибди:

— Ўпкангни бос, сўкинишни бас қил. Уйдаги ишим бошимдан ошиб кетди: бир ёқда отам туғадиган...

Ҳамма ҳайвонлар қангу манг бўлиб, бир-бирларига қарашибди:

— Тавба, эркак тошбақа ҳам туғарканми?

Ҳеч кимдан тайинли бирон гап чиқмагач, ҳаммалари тошбақага мурожаат қилишибди.

— Шу пайтгача эркак тошбақанинг туққанини кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасмиз. Фақат урғочиларигина туғарди. Наҳотки биргина сенинг отанг эндиликда туғмоқчи бўлиб ўтирган бўлса?

Шунда тошбақа тантанавор оҳангда:

— Э, шунақа денг? Эркаклар туғмайдами? Мана, серка иккита туғибди-ку! Ахир ҳамманглар шуни исботлаш учун бу ерга йиғилмаганмисизлар?— дебди.

Ҳамма ҳайвонлар ўринларидан туришибди-да:

— Қани, ҳамма уй-уйига. Қозилик қилишнинг ҳожати қолмади. Шундоғам масала равшан. Шер ноҳақ,— деб тўнғиллашибди.

Ана шундай қилиб шер ўз фуқаролари томонидан қораланибди, иккала эчкича эса чиябўрига қолган экан.

ЖАНЖАЛКАШ ХОТИН

(Луанда халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир эр-хотин бўлган экан. Ўртадаги болаларидан ташқари икковларининг ҳам аввалги никоҳларидан болалари

бор экан. Эри қўлидан келган ҳамма ишни қилар, болам-чақам, уйим-жойим деркан. Аммо хотиннинг ундан сира кўнгли тўлмай, жаврагани жавраган экан.

— Ҳеч балода йўқ, ношудсан. Нима қиларкан сен ҳам бошқа эркакларга ўхшасанг! Одамларнинг эри қанақаю сең қанақасан. Сен ҳам эркакмисан!

— Менга нима қипти? Бошқа эркаклардан қаерим кам? Бошқаларнинг эрлари нима қиларкан? Бир билиб қўйсам бўладими? Улар дарёга бориб баллиқ тутишса, мен ҳам тутаман! Улар қайиқда сузишса, мен ҳам сузаман. Улар қопқон қўйишса, мен ҳам қўяман! Экин-тикин экишса, мен ҳам экаман. Чўчқа боқиб, товуқ кўпайтиришса, мен ҳам боқаман. Бошқалар сингари бозор-ўчарниям эплаштираман! Хотинлари билан бир ёстиққа бош қўйишган бўлса, мана, мен ҳам сен билан ёстиқдошман. Бошқа хотинлар ўз эрларидан ҳомиладор бўлгани каби сен ҳам мен туфайли ҳомиладор бўляпсан! Биздаям бола бор. Хўш, қани айт-чи, бошқалардан қаерим кам?— дебди эри бир куни хотинига.

— Эй, қўйсанг-чи! Барибир сен ҳеч балога ярмайсан.

Ҳар сафар хотинидан шунақа гап эшитавериш жони ҳиқилдоғига келган эр оқсоқоллардан маслаҳат сўрашга қарор қилибди. Оқсоқоллар қабила бошлигининг уйи олдидаги каттакон дарахт тагига йиғилишар экан. Улар бу ерда ҳам дам олишаркан, ҳам маслаҳатли гапларни ҳал қилишар экан.

Улар ҳар сафаргидек ҳаммалари каттакон дарахт тагига йиғилиб ўтиришганида, эр келиб уларга мурожаат қилмоқчи бўлибди. Қабила бошлиғи ва бошқа ёш-яланглар ҳам шу ерда экан.

— Эй, сиз қабила бошлиғию оқсоқоллар, кексалару ёшлар, хўжалару фуқаролар, қорни катталару бели букиклар, акалару укалар, рухсат этсангиз, дилимдаги бор гапимни сизларга тўкиб солсам. Шунга ҳаққим борми ёки йўқми?

Ҳамма бараварига:

— Дилингда борини гапиравер!— дейишибди.

— Ундай бўлса, бир бошдан гапириб берай. Агар

бир одам иккинчи бир одамга: «Сен ҳеч нарсада йўқсан! Ҳеч бир иш қўлингдан келмайди! Эвлоқсиз ношудсан!» деяверса, чурқ этмай, чидайвериши керакми?

— Йўқ, бунақа гаплар одамнинг иззат-нафсига тегади!— дебди ўтирганлардан бири.

Бошқалар яна бир оғиздан:

— Гапиравер, қулогимиз сенда,— дейишибди.

Шунда оқсоқоллардан бири:

— Менга қара, бу гапикки эркак ўртасида ўтди-ми ё икки аёл ўртасидами, ё бўлмаса эркак билан аёл ўртасидами?— деб сўрабди.

— Эркак билан аёл ўртасидамас, эр билан хотин ўртасида бўлди.

— Қанақайкан ўша эр-хотин?

— Эр мену аёл хотиним.

— Вой-войў! Бу можарони қабила бошлиғи билан оқсоқоллар ҳал қилишлари мумкин.

— Қани, бир бошдан тушунтириброқ гапир-чи,— дебди қабила бошлиқларидан бири.

— Эшитинглар бўлмаса, қабила бошлиғию оқсоқоллар, донолару билимдонлар, акалару укалар. Хотиним эртаю кеч: «Сен эркак эмассан! Ҳеч балода йўқсан! Бошқа эркакларнинг тирноғига ҳам арзимайдиган ношудсан!» деб менга кун бермайди. Мен унга, бошқа эркаклар нима қилса мен ҳам шуни қиляпман. Бозор-ўчарни ҳам, савдо-сотиқни ҳам бинойидек эплайман, тўғри, баъзида дурустроқ, баъзида мундайроқ бўлади. Мен унга уйланаётганимда аввалги хотинимдан болаларим бор эди. Уни ҳам аввалги эридан фарзандлари бор. Бир ёстиққа бош қўйганимиздан кейин болаларимиз яна кўпайди. Ҳамма эркакдақа ишларимни бажариб юрибман. Нимага хотиним мени бунчалик камситади, доим ҳақорат қилади, бошқа эркаклардан паст кўради.

— Менга қара,— дебди оқсоқоллардан биттаси.— Балки хотининг туморинг йўқлиги учун шунақа ҳархаша қилаётгандир. Шуниям қилиб кўргин. Ажаб эмас хотининг ҳовридан тушиб қолса, гапим тўғри-ми,— дебди у қабила бошлиғига қараб.

— Рост айтяпсан. Шундай қилсанг, хотинингни чакаги ўчади,— дебди қабила бошлиғи.

Шундай қилиб эр, уларнинг маслаҳати билан тумор ёздиргани дуохоннинг слдига борибди.

— Туморни нима қиласан? Бошингга бир иш тушдими?— дебди дуохон.— Мен буни билишим керак, шунга қараб иш кўраман.

Эр бор гапни бир бошдан сўзлаб берибди. Хотинининг: «Сен ҳам эркакмисан! Ҳеч балода йўқсан! Бошқаларнинг тирноғига ҳам арзимайсан!» деган гаплариниям, ўзининг ҳамма ишни балодай эплашиниям батафсил гапириб берибди.

— Бўлди, тушунарли. Туморни ёзиб бераман. Лекин бунинг касри сенинг болангга ҳам, икки ўртадаги болаларингга ҳам эмас, балки хотинининг аввалги эридан бўлган катта қизига ёки катта неварасига уради. Ана шундагина хотинининг кўзи очилади, сени бекорга хафа қилганига пушаймон ейди. Энди уйингга кетавер. Мана, тумор ҳам тайёр бўлди.

Эр уйига келибди ва ҳеч гап бўлмагандек, бемалол юраверибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, жанжалкаш аёлнинг катта невараси болалар билан акажу еб ўтирган экан, уруғи томоғига тиқилибди-ю, бир-икки йўталиб, оламдан ўтибди.

Одамлар ўзаро, нимага ўлдийкин, деб суриштира бошлашибди ва бувасини айбдор деб топишибди.

Қариндош-уруғлар, қуда-қудағайлар йиғилишибди, ҳамманинг оғзида неваранинг ўлими ҳақидаги миш-миш гаплар.

— Бола буванинг айби билан ҳалок бўлган бўлса, бува, тамоман ҳақ!— дейишибди йиғилганлар.— Бечора эр жуда кўп ноҳақ ҳақоратланди, ҳаммасига чидади. Ахир ҳар бир нарсаниям чеки бор-да. Ноҳақ ҳақорат қилган, жанжалкаш аёлга худо кўрсатди. Яхши одамни ҳақорат қилиш инсофданмас.

Эр шу йўл билан ҳар нарсага қодир эканлигини хотинига исбот қилган экан.

ҚУЁН, ФИЛ ВА ГИППОПОТАМ

(Нгангела халқ эртаги)

Бепоён чўлдан оқиб ўтадиган дарё қирғоғида бир жажжи қуён яшар экан. Кунларнинг бирида у ўзининг нималарга қодирлигини бошқа ўзидан катта ҳайвонларга кўрсатиб қўймоқ ниятида кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни қабилда иш тутмоқчи бўлибди.

Шу мақсадда у дарё бўйига қараб йўл олибди. Қуён у ерда гиппопотамни учратибди-да, унга қараб: «Мен ундоқман, мен мундоқман, дуч келган билан олишишга қодирман, ҳатто сениям жойингдан қўзғатишга кучим етади»,— дебди.

Гиппопотамнинг кулгиси қистабди, қуённинг гапларига ишонмабди. Унинг кулганига бир оз ранжиган қуён кета туриб, гапимнинг устидан чиқмасам, отимни бошқа қўяман, дебди.

Кейин қуён филни қидириб кетибди. Узоқдан кулранг тепага кўзи тушибди. Яқинлашиб бориб қараса, у фил экан. Қуён таъзим билан филга яқинлашибди-да, гиппопотамга айтган гапини унга ҳам такрорлабди. Мана кўрасан, сўзимни устидан албатта чиқаман, дебди. Фил кулиб, бошини сарак-сарак қилибди-да, орқасини ўгириб олибди. Қуён бўлса пишиқ-пукта арқон излаб кетибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, қуён узундан-узун пишиқ арқон топиб келибди-да, бир учини филнинг оёғига, иккинчи учини гиппопотамнинг оёғига бойлаб қўйибди.

Натижада бир-бирини кўрмаган ҳолда фил билан гиппопотам бир-бирини торта бошлашибди. Уларнинг икковиям, арқоннинг бир учини қуён тортяпти, деб ўйлашибди.

Фил билан гиппопотам қанчалар тортишмасин, бир-бирларини сираям қўзғатиша олмабди.

Қуён эса фил билан гиппопотамнинг ўртасида зирюгуриб, кўрдингларми нималарга қодирлигимни, дер-

миш. Сенларнинг гавдангни қара, ҳеч балода йўқсанлар. Фил билан гиппопотам, қуённи тортиб оламан, деб ҳолдан тойибдилар. Шу куйи мадорлари қуриб ётиб қолишибди ва қуённинг қудратига тан беришибди.

МАНГУСТА, КАЛАМУШ ВА МУСИЧА

(Зонго халқ эртаги)

Азим дарахт тубида Мангустанинг ини бор экан, шу дарахт ковагида каламуш ҳам яшаркан.

Бир куни Мангуста билан каламуш ўз инларида ўтиришса, битта мусича шу дарахт шохига келиб қўнибди-ю, ғўриллай бошлабди. У шундан бўлак ҳеч нарсаниям билмас экан-да!

Мусичанинг овозини овчи эшитиб қолишидан қўрққан Мангуста каламушга дебди:

— Бир амаллаб анавининг овозини ўчирсанг-чи, иккимизнинг ҳам инимизга овчининг кўзи тушса борми, ҳолимиз вой бўлади.

Каламуш эса мусичанинг жуда ҳам баланд шохга қўниб турганини Мангустага тушунтирибди. Мусича пастроқ шохда бўлгандаям гапимга кирармиди, дебди у Мангустага.

Ҳақиқатан ҳам мусичанинг овози овчининг қулоғига етибди. Овчи келиб шохдаги мусичани кўрибди-ю, унга ёй отибди. Яраланган мусича дўп этиб каламушнинг инига тушибди. Қўрқиб кетган каламуш югурганича бориб ўзини Мангустанинг инига урибди. Бироқ Мангуста уни инига йўлатмабди.

— Йўқ, сени инимга киргизмайман! Шунақа бўлишига кўзим етганидан, сени огоҳлантирган эдим. Ана бепарволигингни оқибати. Сенга ўхшаган бепарволарнинг касрига кўпчилик азият чекади,— дебди.

ША-ШИПОНИНГ ҒОРГА ТУШИБ КЕТГАНИ ҲАҚИДА ЭРТАК

(Ғабела-Амбоин музофотида яратилган)

Лапунди бошлиқ қабилада Ша-Шипо исмли бир киши яшар экан. У овга жудаям қизиқаркан, бошқа ишларга унча ҳуши йўқ экан. Хотини унга бошқа бирон иш билан шуғуллан десаям, сира унамас экан. Ҳар куни эрта азонда тураркану, овга жўнаркан.

Кунларнинг бирида у итларини эргаштириб Лонда тепалигига қараб йўл олибди. У ерда ёввойи қуён ниҳоятда кўп экан. У тепаликка яқинлашиши билан итлари қуёнларни кўриб қолишибди. Кўришибди-ю, уларнинг ортларидан қувиб қолишибди. Қуёнлар дара қаърига ўзларини уриб, кўздан ғойиб бўлишибди. Итлар ҳам уларнинг кетидан қувиб кетаверишибди. Овчи Ша-Шипо уларни кутибди, кутибди, бироқ итлари қайтиб келишмабди. Вақтни бекор ўтказмаслик мақсадида олдидаги уяни текшириб кўрмоқчи бўлибди. Ерга ўтириб олиб оёғини уяга тикибди. Шунда у чуқурликка тушиб кетибди.

Шу пайтда итлари қайтиб келиб, эгаларини қидиришибди. Унга кўзлари тушибди-ю, ён-атрофдан нажот излаб, вовиллай бошлашибди.

Овчининг ўғиллари отаси уйига қайтавермаганидан хавотирланиб, йўлга чиқшиган экан. Тепаликка етмаслариданоқ итларининг вовиллашларини эшитишибди. Етиб бориб қарашса, итлари бир уянинг атрофини қуршаб олиб вовиллашаётганмиш. Мундай яқинроқ келиб қарашса, чуқурликда оталари чўзилиб ётганмиш. Уни ўлган деб ўйлашибди-ю, ҳўнграб йиглаб юборишибди.

Бироқ овчи ухлаб қолган экан. Ўғилларининг йиглаётганини эшитиб, кўзини очибди, уларни олдига чақирибди. Оталари тириклигини билгач, уни юқорига тортиб олиш йўлини қидира бошлашибди. Қанча ўйламасинлар, бирон тайинли фикрга кела олмабдилар. Орадан анча вақт ўтибди.

Охири улар маслаҳат сўраб, донишманд қариянинг қошига боришибди. Донишманд уларга, чуқурга овқат ташлаб туринглар, яна отангиз очдан ўлиб қолмасин, дебди.

Ўғиллар уйга бориб, воқеани оналарига айтишибди. Онаси қўл силтаб:

— Яхши бўпти, энди овга бормаи, уй-рўзғор ишлари билан шугулланар,— дебди.

Орадан бир кун ўтибди, икки кун ўтибди, бироқ уни қутқариш йўлини топишолмабди. Ҳар кунни овқат ташлаб туришибди, холос.

Ниҳоят, Кариало деган ёш йигит Ша-Шипони бешикаст қутқариш йўлини ўйлаб топибди.

— Уни қутқариш учун қишлоқ аҳлининг ҳаммаси чуқурликка биттадан тош ташласин,— дебди.

Халқ унинг айтганини бажариб, уяга биттадан тош ташлай бошлабди. Ташланган тошларни зина қилиб, Ша-Шипо ўрадан чиқибди.

Ҳамманинг вақти чоғ, фақат Ша-Шипонинг хотинигина хафамиш. Буни кўрган Ша-Шипо, энди овга бормаи, деб онт ичибди. Хурсанд бўп кетган хотини эрини қутқарганларни хурмо мусалласи билан сийлабди. Кечқурун эса қишлоқ аҳли Ша-Шипо ша-рафига сайил уюштиришибди.

ТУЛКИ ВА КАКЛИК

(Балунда халқ эртаги)

Тулки билан каклик сичқон овлаш мақсадида ўт-ўланларни ёқмоқчи бўлишибди.

Каклик тулкига:

— Сен анави ўтларнинг орасига яшириниб ўтир, мен бир бошдан ёқа бошлайман,— дебди.

Тулки ўт-ўланлар орасидан чуқур топиб, тушиб ўтирибди. Каклик ўтларни ёндириб бўлибди-да:

— Тулкиой, қаёқдасан, ёниб кетмадингми? — дебди.

— Йўқ,— дебди Тулки.

Кейин тулки какликка:

— Юр, энди сал нарироққа борамиз-да, сен яширинасан, мен ёқаман,— дебди.

Каклик қалин ўт орасига яширинибди. Тулки ўт-ўланни бир бошдан ёқа бошлабди-да:

— Каклигой, ўртоқжон, исиб кетмаяпсанми?— дебди.

— Йўқ, дугона, иссиқ эмас,— дебди каклик.

Шундан кейин тулки ўт-ўланни тўрт томондан ёқиб юборибди-да:

— Ўртоқжон исимаяпсанми?— дебди.

Аммо каклик жавоб бермабди, чунки у аллақачон жизғанақ бўлиб кетган экан. Айёр тулки кабоқ бўлган какликни қопига солибди-да, уйига олиб кетибди.

ХАЛҚ ЭРТАҚЛАРИ



«МИСОСО» («ТАРИХ»)
ТУПЛАМИДАН

ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

«Миссо» («Тарих»)
тўпамидан



КИМАЛАУЭЗО ОҶУ СЕША ВА ШЕР ҲАМЁН ШЕР
БУВАНИНГ КУЛИ ОВЧИ УЧ ОПА-СИНГИЛ ГАПИРАДИГАН
БАЛИҚ САНДИҚ ИККИ ДУСТ — СЕША ВА БАМБИ ҲАЙВОН-
ЛАР ШОҶИ ҚУЁН ВА МАЙМУН ОПА-СИНГИЛ ЭГИЗАКЛАР
ҚОПЛОҢ КИЙИК ВА МАЙМУН ИТНИНГ УЧИ ИККИ АКА-
УКА ВА МАХЛУҚ ИЛОҢ СУВ ОСТИ МАЛИКАСИ САМБА
ИККИ ОШНА ҚУЁН ВА МАЙМУН

КИМАЛАУЭЗО

Амбаки шаҳрида истиқомат қилувчи бир бўйрачи фалакнинг гардиши билан узоқ бир ерга бориб қолибди. Борган жойида бир қанча вақт яшаб қолибди. Борганига анча вақт бўлганига қарамай, биттаям ҳомиладор аёлни кўрмабди. Бирон марта гўдак йиғисини эшитмабди.

У бундан ҳайратга тушиб, ўша ерлик бир одамни саволга тутибди:

— Келганимдан бери на бирор ҳомиладор хотинни ва на бирор гўдакни кўрдим. Ҳаммангизнинг хотинингиз бор, наҳотки уларнинг биронтаси ҳам туғмаса?

Бўйра сотувчи мусофир ҳақида шу ернинг аҳолиси:

— Эҳтимол, у табибдир, бефарзандликка даво топса ажабмас,— дейишибди.

Улар йиғилишиб, оқсоқоллари Кималауэзо олдига боришибди-да, бўлган воқеани гапириб беришибди.

— Балки у чинданам табибдир,— дебди оқсоқол.— Ҳузуримга чорланглар уни. У билан бир гаплашиб кўрай-чи.

Бу гапни эшитган бўйрачи бир оз талмовсирабди. Мендан нима гуноҳ ўтдийкин, деган хаёлга борибди. Лекин барибир боришга жазм қилибди.

— Менга қара, бўйрачи, сен ажойиб савол берибсан одамларимга. Яна табиб бўлмагин,— дебди Кималауэзо.

— Э, йўқ, мен ҳеч қанақа табиб эмасман. Шунчаки сўрадим-қўйдим-да. Лекин биз томонда туғмаганларни даволайдиган бир доя бор,— дебди бўйрачи.

Буни эшитган оқсоқол:

— Эй, мусофир, мабодо шаҳрингга кетмоқчи бўлсанг, албатта менга айтиб кет. Ахир, менинг хотиним ҳам сира тукқан эмас,— дебди.

Бўйрачи оқсоқолни хабардор қилишга сўз берибди.

Вақт-соати етиб бўйрачи ўз шахрига отланган экан, оқсоқол унга Тандалу, Боле, Зенгеле ва Гангу Боле деган тўртта маҳрамини қўшиб юборибди. Улар бориб доя кампир билан маслаҳатлашадиган бўлишибди.

Бўйрачи уларни кампирнинг олдига бошлаб борибди.

Кампир келганлар билан савол-жавоб қилиб бўлгач, оқсоқолнинг илтимосини бажаражагини айтиб:

— Мен ҳозир сизларга бир дори тайёрлаб бераман. Обориб оқсоқолнинг хотинига берсангиз, албатта ҳомиладор бўлади,— дебди.

Кампир ўрмондаги кўлга бориб бешта қумғонга дори аралаштириб муқаддас сувдан тўлатибди-да:

— Оқсоқолингизга бориб тайинланг, хотини тўққиз кунгача қумғондаги сувдан ичиб турсин. Битта қумғондаги сув тугаши билан оқсоқол уни олиб, ўзи ётадиган жойга қўйиб қўйсин... Барча қумғондаги сув тугамагунча шундай қилаверсин. Хотини нечта қумғонни бўшатса, шунча фарзандлик бўлади,— дебди.

Оқсоқолнинг маҳрамлари уйларига қараб йўл олишибди. Кета туриб йўлда улар: «Агар биз шунча қумғонни оқсоқолга берсак, унинг хотини бир эмас, беш фарзанд кўраркану, бизнинг хотинларимиз битта ҳам туғмас экан-да»,— деган васвасага тушишибди.

Бу мулоҳазани шерикларига айтган экан, улар маслаҳатлашиб, оқсоқолга битта қумғон бериб, қолганларини ўзлари бўлашиб олмоқчи бўлишибди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас оқсоқолнинг хотини ҳомиладор бўлибди. Кетма-кет қолган тўрттасининг ҳам хотини бошқоронғи бўлибди. Ой-кунлари етиб, бешовлари ҳам паҳлавондек ўғил кўришибди. Айниқса оқсоқолнинг ўғли жуда ҳам барно экан.

Лекин гўдаклар тинмай йиғлашармиш. Нега бундай бўлаётганига ҳеч ким тушунмасмиш.

Беш онанинг боши қотиб, фолбинга ром очиринган экан, фолбин уларга:

— Ахир бу беш ака-ука туғишган оға-инилар-ку.

Улар бир уйда, бир оилада яшамагунларича йигилари босилмайди,— дебди.

Шундан кейин беш она боласини кўтариб, бир-бирлариникига серқатнов бўп қолишибди. Гўдаклар навбатма-навбат бир-бировлариникида яшай бошлашибди. Шу аснода орадан бир йил ўтибди. Болалар юрадиган бўлишибди. Ана шундан кейин ўзлари чопқиллаб бир-бировлариникига бориб ўйнай бошлашибди... Ҳаммаларининг исми Лау бўлиб, фамилиялари оталарининг исми билан юритиларкан. Ҳаммалари бирга ўсиб, бирга катта бўлишибди. Биттаси бир жойга борса, қолгани ҳам унинг кетидан қолмас экан. Бешови ҳам бир-биридан чиройли бўлиб, ораларида биттаси, яъни оқсоқолнинг ўғли ниҳоятда барно экан. Уни кўрган заҳоти аёллар эс-ҳушидан ажраб, маҳлиё бўлиб қолишаркан. Ҳатто эркаклар ҳам унинг чиройига ҳангу манг бўлиб қолишаркан.

Лау Кималауэзонинг бошига қора кун тушибди. Унинг онаси вафот этибди. Худди шу кунларда Лаунинг овозаси Ангола ҳокимининг ҳам қулоғига бориб этибди. Ҳоким оқсоқолникига чопар юбориб, ўғлини юборишини сўрабди. Йигитчани бир кўрмоқчи бўлибди. Бироқ оқсоқол бу илтимосга лоқайд қараб, уни эътиборсиз қолдирибди. Ҳоким иккинчи марта ўз аъёнларидан бирини юбориб, яна илтимос қилибди. Оқсоқол бу сафар ҳам унинг илтимосини қондирмабди. Хуноби ошган ҳоким учинчи марта чопар юбориб, пўписи қилибди.

— Агар бу сафар ҳам илтимосим бажарилмаса, устига қўшин тортаман,— дебди.

Бунни эшитган Лау ҳоким қошига бормоққа жазм қилибди-да:

— Отажон, рухсат этинг, мен ҳокимнинг олдига бора қолай, тагин устимизга қўшин тортиб ўтирмасин. Йўқ деманг. Йўқлигимда соғиниб қолмаслигингиз учун ёғочдан ҳайкалимни ясаб бериб кетаман. Мабодо мени соғинсангиз, ўша ҳайкалга қараб турарсиз,— дебди.

Лау ниҳоятда абжир, ҳар ишнинг уддасидан чиқадиган йигит бўлганидан отасидан рухсат олибди-ю, яхшироқ ёғоч қидириб ўрмонга жўнабди. Ўз аксини ёғочга айнан тушириш учун Лау бир неча кун кўзгуга

тикилиб ўтирибди. Мана, ниҳоят ёғоч ҳайкал тайёр бўлибди. Лаунинг моҳирлигини қарангки, ҳайкалда айнан ўзини акс эттирибди: кўз қараши ҳам, гаплашаётгандаги қиёфаси ҳам, ҳатто овқатланаётгандаги юз ифодасигача ҳайкалда ўз аксини топибди. Ҳайкални у ўзи яшайдиган хона билан ёнма-ён жойлашган муқаддас ҳужрага қўйибди.

Кунлардан бир куни Лау ўз мулозимлари билан Луанда томон йўл олибди. Йўл олганда ҳам юриб эмас, тахтиравонда йўлга чиқибди. Йўл-йўлакай Лауга кўзи тушган халқ тахтиравонни қўлма-қўл қилиб юборишибди. Мана, ниҳоят Лау кўп интизор бўлган ҳоким ҳузурига ҳам етиб келибди.

Ҳокимга Лау жудаям ёқиб тушибди. У тутинган ота бўлишга қарор қилибди. Бу гапни у йигитчанинг отасига айтган экан, отаси ҳам рози бўлибди.

Оқсоқол Кималауэзо ёлғизликдан қийналиб кетибди. Ён ҳужрадаги ўғлининг ҳайкали ҳам унинг кўнглига ором беролмабди. Уйлай-уйлай уйланишга қарор қилибди.

Кунларнинг бирида оқсоқолнинг кейинги хотини тўрт ака-ука Лауларни кўриб, уларнинг чиройига маҳлиё бўлиб қолибди.

— Шунақа чиройли йигитлар бор экан-ку, бир бедаво чолга тегиб ўтирибман-а, — дебди у қўшни аёлга.

— Сен ҳали шу йигитларни чиройли деяпсанми. Оқсоқолнинг ўғлини кўрмабсан, бу яқин ўртада ундан ўтадиган барно йигит йўқ, — дебди қўшни аёл оқсоқолнинг кейинги хотинига.

— Эримнинг ўғли борми ҳали?

— Бор бўлганда қандоқ. У йигит чиройлиликда таърифга сизмайди.

— Эрим менга бунни айтмаган эди-ку. Қаерда ўша сиз айтган ўғли? Нега мен уни кўрмайман?

— У Луандада, Ангола ҳокими саройида яшайди. Агар уни кўрмоқчи бўлсанг, эринг ишга кетганида анави ҳужрага кир. Уша ерда унинг ҳайкалини кўрасан. Нақ тирик Лау дейсан уни.

Бир куни нимаям бўлиб ҳужранинг эшиги очиқ қолган экан, аёл ҳужрага кирибди. Қараса, қаршисида ҳуснда тенги йўқ бир йигитнинг ҳайкали турган-

миш. Аёл уни кўрибди-ю, ҳаловати йўқолиб, қўли ишга, оғзи ошга бормай қолибди. Юрсаям, турсаям кўз ўнгида ўша йигитнинг қиёфаси пайдо бўлаверибди.

— Нега бунчалик ўзгариб қолдинг? Хаёлинг паришон. Бир нарса сўрасам талмовсирайсан. Қўлинг ҳам ишга бормай қолди. Тинчликми ўзи?— деб сўрабди эри ундан.

— Сиздан хафаман,— дебди хотини.— Нега мендан ўғлингиз борлигини яширдингиз?

— Сираям яширганим йўқ. Ўғлим кўпдан бери Луандада, Ангола ҳокимининг саройида яшайди. Агар уни кўргинг келса, майли, Ангола ҳокимидан илтимос қиламиз, уч-тўрт кунга меҳмонга юборса керак.

— Наҳотки ўғлингизга ҳоким сиздан ҳам азиз бўлса? Ҳозироқ одам юборинг. Ҳаялламай етиб келиб, хоки пойингиз бўлсин.

— Сираям ундай қилолмайман. Ахир ҳокимнинг ўзи уни тарбияляпти. Ундай қилсам нонтепкилик бўлади.

— Бўлмаса мен кетаман бу даргоҳдан,— дебди хотини.

Талай пайтгача хотини ўғил масаласида оқсоқол билан мунозара қилибди. Нима бўлгандаям ўғил ота даргоҳида яшаши керак, деб ўз сўзида қаттиқ туриб олибди.

Лаунинг келишиниям кутмай у ишончли одамдан унга дилрозини айтиб мактуб йўллабди.

Аёл бир дақиқа ҳам уни ўйламай туролмабди. Лау кўз ўнгидан сира нари кетмайдиган бўлиб қолибди. Гўё Лау уйқудан уйғоняпти-ю, аёл унинг қаршисида тиз чўкиб тургандек эмиш. Йигит қаёққадир кетаётган эмишу аёл унинг оёқлари остида тиз чўкиб турармиш.

Ўгай онанинг севги тўла мактуби Лауни сираям талпинтирмабди, чунки у уйланган экан. Ҳатто севги йўлида бу даражада изтироб чекаётган аёлга заррача ҳам ачинмабди. Аёлнинг дилрози тўла мактубини оқсоқол ҳам, Ангола ҳокими ҳам сезишмабди.

Ўгай она бўлса ўз сўзида қаттиқ туриб олибди. Ҳарна қилса-да, ўғил ота ҳузурида яшаши керак. Ба

ниҳоят, оқсоқол юрак ютиб, ҳокимга мактуб йўллабди. Мактубида ўғлини уч-тўрт кунга меҳмон бўлиб кетишини илтимос қилибди. Бу ҳақда Лаудан сўрашган экан, у вақти йўқлигини айтибди. Лаунинг рад жавоби ўгай онанинг жон-понини чиқазиб юборибди.

Отанинг хати анчагина таъсирли бўлса ҳам у рад этибди.

Оқсоқол илтимос билан иккинчи марта одам юборибди. Лау бу сафар йўқ дея олмабди, стасининг таклифини қабул қилибди.

Лау кетаётганида халқдан қанчалик иззат-икром кўрган бўлса, келаётганида ҳам ундан кам бўлмабди. Лауни тахтиравонга ўтқазиб, тавозе билан кузатиб келишибди. У ўтирган тахтиравон қўлма-қўл ўтиб, охири ўз жойи манзилига етиб келибди. Оқсоқол худди шу пайтда урушга кетадиган бўлибди-ю, аёнларига ўғлини яхшилаб кутиб олишни буюрибди. Тайинланган одамлар пешвоз чиқиб, уни кутиб олишибди.

Ўғлининг келиш шарафига ўгай она, гарчи эри йўғида мумкин бўлмаса-да, жонлиқ — эчки сўйдирибди. Эчки сўйилиши билан Лау унинг юраги билан жигарини яшириб қўйибди. Гарчи у Луандада тарбия топган бўлса-да, ўзи туғилган жойнинг урф-одатларини яхши билар экан.

Эртасига ўгай она чўчқа сўйдирибди. Лау унинг ички аъзоларини ҳам аста яшириб қўйибди. Учинчи куни ҳам, тўртинчи куни ҳам шу аҳвол давом этибди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, тўртта ака-ука Лаулар уникига меҳмон бўлиб келишибди. Ўгай ўғилни келган кунидан бери зиёфатга кўмиб юборган она меҳмонларнинг қабул маросимида ҳам қатнашибди. Зиёфат айни авжига чиққанида, у, оёғимга бир нима кириб кетди, деб войвойлаб қопти. Тўрт ака-ука эгилиб, зирапчани қидириб топишолмабди. Ўгай ўғли эгилиши билан гўёки унинг оёғидаги оғриқни суғуриб олгандай тинчиб қопти.

Эртасига ўгай она ўзини касалга солибди. Лау унга дори юборибди. Аммо она унинг ўзини чақиртирибди.

Тўрт ака-ука ялиниб-ялтоқланиб уни боришга кўндиришибди. Лау унинг олдига кириши билан ўгай

она ҳаммаёғини пичоқ билан тилиб, қичқира бошлабди:

— Ҳа, ҳали сен мени ўлдирмоқчи бўляпсанми? Ўлдирасанми, а?!

Бироқ у қанчалар дод-вой солмасин, ҳеч ким эшитмабдиям, ёрдамгаям келмабди.

Орадан бир неча кун ўтгач, эри урушдан қайтибди. Ана шунда хотин танасини очиб, жароҳатларини кўрсатибди.

— Ҳали сен мендан ким қилди деб сўрарсан?— дея ўдағайлабди у эрига.— Сенинг ўғлинг қилди.

Ота ўғлини чақириб, ўгай бўлсаям онанг-ку, нега ундай қилдинг, дебди.

Ўғил чурқ этиб оғиз очмабди.

Шундан кейин оқсоқол аъёнларига эртага эрталаб кенгаш чақиршига фармон берибди.

— Яна нима бўлди? Ўзи-ку, кеча урушдан қайтди. Бугун кенгаш чақиршининг боиси нима экан?— деб ҳайрон бўлишибди одамлар.

Чақирган жойга албатта бориш керак, деб аъёнлар йиғилишибди.

— Мен сизни нохуш бир хабарни маълум қилмоқ ниятида чақирдим. Аввало, сиз қўшни давлат раҳбарларини чақиртиринг, кейин ўз элимизнинг фуқаросини тўпланг,— деб амр қилибди Кималауэзо.

Эртасига Кималауэзонинг уйи олдидаги катта дарахт соясига қўшни давлат раҳбарлари, оқсоқоллар ва оддий халқ вакиллари тўпланишибди.

— Тингланглар, азизлар, айтган сўзимни,— дебди Кималауэзо йиғилганларга мурожаат қилиб,— ўғлим келганида мен урушга кетгандим. Қайтиб келсам, хотиним ўғлимдан шикоят қилиб қолди. Ўғлим хотинимни ўлдирмоқчи бўлиб, бир неча ерига пичоқ урибди. Ўғлимни чақириб, нима гап, деб сўрасам, бир оғиз ҳам жавоб бермади. Қайта-қайта сўрасам ҳам ҳеч бир гап айтмади. Шунинг учун энди уни суд қилмоқчиман.

Улуғлардан биттаси Лауга:

— Нима боисдан ўгай онангга шунчалик азоб бердинг?— деб сўрашибди.

Лау индамабди.

— Нега индамайсан? Ахир сен катта гуноҳ қилгансан. Бунинг учун сени суд қиламиз,— дебди бошқа бир улуғ одам.

Лау яна индамабди.

Шундан кейин ноғоралар гумбурлабди. Аёллар болгача кўтариб олиб ўлим рақсини бошлашибди. Бу билан гўёки гуноҳкорнинг бошига болга билан уриб: «Сенинг жазойинг шу, сенинг жазойинг шу, Кимала-уэзонинг ўғли Лау»,— демоқчи бўлишибди.

Орага бир оз жимлик чўккач, Лаулардан биттаси ўртага чиқиб:

— Улуғлару ҳам оқсоқоллар, қани айтинг-чи, Засамбенинг ўлимига ким айбдор?

— Буни сендан сўраймиз,— дебдилар бараварига ҳамма оқсоқоллар.

Шунда Лау тўпланганларга қараб гап бошлабди:

— Қулоқ солинг, одамлар!

— Қулоғимиз сенда, гапиравер,— дейишибди.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, аллақайси бир юртда қуйиб қўйгандай бир-бирига ўхшаган икки ака-ука бор экан. Каттасининг исми Мусамбе, кичигининг исми Засамбе экан. Йиллар кетидан йиллар ўтиб улар улғайишибди. Уйланиб, бола-чақалик бўлишибди-ю, бошқа-бошқа турадиган бўлиб кетишибди. Уларнинг бири учала хотини билан бир қишлоқда яшаса иккинчиси учала хотини билан бошқа бир қишлоқда яшаркан.

Кунларнинг бирида икки ака-ука бир-бирини кўргиси келиб қолибди-ю, бир куннинг ўзида у ўз қишлоғидан, буниси ҳам ўз жойидан йўлга чиқишибди. Улар йўлда учрашишмабди, чунки бошқа-бошқа йўлдан юришибди. Акаси укасининг уйига, укаси эса аканинг уйига кириб борибди. Ҳар иккала уйдаги хотинлар ҳам уларни рўйхуш бермай кутиб олишибди.

— Намунча тез қайтмасангиз?— дейишибди хотинлари.— Хайрлашиб улгурмасимиздан салом бериб кириб келяпсиз.

Эрингизнинг акасиман, дермиш каттаси, эрингизнинг укасиман, дермиш кичиги. Хотинлар эса ишонишмабди.

Мусамбе ўтирмоқчи бўлиб стул сўраса, укасининг хотинлари:

— Бориб олаверинг, қаердалигини биласиз-ку,— дейишибди.

Засамбе ташна бўлиб сув сўраса:

— Туриб ича қолинг, ўзингиз билган ерда,— дейишибди акасининг хотинлари.

Хотинларга ҳақиқатни уқтиролмаган икки ака-ука уйларига қайтишга қарор қилдилар. Бу сафар улар йўлда учрашишибди. Ҳар иккиси ҳам бир ерга ўтирволиб бўлган воқеани сўзлаб беришибди.

Роса ҳасратлашиб бўлишгач, уй-уйларига кетишибди. Кета туриб, бирдан Мусамбенинг кўнглига шубҳа тушибди.

— Укам менинг уйимда нима қилган экан. Мабодо хотинларим билан бирга бўлмадимикин?

Рашик деган офат кўнглига гўлгула солибди-ю, укасини орқасидан отибди. Засамбе:

— Войдод, ўлдим,— дея олибди, холос. Бирдан уни эси ўзига келибди-ю, «Укажоним, укагинам!» деб дод солганча устига ташланибди. Укаси ўлиб бўлган экан, унинг мурдасини бир бута тагига кўмиб қўйибди.

— Укамга нима қилди? Мен уни йўлда ўлиб ётганини кўриб қолдим. Агарда сенлар уни яхши кутиб олганларингда, у уйда мени кутиб ўтирган бўларди,— дебди Мусамбе хотинларига ва хотинларини ёнига олиб, укасиникига хабар бергани кетибди.

Охирида Лау хулоса ясабди:

— Хўш, Засамбенинг ўлимига ким айбдор? Хотинлар эмасми?

— Тўғри, хотинлар айбдор!— дейишибди тўпланганлар.

Сўнг:

— Судни эртага кўчирамиз,— деган қарорга келишибди.

Эртасига Лауга яна ўшандай савол беришибди.

— Нима сабабдан ўгай онангни ўлдирмоқчи бўлдинг? Қўрқмасдан бор гапни гапир!

Лекин Лау яна индамабди. Яна ногора гумбурлабди. Яна аёллар ўлим рақсини бошлабдилар: «Сенинг жазойинг шу, сенинг жазойинг шу, Кималауэзо!»— дея қичқира бошлабдилар.

Шу пайт Лаулардан иккинчиси ўртага чиқиб:

— Гапларимга эътибор беринг, азизлар. Овчининг ўлимига ким сабаб, биласизми? — дебди.

Оқсоқоллар унга:

— Сен биласан, — дейишибди.

Иккинчи Лау уларга қараб:

— Эшитинглар бўлмаса, — дебди.

— Қулоғимиз сенда, гапиравер.

Иккинчи Лау ҳикоясини бошлабди:

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир эр-хотин бор экан. Эри жуда моҳир овчи экан. У ҳар сафар овга борганида иккита-учта ўлжа билан қайтаркан. Ўлжасини ташиб келиш учун бола-чақаси ва қариндошуруғларини ёрдамга чақираркан. Кейин ҳаммалари ўлжани баҳам кўришаркан.

Қазоси этиб, қариндошларидан бири вафот этибди. Унинг ортидан кетма-кет бошқалари ҳам. Битта қари амакисидан бошқа ҳаммалари қазо қилишибди.

Ғам-ташвишда қолган овчи овга бормай қўйибди. Ахир бир ўзи отган ўлжасини ташиб келолмас эканда! Катта-катта уч-тўртта ўлжани олиб келишнинг ўзи бўладими ахир?

Бекор қолган овчи балиқ овлашга бормоқчи бўлибди. Бироқ дарёда сув камайиб балиқлар ҳам йўқолиб кетибди.

— Энди очимиздан ўламиз шекилли? — дебди унга хотини. — Яна овчилигингни қилавермайсанми?

— Йўғ-э! Қандай қилиб овга бораман. Менга ёрдам берадиган қариндошларим ўлиб бўлишди. Кошки битта нарсани овлаб қайта қолсам.

— Жудаям кўп ов қилмагин, — дебди хотини. — Шунда бемалол кўтариб келаверасан.

— Гапинг қизиқ-а, ҳақиқий овчи ҳеч замонда ўрмондан битта ўлжа билан қайтадими? Сираям бундай қилиб бўлмайди.

Лекин хотини гапиравериб ҳоли жонига қўймагач, охири рози бўлибди.

Ҳар сафаргидек овчи Уии, Гунза, Кабила номли итлари билан овга жўнапти. Бу сафар у биргина оҳуни отиб ўлдирибди-да, уйига кўтариб келибди. Иккинчи сафар ҳам битта оҳу овлабди. Лекин учинчи сафар иккита катта-катта оҳуни овлабди-ю, қандай қилиб уй-

га олиб кетишни билмай боши қотибди. Ўлжасининг тепасида турволиб, ўзича вайсай бошлабди:

— Одамларни айтгани тўғри-да: инсон — инсону, ит—ит-да. Агарда шу итларимнинг биттасининг ўрни-да одам бўлгандами, ўлжамни олиб кетишга қарашган бўларди. Бу итлар ёрдам беролмаса.

Итлар бир-бирига қарашибди-ю, бош эгиб, эгаларининг олдига яқинлашишибди.

— Биз сизга кўмаклашамиз, хўжайин. Гарчи хотининг биз билан ёмон муносабатда бўлиб, уриб-қайдаса ҳам. Лекин биз сендан хафа эмасмиз. Сенга албатта ёрдам қиламиз. Шу дақиқадан бошлаб сен энди барча ҳайвону ҳашаротларнинг тилини тушунадиган бўласан. Лекин буни ҳеч ким билмаслиги керак. Агар бировга айтиб қўйсанг, ўзинг ҳам ўласан, бизни ҳам нобуд қиласан. Энди битта ҳода топиб, унга ўлжаларингни боғла, биз уни тишимиз билан тортиб кетамиз,— дебди Уйи деган ити.

Овчи худди шундай қилибди. Учала ит биргалашиб тиши билан ўлжани тортиб кетишибди.

Уйга етиб бормасларидан иккинчи ити:

— Бу ёғига энди ўзинг олиб бор,— дебди. Овчи аввал битта ўлжани уйига олиб кирибди. Кейин иккинчисини уйига олиб кирмоқ учун изига қайтибди. Хотини унга:

— Ҳа, қаяққа?— дебди.

— Ҳали яна биттаси бор, униям олиб келай.

Овчи иккинчи ўлжани кўтариб кирганда хотини синчковлик қилиб, савол берибди:

— Шундай ўлжани бир ўзинг қандай қилиб олиб келдинг?

— Ўша ерда бир овчини учратиб қолдим. Шундан илтимос қилувдим, опкелишиб берди. Яна битта кичикроқ оҳуни отган эдим, уни ўша овчига совға қилдим,— дебди эри.

— Нега энди бутун бошли оҳуни берасан унга? Меҳмонга чақириб қўя қолсанг бўлмасмиди, пиширганмидан еб кетаверарди,— дебди жон-пони чиқиб хотини.

— Унинг ўзини танимайману, қандай меҳмонга чақираман?

Хотинининг шу даражада жаҳли чиқибдики, ҳатто эри овлаб келган ўлжа гўшттини оғзига ҳам солмабди. Овчи, кекса амакиси ва ўғли—учовлон маза қилиб гўштни еб олишибди. Итлар ҳам роса тўйишибди.

Оҳулардан биттаси ниҳоятда семиз экан. Овчи ёғли жойидан кесиб олиб, тузлаб қўйибди. Бир куни хотини ловия пишираётганида, ўша ёғдан озроққина солишни букорибди. Ёғни солибди-ю, яна ўзи овқатдан емабди, чунки ўша оҳунинг ёғидан экан-да!

Овчи овқатланиб бўлгач, дам олгани дарахт соясига ёнбошлабди. Ўғли эса унинг ёнида овқат еб ўтирибди. Хотини чакаги тинмай, нарироқда уймаллашиб юрган экан.

Бола овқат еяётганида тўкиб-сочиб еган экан, чумолилар ташиб кета бошлашибди.

Битта жимитгина оқ чумоли каттароқ бир бўлакни судраб кетибди, унинг кетидан боши катта қизил чумоли қувиб қопти:

— Нега энди менинг ризқимга чанг' соляпсан?

— Нега энди сеники бўларкан? Ўзинг ҳаракат қилиб топ овқатингни,— дебди жаҳли чиққан оқ чумоли.

Бироқ боши катта қизил чумоли парво қилмай, уни тортқилай бошлабди.

— Ҳа, бошинг катталиги учун зўравонлик қиялпсан-да! Майли, зўр бўлсанг ола қол, сенга бердим шу емишни,— дебди оқ чумоли.

Буларнинг гапини эшитиб ётган овчи бирдан кулиб юборибди.

— Нега куляпсан? — дебди хотини.

— Узим шундай. Бир қизиқ гап эсимга тушиб кетди...

— Қанақа гап экан у?

— Буни сенга дахли йўқ.

— Ҳар қалай нима гап экан?

— Намунча ёпишиб олдинг! Айтдим-ку, ахир, сенга дахли йўқ, деб.

— Ҳа, айтгинг келмаяпти, а?! Демак, менинг устимдан куляпсан.

Анчагача эр-хотин гижиллашибди ва ниҳоят, хотини аразлаб ойисиникига кетиб қолибди.

Ўзини кўрган ойиси суюниб кетибди.

— Келиб ажаб қипсан-да, қизим. Эринг бекорга кулмаган. Балки ўт-бетингга бир нима теккандир ва ё бирон ёмон ҳид келгандир сендан. Авваллари сендан сир сақламасди. Эҳ, аттанг! Эринг яхши иш қилмабди. У сени ҳақорат қилибди.

Онасига қараганда отаси мулоҳазалироқ экан:

— Бас қилсаларинг-чи! Наҳотки эринг ўзича кул-лолмаса? Наҳотки бирон қизиқ гап эсига тушсаям кулишга ҳаққи бўлмаса?! Хотинларнинг ҳаммаси шунақа. Ҳамманг йўқ жойдан жанжал ахтарасанлар!

Шундай қилиб овчи билан хотини аразлашганча юраверишибди. Охири овчининг амакиси жиянига:

— Бориб хотинингни олиб кел. Утган ишга сала-вот. Гинахонликни йиғиштир, — дебди.

Бироқ овчининг борғиси келмабди. Хотиниям кела қолмабди.

Орадан яна бир неча кун ўтибди. Хотини қайтиб келмабди. Амакиси қисташда давом этаверибди. Кекса одамнинг галини ерда қолдириш яхши эмас, деган хаёлда овчи хотинининг олдига қараб йўл олибди. Бироқ хотини:

— Ушанда нега кулганингни айтмагунигча уйга қайтмайман, — деб туриб олибди.

Овчи ноиллож кўнибди.

— Ҳа, яхши, — дебди у. — Эртага келаман-да, бўлган воқеани сенга айтиб бераман. Лекин менинг гапимни бошқалар ҳам эшитиши керак. Катта-кичик одамлардан тўплайсан. Тўпланганларнинг олдида бор гапни айтиб бераман.

Эртасига овчи учала ити билан қайнанасининига келибди. Овчи нима деркин, деб одамлар йиғилишиб ўтиришган экан.

— Ҳаммангизга маълумки, ови бароридан келадиган овчиларданман. Ҳар сафар уйимга камида иккита-учта ўлжа билан қайтаман. Ўлжаларни уйга ташиб келиш учун қариндошларимни ҳам ёрдамга чақирардим. Кейин ҳаммамиз уларни биргаликда баҳам кўрар едик. Қариндошлар бирин-кетин вафот этиб кетишди. Биргина кекса амаким қолди. Шундан сўнг овга бормай қўйдим. Балиқчилик қилмоқчи бўлдим.

Буни қарангки, дарё суви саёз тортиб, балиқлар ҳам камайиб кетди. Шунда хотиним: «Энди очимиздан ўламиз. Ҳалиям бўлса овчиликни қилаверинг», деди. Мен йўқ дедим, у қистайверди.

Хотин зоти айтган ишини қилмай қўймайди, тутган еридан кесади. Буни ҳаммангиз ҳам яхши биласиз. Менинг хотиним ҳам шунақа. Ҳадеб қистайверди, «Овга бора қолсангиз-чи, очимиздан ўладиганга ўхшаймиз», деявериб ўз ҳолимга қўймади. Охири рози бўлдим.

Овимнинг биринчи куни битта оҳу овладим-да, ўзим уйимга олиб келдим. Иккинчи куни ўлжам яна битта бўлди, униям ўзим олиб келдим. Бироқ учинчи куни иккита катта-катта оҳу овладиму, қанақа қилиб олиб кетсамикин, деб бошим қотиб, итларга қараб тўнғиллай бошладим: «Одамлар рост айтган экан, инсон—инсону, ит—ит-да, деб. Агар сенларни ўрниларингда одам бўлганида менга кўмаклашган бўларди. Сенлар итсан, итлигинга борасан..» дедим.

Учала итим бир-бирига қараб бош эгдилару, менинг олдимга келиб турдилар. Улардан биттаси тилга кирди: «Биз сенга кўмаклашамиз, хўжайин. Очиғини айтганда, хотининг бизга яхши қарамайди, қорнимизни тўйдирмайди, туртгани туртган. Лекин сендан ёмонлик кўрганимиз йўқ. Сендан ёрдамимизни аямаймиз». Улардан яна бири: — Шу дақиқадан бошлаб сен энди ҳайвону ҳашаротлар тилини тушунасан,— деди.— Лекин бу тўғрида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очма. Мабодо бировга айтсанг ўша заҳоти тил тортмай ўласан, бизларни ҳам нобуд қиласан,— деди.

Овчи шундай дейиши биланоқ Уии номли ити тиррақдай қотиб қопти. Одамлар бир-бирига қараб бақрайиб қолишибди.

Овчи гапида давом этибди:

— Мен ўлжани ходачага чандиб боғладим. Итлар уни тишларида тишлаб югура кетишди. Уйимга яқинлашиб қолганимда итларимдан яна бири: «Ана, хўжайин, бундан бу ёғига ўзинг олиб кир, уйингга етдинг энди», деди.— Шу гапдан кейин иккинчи ит ҳам думалаб турибди.

Тўпланганларнинг ҳаммаси бараварига:

— Бўлди! Давомини айтмай қўя қол!— дейишибди.

— Хотиним менинг нега кулганимни билмоқчи, — дебди гапида давом этиб овчи. — Марҳамат, яхшилаб эшитсин... Хотиним мендан иккита ўлжани қандай опкелдингиз, деб сўраганида, бир овчи менга ёрдам берди, эвазига кичикроқ бир оҳуни бердим, дедим.

Шу гапдан сўнг учинчи ит ҳам жон берибди.

— Бўлди! У ёғини айтмай қўя қол! Бас қил!— дейишибди одамлар.

Овчи эса гапида давом этибди:

— Йўқ энди. Гапимни охиригача айтаман. Хотиним нега кулганимни жудаям билгиси келганди. Эшитсин. Хасис хотиним, ўша кичкина оҳуни бердим, деганимга айюҳаннос солди. Мен билан бир дастурхондан овқатланмай қўйди. Амаким, ўғлим—учовимиз овқатланиб юрдик.

Овлаган оҳуиймдан биттаси жуда семиз экан, ёғлиқ жойидан осиб, сур қилиб қўювдим. Бир куни хотиним ловия пишираётувди, ўша ёгдан бир оз солдирдим. Сен ўшандан солдирдинг, деб овқатдан емай қўйди. Овқатдан кейин бир оз дам олгани чўзилдим. Ёнимда ўғлим овқатланиб ўтирарди. Хотиним ҳамон гўнгиллаб вайсаб юрарди.

Ўғлим бола эмасми, тўкиб-сочиб ебди. Бўйрага тўкилган майда-чуйдаларни иккита чумоли талашиб-тортқилашди. Уларнинг ўзаро суҳбатини эшитиб кулдим. Хотиним нега кулганимни сўровди, айтолмадим. Шунга жаҳли чиқиб аразлаб кетиб қолди.

Амаким мени, хотинингни олиб кел, деб ҳоли жонимга қўймади. Мен кўнмадим. Амаким қистайвериб қўймагач, охири қайнанамникига бордим. Хотиним менга ўшандаям: — Агар нега кулганингни айтмасанг, бормайман, — деб туриб олди. Мана шунинг учун ҳам айтишга мажбур бўлдим. Шуни дебди-ю, бечора овчи-ям оламдан ўтибди.

Эртасига овчининг хотини ўлибди. Индинига қайтанаси, кейин қайнатаси. Сўнг амакиси, қўйинг-чи, овчининг ҳикоятини эшитган тирик жон борки, биринкетин ҳаммалари ўлиб беришибди. Шу гапларни айтиб иккинчи Лау хитоб қилибди:

— Қани айтинглар-чи, овчининг ўлимига ким айбдор? Хотини эмасми?!

— Ҳақ гапни айтдинг! Айни ҳақиқат шу!— дейишибди оқсоқоллар.

Шундан кейин суд яна эртага қолдирилибди.

Эртасига яна халойиқ тўпланибди. Оқсоқоллар, казо-казолар йигилишибди. Яна Лауни сўроққа тутишибди. Лау ҳамон чурқ этмабди. Яна ноғоралар гумбурлаб, аёллар ўлим рақсини ижро эта бошлашибди: «Лау, сени лаънатлаймиз, Лау, сенинг жазойинг шу!»— дейишибди.

— Эй улуғлару оқсоқоллар, муҳтарам отахонимиз, «Қишлоқи чўлоқ» сеньорнинг ўлимига ким айбдорлигини биласизми?— дебди ўртага чиқиб учинчи Лау.

— Уни сен биласан!

— Бўлмаса эшитинглар!— дебди учинчи Лау тўпланганларга қараб:— Бир куни «Қишлоқи чўлоқ» сеньорнинг тоби қочиб қолибди. Худди шу пайт унинг уйи олдидан «Чўл бургути» лақабли афсунгар ўтиб қолибди. Шунда «Қишлоқи чўлоқ» нажот сўраб унга мурожаат қилибди. Афсунгар унга ёрдам бермоқчи бўлибди. Чунки иккаласи оғайни экан-да! Афсунгар ошнаси анча дори-дармон берган экан, бирмунча энгил тортибди. Шунда «Чўл бургути» унга:

— Бундан буён тақдиринг хотинингнинг қўлида бўлади,— дебди.— У сени яхшилаб парвариш қилса, тез кунда тузалиб кетасан.— Сеньорни қайнаnasi ҳам оғир касал экан. Шу боисдан хотини дам онасига қараркан, дам уйига келиб эрини парвариш қиларкан. Бир куни у жаҳл билан эрига:

— Ҳой, менга қаранг. Нега оғайнингиз фақат сизга қарайди, дори-дармон беради. Ахир онамни ҳам бир кўриб қўйсин-да, айтинг. Лоақал бир оз патидан юлиб берса, онамнинг ҳам аҳволи энгиллашарди,— дебди.

— Патидан? Эсинг жойидами ўзи?!— дебди эри жон-пони чиқиб.— Патлари унга ҳам қўл, ҳам оёқ. Агар патидан юлиб олса, юролмайдиям, учолмайдиям.

Буни эшитган афсунгар жаҳл устида бир нечта патидан юлиб берибди-да, касал ошнасиникини ташлаб кетиб қолибди.

Аёл бўлса, патларни йиғиштириб олиб, онасиникига югурибди. Ёлғиз қолган бемор эр бир оздан сўнг оламдан ўтибди.

— Хўш,— дебди учинчи Лау,— «Қишлоқи чўлоқ»нинг ўлимига ким айбдор?! Хотини эмасми?!

— Рост айғасан. Гапларинг ҳақ!— дейишибди оқсоқоллар. Суд мажлиси яна қолдирилибди.

Эртасига яна одамлар тўпланиб, суд мажлисини давом эттиришибди. Яна ноғоралар гумбурлабди. Яна аёллар ҳар сафаргидек ўлим рақсини ижро этишибди. Энди тўртинчи Лау ўртага тушибди:

— Туғишган ака-сингилнинг турмуш қуришганини эшитганмисиз ҳеч замонда?

— Эшитганимиз йўқ. Билсанг, сен айта қол,— дейишибди суд аҳллари.

Лау ҳикоясини бошлабди:

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир ака-сингил бўлган экан. Уларнинг ота-оналари ёшлигида ўлиб кетишиб, ака-сингил етимликда катта бўлишган экан. Акаси қушларни ов қиларкан, турли хил мевалардан териб келаркан. Синглиси овқат пишираркан. Шу кўйи тирикчилик қилишаркан.

Вақт ўтиши билан синглисининг бўйи етиб қолибди. Уқтин-ўқтин хомуш тортиб, хўрсинадиган бўлибди. Бир куни акаси ундан:

— Бирон ёмонроқ нарса еб қўйдингми? Нега паштинг паст, тобинг йўқми?— деб сўрабди.

— Ҳе, йўқ, нега унақалигимнинг сабабини айтмайман. Барибир ёрдам беролмайсан!— дебди синглиси.

— Қани айтиб кўр-чи, эҳтимол ёрдамим тегар.

Синглиси акасига сирини очибди.

— Бу атрофда сендан бошқа эркак зоти йўқ. Ахир мен кимга турмушга чиқаман?

Буни эшитган акаси анг-танг бўлибди-ю, бошини олиб чиқиб кетибди. Бироқ тақдирдан қочиб қутулиб бўлмас экан, ака-сингил яна учрашишибди.

Акаси янгитдан уй солибди. Синглиси яна хўрсина бошлабди. Акасининг бош-кўзини айлантириб, охири уни йўлдан урибди.

Тўртинчи Лау ҳикоясини тугатиб, оқсоқолларга мурожаат қипти:

— Қани айтинглар-чи, бу ишда ким айбдор? Синглиси эмасми?

— Рост айтяпсан! Тўппа-тўғри!— дейишибди оқсоқоллар.

Ана шундан кейин Лау Кималауэзо тилга кирибди:

— Эй, сиз улуғлар, оқсоқоллар, нима учун хотин зотининг эр билан қон-қардош бўла олмаслиги сабабини биласизми?

— Йўқ, нега экан?

— Чунки эр хотинга қанчалик жонини фидо қилмасин, барибир хотин вақти келиб қолса эрига бевафолик қилиб, бошқанинг этагини тутиб кетиши мумкин.

— Рост айтасан! Гапларинг тўғри!

Лау Кималауэзо гапида давом этибди:

— Угай онам отамга, ўғлинг мени ўлдирмоқчи бўлди, дебди. Мен эмас, унинг ўзи ҳаммаёғини жароҳатлади. Уша аёл,— гапираётган гапларимни худонинг ўзи кечирсин,— мени йўлдан оздиришга роса уринди... Унинг ўзи мени келишга қистади. Отам йўқлигида одатимизни оёғости қилиб, устма-уст учта жонлиқ сўйдирди, мен билан маишат қилиш учун албатта. Мен, ҳеч кимга сездирмай, сўйилган жониворларнинг юрак ва жигарини яшириб қўювдим. Мана улар, марҳамат... Шу ўгай онам бир куни ўзини касалга солиб мени чақиртирди. Дори-дармонларни шахсан менинг ўзим опкиришимни буюрди. Мен ҳузурига киришни хоҳламовдим, тўрттала укам қистаб қўйишмади. Дориларни опкиришимни биламан, бирдан қичқириб, ҳаммаёғига пичоқ санча бошлади. «Ҳа, шунга келган экансан-да! Мени ўлдирмоқчимисан?! Йўқ, ўлдирма олмайсан!» деган гаплар билан дод-вой қила бошлади. Отам урушдан қайтиши билан эса тамоман бўлакча ниқобга кириб мени чақибди.

Тўрт ака-ука Лаулар акасининг гапини тасдиқлашибди.

Шундан кейин Кималауэзо оқсоқоллар кенгашининг қарорини кутибди. Кенгаш аёлни ўлим жазосига ҳукм қилибди. У бу қарорни бош ирғаб тасдиқлабди.

ОҶУ СЕША ВА ШЕР

Бир бор экан, бир йўқ экан, Сеша номли оқу билан шер бор экан. Шер хўжайину, Сеша унинг мулозимин экан. Ҳар иккисиниям беш қутидан гугурти бор экан. Бирдан Сешани гугурти тугаб қолибди. Шернинг эса ҳали икки қути гугурти бор экан. Шер уни яшириб қўйган экан.

— Жиян, гугуртимиз тугаб қолибди. Энди оловни қандай ёқамиз? Яхшиси, сен бориб чўғ топиб кел. Ҳув анави ерда гулхан ёқишяпти, бориб чўғидан сўра,— деб ботаётган қуёш томонга ишора қипти шер.

Сеша ўша томонга қараб югуриб кетибди. Югураверибди, югураверибди. Қанчалар югурмасин, шер кўрсатган гулханга етолмабди. Охири ҳориб-чарчаб қайтиб келибди.

— Тоғажон, мен чўғ олиб келолмадим. Қанча югурмайин, барибир сиз кўрсатган жойга етиб боролмадим,— дебди чарчаганидан сўзлашга мадори қолмаган Сеша.

— Нега кўрсатган жойимга бориб, чўғдан олиб кела қолмадинг?

— Мен роса югурдим, жуда кўп юрдим, барибир етиб боролмадим, жудаям олисда экан.

Ҳориб-чарчаган Сеша чўзилиб ётганида маккор Шер овқат пишириб еб олибди. Оқуға сираям қолдирмабди.

— Қани, жиян, яна бир уриниб кўр-чи, зора ўша гулханга етиб бориб, чўғ олиб келсанг. Бўлмаса оч қоламиз. Яна ярим йўлдан қайтиб келиб ўтирма. Токи етиб бормагунингча югуравер,— дебди яна шер эртасига бечора оқуға.

Оқу Сеша яна ботаётган қуёш томонга қараб югуриб кетибди. Қанчалар югурмасин, барибир етолмади. Албатта-да, қуёшга етиб бўлармиди?! Ҳориб-чарчаган Сеша судралиб уйига кириб келибди.

— Тоғажон, ҳар қанча елиб-югурсам гулханга яна етиб бора олмадим. Мен югурганим сари, у тобора узоқлашиб кетяпти. Алам қилганидан йиғлаб юборай дедим. Уйга бир амаллаб етиб келдим.

— Эй нодон! Ахир,— дебди жаҳли чиққан шер,—

айтдим-ку сенга, у жойга ҳеч қаерда тўхтамай бориб керак, деб.

Шўрлик Сеша очлигича ётиб қолибди. Шер эса ўзига ловия пишириб, паққос туширибди-да, кейин ётиб ухлабди.

Учинчи куни шер жаҳл билан Сешага:

— Сеша, бугун ҳам чўғ топиб келолмасанг, очимиздан ўламиз. Бугун боргин-да, албатта чўғ топиб кел. Қани, бўла қол! Тур ўрнингдан! — дебди.

Шўринг қурғур Сеша лўкиллаганича яна чўғ умидида йўлга тушибди. Икки кун югуриб, ниҳоятда ҳолдан тойибди, юришга мадори келмай қолибди. Шундай бўлса-да беш кун йўл юрибди. Очликдан озиб-тўзиб, танимайдиган бўлиб кетибди. Бешинчи куни кечки пайт судралиб уйига қайтаётган экан, йўлда бир кулбага кўзи тушибди. Кулба олдида бир кампир чилим чекиб ўтирган экан.

— Қаёққа шошяпсан, болам? — дебди у Сешага.

— Чўғга боргандим, бувижон! Ўзим шер жаноблари билан бирга тураман. Иккаламизда 5 қутидан гурут бор эди, тугаб қолди. Шунинг учун ҳам шер жаноблари мени чўғга юборган эдилар. Ҳув анави ерга, — деб қуёшни кўрсатибди Сеша.

— Нималар деяпсан, болам! Ахир у гулхан эмас, ботаётган қуёшнинг шуъласи-ку. Наҳот шунгаям ақлинг етмаса?

— Нега? Нега энди гулхан бўлмасин? Ахир мен беш кундан бери чўғ олиб келиш мақсадида ўша ёққа қатнайман. Тинкам қуриди, ҳолдан тойдим, қорним ҳам очди.

Кампирнинг Сешага раҳми келиб, қорнини тўйғазибди. Чарчаб, толиққан Сеша овқатланибдию шилқ этиб тушибди. Бу пайтда кампир сал нарироқдаги баланд бўйли баобаб дарахтининг тепасига чиқиб ён-атрофни кузата бошлабди.

— Қани кўрай-чи, хўжанг шер жаноблари нима қилаётган экан? — дебди.

Кампир сеҳргар экан, дарров шернинг масканига кўзи тушибди. Шер ўчоқ тепасида ўтирволиб, олов ёқиб овқат пишираётган экан.

— Болагинам, хўжайининг чўғга сени юбориб,

ўзи овқат пишириб ўтирибди. Демак, гугурти бор экан, роса сени лақиллатибди. Ҳали қараб турсин, унияям бир таъзирини берайлик, — дебди кампир Сешага.

У каттагина сопол товоққа хурмо барги, ҳар хил лойлардан олиб қориштирибди-да, антиқа бир ниқоб ясабди. Ниқобни Сешанинг бошига кийгизибди-да:

— Ана энди шернинг олдига бор. Манзилингга яқинлашишинг биланоқ баланд овозда манави қўшиқни айт, — дебди:

Ким яшар бунда,
Ким яшар бунда?
У ким бўлмасин —
Ейман шу онда!¹

Сеша худди кампир айтгандек қилиб, шерга томон йўл олибди. Шер бу вақтда бемалол ўчоқ олдига ўтирволиб, овқат пишираётган экан. Сеша кулбага яқинлашибди-да, қўшиқни бошлабди:

Ким яшар бунда,
Ким яшар бунда?
У ким бўлмасин —
Ейман шу онда!

Шернинг кўзи ниқоб кийган Сешага тушибди-ю, ўтакаси ёрилиб лўкиллаганича қоча бошлабди. Сеша бўлса шер пиширган овқатни пок-покиза тушира кетибди. Обдан тўйволиб кампирнинг олдига борибди-да, ниқобни топширибди ва ҳеч нима бўлмагандек, ўз уйига қайтиб келибди. Шер уни оҳ-вой билан кутиб олибди:

— Сал бўлмаса тоғангдан ажралиб қолардинг, жиянжон. Дам олиб уйда ўтирсам, кўз олдимда чунонам бадбашара бир махлуқ пайдо бўлдики, таърифлашга тил ожиз. Бунақасини умримда биринчи кўришим. Утакам ёрилиб, қочишга тушдим. Лекин шуниси дуруст бўлдики, кета туриб у ўчоқнинг оловини ёқиб кетди...

— Қанақа махлуқ экан ўзи? — дебди ачинган бўлиб Сеша.

¹ Шеърларни Мпразиз Аъзам таржима қилган.

— Мен қаёқдан билай? Ниҳоятда бадбашара махлуқ, нималигиниям билолмадим. Боши думалоқ, шохи узун, бети сержун, хуллас, кўрсанг ўтаканг ёрилиб кетарди.

— Нега сен уни қувиб юбора қолмадинг. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган мард эдинг-ку!

— Гапиришга осон-да! Башарасини бир кўрсанг эди, дод деб қочардинг.

Шундан кейин оҳу Сеша шерни яна уч марта қўрқитибди. Ҳар сафар ҳам шер лўкиллаганча қочиб қолибди. Тўртинчи кун Сеша кампирнинг маслаҳати билан шер қочадиган йўлга чуқур қазибди. Ичига беш-олтита дами ўткир найзалардан ташлабди.

Бу сафар ҳам шер ўтакаси ёрилиб, ҳар сафаргидек қочган экан, чуқурга тушиб кетибди. Аъзойи баданини найза тилиб кетибди. Сеша чуқур лабига борибдида, чалажон шерни шохлари билан сузиб гумдон қилибди. Сўнг кампирнинг олдига борибди. Кампир оҳуни бағрига олиб, умрининг охиригача бирга яшашипти.

ҲАМЁН

Бир бечора одам иш қидириб юриб ҳолдан тойибди. Охири бир бойвучча хотинникидан иш топибди. Уникида иш ниҳоятда кўп экану ҳақ тўлашининг мазаси йўқ, овқат-повқат ҳам бермас экан. Бечора одам аёлга бу ҳақда гапирса, хасис аёл унга:

— Иш қидирган ўзинг. Ялиниб-ёлвориб, ишлайман деган ҳам ўзинг, — дебди.

У эртаю кеч, туну кун ишласа ҳам топган пулига ҳатто қорниям тўймапти. Ишнинг оғирлиги ҳам очликдан у одам кўп ўтмай ўлиб қолибди. Бағритош аёл унинг мурдасини кўчага опчиқтириб ташлатибди.

Кўчадан бир йўловчи ўтиб кетаётган экан, ўликни кўриб қолиб, унга раҳми келибди. Танишмикин, деб, энгашиб қараган экан, чўнтагидаги ҳамёнига кўзи тушиб қолибди. Олиб қараса, ичида пули бор экан.

Тешик қулоқ, бу гапни хасис аёл ҳам эшитиб қолибди. У ҳамёндаги пулнинг ярмини талаб қилибди, нега деганда бу одам менинг хизматкорим эди, дебди.

Бироқ йўловчи уни уялтириб:

— Нега бўлмаса уни кўчага опчиқтириб ташлатдинг? Азбаройи ҳазар қилганингдан шу ишни қилгансан. Узидан ҳазар қилганингдан кейин, пулидан ҳам ҳазар қил,— дебди-да, ҳамённи ўзи олибди.

ШЕР БУВАНИНГ КЎЛИ

Шер бува ҳамма ҳайвонларни тўплаб, уларга:

— Шу яқин ўртада бизга катта бир кўл зарур бўлиб қолди. Қатнаб турган кўлимиз анча олисда. Шунинг учун ҳаммамиз биргалашиб кўл қазийлик. Кўлимиз ёмғир сувларидан тўлиб қолади,— дебди.

Ҳамма ҳайвонлар рози бўлишибди, бел ҳам кетмонларни олиб келиб ишга тушишибди.

Кўл битибди. Ёмғир ойлари бошланиб, кўл ҳам сувга тўлибди. Шер бува ҳамма ҳайвонларга мурожаат қилиб, кўлдан фойдаланишга рухсат берибди.

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлган Қуёнвой кўзасини опкелиб, сувга ботирибди. Бир марта тўлдириб тўкибди, иккинчи марта тўлдириб тўкибди. Ниҳоят, учинчи марта ҳам тўлдириб, униям тўкибди. Охири ўзиям сувга шўнғибди.

— Калла ташлаб, бир сузайлик. Обдан шўнғиб бир яйрайлик! Фуко-фуко-фуко-фуко!— дея суза бошлабди қуёнвой.

Эртасига бошқа ҳайвонлар сувга келишса, кўлнинг суви лойқаланиб ётганмиш. Бу аҳволни кўриб, шикоят учун шер буванинг олдига боришибди. Шер бува оҳу Бамбини кўлни қўриқлашга юборибди.

Кечки пайт кўза кўтариб қуёнвой келибди. Кечаси қилган ишини у яна такрорлабди: шалоплатиб ўзини сувга ташлабди.

— Шўнғиймиз, чўмиламиз! Чўмиламиз, шўнғиймиз! Фуко-фуко-фуко-фуко-фуко!— дея сувга калла ташлабди.

Кўлни қўриқлаётган Бамби қўшиқ айтиб шерикларини огоҳлантирибди:

Ким бўлса ҳам макр-ҳийла ишлатмасин,
Қўлга тушар, сувимизни лойқатмасин.

Ким бўлса ҳам макр-ҳийла ишлатмасин,
Қўлга тушар, сувимизни лойқатмасин.

Қуёнвой ҳам буни эшитиб, қўшиқ айтиб жавоб қипти:

Бу менинг ўғлим, бу менинг ўғлим,
Чўмилаверсин хоҳлаганича!
Бу менинг ўғлим, бу менинг ўғлим,
Чўмилаверсин хоҳлаганича!

Оҳу Бамби югурганича бориб шер бувага воқеани сўзлаб берибди.

Шер бува, қўшиқ эшитмадим, дебди-да, кўл қўриқлашга оҳу Сешани юборибди.

Учинчи куни қуёнвой яна ҳунарини кўрсатибди.

Буни кўрган оҳу Сеша қўшиқ айтиб, дўстларини огоҳлантирибди:

Ким бўлса ҳам макр-ҳийла ишлатмасин,
Қўлга тушар, сувимизни лойқатмасин!

Қуёнвой овозини шерникига ўхшатиб, қўшиққа қўшиқ билан жавоб берибди:

Бу менинг ўғлим, бу менинг ўғлим,
Чўмилаверсин хоҳлаганича!

Сеша шер буванинг олдига югурибди. Шер бува унга, мен эмас қўшиқ айтган, дебди-ю, қоровулликка бошқа бир ҳайвонни юборибди.

Бу ҳол анчагача давом этибди. Навбати билан ҳамма ҳайвонлар кўлни қўриқлашибди. Бироқ қуёнвой ҳаммасиниям алдаб кетаверибди.

Охири тошбақа холанинг ўзи бир-бир босиб, шер буванинг олдига келиб, кўлни қўриқлашга розилик сўрабди.

— Кўлни қўриқламоқчимисан? Сен-а? Сендан чаққон, энг олғир ҳайвонлар алданиб келишди-ю, сенинг қўлингдан нима келарди?— деб кулибди шер бува.

Тошбақа хола қистайвергач, шер бува розилик берибди.

Ҳар сафаргидек қуёнвой яна ҳунарини кўрсатибди. Тошбақа хола бўлса огоҳлантириш қўшиғини бошлабди:

Ким бўлса ҳам макр-ҳийла ишлатмасин,
Қўлга тушар, сувимизни лойқатмасин!

Қуёнвой ҳам жавоб қўшиғини энди бошламоқчи бўлиб турган экан, бирдан тошбақа хола келиб унинг думини босибди. Қўлга тушган қуёнвой қўшиқ айтиш ўрнига войвойлаб қолибди. Буни эшитган ҳайвонлар воқеани тушунишибди.

Шер бува ниҳоятда газабланиб қуёнвойнинг додини бермоқчи бўлибди. Бироқ қуёнвой терисини ташлабди-ю, ўзи эса боши оққан томонга қочиб қолибди.

УЧ ОПА-СИНГИЛ

Бир бор экан, бир йўқ экан, Самба, Бебека ва Муйонго деган уч опа-сингил бор экан. Кунларнинг бирида Самба ва Бебека дугоналари билан олис қишлоқда яшайдиган бир кампирниқига бормоқчи бўлишибди. Кампир игна санчиб, нақш тушириш ҳунари билан шуғулланаркан. Улар кўчага чиқишлари биланоқ сингиллари Муйонго ҳам эргашибди. Опалари орқаларига қарашса, уям келаётганмиш. Опаларининг кўзига уйга қайтган бўлиб орқасига бир оз юрибди-ю, яна улар билан орқама-орқа келаверибди. Бу ҳол бир неча марта такрорланибди. Опалари уни қайтаришга роса уринишибди. Муйонго эса ҳеч кўнмабди. Шунда ўртоқларидан бири:

— Қўйинглар, майли, борса бора қолсин. Еш бола билан йўлга чиқсанг, ишинг ўнгидан келади, дейишадди. Юра қол, Муйонго, юр,— дебди.

Опалари ҳам рози бўлишибди. Улар кампирнинг остонасидан ҳатлаб уйига киришлари биланоқ оғизлари ланг очилиб қолибди. Уйнинг тўрида баданига ҳар хил суратлар туширилган бир қанча аёллар ўтиришганмиш. Уларнинг баъзисига қуёшнинг, баъзи бировига одамнинг, балиқнинг, илоннинг ва ҳоказоларнинг акси туширилганмиш. Қизлар завқланганларидан

донг қотиб қолибдилар. Яқинроқ бориб, синчиклаб қарасалар, улар жонли аёллар эмас, ҳайкаллар экан.

— Болаларим, сизларнинг бу ерда бир ҳафта туришларингга тўғри келади. Тўрт кун сизларни яхшилаб меҳмон қиламан-да, кейин ишни бошлайман. Нақш тушириб бўлганимдан сўнг яна тўрт кун дам оласизлар,— дебди кампир қизларга.

Худди айтганидек, кампир қизларни роса боқибди. Яхшилаб тўйдиргандан кейин ортидан хурмодан тайёрланган мусаллас берибди. Қизлар яхшилаб овқатланиб бўлгач, мусалласдан ичишиб, маза қилиб ухлашибди. Ахир хурмо мусалласи жуда ўткир бўларканда. Кичкина қиз Муйонгогина мусалласдан оғзига олмабди.

Тўртинчи куни кампир қизларга нақш тушириб бўлибди. Аммо ярим кечага бориб, кампир бир думалаб икки бошли махлуққа айланиб қолибди-да, қизлар ётган уй эшигини тақиллатибди.

— Қизим, ҳо, қизим, менга жиндек чўғ бергин.

Уйғоқ ётган Муйонго кампирнинг хириллаган говушини эшитиб, қўрқиб кетибди-да, йиғлаб юборибди. Йиғлаб туриб, қўшиқ билан кампирга жавоб берибди:

Чўғ бера олмам,
 Чўғ бера олмам,
 Ҳали мен ёшман!
 Чўғ бера олмам,
 Йиғлаб юборгум
 Сендан қўрқибон!

— Ҳой қиз, ҳой қиз, менга чилим бер!— дебди хириллаган овоз билан кампир.

Муйонго яна қўшиқ билан унга жавоб берибди:

Чилим бермайман,
 Чилим бермайман.
 Ҳали мен ёшман!
 Чилим бермайман.
 Йиғлаб юборгум
 Сендан қўрқибон!

— Ҳой қиз, ҳой қиз, менга тамаки бер!

Бермам тамаки,
 Бермам тамаки.
 Ҳали мен ёшман!
 Бермам тамаки.
 Йиғлаб юборгум
 Сендан қўрқибон!

— Ҳой қиз, ҳой қиз, менга сув бер!

Йўқ, сув бермайман,
 Йўқ, сув бермайман.
 Ҳали мен ёшман.
 Йўқ, сув бермайман!
 Йиғлаб юборгум
 Сендан қўрқибон!

Кампир эшик ортида туриб-туриб қайтиб кетибди. Тонг отиши билан қизча бўлган воқеани опаларига сўзлаб берибди. Бироқ улар Муйонгонинг сўзларига ишонишмабди.

— Қўйсанг-чи, ёлгон гапиряпсан. Яхшиси, уйга кетсанг бўларди.

Муйонго опаларига тушунтиришга кўп уринибди. Опасининг битта ўртоғи унинг ёнига тушибди:

— Балки гаплари ростдир... Ҳамма болалар ҳам ёлгон гапиришмайди-ку, ахир!

Уша қиз Муйонгонинг белбоғини ўзини оёғига боғлабди-да, Муйонгога:

— Агар мен қаттиқ ухлаб қолсам, шу белбоғдан тортасан,— дебди-да, кечқурун мусаллас ичмасликка аҳд қилибди.

Худди кечагидек, кампир тун кечада яна эшик тақиллатиб келибди:

— Ҳой қиз, ҳой қиз, менга чўғ опчиқиб бер!

Муйонго аста белбоғини тортибди-да, қўшиқ бошлаб юборибди:

Чўғ бермайман,
 Чўғ бермайман.
 Ҳали ёшман,
 Чўғ бермайман,

Йиглаб юборгум
Сендан қўрқаман.

Опасининг ўртоғи уйғониб, аста эшик олдига бо-рибди-да, тирқишидан қарабди. Қараса, икки бошли бир махлуқ турганмиш. Қизнинг жон-пони чиқиб кетибди.

— Ҳой қиз, ҳой қиз, менга чилим бер,— дебди у хирилдоқ товуш билан.

Муйонго унга қўшиқ билан жавоб берибди:

Чилим бермайман,
Чилим бермайман.
Ҳали мен ёшман!

— Ҳой қиз, ҳой қиз, менга тамаки бер!

Бермам тамаки,
Бермам тамаки,
Ҳали мен ёшман!

— Ҳой қиз, ҳой қиз, менга сув бер!

Йўқ, сув бермайман.
Йўқ, сув бермайман.
Ҳали мен ёшман!

Икки бошли махлуқ эшик ортида тура-тура кетиш-га мажбур бўлибди.

Эрталаб қизлар Муйонгонинг гаплари ростлигига ишониб, қочмоқчи бўлишибди.

Кампир эрталаб азондан кечгача уйда бўлмас экан. Далаи даштларда тентираб юриб кечқурун қай-таркан. Кечгача қизлар кампирнинг кулбасини шох-шабба билан кўмиб ташлашибди. Шундан кейин Муйонго доим ёнида олиб юрадиган сеҳрли таёқчасини ерга уриб:

— Таёқчам, таёқчам, менга ёрдам бер!— дебди.

Ер қаъридан нидо чиқибди:

— Қулогим сенда, Муйонго?

— Ер остидан йўл пайдо бўлсаю биз дарё қирғоғига етиб олсак,— дебди Муйонго.

Шу ондаёқ ер ёрилиб, йўл очилибди-да, қизлар югуришиб дарё қирғоғига етиб боришибди. Бундай қарашса, сувнинг ўртасида қизил танали азим туп такула дарахти қад кўтариб турганмиш. Ҳаммалари ўша дарахтга чиқволиб, унинг барглари орасига яширинишибди.

Бирдан дарахт тепасида бургут пайдо бўлиб, айлана бошлабди. Шунда Муйонго қўшиқ бошлабди, бошқалари жўр бўлишибди:

Жон қушим, улкан қушим,
Барча қушлар сардори!
Олиб кет бизни,
Халос эт бизни!

— Чағ! Чағ! Агар устимга миндирсам, сендан бадиқ ис келяпти, демайсанми? — деб сўрабди бургут Муйонгодан.

Қизлар ҳам қизчага жўр бўлишибди:

Жон қушим, улкан қушим,
Барча қушлар сардори!
Олиб кет бизни,
Халос эт бизни!

— Чағ! Чағ! Сендан ис ҳиди келяпти, демайсанми? — деб сўрабди бургут қизчадан.

Қош қорайиб, атрофни қоронғилик босибди. Ялмоғиз кампир ўзининг ҳамтовоқлари билан уйига яқинлашиб келибди-да, ҳойнаҳой қизлар қаттиқ ухлаб ётишгандир, деган хаёл билан уйга ўт қўйибди. Қуруқ шох-шаббалар чарсиллаб ёниб, алангага айланибди.

— Бугун уларни ейдиган бўлдик! Суякларигача қўймай еймиз уларни! Ёққан оловимизда роса қовуриладилар. Жазиллашларини қаранг! Ҳаммалариям биққидеккина эдилар,— дея чийиллашарди ялмоғизлар тишларини ғижиллатиб.

Олов ўчгандан кейин ялмоғизлар алданганликларини тушунибдилар.

Аламларидан бўғилиб, қизларни қидириб тўрт томонга югуришибди. Ялмоғизларда сеҳр бўлади-да, шаксиз, бир зумда улар дарё қирғоғига етиб келишибди.

— Ана улар! Хайрият, етиб олдик! — дея бақаришибди ялмоғизлар томоқлари тақиллаб. Ўткир тишларини азим дарахтларнинг танасига ботириб қўшиқ бошлашибди:

Кемирамиз дарахтни,
Такулани йиқамиз,
Таралла!

Ҳозир дарахтнинг тагида қоламиз, деган қўрқувдан дағ-дағ қалтираган бечора қизлар такула дарахтига ёлворишибди:

Дарахтжон, дарахтжон,
Силкинма,
Синма!
Мадад бер бизга!
Қўлла, такула!

Шу пайт катта бир қуш гоҳ ўннга, гоҳ сўлга, гоҳида пагта, гоҳ юқорига шох ташлаб учиб борар ва дамбадам дарёга шўнғиб, балиқ ютар экан. Қизлар ўшанга қараб, ёлвора бошлабдилар:

Жон қушим, улкан қушим,
Барча қушлар сардори!
Олиб кет бизни,
Халос эт бизни!

— Агар сизларни қутқарсам, эвазига нима бера-сизлар? — дебди қуш қизларга.

— Тила тилагингни, — дебди Муйонго.

— Тилагим шуки, Бабекани менга хотинликка бера-сизлар.

Бабека рози бўлибди. Бечорани бундан бошқа иложиям йўқ экан-да!

Ўша қуш навбати билан қизларни бу қирғоқдан у қирғоққа олиб ўта бошлабди.

Ялмоғизлар аламларидан тишларини гижирлатиб,
бўғилиб бақришибди:

Кемирамиз дарахтни,
Такулани йиқамиз,
Таралла!

Бирдан бир нарса қарсиллаб, такула дарахти ён-бошлаб қолибди. Ҳалиги қуш эса чапдастлик билан қирғоқда қолган Муйонгони олиб, у қирғоққа ўтказиб қўйибди. Шундан кейингина такула дарахти ерга қулабди. Ялмоғизларнинг ҳаммаси дарахт тагида қолиб, эзилиб кетишибди.

Ялмоғиздан қутулган қизлар хурсанд бўлиб, уйларига чопишибди. Халоскор қуш бўлса тепаларида чарх ураверибди.

Муйонго бўлиб ўтган воқеаларни ота-онасига гапириб берибди. Тепаларида учиб юрган халоскор қушни кўрсатибди уларга. Бирдан ҳалиги қуш ерга тушибди-ю, расмана одамга айланибди.

— Аслида овчидим, — дебди у. — Менинг ватаним бу ердан жуда олисда. Қайси бир гуноҳим учун олло таоло томонидан лаънатланиб қушга айланиб қолгандим.

Қизларнинг отаси қушнинг қилган яхшилиги эвазига ёнларига кулба қуриб олишига рухсат этибди.

Уй битгач, ота-она розилиги билан Бабека овчи йигитга турмушга чиқибди. Орадан йиллар ўтиб, улар учта фарзанд кўришибди.

Кунларнинг бирида овчи ўз туғилиб ўсган ерларига кетмоқ ниятида эканини айтибди, лекин хотин, бола-чақасини олиб кетолмаслигини ҳам уқтирибди. Чунки уларнинг таомилига кўра ўзга юртлардан қиз олиб бўлмас экан.

У шундай дебди-да, қушга айланиб учиб кетибди.

Бабека эридан ажралгиси келмай, кичик ўғлини қўлига олибди-ю, унинг кетидан қорама-қора бораверибди.

Қуш учиб кетаверибди, хотини эса ундан тўкилган патларни қора қилиб бораверибди. Бабека йўл юрибди, йўл юрсаям мўл юрибди. Қоронғи ўрмонларнинг даҳ-

шатидан, ёввойи ҳайвонларнинг ваҳшатидан қўрқмай, эрининг кетидан эргашаверибди.

Қуш унинг кўзидан йироққа кетиб қолибди. Бироқ у ҳам Бабекадан айрилгиси келмай йиғлаб қўшиқ бошлабди:

Жўна уйга, уйга бор!
Бошқа-бошқа йўлимиз.
Мағриб менинг ватаним,
Унга фидо бу таним.

Ногоҳ йироқдан Бабеканинг қулоғига қўшиқ эшитилибди-ю, у ҳам йиғлаб жавоб қайтарибди:

Муродимдир сен ила кетмоқ,
Кўрсам дейман ватаним бориб!
Муродимдир сен ила кетмоқ,
Кўрсам дейман ватанинг бориб.

Бабеканинг севги-вафосига тан берган қуш орқасига қайтибди. Ерга тушиб одамга айланибди ва ўшандан бери эр-хотин жуда иноқ яшашармиш.

ОВЧИ

Бир ота-бола овга чиқишибди.

— Ота, анави оҳу Бамбига қаранг, чопиб кетяпти,— депти ўғли отасига.

— Йўқ, ўғлим, биз овламоқчи бўлган ҳайвон бу эмас.

Ва улар йўлда давом этишибди.

— Дада, ана оҳу Сеша,— депти ўғли яна.

— Йўқ, ўғлим, биз овлайдиган ҳайвон эмас.

Яна йўлда давом этишибди.

— Дада, ана қаранг, оҳу Жавали.

— Йўқ, ўғлим, биз ахтарган жонивор у эмас.

Йўлларида улар яна бир нечта ҳайвонга дуч келибдилар. Отаси бирортасини ҳам отмапти. Охири ўгли ҳайрон бўлиб отасидан сўрабди:

— Отажон, сиз отмоқчи бўлган жонивор қанақа ўзи?

— Ўзим биламан! — дебди отаси.

Яна йўлда давом этишибди. Бирдан қаршиларидан улкан тошбақа чиқиб қопти. Ота ўқ отибди, аммо нишонга тегмабди. Қутулиб қолган тошбақа овчининг милтиқ-пилтиги билан қўшиб ютиб юборибди.

ГАПИРАДИГАН БАЛИҚ

Бор экану йўқ экан, бир эр-хотин бор экан. Хотин тушмагур тозаям танноз экан. Ҳар қандай таом унинг жинини қуриштираркан. Хуллас, овқат борасида унинг кўнглини топиш ниҳоятда мушкул экан. Товуқ этиниям, оҳу гўштиниям, балиқ гўштиниям хоҳламас, фақат лаққа балиқни хуш кўрар экан.

— Лаққа балиқ тутиб кел, фақат лаққа балиқ, бўлмаса очимдан ўламан,— дебди бир куни у эрига.

Эри унинг талабини қондирмоқ ниятида балиқ овига отланибди. Дарё қирғоғига бориб, сувга қармоқ ташлабди. Қармоғига жуда кўп балиқ илинибди. Лекин биттаям лаққа балиқ тутолмабди.

Қармоқ солиб кун бўйи кутибди. Бирдан қармоғи тортила бошлабди. «Оҳ-ҳо,— деб ўйлабди у,— қармоғимга биронта катта балиқ илинди шекилли».

У аста қармоғини тортган экан, сув юзида катта лаққа балиқнинг боши кўринибди. Бошида тўққизта чиганоқ бормиш. Уларнинг учтаси пешонасида, учтаси у чаккасида, учтаси бу чаккасида эмиш. Буни кўрган балиқчи қўрққанидан қармоқни ташлаб қочмоқчи бўпти.

— Қўрқма, одамзод,— деб тилга кирибди лаққа балиқ.— Мени тутишга тутдинг, энди уйинга олиб кет.

Балиқчининг юраги пўкиллаб қирғоққа яқинлашибди-да, лаққани сувдан торта бошлабди. Тортиб олиб, чўпга илмоқчи бўлган экан, балиқ яна тилга кириб:

— Менга чўпингни қадама, жоним оғрийди,— дебди.— Хурмозорга бориб, хурмо новдаларидан олиб кел-да, замбил тўқи. Мени ўша тўқиган замбилнингга ётқизиб, олиб кетасан.

Балиқчи унинг айтганларини қилибди. Балиқчи уйига борибди-ю, балиқни хотинига бериб, ўзи чиқиб

кетибди. Хотини суюнганидан ўйинга тушиб кетибди. У, балиқни оламан, деб эгилган экан, балиқ тилга кирибди:

— Мени қовуриб ейишдан олдин янги пичоқ, янги хумча, янги тақсимча, янги бўйра сотиб олишинг керак.

Хотин зинғиллаганича эрининг олдига бориб, балиқ айтган нарсаларни олиб келишни буюрибди.

— Менга қара,— депти эри,— у балиқ қирғоқда мен билан гаплашганди.

Лекин хотин унинг гапини эшитгиси ҳам келмабди.

— Нега сен билан гаплашаркан? У мен билан гаплашди, чунки мен билан дўст бўлмоқчи. Уни ёлғиз ўзим қовуриб ейман. Эҳ-ҳ-ҳ. Қачонлардан бери орзу қилиб юрган балиғим шу эди,— депти эрига қараб.

Эри хотини буюрган нарсаларни бозордан опкелибди. Хотин суюниб, балиқни кесибди, тозалабди ва қовуришга тайёрлабди. Қовуриб бўлгач, эрини чақирибди-да, «бир бўлак егин сен ҳам», деб қисталанг қипти. Лекин эри емапти.

— Қистама мени! Наҳотки мен одам билан гаплашган балиқни есам?! Сен егин, кўнглинг тортиб турган бўлса. Қаёқдаги бўлмағур нарсаларни еб юрасан,— депти эри хотинига.

Хотин балиқни янги тақсимчага солиб, янги бўйрага ўтирибди-да, ея бошлабди. То балиқ тугамагунча қайта-қайта еяверибди. Еб тугатибди-ю, кўнгли жойига тушибди.

Бир пайт қорнидан овоз чиқибди. Еб тугатган балиғи қорнида тилга кирибди:

— Қалай, қорнинг тўйдими?

— Ҳа, жудаям тўйдим.

— Бориб қўлингни ювиб кел, иккаламиз гаплашамиз.

Хотин бориб қўлини ювиб келган экан, балиқ яна гап бошлабди:

— Мени батамом еб тугатдингми, сира қолмадимми?

— Сираям қолмади.

— Тайёрланиб тур, ҳозир олдинга чиқаман.

— Қанақа қилиб чиқасан?
 — Ўзинг айта қол, қаерингдан чиқай?
 — Бурнимдан чиқа қол!
 — Йўқ, бурнингдан чиқмайман. У доим оқиб туради.

— Бўлмаса кўзимдан чиқа қол.
 — Кўзингданми? Кўзинг доим намланиб туради-ку!

— Унда қулоғимдан чиқ!
 — Қулоғинг бўлмайди. У жудаям кир.
 — Хоҳласанг, оғзимдан чиқ!
 — Оғзингдан? Йўқ, ўзим оғзингдан кирдим-ку!
 — Унда билганингни қил!— деб бақирибди хотин.

Шундан кейин балиқ хотиннинг белини синдириб, тешик очибди-ю, ўша ердан чиқибди. Буни кўтаролмаган аёл тил тортмай ўлибди.

Эри уйга кирса, хотини бўйрада ўлиб ётганмиш, ёнида эса узала тушиб лаққа балиқ ётганмиш.

— Эй одамзод, сен қўрқма, хотининггаям сира ачинма. У ярамас хотин эди,— депти балиқ эрига.— Хотинингни кўмиб кел-да, мениям маконимга обориб қўй. Фақат замбилда эмас, янги бўйрада обор.

Эри йиғлабди-сиқтабди, аммо, начора, айрилиққа кўникибди. Ҳамма қариндош-уруғларини йиғиб, хотинини кўмибди.

Эртасига эрта азонда, хўроз уч марта қичқирганида, балиқ яна тилга кириб:

— Эй одамзод, тур ўрнингдан, вақт бўлди. Мени жойимга обориб қўй,— дебди.

Эркак балиқнинг айтганидек, уни бўйрага солиб опкета бошлабди. Кўнгли хавфланиб, аста-аста юрибди.

— Яна мени қирғоққа ташлаб кетма. Ўзинг сувга тушиб, қаердан мени тутган бўлсанг, ўша ерга қўйворасан,— депти балиқ эркакка.

Эркак сувга тушиб, бир неча қадам юрибди.

— Юр, юравер, яна бир оз юр!— дебди балиқ.

Эркак яна бир неча қадам юрган экан, сув елкасигача чиқибди.

— Ана энди тўхта! Таппа қўлингдан ташлаб юбормай, аста-секин сувга қўйвор!— дебди у яна эркакка.

Эркак балиқнинг айтганини қилибди. Сувга туширилган балиқ дарёнинг қаъридан шундай дебди:

— Гапларимни эшит, одамзод, агар уйлансанг, хотинни танлаб, синаб ол, ўлган хотинингдақа инжиқ бўлмасин! Акс ҳолда косанг оқармайди.

Эркак иккинчи марта уйланибди. Бироқ хотинни танлаб, синаб олибди. Хотини эрга ҳам, элга ҳам маъқул тушибди.

САНДИҚ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир овчининг иккита эгизак қизи бўлган экан. Қизларнинг бўйи етганда уларнинг олдига ошиқлар кела бошлабди. Бироқ овчи беҳад қаттиққўл бўлганидан, жазманлари билан яширинча учраша бошлабдилар.

Кунлардан бир куни қизлардан бири отасининг қаерда ов қилишини сўраб қопти. Овчи ҳайрон бўпти-ю, лекин барибир ов қиладиган жойини қизига тушунтирибди. Иккала қиз жазманларига отасининг қаерда ов қилишини тушунтириб, уни бир амаллаб ўлдиришга кўрсатма беришибди. Ошиқ йигитлар дарров бу жиноятга кўна қолишибди. Улар овчини кетидан изма-из бориб, ўрмоннинг қуюқ жойига етганда бир амаллаб уриш чиқарибдилар-да, бечора овчини ўлдирибдилар.

Кунботар пайтида доим эгасидан қолмайдиган овчининг вафодор ити бир ўзи кириб келибди. Бунга кўрган қизлар сир бой бермай, гўёки қувонгандек:

— Ҳайтовур отамиз ортиб-ортиб келяптилар!— деб қичқира бошлабдилар. Лекин овчи келмабди. Хавотирланган хотини овчини қидиришга хизматкорини юборибди.

Вафодор ит хизматкорнинг олдига тушволиб овчининг мурдаси томон йўл бошлабди. Уни мурда ётган жойга олиб келибди. Эсанкираб қолган хизматкор мурдани даст кўтариб уйга олиб кетмоқчи бўлибди-ю, бироқ бир ўзининг кучи етмабди. Одам чакиргани уйга қайтибди. Овчининг хотини дод-вой солибди, қайғурибди. Илож қанча, хизматкорни ёнига битта одам қўшиб мурдани олиб келгани юборибди.

Отасининг дафн куни иккала қиз ҳам жазманини-

кига қочиб кетишибди. Уша кун тунда овчининг хотини туш кўрибди. Тушида эри унга ўлимининг сабабини айтиб берибди.

Шундан кейин хотинининг бир ғамига минг алам қўшилибди-ю, қизларини ер титраб қарғаб, айтиб-айтиб йиғлай бошлабди.

Қандай қилиб ўз фарзанди падари бузрукворини ўлдиртириб юборади-я! Қайси иқлимда бор бунақанги қотиллик, дея ўксиб-ўксиб йиғлабди бечора бева.

Буни эшитган жазманлар, бу хунук гапнинг эл оғзига тушиб кетишидан қўрқиб, бир амаллаб аёлни ўлдириш пайига тушибдилар. Униям қоронғи ўрмонга бошлаб бориб ўлдирибдилар. Бироқ улар воқеани кўриб турган овчининг итини сезмабдилар. Ит аёлнинг мурдаси атрофида гир-гир айланибди, кўзидан дув ёш тўкиб, тепасидан нари кетмай ўтираверибди.

Шу ўтиришда бир неча кун қолиб кетибди. Кейин увиллаганча дуч келган тарафга қараб кета бошлабди. Бир қанча вақт йўл босгандан кейин бир йўловчига дуч келибди.

У итдан увиллашининг сабабини сўрабди. Ит бўлган воқеани бирма-бир сўзлаб берипти-да, хўжасининг бевасини кўмиб беришини илтимос қилибди.

Йўловчи итнинг илтимосини бажарибди. Унинг яхшилигига жавобан ит йўловчига хўжаси яшириб қўйган пул тўла сандиқ турган жойни кўрсатибди. Марҳамат, шунча бойлик сенга, дегандек таъзим қипти ит йўловчига.

Йўловчи сандиқни жойидан олиб, бошқа ерга яширибди. Шунда бирдан ит эсига тушиб қопти. «Ахир у орқамдан юрди-ку, ҳаммасини кўрди. Яна бировга айтиб қўймасмикин?» Кўп ўйлаб турмай итни ўлдирибди.

Орадан бир оз вақт ўтгач худди шу ердан бошқа бир йўловчи ўтиб қолибди. Мундоқ қараса, итнинг жасади ётибди. Ичи ачибди шўрлик жониворга ва ерни ковлаб, уни кўмиб қўйибди. Шу куниёқ тунда ит иккинчи йўловчига тушида сандиқ турган ерни кўрсатиб кетибди. Аввалига йўловчи кўнмабди. «Шу арзимаган ишга шунча мукофотми? Мен шунчаки инсоний бурчимни бажардим», — дея йўловчи уйғониб қоп-

ти. Уйғонибди-ю, кўрган тушига ҳайрон бўлиб йўлида давом этмоқчи бўлибди. «Шошма, балки ит рост айтаётгандир», — деб йўловчи ит айтган ерга борибди. Ковлаб қараса, ҳақиқатан ҳам у ердан сандиқ чиқибди. Йўловчи шу ерга уй-жой қуриб, обод қилмоқчи бўлибди. Ёғоч, сомон олиб келгани кетибди. Қайтиб келиб қараса, сандиқ жойида йўқ эмиш. Кимдир илиб кетибди.

Сўқмоқ йўлдан хафа бўлиб кетаётган экан. Ундан олдинроқда сандиқ орқалаган бир одам шошиб кетаётганмиш. «Мени сандиғим-ку!» — депти-да, югурганича бориб ҳалиги одамга пичоқ урибди. Сўнг сандиқни олиб, йўлида давом этибди.

Бир четга чиқиб, сандиғини ерга кўмаётса, сал нарида бир бошқа йўловчи ўтиб қолибди. Мол-дунё уния кўнглига гўлгула солиб, қинғир ишга бошлабди. Аста-секин бориб, ҳалиги сандиқ эгасининг жонига қасд қилибди.

У одам ҳам бойликка эга бўлдими, йўқми — бизга қоронғи. Балки яна бир бошқа йўловчи кўриб қолиб, униям ўлдиргандир. Ундан сўнг яна бир бошқа бешинчи йўловчи олдидан чиқиб, унинг ҳам жонига қасд қилгандир.

Хуллас, пешона терисиз топилган мол-дунё ҳеч кимга ҳам вафо қилмас экан, азизлар!

ИККИ ДЎСТ — СЕША ВА БАМБИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, шу атрофдаги ўрмонда Сеша ва Бамби деган икки оҳу яшар экан. Сеша Бамбига яқин дўст эканлигини исбот қилиш учун уни ота-онасиникига меҳмонга таклиф қилибди.

Икки ўртоқни мезбонлар яхши кутиб олишибди. Улар бир неча кун меҳмон бўлишибди. Бамби ҳақиқатан ҳам Сеша унга дўстми ё йўқлигини синамоқ учун шундай дебди:

— Дўстим, биласанми, жудаям синглингни ёқтириб қолдим.

— Жуда яхши. Ҳақиқатан ҳам синглим сенга ёққан бўлса, майли, у билан гаплашаман, сўзини оламан. Кўвв бўлса сендек бўлар-да! — дебди Сеша.

Акаси синглисига бор гапни гапирибди. Бамбининг ўзи ҳам қизга севги изҳор қипти. Ўзингиз ўйланг, бир дўст бўлса шунчалик бўлар-да!

Орадан яна бир неча кун ўтгач, Сеша, энди кетсак ҳам бўлар, депти. Бамби бўлса уларни яна синамоқ бўлиб, ўзини касалликка солибди. Дўстини касал ҳолда ташлаб кетгиси келмаган Сеша ҳам қолишга мажбур бўпти.

Шўрлик Бамби кўзини юмганча қимир этмай ётибди. Сешани уйидагилар буни кўриб, жуда ташвишга тушишибди. Уни даволаш мақсадида фолбину табибларни чақириб келишибди. Фолбину табиблар уни сиңчиклаб кўриб, касал топиша олмабди.

— Ҳей дўстим, тур ўрнингдан! Соппа-соғ экансан-ку. Уйимизга кетайлик энди,— депти Сеша Бамбини аста туртиб.

Бамби чуқур хўрсиниб қўйиб:

— Эй оғайни, жуда уятли иш бўлди! Ер ёрилсаю ерга кириб кета қолсам,— депти.

Шу кўйи емай-ичмай бир неча кун ётган Бамбини ранг-рўйи кетиб, бир ҳолатда бўлиб қолибди. Сешанинг уйидагилар буни кўриб, ўлиб қолмаса яхшийди, деб ташвишга тушиб қолишибди.

Ғам-ташвишга ботган Сеша тобут олиб келгани кета туриб, дўстидан хабар олгани олдига келибди-да:

— Ҳой дўстим, тура қол! Турмасанг кўмиб қўямиз!— дебди.

— Майли. Кўма қолинглар, розиман. Жуда уялиб кетяпман,— депти Бамби.

— Нега бекорга уяласан? Ўғрилиқ қилдингми? Бирор жиноятга қўл урдингми ва ё бировдан қарздормисан?..

— Қўйсанг-чи, ошна, қўй мени ўз ҳолимга! Номусимдан ёрилай деяпман.

Начора, Бамбини тобутга солибдилар-да, қабристонга олиб борибдилар. Гўрнинг оғзига олиб бориб, Сеша тобутга эгилибди-да, унга шундай дебди:

— Оғайни! Биз ҳозир сени кўммоқчимиз! Наҳот билмаётган бўлсанг, ахир гўр ҳам қазилди!— деб дўстининг қулоғига шивирлабди-да, кўзларидан дув ёш тўкибди.

— Ахир айтдим-ку сенга, кўмаверинглар, деб. Мен ер юзида яшашга нолайиқман. Бундай юргандан кўра ўлганим афзал,— депти Бамби.

— Нега ҳадеб шунақа дейсан? Тушунтириброқ га-пирсанг-чи, ахир! Нима гуноҳ қилдингки, шунчалар уялсанг? Одам ўлдирдингми? Ўғирлик қилдингми ва ё бировдан қарздормисан? Тура қол ўрнингдан! Ахир яхшимас тириклайин ўзини гўрга тиқтириш! Бунақада ростдан ҳам ўлиб қоласан. Сенсиз қандай яшайман мен? Ахир иккаламиз жонажон дўстмиз-ку!

— Ҳа, ана шунинг учун ҳам ўлмоқчиман-да! Сенинг чин дўстлигингга ишонмаганим учун ҳам уял-япман! Қўй мени! Улмасам бўлмайди, ҳозир ўламан,— депти Бамби зўрга шивирлаб. Сеша унинг нима деганини эшитмапти ҳам.

Дўстининг бу қадар ўжарлигидан куйиб кетган Сеша ҳалиям бўлса уни инсофга чақирмоқчи бўлипти. Уни қимирлатипти, уринишлари бекор кетипти. Бамби қимир этмабди, ҳатто нафас ҳам олмабди. У ростданам ўлиб қолган экан.

Буни кўрган Сеша дод-фарёд кўтарибди. Ўзини ерга уриб додлабди. Мени ҳам бирга қўшиб кўминглар, деб йиғлабди, сиқтабди.

Бироқ ота-онасининг жаҳллари чиқибди. «Бу нима қилиқ? Жинни-минни бўлганми ўзи? Ёки мастмикин? Тирик одам ҳам гўрга кирадимми ахир! Тур ўрнингдан ҳозир! Дўстинг ўлди, энди уни асло тирилтириб бўлмайди»,— дейишибди.

Унинг шаънига айтилаётган бунақанги гаплар Сешани ниҳоятда руҳини чўктирибди, хафа қипти. Дўсти билан сўнгги марта видалашган Сеша унинг қабрига тупроқ ташлапти. Ахир Бамби Сешанинг вафоли дўст эканлигига ишонмасдан ўлиб кетган экан-да!

ҲАЙВОНЛАР ШОҲИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир эр-хотин бор экан. Уларнинг учта қизи бор экан. Биринчисининг исми Луанда, иккинчисиники Мукажи, кенжасининг исми эса Мбежи экан. Учала қиз ҳам ўсиб вояга етгач, тур-

мушга чиқишибди, сўнг эрлари билан узоқ ўлкаларга кетиб қолишибди.

Луанданинг эри қушлар шоҳи экан. Мукажиники оҳулар шоҳи, кенжа қиз Мбежининг эри эса балиқлар подшоси экан. Учала кувъ ҳам одамлар орасида рисоладагидек одам қиёфасида гапирарканлар. Гап-сўзлари ҳам, юриш-туришлариям инсонларга хос экан. Бироқ уйларида ҳақиқий қиёфага кириб олар эканлар.

Она учала қизини уйлик-жойлик қилибди-ю, ўзи яна ҳомиладор бўпти. Ой-куни етиб, қўчқордек ўғил туғибди. Бу ўғил онанинг кенжаси экан. Ўғил олти ёшга тўлганда мактабга борибди. Кунларнинг бирида бола ўртоқлари билан уришиб қолган экан, улар болага дашном бериб, мазах қилишибди:

— Йўқол, сен билан ўйнамаймиз, сендан ҳам, опаларингдан ҳам ҳазар қиламиз. Опаларинг инсонга эмас, турли ҳайвону қушларга турмушга чиқишган. Бизнинг опаларимиз сеникига ўхшамайди.

Бола опалари борлигидан беҳабар экан. Бундай гапни эшитиб, жуда хафа бўлиб кетибди-да, йиглаб уйига, онасининг олдига келибди ва эшитган гапларини ойисига айтибди.

— Опаларим бормиди? Қани улар? Улар кимларга турмушга чиқишган?— деб онасини қийин-қистовга олибди.

— Гапиришса гапираверишсин. Бўлмаган гап, сен бу гапларни кўнглингга сира олма. Улар сени кўролмаганларидан шунақа дейишган. Сен ҳам худди ўшаларга ўхшаган боласан,— деб она боласини юпатибди.

Бола онасининг гапларига ишонибди. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, болалар яна унинг жиғига тегиб, эски гапларни қўзғай бошлашибди.

Бола яна йиглаб келиб, онасига шикоят қилибди. Она яна силаб-сийпаб, боласини юпатибди.

Орадан ой-кунлар ўтиб, бола балоғатга ета бошлабди. Одамлардан бир неча марта опалари ҳақидаги мишмишларни эшитибди ва спаларини қидириб топишга қарор қилибди.

— Қаёққа бормоқчисан? Кимларни қидирмоқчисан? Ахир сен бизнинг ёлғизимизсан, ҳеч қанақанги опаларинг йўқ,— дебди онаси унга.

— Мен барибир бораман. Урмоннинг энг ичкарасига кираман. Инсон боласининг оёғи етмаган, фақат қушларгагина маскан бўлган еригача бораман...

Ота-она ноилож ўғилларига рухсат беришибди. Она ўғлининг қўлига бир оз озиқ-овқат, бир шиша сув ҳам берибди.

Йигит йўлга тушибди, узоқ йўл юрибди. Кечалари ўзини арқон билан шохларга боғлаб қўйиб дарахт тепасида ухлабди.

Онаси берган овқат тугагач, маймунлар тановул қиладиган емишлардан епти. Суви тугагандан кейин эса жилғалару ботқоқлардан сув ичибди.

Орадан кунлар, ҳафталар, ойлар ўтибди, йигит ҳамон юришда давом этибди. Йўлида у на биронта кулба ва на бирон инсонни учратмабди. Кўз ўнгида фақат дарахтлару қаршисида ёлғизоёқ сўқмоқ йўл эмиш, холос.

Шундай қилиб, орадан бир йил ўтибди. Бир куни у тепаликка чиқиб, узоқ-узоқларга қараб турган экан, тутунга кўзи тушибди. Буни кўриб, суюниб кетибди. Демак, шу яқин-орада инсон яшайди, деб ўйлабди у. Одамларнинг олдига тезроқ етиш мақсадида қадамини тезлатибди. Қанчалар тез юрмасин, фақат эртасига эрталабгина биринчи кулбанинг олдига етиб борибди. Борибоқ эшикни тақиллатибди. Эшикни хизматчи аёл очибди.

— Уй бекаси қани?— депти йигит хизматчига.

— Вой! Кимсиз? Бекамизга жудаям ўхшаркансиз,— депти-да, хизматчи бекасининг олдига югурибди.

— Бекам, бир йигит келди сизни сўроқлаб, сиз билан гаплашмоқчи. Укангиз бўлмасин яна?!

— Укам? Мени укам йўқ. Биз фақат уч опа-сингил эдик, холос,— шуни депти-ю, юраги орзиқиб йигитни кўргани чопқиллаб чиқибди. Ақл бовар қилмайдиган ўхшашлик! Икковлари бир-бировига тикилиб қолишибди.— Кимсан ўзи?— депти бека безовталаниб.

— Ота-онам менга, сенинг опаларинг бор, деб сираям айтишмаган. Лекин мактабда синфдош ўртоқларим, мени мазах қилиб, сенинг опаларинг бор, улар инсонларга теккан эмас, дейишди. Мен йиғлаб келиб, бу гапни ойимга айтсам, ойим, болалар бекор айти-

шибди, сен ёлғиз фарзандимизсан, опаларинг йўқ, дедилар. Ўртоқларимни дашномлари жонимга тегиб опаларимни қидиришга бел боғладим. Мана, бир йилдан бери йўлдаман, кундузлари маймунларнинг емишидан едим, туңлари дарахтларда тунадим. Мана, ниҳоят, бекам, сизнинг кулбангизга етиб келдим.

— Вой, сен менинг укамсан! Башаранг айтиб турибди. Ахир иккаламизни кўрган одам опа-укалигимизнинг шоҳиди бўлади.

Шуни деб бека йигитни роса меҳмон қилибди. Лекин пешиндан кейин бирдан безовталаниб қолипти:

— Укажон, сен яхшиси яширинганинг маъқул. Ҳозир эрим келиб қолади, у қушларнинг шоҳи. Ахир у сени танимайди-ку, танимасни сийламас деб, у ер-бу ерингни чўқиб олмасин тагин.

Йигит кўнибди. Хизматчи аёл катакка маис донидан сешиб, идишда сув қўяётганида йигит ҳам ўзини четга олиб, бекинибди.

Орадан кўп ўтмасдан баҳайбат қанотларнинг шапиллаши эшитилиб, ажойиб бир қуш келиб қўнибди. У аста йўрғалаб, катакка кирибди-да, дондан еб, сувдан ичибди. Сўнг катакдан чиқиб, бир юмалабди-да, одамга айланибди.

Хотини унга укаси ҳақида гапириб берибди.

— Қани у? Мен уни кўришим керак!— дебди эри.

Йигит яширинган еридан чиққан экан, поччаси қучоқ очиб у билан кўришибди. Шу кўйи йигит опасининг уйида бир ой меҳмон бўлибди. Опаси билан поччасининг дийдорига обдан тўйгач, иккинчи опасини излаб топишга қарор қилибди.

— У жуда узоқда туради. Ораси бир йиллик йўл,— дебди опаси билан поччаси унга.

Йигит йўлга отланиб бўлгандан кейин поччаси унга битта пат бериб:

— Бунга эҳтиёт қил. Агар бирор қор-қол юз бергудай бўлса, уни осмонга кўтариб: «Эй қушлар шоҳи, наҳотки мен бекордан-бекорга ҳалок бўлсам?!» десанг, фуқароларим сенга ёрдам беришади. Бу патни кўз қорачиғингдек асра!— дебди.

Йигит қушлар шоҳига қуллуқ қилиб, йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ўрмон ме-

валаридан еб, жилга сувларидан ичиб, охири бир йил деганда бир теъаликка етиб келибди. Унинг устига чиқиб қараса, пастликда бир манзилга кўзи тушибди.

Йигит эрта азонда ўша ерга етиб борибди-да, эшикни тақиллатибди.

— Уй бекаси борми?

Ичкаридан хизматчининг товуши кепти:

— Кимсиз? Вой, бекамга мунчаям ўхшайсиз? Бекам, ҳо бекам, бу ёққа қаранг. Қандайдир бир ёш йигит сизни сўраяпти. У сизга жудаям ўхшайди. Укангиз эмасмикин?

— Укам? Мени укам йўқ! Бир опаю бир синглим бор, холос.

Бироқ беканинг кўзи йигитга тушибди-да:

— Кимсан ўзинг? Ҳақиқатан ҳам бир-биримизга жуда ҳам ўхшар эканмиз,— дебди.

— Ота-снам менга, опаларинг бор, дейишмаган. Бироқ мактабдаги болалар мен билан уришиб қолиб, сени опаларингни эри инсон эмас, аллақандай ҳайвонлар, дейишди. Йиғлаб келиб оймимга айтсам, оймим, бўлмаган гап, сени ҳеч қандай опаларинг йўқ. Ёлғиз ўғлимизсан, дедилар. Бироқ болалар бу гапни бир неча бор айтишгандан кейин юрт кезиб, сизларни излаб топишга қарор қилдим. Уйдан чиқиб кетганимга бир йил тўлганда катта опамни топдим. Опам Луанданикида бир ой меҳмон бўлиб, яна йўлга чиқдим. Мана, икки йил деганда шу даргоҳга етиб келдим.

— Тўғри, сен менинг укамсан, чунки буни афтинг айтиб турибди,— депти опаси.

Иккинчи опаси Мукажи ҳам укасини бағрига босиб, уйига олиб кириб кетибди. Яхшилаб жой солибди. Лаззатли таомлар билан меҳмон қилибди. Кун пешиндан оққанида опаси унга:

— Азиз укажоним, менинг эрим, сенинг поччанг охулар шоҳи, кўп ўтмай келиб қолади. У сени танимасдан сузиб-нетиб ўтирмасин тагин. Ҳозирча яширинганинг маъқул,— дебди.

Йигит яширинибди. Хизматкор аёл яшил ўтлардан юлиб тайёрлабди, бир идишда сув қўйибди.

Кўп ўтмай каттагина тор эчкиси кириб келибди. Бўйнида олтин қўнғироқ. У югуриб молхонага кириб-

ди-да, еб-ичиб чиқибди. Бир юмалабди-ю, хушрўйгина йигитга айланибди.

Хотини унга бўлган воқеани гапириб берган экан, эри қайнисини кўриш истагини билдирибди.

Йигит бу опасинижида ҳам бир ой меҳмон бўлибди. Сўнг мезбонларга қараб:

— Энди учинчи опамни қидириб топишим керак, — депти.

— Бунинг учун жуда кўп юришинг керак. Бунга камида бир йил кетади, — депти унга опаси.

Поччаси — оҳулар шоҳи унга бир тутам жунидан бериб:

— Агар бошингга бирор мусибат тушса, ушбу жунни кўкка кўтарасан-да: «Оҳулар шоҳи, наҳотки мен бекордан-бекорга ўлиб кетаверсам?» дейсан. Овозингни эшитгач, мулозимларим сенга ёрдамга шошиладилар. Бу жунни кўз қорачиғингдек асра, — дебди.

Шундан кейин йигит йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Кундузлари ўрмон меваларидан тамадди қилиб, тунлари дарахт тепасида тунаб кун кечирибди. Орадан бир йилга яқин муддат ўтиб, кўзи бир манзилга тушибди. Эртасига эрталаб йигит ўша манзилга етиб бориб, эшик қоқибди-да:

— Бека уйдадилар? — дебди.

Эшикни уй хизматчиси очибди. Йигитга кўзи тушиши биланоқ ҳайратидан анграйиб қолибди, чунки уй бекаси билан йигит бир олманинг икки палласидек эканлар.

— Хоним, эшикда бир йигит турибди. У сизга чунонам ўхшайдики, наҳ бир онадан туғилгандек.

— Бир онадан туғилгандек? Менинг укам йўқ, фақат иккита опам бор, холос...

Бека шундай депти-ю, югуриб бориб йигитга қарабди, кўрибди-ю, ҳақиқатан ҳам ўзига ўхшашлигига тан берибди.

— Кимсан? Нега бунчалар менга ўхшайсан? — дебди.

— Ота-онам менга бирор марта сенинг опаларинг бор дейишмаган. Лекин мактабдаги ўртоқларим менга, сенинг опаларинг бор, улар опа бўлганидаям оддий опалардан эмас. Учаласиям ҳайвонларга тегишган, де-

йишди. Бу гапни эшитиб, додлаб йиғлаганимча ойимнинг олдига бордим. Уртоқларимнинг гапини унга айтдим. Онам, ўртоқларинг бекор айтибди, сен ёлғиз фарзандимизсан, ҳеч қанақанги опаларинг йўқ, деди. Бу гапни болалардан бир неча марта эшитганимдан кейин, аламингга чидамай, сизларни ахтаришга қарор қилдим.

Бир йил йўл юриб, қанчадан-қанча машаққатлар чекиб, катта опам Луандани топдим. Яна бир йил юриб, иккинчи опам Мукажини топдим. Ҳар иккисиникидаям бир ойдан меҳмон бўлиб, охири сени излаб йўлга тушдим. Йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим. Минг машаққатлар билан мана охири сениям топдим.

— Рост, сен менинг укамсан, буни инкор қилиб бўлмайди,— дебди опаси.

Кенжа опа укани роса меҳмон қипти. Тотли таомлар билан сийлапти. Жой солиб берипти. Кун пешиндан оққанида опаси унга:

— Поччанг, балиқлар шоҳи келиб қоладиган вақт бўлди. У сени танимайди, танимасни сийламас деб, яна қанотлари билан уриб ўтирмасин. Ҳозирча кўзига кўринмай қўя қол,— депти.

Хизматчи аёл катта ҳовузга сувни тўлатибди. Ичига емиш ташлабди.

Шу пайт кўкда баҳайбат бир балиқ пайдо бўлибди-ю, шалоп этиб ҳовузга тушиб сувдан ичибди, емишларидан ебди-да, бир думалаб, чиройли йигитга айланиб қопти.

Опаси эрига укасининг келганини айтиб берибди. Почча қайниси билан қучоқ очиб кўришибди. Бу опасиникида ҳам бир ой меҳмон бўлибди.

— Мана, ниҳоят, учала опамни ҳам кўрдим. Поччаларим билан танишдим. Энди уйга кетсам ҳам бўлади. Бориб ойимга кўрган-кечирганларимни айтиб берман. Ҳали онам ҳаётми, йўқми?— дебди йигит.

Учинчи почча қайнисига хайрлашиш олдидан балиқ тангасидан берибди-да:

— Агар бошингга бирор мусибат тушиб қолса, манави тангаларни кўкка кўтаргин-да: «Эй балиқлар шоҳи, наҳотки мен бекордан-бекорга ўлиб кетаверсам?!» дегин. Шунда менинг мулозимларим сенга ёрдамга югуришади,— депти.

Йигит уйига қараб йўл олибди. Қайта туриб қилган ишларидан мамнун, ўзича хиргойи қилиб борар ва ҳатто қўлларини қарсиллатиб ҳам қўярди.

Худди шу пайт Ангола шоҳининг қизини илонлар шоҳи ўғирлаб кетган бўлиб, мамлакатда хафагарчилик ҳукм сураб, токи қиз топилмагунча қўшиқ айтиб ўйин тушиш ман этилган экан.

Қўшиқ овозини эшитиб қолган навкарлар қўшиқ айтаётган одамни қидириб қолишибди.

— Тўхта! Сен ҳибсга олиндинг! Қўшиқ айтиб, ўйинга тушиш ман этилганидан хабаринг йўқми?

— Йўқ, асло хабарим йўқ! Опаларимни топиб олганимдан хурсанд бўлиб, қўшиқ айтаётувдим.

Йигитни навкарлар шоҳининг ҳузурига бошлаб олиришибди. Бироқ йигит тўхтамай қўшиқ айтаверибди.

— Менинг бошимга шунчалар мусибат тушиб турибди-ю, сен бўлсанг хурсанд бўлиб қўшиқ айтасан?! Сени жазолайман! Лекин бир шартим бор, агар қизимни топиб келсанг, ҳаётингни сақлаб қоламан. Ҳаётингни сақлабгина қолмай, ҳатто сени куёв ҳам қиламан. Менинг меросхўрим бўласан,— дебди Ангола шоҳи йигитга.

— Марҳаматли султоним!— дебди йигит.— Қизингни мен топиб келаман. Мени қўйворсанг бўлди, уни излаб кетаман.

Шоҳ йигитни озод қилибди.

— Йигит қизни топса, ноғоралар гумбурласин,— деб фармон берибди шоҳ навкарларига.— Бордию бизни алдаб кетган бўлса, ваъдасини устидан чиқмаса, уни тутиб олиб, менинг ижозатимсиз ўзларингиз жазолайверинглар.

Қўшиқ айтиб, ўйинга тушганча йигит ўрмоннинг ичкарисига кириб бораверибди. Бирдан тўхтаб, учала поччаси берган пат, бир тутам жун ҳамда балиқ тангасини бошидан юқори кўтарибди-да:

— Қушлар шоҳи, оҳулар шоҳи ва балиқлар шоҳи, наҳотки мен бекордан-бекорга ўлиб кетаверсам?— дебди.

Шу он сон-саноқсиз қушу оҳую балиқлар пайдо бўлиб, унга қуллуқ қилишибди-да:

— Хизматингизга тайёрмиз!— дейишибди.

— Ёрдамингизга муҳтожман! Илонлар шоҳи Ангола ҳукмдорининг қизини ўғирлаб кетибди. Шоҳ қизини қидириб топишни менга юклади. Агар топиб беролмасам, ўлимга ҳукм қилади. Қиз қаердайкин?— депти йигит.

— Сен шарққа қараб юр. Юра-юра илонлар шоҳининг манзилини топ. Қиз ҳам ўша ерда бўлади.

Йигит кўрсатилган томонга қараб йўл олибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири у илонлар шоҳининг манзилига етиб келибди.

Остонада қоң йиғлаб шоҳнинг қизи ўтирган экан.

— Қимсан ўзинг? Нима юмушинг бор?— депти қиз йигитга.

— Сени олиб кетгани келдим. Бу отангнинг буйруғи,— депти йигит.

— Бу ердан тезроқ кет. Сени шоҳ кўриб қолса, өтингни бурда-бурда қилиб, мулозимларига емишга ташлайди,— депти қиз.

— Унинг жони қаерга яширинган? Айтиб беролмайсанми?— депти йигит.

— Уни жони бир қушнинг ичида. Қуш бўлса қафасда. Қафас катта бир тошда. У тош эса денгиз тубида...

— Сен шу ерда ўтир, мен тезда қайтаман...

Йигит бир четга чиқиб, балиқ тангасини бошидан юқори кўтариб:

— Балиқлар шоҳи, наҳотки мен бекорга ўлиб кетарсам?— депти.

Шу заҳотиёқ балиқлар шоҳи ўз мулозимлари билан етиб келиб:

— Хизматингга тайёрмиз,— дейишибди.

— Шоҳнинг қизини топдим. Бироқ энди менга илонлар шоҳининг жони керак. У бир қушнинг ичидамиш. Қуш қафасда. Қафас тошда. Тош бўлса денгиз тубида эмиш.

Галини тугатиб, ўзини ўнгламасданоқ балиқлар катта бир тошни олдиға юмалатиб олиб келишибди.

Тошни қандай ёриш керак?

Йигит оҳулар шоҳи берган бир тутам жунни юқори кўтарибди-да:

— Оҳулар шоҳи, наҳотки мен бекорга ўлиб кетаверсам? — депти.

Шу заҳотиёқ оҳулар шоҳи ўз мулозимлари билан унинг қаршисида пайдо бўлибди-да:

— Хизматингга тайёрмиз, — депти.

— Манави тошнинг орасига қафас яширинган... Қафасда қуш бор... Қушнинг ичида илонлар шоҳининг жони бор. Шу тошни ёришда менга ёрдам бер, оҳулар шоҳи, — депти йигит унга жавобан.

Оҳулар бирдан ёпишиб, ҳалиги тошни майда-майда бўлакларга бўлиб ташлашибди. Тошнинг орасидан қафас чиқибди. Буни кўрган йигит қушлар шоҳини ёрдамга чақирибди.

— Эй қушлар шоҳи, наҳотки мен бекорга ўлиб кетаверсам?

Шу пайт осмонда қушлар шоҳи пайдо бўлибди-да:

— Хизматингга тайёрман, — депти.

— Илонлар шоҳининг жони шу қафасдамиш. Бирёқ уни очиш қўлимдан келмаяпти. Шунга ёрдам бер.

Қушлар ҳаммаси ёпирилиб, қафасни чўқилай бошлабдилар. Чўқий-чўқий, ниҳоят, қафасни бузибдилар. Қафасни бузиб, энди қушни ўлдирмоқчи бўлишган экан, қуш ғойиб бўпти-қопти. Қидира-қидира бошлари қотибди. Шунда қушлар шоҳи қушларини бир бошдан санаган экан, битта ортиқча чиқибди. Бегона қушни топиб ўлдиришибди, чунки шу қушнинг ичида илонлар шоҳининг жони сақланаркан. Илонлар шоҳи бу пайтда узоқ-узоқларда ов қилиб юрган экан, бирдан ҳаммаёғи увушиб, юраги тўхтаётганга ўхшабди. У аранг судралиб, ўз маконига етиб келибди. Худди шу пайтда йигит шоҳнинг қизини олиб кетмоққа чоғланаётган экан. Қиз ҳам қўрқув, ҳам ваҳима билан:

— Қандай бўларкин? Қўрқаман. У ҳозир келиб қолади. Яқинлашиб қолди. Менга сезиляпти, — депти.

Йигит яна оҳулар шоҳини ёрдамга чақирिशга мажбур бўлибди. У дарров олтин қўнғироқларини жиринглатиб етиб келибди-да, қиз билан йигитнинг устига ўтқазиб учириб кетибди.

— Ха-ха-а-а... Агар тутиб олсам, икковингням тириклайин ютаман. Ҳазм қилиб юбораман, — деб хирил-

лаб қопти илонлар шоҳи уларнинг орқасидан. Бироқ кўп ўтмай унинг ўзи кучдан қолиб, жон берибди.

Баҳодир йигит эса шоҳ қизини отаси ҳузурига олиб борибди. Уларнинг йўлларида учраган халқ қувноқ қўшиқ, ўйин-кулгию шўх музыкалар билан қарши олишибди. Ангола шоҳи бу қувонч эвазига қизини йигитга хотинликка бериб, уни ўзига валиаҳд қилибди.

ҚУЁН ВА МАЙМУН

Қурғоқчилик натижасида ўрмон ҳайвонлари очликдан қийнала бошлашибди. Икки дўст — қуён билан маймун бирга яшамоқчи бўлишибди. Чунки биргаликда овқат топиш бирмунча осон бўлади-да. Маймун баҳайбат баобаб дарахтининг учига кичкинагина уйча қуриб олибди. Икки дўст ўша ерга жойлашибди. Иккаласиниям кексайиб қолган оналари бор экан. Иккала она ҳам ўша уйчага жойлашибди.

Маймун билан қуён емиш топгани бирга боришаркан. Топган-тутганларини олиб келиб оналари билан баҳам кўришаркан.

Кунларнинг бирида маймун бундай разм солса, онаси анча ориқлаб қолганмиш. Топган емишимиз тўрт жонга камлик қиляпти, қуённинг онасини ўлдириш керак, деган қарорга келибди маймун. Дўсти йўқлик пайтини пойлаб туриб, арқонга тирмашиб уйчасига чиқибди-да, қуённинг онасини ўлдирибди, ўликни эса ерга ташлаб юборибди.

— Нега ундай қилдинг? — депти маймуннинг онаси зор-зор йиғлаб.

— Уни ўлдирмасам, сизга қийин бўляпти. Қаранг, чўпдек озиб кетибсиз. Топган емишимиз иккалангизга етмаяпти-да! Озиб кетаётганингизни кўриб, чидаб туролмадим.

— Ҳар нима бўлганда ҳам яхши иш қилмадинг, болам! — депти унга онаси.

— Менга қаранг, она! — депти маймун онасига. — Агар дўстим келиб, онасини сўраса, онангни анави йиртқич қоплон еб кетди, дейсиз, хўпми?!

Қуён овдан қайтиб, онасини овқатлантиргани уйчага энди чиқай деб турганида, маймун унга:

— Қоплон арқонни чайнаб ташлабди, дўстим қуён, жудаям чайнамаган бўлсаям ҳар ҳолда арқон зўрға турибди, у билан юқорига чиқолмайсан,— депти.

Қуён аввал унинг гапига ишонибди. Кейин шубҳаланиб қолипти. Ахир, онаси оч қолади-ку! У маймунга ҳар кунгидан кечроқ қайтишини айтган экан, аслида анча вақтли қайтиб келиб, арқонга осилиб бемалол уйчага чиқибди. Маймуннинг онаси бўлса боласи ўргатгандек қилиб қуённи алдабди.

Бечора қуён ўкириб йиғлабди. Йиғлаб-йиғлаб охири умрининг сўнгигача пастга тушмасликка қарор қилибди.

Маймун овдан қайтиб келиб, йиғлаб ўтирган қуённи кўрибди-да, уни уйчадан қувибди. Лекин қуён кетмай туриб олибди.

— Қоплон сениям еб кетади,— деб қичқирибди у қуёнга.

— Еса есин, энди менга барибир! Ўлсам куядиган меҳрибоним йўқ,— дебди қуён.

— Эсингни еб қўйибсан!— депти маймун.

Қуён онасининг ўлими сабабини ўйлай-ўйлай, ўйининг охирига етолмабди. Қанча кўп ўйлаган сари, онасини қоплон еганига шубҳалана бошлабди.

Кунларнинг бирида, маймун уйда йўқлигида, у маймуннинг онасидан синчиклаб сўрай бошлаган экан, она йиғлай-йиғлай бўлган воқеани сўзлаб берибди.

— Бўлар иш бўпти. Онам энди барибир қайтиб келмайди!— депти хўрсиниб қуён.— Аммо дўстлигимиз тугади. Мен гарчи маймундан ўч олишим лозим бўлса-да, сени ўлдирмайман, қўлим бормайди. Энди она-бола бу уйда яшайверинглар. Мен энди ўзимга бошқа бошпана топай.

Шундан бери маймун тепада, дарахт устида яшаркан. Қуён бўлса ерда истиқомат қиларкан.

ОПА-СИНГИЛ ЭГИЗАКЛАР

Бир бор экан, бир йўқ экан, аллақайси бир жойда эру хотин яшар экан. Улар тотувликда узоқ умр кечиршибди, бироқ фарзанд кўришмабди. Бир куни хотини ажойиб туш кўрибди. Тушида:

— Эй хушмуомала аёл, — депти ғойибдан бир овоз, — сен кўнглингдаги мурудинга етасан. Сенга худо фарзанд беради. Бергандаям бир эмас, балки опа-сингил эгизаклар беради. Сен улардан бирига Какула, иккинчисига Кабаса деб исм қўясан. Сен қизларинга Пунго-Андонго лойидан бўлган иккита сопол кўза, новдадан тўқилган иккита саватча тайёрлаб қўй. Қизларинг туғилиб катта бўлгач, ўшаларни ўйнашади.

Аёлнинг эри саёқ савдогар бўлиб, Пунго-Андонгога ҳам кўп бориб тураркан. Аёл эрига ўша ердан икки кўза, бир қариндошига эса иккита саватча олиб келишни илтимос қилибди.

Аёлнинг ой-куни етиб, тўлғоқ бошланганида эри Пунго-Андонгода экан. Уша ерда туш кўрса, ғойибдан бир овоз унга: — Тезроқ уйингга қайт, — депти. Эркак хотини тайинлаган иккита кўзани олиб, тезда уйига қайтибди. Қанчалик шошилмасин, барибир чақалоқлар туғилганидан кейин кириб қелибди. У билан баравар саватчаларни кўтариб, таниш киши ҳам пайдо бўлибди. Иккаласи бахтиёр онага совғаларни топширишибди.

Худди фарзандлар туғилган куни она яна туш кўрибди. Тушида яна ўша овоз:

— Ана энди сенинг икки қизинг бор. Сен уларни кўз қорачиғингдек авайлаб тарбия қил! Улар ўсиб, юра бошлагач, ёлғиз ўзларини зинҳор-базинҳор дарё лабига юбора кўрма. Шу гапларимни қулоғингга қўйиб ол, — депти.

Аёл қизчаларини ниҳоятда эҳтиётлаб ўстира бошлабди. Сира ёлғиз қолдирмай, доим ўзи билан бирга олиб юраркан. Лекин кунлардан бир куни аёл уй ишлари билан овора бўлиб, қизчаларини уйдан чиқиб кетишганини сезмай қолибди. Улар чопқиллашиб дарё лабига боришибди. Қўлларида кўзаю саватча кўтарган Какула саватини сувга ботирибди, бироқ тўлқинлар қизчанинг қўлидаги саватини оқизиб кетиб, дарёни ўрта еригача обориб қўйибди. Жуда хафа бўлиб кетган қиз саватининг кетидан аччиқ-аччиқ йиғлаб қўшиқ бошлабди:

Сузиб борар Какула, сузиб борар сингилчам,

Олиб борар уни, оҳ, азим дарё Кванза —

Олиб борар у бизнинг хоқонимиз юртига.
 Сузиб борар саватчам,
 Борар менинг жонгинам,
 Кванза тўлқинлари
 Элтар узоқ-узоққа!

Кабаса ҳам буни кўриб, сувга кўзачасини ботирган экан, тўлқинлар унияма анча нарига суриб кетибди. Буни кўрган Кабаса ҳам ўзини сувга ташлаб қўшиқ бошлабди:

Сузиб борар Кабаса, сузиб борар сингилчам,
 Олиб борар уни, оҳ, азим дарё Кванза —
 Олиб борар у бизнинг хоқонимиз юртига.
 Сузиб борар саватчам.
 Сузар менинг тувакчам,
 Кванза тўлқинлари
 Элтар узоқ-узоққа!

Шу пайт она қизчаларининг уйда йўқлигини билиб қолибди-да, юраги орқасига тортиб, дарё томонга қараб югурибди. Келиб қараса, қизчалар йўқ. Узоқ-узоқларда иккита бошча гоҳ сувга шўнғиб, гоҳ юзага чиқармиш. Талвасага тушган она ўзини сувга ташламоқчи бўлибди, бироқ чўчибди. Аёл сув лабида чўкка тушган ҳолда қизчаларининг ортидан қичқирибди:

— Орқаларингга қайтинглар, қизалоқларим! Тезроқ қайтинглар. Қайта қолинглар, она қизларим. Мен сизларга ширин-шакар овқатлар қилиб қўйдим. Бананлардан териб қўйдим. Қайтинглар, бўталоқларим! Отанглар сизга яна кўзачалар опкелиб беради, улар ахир топиладиган нарса-ку!

Бироқ қизчалари онасининг гапини эшитмай, олдинга қараб суза бошлашибди.

Сузиб борар Какула, сузиб борар Кабаса,
 Олиб борар уларни азим дарё Кванза,
 Олиб борар у бизнинг хоқонимиз юртига.
 Сузар тувакчаларим,
 Борар саватчалар ҳам,
 Кванза тўлқинлари
 Элтар узоқ-узоққа!

Кўзачаю саватчалар ҳамон оқиб кетаверибди. Қизчалар бўлса уни ортидан қувиб кетаверишибди. Бироқ силлалари қуриб, ҳолдан кетишибди, натижада иккала қизни тўлқинлар дарё тубига олиб тушиб кетишибди.

Онанинг қулоғидан қизчаларининг мунгли қўшиқ айтган овозлари сира нари кетмабди. У бўйнигача сувга ботиб, алламаҳалгача қизчалар чўккан томонга қўл чўзиб турибди. Охири йиғлай-йиғлай уйига қайтишга мажбур бўлибди.

Аёлдан бу шумхабарни эшитган ота, фарзандларимни зора қутқарсам, деган фикрда дарё лабига қараб чолибди.

Ўша куни тунда аёл яна туш кўрибди. Тушида ўша овоз унга:

— Сен фарзанд истовдинг. Бердим. Бироқ уларни асрай олмадинг. Мен сени огоҳлантирган эдим. Дарё лабига ёлғиз юборма, деб тайинлаган эдим. Лекин сен бепарволик қилдинг. Энди уларнинг уйи дарё тубида. Сувдан қўрқмай, ортларидан сувга тушганинга, балки қутқариб қолардинг. Ҳозир қизчаларингни бағринга босиб уйингда ўтирган бўлардинг. Бироқ сен уларни ташлаб кетдинг. Ўзим берган фарзандларни ўзим олдим. Энди уларни мана мен катта қиламан,— дебди.

Шу воқеадан кейин аёл ўзини қўярга жой тополмабди. Қизчаларини қутқариш ўрнига ўз жони ширинлик қилиб, ортларидан бормагани учун ўзини сира кечиролмабди. Юраги ўт бўлиб ёниб ниҳоят, касалга чалинибди. Шу кўйи дард-ҳасратда ўлиб кетибди. Хотинининг вафотидан изтиробга тушган эр ҳам кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмибди.

ҚОПЛОН, КИЙИК ВА МАЙМУН

Қоплоннинг қайинбўйинлари жуда узоқда туришаркан. Қоплон улардан хабар олиб келмоқчи бўлибди. Кийик бирга бориб келишни илтимос қилибди. У рози бўлибди. Улар олиб кетаётган совғалари — пальма шаробини галма-галдан кўтариб боришибди.

Улар жуда кўп йўл юришибди. Катта-катта экин майдонларига дуч келишибди.

— Кўряпсанми бу экинзорларни?— дебди қоплон кийикка.— Бу ерлар қайинбўйинларимнинг ери. Анави гуайява дарахтлари ҳам ўшаларга тегишли. Мевалари гарқ пишибди-я! Ке, узиб еймиз. Лекин пишиб етилганларига тегма, хомроқларидан е! Пишганлари эгасига қолсин.

Кейин қоплон айтгандек қилибди. Ғўра-шўра мевалардан еб, қорнини шиширибди. Қоплон бўлса унинг кўзини шамғалат қилиб туриб нуқул пишганидан те-риб ебди.

Роса еб тўйган қоплон кийикка ачинган бўлиб:

— Вой, кийикжон-ей, нега энди хом-хаталасидан еяпсан? Пишганлариям тиқилиб ётибди-ку!— дебди.

— Ахир ўзингиз шундай қил дедингиз-ку, тоғажон!— дебди кийик.

— Эй, ҳазилни билмаган тентаг-е!

Улар яна юришда давом этишибди. Олдиларидан яна катта-катта экинзору дарахтзор далалар чиқибди.

— Кўряпсанми экинзорларни?— дебди қоплон кийикка.— Буларнинг ҳаммаси қайнағамга тегишли. Ҳув анави ерда шакарқамиш ўсади. Бориб уч-учидан шимайлик, пояси эгаларига қолсин.

Кийик у айтгандай қилибди, қоплон эса унинг кўзини шамғалат қилиб, қамишзорга кирибди-да, шакарқамиш поясидан тўйиб-тўйиб сўрибди.

— Вой, кийикжон-ей, нима бало, лабларинг қонаб кетибди, нима қилди?— дебди у кийикка.

— Қамишни учидан сўрмоқчи бўлувдим, лабларимни қирқиб юборди,— дебди кийик.

— Эҳ жиян-эй, жиян-ей, наҳотки шунгаям ақлинг етмаган бўлса, ахир мен ҳазиллашган эдим-ку. Қамиш поясининг юмшоқ жойидан сўриш керак эди,— дебди қоплон.

Яна улар йўлга тушишибди, йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, ниҳоят, рўпараларидан яна каттакон экинзор далалар чиқибди.

— Манави ерларни кўряпсанми? Худди шу даланинг этак томонида менинг қайинбўйинларим яша-шади. Лекин улар жуда содда, оми одамлар. Овқатни

қўлда ейишади. Қошиқ ишлатишмайди, ке, қошиғи-мизни яшириб қўямиз.

Сал юришгандан кейин, бир жойни белгили қилиб қўйишибди-да, нарсалари солинган саватни яшириб қўйишибди.

Яна йўлларида давом этишибди.

— Менга қара, кийик! Мен сенга боя, қайинбўйинларим содда, оми одамлар, девдим. Борганимиздан кейин улар сенга салом берсалар, сен уларга, бор, йўқолларинг, саломларинг бошингни есин, дейсан. Улар барибир сенинг гапингга тушунмайдилар. Қўлингдаги вино солинган кўзани олмоқчи бўлганларида сен уни ерга ташлаб юборасан. Билиб қўй, мени айтганларимни қулоқ қоқмай бажарасан.

— Ҳа, албатта, айтганларизни бекаму кўст бажараман, тоғажон,— дебди кийик.

Улар кириб боришлари биланоқ болалар чувиллашиб, уларни қарши олишибди-да:

— Ура, қоплон поччам келдилар!— дейишибди.

Уйнинг катталари бўлса уларга салом бериб, тавозе билан кутиб олишибди.

Кийик бўлса уларга қараб:

— Бор йўқолларинг, саломларинг бошингни есин,— дебди.

Мезбонлар ҳайрон бўлишибди-ю, бироқ индамай кийикнинг қўлидаги кўзачани олмоқчи бўлиб қўл узатган эканлар, кийик уни ерга ташлаб юборибди. Унинг бу ишини кўргач, жаҳллари чиқибди-да, тарсиллатиб ура кетишибди.

Тушдан кейин қоплон кийикни яшириб қўйган саватни олиб келишга юборибди-да, ўзи ҳамма овқатни еб қўйибди. То кийик қайтиб келгунча ҳовлига сув тоширворибди. Кийик кириб келиши билан эса унга дўқ қилиб:

— Вой жиян-ей, мунча келишинг қийин бўп кетди, тезроқ юрсанг бўлмасмиди? Кўряпсанми, ҳамма-ёқни сув босиб кетди. Оми қариндошларим бор ош-овқатни ўзлари бир бошдан еб бўлдилар-да, ҳовлига сув тоширвордилар. Мана энди оч қоладиган бўлдик. Ҳа, майли, бугун оч бўлсак ҳам ёта қолайлик. Эрга-га овқатланармиз,— дебди.

— Майли, тоғажон, эртага бўлса эртага-да,— дебди ноилож кийик очликдан мадори қуриб кетаётган бўлса ҳам.

Тун кечада, ҳамма уйқуга кетганида қоплон аста-секин, пусиб молхонага кирибди-да, эчкиларни ғажиб ташлабди. Яна бутун айбни кийикка ағдариб мақсадида ёнғоқ пўчоғига қон солибди-да, кийик ухлаб ётган ерга бориб, у ер-бу ерига суриб қўйибди.

Тонг отиб, кун ёйилиб кетгунча, кийик ўрнидан турмай, жуда узоқ ухлабди. Қоплоннинг болалари уни уйротгани бориб, қарашса, ҳаммаёғи қон эмиш. Улар:

— Вой-вой, кийик тоғамнинг ҳаммаёғи қон,— деб бақирганча орқаларига қайтишибди.

Эчкиларни ким ғажиди экан, деб ҳайрон бўлиб ўтирган катталар:

— Ҳа-а, демак эчкиларни кийик ғажиган экан,— деб, уни гуноҳкорга чиқариб, роса дўппослай кетишибди. Аямасдан роса калтаклаган эканлар, бечора ўлиб қолибди. Қоплон ва унинг қайинбўйинлари жонилари кириб кийикни ебдилар.

Орадан яна бир қанча вақт ўтгач, қоплон яна хотинининг уруғлариникига бормоқчи бўлибди. Бу сафар у маймунни бирга олиб кетибди.

Маймун кўзада хурмо мусалласини кўтариб, у билан ёнма-ён кетаверибди.

Улар ҳали йўлларида кўп учрайдиган экин майдонларининг биринчисига дуч келишганида қоплон маймунга:

— Анави ерларни кўряпсанми?— дебди.

— Ҳа, тоғажон, кўряпман,— дебди маймун.

— Бу ерлар хотинимнинг қариндош-уруғларининг ери,— дебди.— Анави гуайва дарахтлари ҳам уларга тегишли. Мевасидан бир оз есак бўлади, албатта хомроғидан. Пишганлари эгасига турсин. Уқдингми?— дебди қоплон маймунга.

— Рост айтасиз, тоғажон. Буни ўзим ҳам билман. Пишган мевалар албатта эгаларига туради-да! Пишганлари жуда ширин бўлади. Унақасини ейиш ҳам қийин. Думбуллар ейишлик бўлади. Думбулларини

қушлар нега чўқимас экан, ҳайронман,— дебди маймун қоплонга.

Икковлари дарахт тагига келишганида, қоплон кўзаларни олмоқ бўлган экан, маймун унга бермабди:

— Қўяверинг, тоғажон, оғир эмас,— дебди, сўнг қоплонга кўрсатиб, хом меваларни ғажиган бўлибди. Бироқ қоплон сағал нарига кетиши билан маймун дарахт тепасига чиқиб олибди-да, ҳил-ҳил пишган мевалардан ея бошлабди. Бундай пастга қараса, қоплон ҳам пишган-пишганларидан еяётганмиш.

— Нега энди пишганларидан еяпсан? — деб ўшқирибди қоплон маймунни қўлида пишган мевани кўриб.

— Ҳа-а-а, атрофда шунча пишганлари турсин-да, мен хомидан еяйми, тагин нималар дейсан? Ҳозир кўзаларингни ташавораман-да, кетиб қоламан. Ёлғиз ўзинг қоласан,— дебди маймун.

— Ҳа, майли, жиян, хафа бўлма, ҳазиллашдим,— дебди қоплон.

Улар яна йўл юришда давом этишиб, шакарқамиш далаларига етишибди. Шунда қоплон маймунга:

— Анави шакарқамишларни кўряпсанми? Улар ҳам хотинимнинг уруғлариники. Юр, яқинроғига борамиз. Борамизу уч-учидан сўрамиз. Поялари эгасига турсин. Уқдингми? — дебди.

— Тоғажон, уққанда қандсқ. Худди шундай қиламиз. Мен унинг поясини унча ёқтирмайман. Уч-учини шимишни яхши кўраман, хўп ширин бўлади-да,— дебди маймун.

Шундай дея у қоплонга кўрсатиб, уч-учидан сўра бошлабди. Қоплон сал нари кетган экан, у қамишнинг поясини синдириб, ширасини сўра бошлабди. Кўз қири билан қоплонни кузатса, уям шунақа қилаётганмиш.

Маймуннинг сершира пояни шимаётганини кўрган қоплон:

— Ҳой, менга қара, бундай қилишга қандай қўлинг борди?! — деб ўшқирибди.

— Ҳа, сен нима деб ўйловдинг! Ён-веримда шунча сершира поялар турсин-да, мен лабимни тилиб, уч-учидан шимайми? Ҳозир кўзаларингни ерга бир ураману кетаман-қоламан! — дебди маймун.

— Қўй-эй, жиян, ҳазиллашдим, жаҳлинг чиқмасин.

Улар яна йўлларида давом этишибди.

Узоқдан хотинининг уруғларининг уйи кўринибди.

— Менга қара, жиян, — дебди қоплон маймунга. — Уларникига қошиқларимизни обормаймиз. Масхара қилишади, чунки ўзлари овқатни қўлда ейишади.

— Ҳа, албатта, тоғажон, обормаймиз. Уларда нима расм бўлса, шуни қиламиз-да! — дебди маймун.

Маймун қоплонни кўзига қошиқларни яширган бўлибди.

— Ҳой, жиян, боя мен сенга айтувдим шекилли, хотинимнинг уруғлари жуда содда, гўл одамлар деб. Гап бундай: кириб боришимиз билан улар сенга: «Саломатмисиз?» десалар, сен уларга: «Тур, йўқол ҳамманг!» дейсан. Қўлингдаги кўзани олмоқчи бўлсалар, ерга ташлаб юборасан. Уқдингми? — дебди қоплон.

— Ҳа, албатта, тоғажон! Шунча йўлдан қийналиб кўтариб келдим. Уларга бергандан кўра ерга уриб синдирганим яхшимасми?!

Уларнинг олдиларига болалар югуришиб чиқибди.

— Қоплон почча! Вой, қоплон поччам келдилар! Маймун холам ҳам келяптилар, — дейишибди улар.

Маймун уларга қараб жилмайиб қўйибди.

— Саломатмисиз? — дейишибди мезбонлар.

— Соғ-саломат ўтирибсизларми? — дебди маймун уларга жавобан.

Қўлидаги кўзани олмоқчи бўлган эканлар, таъзим билан уларга узатибди.

Қоплон ҳайрон бўлиб маймунга:

— Нега мени айтганларимни қилмадинг? Нега кўзани уриб синдирмадинг? — деб дўқ урибди.

— Тоғажон, бўлмағур гапларингизни қўйинг! Ҳовир кетиб қоламан! Наҳотки шунча йўлдан кўтариб келиб, ерга уриб синдирсам?!

— Ҳа, майли. Мен шунчаки айтдим-да! — дебди қоплон.

Қоплон шуни айтибди-ю, уни қошиқларни опкелишга юборибди.

— Тезроқ бориб келгин. Кийикка ўхшаб судралиб

юрма яна. Учиб бориб, учиб ке! Ахир қошиқсиз овқат еёлмаймиз-ку! Сен бориб келгунингча бу ўқимаганлар бор овқатни пок-покиза тушириб қўямасинлар тагин! — дебди қоплон.

— Тоғажон, зумда бориб келаман! Кўз очиб-юмгунча, олдингизда бўламан, — дебди маймун.

Маймунни жўната солиб қоплон ўзини овқатга урибди. Маймун тирқишдан бу аҳволни кўриб турган экан, лип этиб олдига тушиб шартта унинг панжасидан ушлабди-да:

— Тоғажон, бу қанақаси? Нега овқатни қўлингиз билан еяпсиз? Ахир мезбонлар нима дейди? — дебди.

— Хе, йўқ, жиянжон, мен мазасини татиб кўрмоқчийдим! — дебди қоплон.

Қоқ ярим кечада — ҳамма уйқуга кетгач, қоплон молхонага кирибди-да, эчкиларни ғажиб ташлабди. Кейин кокос ёнғоғининг пўчоғига қон тўлдирибди. Маймун ўзини ухлаганга солиб, бор воқеани сезиб ётган экан. У аста юриб Қоплоннинг кетидан молхонага кирибди-да, эшикнинг орқасига яширинибди ва қоплон ёнғоқ палласига қон тўлдириб қайтиб келатганида, шартта уни қўлидан ушлабди. Палладаги қонни эса қоплонни устига тўкибди.

Эрта азонда яна бақир-чақир бошланиб қолибди:

— Войдод, эчкиларимизни яна ғажиб кетишибди! — дейишибди.

Қоплон бу пайтда ариқ лабига ўтирволиб, танасидаги қонни ювиш билан овора экан. Уни мезбонларнинг болалари кўриб қолишибди-да:

— Вой-вой-вой! Қоплон поччамизнинг ҳаммаёқлари қон бўлиб кетибди-ку! — деб бақиршибди.

Бу ҳолни кўриб ҳайрон бўлган мезбонлар қоплонни тутиб, оёқ-қўлини боғлашибди-да, роса дўппослашибди. Калтакнинг зарбидан қоплон чалажон бўлиб қолибди. Мезбонлардан бири:

— Утган сафар ҳам эчкиларимизни қоплон куёв ғажиб кетган экан-да! Кийикни бекорга ўлдирган эканмиз ўшанда, — дебди.

Мезбонлар маймунойга қайлиқ топишибди. Орадан бир оз вақт ўтгач маймуной қайлиғи билан уйига қайтибди. Қўллариди бир парча қовурилган гўшт.

Маймун қоплоннинг хотинини қидириб топибди-да:
— Тоғам сизга салом дедилар. Уэлари борган еримизда қолдилар. Бир оз қарашмоқчи эканлар. Сизга бўлса манави қовурилган гўштни бериб юбордилар,— дебди.

Қоплоннинг хотини хурсанд бўлибди, чунки бир неча кундан бери қовурилган гўшт емаган экан-да. Шу пайт қоплоннинг кенжа қизи ўкинч билан:

— Ойи, ахир бу гўштан дадамнинг иси келяптику!— дебди.

— Қўй-қўй, доим бир ишкални бошлаб ўтирасан. Нима бало, иссиғинг борми ё эсингни еб қўйдингми?— дебди онаси.

Қоплоннинг хотини кечки овқатни сузиб келибди. Ҳаммалари маза қилиб гўштни еб олишибди. Фақат кенжа қизгина гўштан яна емабди:

— Ахир бу гўштан дадамнинг ҳиди келяптику!— дебди.

Шундан кейин маймун бўлган воқеани батафсил гапириб берибди.

— Сизларга боя олиб келган гўштим ҳақиқатан ҳам қоплоннинг гўшти эди. Мен бекорга қурбон бўлиб кетган кийикка ачинганимдан шундай қилдим. Қоплонни яқиндагина қилган ишини такрорладим, холос. Уям кийикнинг бола-чақаларига отасининг гўштини қовуртириб олиб келиб берган экан-да!

Кенжа қиз бу гапларни эшитиб, ўкириб йиғлаб юборибди:

— Ана, айтмовдимми, сизга, ойи, дадамни ҳиди келяпти, деб. Шўрлик дадам бекорга ўлиб кетдилар,— дебди.

ИТНИНГ УЧИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, кекса бир қабила бошлиғи бўлган экан. Унинг бир ити бор экан.

Кунларнинг бирида нотаниш бир овчи ундан тунашга бошпана сўрабди. Бошлиқ унга уйдан жой берибди.

У ҳам бир неча кун турибди-да, мезбоннинг бор-йўғини ўмариб қочиб кетибди. Орқасидан қувиб ке-

лишларига ақли етган ўғри дарҳол ўша яқиндаги буталар орасига яширинибди. Мезбон бундан беҳабар эшикка чиққан экан, пусиб ётган ўғри уни бир уриб ўлдириб қўйибди.

Қабила бошлиғининг ҳамма вақт кетидан қолмай эргашиб юрадиган бир ити бор экан. У бу жиноятнинг шоҳиди бўлибди ва ўғрининг кетидан қувиб бориб, тутган ерида чайнаб ташлабди. Сўнг хўжасининг ўлганига ачиниб, гингшиганича сўқмоқ йўлдан кета бошлабди. Йўлида бир одам учраб, бошига қандай мусибат тушганини сўрабди. Ит ўша одамга кўрнамак овчининг қилган ишини гапириб берибди.

Итга ачинган ўша одам: «Сенга қандай ёрдамим тегиши мумкин?» — деб сўраган экан, ит унга: «Агар хўжамни кўмиб берсанг, кўнглим жойига тушарди», — дебди. Йўловчи итнинг истагини бажо келтирибди.

Йўловчининг бу яхшилиги эвазига ит унга хўжасининг бор мулкни совға қилибди. Бу мурувватдан хурсанд бўлиб кетган йўловчи қабила бошлиғининг уйига жойлашиб олибди, итга эса унча яхши қарамабди. Ит оч юриб, кўп ўтмай оламдан ўтибди. Худди шу куни бир ўткинчи уйдаги бор нарсани ўғирлаб, қочиб кетибди. Янги хўжайин ҳеч вақосиз қолгач, иш ахтаришга тушибди. Бироқ у ҳеч қаердан иш тополмай, сарсон бўлиб қолибди. Юра-юра тинка-мадори қуриб, катта бир дарахтнинг тагида ўтирган экан, кўзи уйқуга кетибди. Тушида итни кўрибди. У одамга қараб:

— Қилган шунча яхшилигимни билмай, мени нобуд қилдинг! Агар менга вақтида овқат бериб, яхши қараганингда, ўлмаган бўлардим. Ана энди умрининг охиригача шу аҳволда сарсон-саргардон бўлиб юрасан. Ҳеч ким сенга бошпана ҳам, иш ҳам, овқат ҳам бермайди. Дайди итни ҳолига тушиб, санқиб юраверасан! — дебди.

ИККИ АКА-УКА ВА МАХЛУҚ

Бир бор экан, бир йўқ экан, аллақайси бир қишлоқда бир эр-хотин яшар экан. Уларнинг болалари жуда ҳам кўп экан. Кунларнинг бирида йўқчиликдан

қийналиб она учта катта ўғлини дарёга чўктиришга қарор қилибди. Учала ўғлини бошлаб обориб, дарёга итариб юборибди.

Бироқ ўғилларидан иккитаси сузишни билишар экан, қутулиб қолишибди. Кичиги эса чўкиб кетибди. Ҳалиги қутулиб қолган иккала бола нариги қирғоққа сузиб ўтиб, олти бошли махлуқнинг олдидан чиқиб қолишибди.

Болаларнинг каттаси укасига қараганда зийракроқ экан, укасини бир бута тагига ўтқазиб қўйибди, ўзи бошпана излаб кетибди.

У ҳайдалган далани босиб ўтиб, думалоқ шаклдаги кулбаларга яқинлашиб борибди. Биринчи кулбага кириб қараса, ҳеч ким йўқмиш. У ёқ-бу ёқни синчиклаб текшириб кўрибди, бирорта тирик жондан нишон ҳам тополмабди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, уйнинг у ёқ-бу ёғини йиғиштирибди-да, овқат пиширишга тутинибди. Кеч кириши билан олти бошли махлуқ кириб келибди-да, у ёқ-бу ёққа аланглаб бурнини жийирибди ва хонани ҳидлай бошлаб:

— Уффо, одам иси келяпти! Уффо, одам иси келяпти!— дебди.

Бола махлуқдан сираям қўрқмабди. У бир чеккага бориб турибди.

— Қўрқма, мендан сираям қўрқма, болакай, мен сенга зиён етказмайман. Иккаламиз бирга шу кулда яшайверамиз,— дебди хириллаб ҳалиги махлуқ.

Ҳаммаёқнинг йиғиштириб қўйилганидан хурсанд бўлган махлуқ столда турган овқатга ташланибди. Шапир-шупур қилиб бола пиширган овқатни икки ямлаб бир ютибди. Бир симирганида кўзадаги шаробларни ҳам ичиб бўлибди. Болага эса ҳеч вақо қолмабди.

— Ўзингга бирор нарса пишира қол! Лекин аввал менга чилимни узат! А-а-а!— дея эснабди махлуқ ва чилимни бус-бутунлигича ютиб юбориб уйқуга кетибди.

Эртасига эрта билан махлуқ сайрга чиқиб кетган экан, кулбага боланинг укаси кириб келибди. Ака-ука ҳаммаёқни йиғиштириб, овқат пиширишибди.

— Уффо, одам иси келяпти! Уффо, одам иси келяпти,— деб жавраб махлуқ кириб келибди.

У кира солиб боладан:

— Айт-чи, болакай, бугун нималар қилдинг?— деб сўрабди.

— Ҳеч нарса қилганим йўқ, сенга тайёрлаган овқатни едим, ҳамма идиш-товоқларни синдирдим!— дебди қўполлик билан боланинг укаси.

— Нима?! Ҳеч бир иш қилмасдан овқатимни ебсан, идиш-товоқларни синдирибсан. Қандай ҳадинг сиғди бунга?— деб жаҳли чиққан махлуқ болага ташланибди.

Акаси қўрққанидан яшириниб олибди. Укаси бўлса махлуқ билан олиша бошлабди.

Шу пайт эшикдан қўшни кампир мўралаб қолибди.

— Кучинг етмаса, анави хумчани синдир,— дебди кампир унга токчадаги хумчани кўрсатиб.— Махлуқнинг кучи ўша хумчада.

Бола ўша заҳоти хумчани олибди-да, кўтариб ерга урибди. Хумча чил-чил бўлибди. Махлуқ эса ҳолдан тойиб, гурсиллаб ерга қулабди.

— Бечора болалар, на отангиз бўлмаса, на онангиз,— дебди кампир уларга ачиниб.— Энди махлуқнинг бошларини кесиб олиб кетинглар. Қаерда яшамоқчи бўлсанглар, ўша ерга шу бошларни ташлайсиз.

Болалар кампирнинг айтганини қилишибди.

Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Охири ажойиб бир жойга кириб боришибди. Атроф ўрмон, кенг далалармиш. Бемалол деҳқончилик қилса бўладиган серҳосил ерлар экан. Ёнида шовиллаб дарё оқаётганмиш. Худди шу ерга болалар махлуқнинг бошини ташлашган экан, қаршиларида ажойиб уй, боғи билан ёнида кенг кўча, икки четида қатор дарахтлар пайдо бўлибди. Шу йўл қўшни қишлоққа олиб борар эмиш. Уша қишлоқнинг одамлари дарров бу болалардан хабардор бўлиб қолишибди. Тешик қулоқ эшитди-да! Улар болаларни кўргани отланишган экан, уларга ака-уканинг ота-онаси ҳам қўшилибди. Болалар отаси ва бошқа укаларини дарров таниб, шу уйда бирга яшашга қарор қилишибди. Онага эса:

— Эй она, сиз бизларни дарёга олиб бориб сувга итариб юборган эдингиз. Шунинг учун сиз билан бирга яшай олмаймиз,— дейишибди.

Она бу дашномга ва ёлғизликка чидолмай кўп ўтмасдан вафот этибди.

ИЛОН

Бир эр-хотин жуда узоқ йил умр кўришибди-ю, лекин улардан фарзанд бўлмабди. Хотини бир куни хафа бўлиб:

— Эй худойим-эй, ким учун яшадик. Бу уй-жой ҳам, боғ-роғлар кимга қолади энди? Кимга? Меросхўримиз бўлмаса?! Бегоналарга қоладими шунча нарса. Ғирт бегона биров топган-тутганларимизни сарфлаб даври даврон сурадими-а! Агар ўғлимиз бўлганидами биз билан бирга ўлиб, бирга тириларди. Ишимизга ёрдам берарди. Экин-тикинларимизни йиғиштиришарди,— деб нолибди.

Эри унга таскин бериб:

— Қўй, хафа бўлма, хотин. Бефарзанд ўтганлардан ёлғиз сен эмассан-ку, ахир... Дунёнинг бир чети бизчаликдир. Меҳнат қилсак ўзимиз учун қиялпмиз. Энг муҳими, соғ-саломат бўлайлик.— Бироқ хотинининг кўнгли таскин топмабди. Бир куни у ухлаб ётса, туш кўрибди. Тушида у бир кўлнинг лабида ўтириб, кўзасига сув тўлдираётганмиш. Шу пайт унинг олдига бир кампир келиб:

— Аҳволинг қалай, болам?— дебди.

— Омонмисиз, бувижон?— дебди хотин.

— Фарзандинг йўқлигига хафамисан? Истасанг, қизлик бўлишинг мумкин,— дебди кампир.

— Истаганда қандоқ, албатта истайман,— дебди хотин.

— Ҳа, яхши. Муродингга етасан. Лекин кўрган тушингни ҳеч кимга айта кўрма, хўпми?— дебди кампир.

Аёл кўзини очиб ўрнидан турибди. Кўрган туши таъсирида анчагача хаёл суриб ўтирибди, ҳатто чилим ҳам чекибди.

Эри уйғонибди-да, ҳайрон бўлиб хотинига қарабди:

— Сенга нима бўлди?— дебди у.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Негадир уйқум қочиб кетди,— дебди хотини.

— Қўй бўлмаган гапни. Кечаси туриб чекадиган одатинг йўқ эди-ку,— дебди эри.

Лекин аёл кампирга берган ваъдасига амал қилиб, эрига кўрган тушини айтмабди. Ўрнидан турибди-да, бир оз шамоллаб келиш мақсадида ҳовлига чиқмоқчи бўлибди. Кампир билан бўлган суҳбат сира хаёлидан нари кетмабди.

Лекин эри уни ташқарига чиққани қўймабди. Бемаҳалда аёл кишининг ташқарига чиқиши хавфлида! Аёл нарса ён-атрофда ёввойи ҳайвонлар изғиб юришини билармиди?

Тушга нималар кирмайди дейсиз?!

Аёл анчагача хаёл суриб ётибди-да. охири ухлаб қолибди. Эри ҳам уйқуга кетибди.

Ухлабди-ю, яна туш кўрибди. У яна ўша кўл бўйида ўтирганмиш. Қўлида ўша кўза, кўзага сув тўлатаётганмиш. Қулоғига яна ўша таниш овоз эшитилибди:

— Гапимга қулоқ сол, эй аёл,— дебди кампир,— тилагинга еткизсам, айтганларимни бажарасанми?

— Сўзсиз бажараман,— дебди аёл.

— Сенга худо қиз беради. Лекин шуни уқиб олки, қизинг ҳеч қачон ўз юзини кўрмаслиги керак. Кўзгуга ҳам, шишага ҳам, ҳатто сув бетига ҳам қарамасин. Акс ҳолда қизингдан бир умрга айрилсан...

Аёл эрталаб уйқусидан жуда хурсанд бўлиб уйғонибди. Эри уни кечаси қилиб ўтирган қилиғига уришса ҳам парво қилмабди, кўрган туши ҳақида чурқ этиб оғиз очмабди.

Орадан кўпам вақт ўтмай, аёл ҳомиладор бўлиб, қорни билиниб қолибди. Кўзи тушган қўни-қўшнилар ивир-шивир қилиб қолишибди.

— Вой тавба! Ҳомиладор бўлибди. Қорни анча дўппайиб қолибди-я,— дейишибди.

Эртақда вақт ғизиллаб ўтади. Ой-куни етиб аёлни дард тутиб, кўзи ёрибди. Доя кампир келиб унга қарабди. Хоҳ ишонинг, гоҳ ишонманг, туққан қизи ниҳоятда гўзал экан.

Қўни-қўшнилари гапи тугамабди:

— Ана, айтмабмидик! Хомиладорлиги рост экан-ку! Шунча йил туғмай юриб, энди туғди-я! Дунёнинг ишлари шунақа экан-да!— дейишибди.

Аёлнинг кўзи ёриган куннинг ўзидаёқ тушига яна ўша кампир кирибди.

— Ана энди фарзандлик ҳам бўлдинг,— дебди унга ўша таниш овоз.— Билиб қўй, қизингни ҳеч ким кўрмаслиги керак, уни уйдан эшикка олиб чиқа кўрма.

Аёл кампирнинг гапига қаттиқ риоя қилиб, қизини ҳеч кимга кўрсатмабди. Далага чиқиб ишламай ҳам қўйибди. Ҳатто сув-пувга чиқса ҳам эрини қоровул қилиб кетадиган бўлибди.

Қизча ўсиб эмаклайдиган бўлганида аёл яна туш кўрибди. Тушида кампир унга:

— Қизчангни энди одамларга кўрсатсанг ҳам бўлаверади. Унга Самба деб исм қўй. Лекин сенга аввал ҳам айтган эдим, ўз юзини сира кўрмасин,— дебди.

Қизчани яқиндан бир кўрган ҳар бир одамнинг орзи ланг очилиб қолаверибди.

— Вой тавба, бу қадар гўзал қизни биринчи кўришим. Шунчалар ҳам сулув қиз бўларканми,— дейишар экан.

Энди аёл қизчасини ўртоқлариникига қўйиб, ўзи ишга чиқа бошлабди. Унинг якка-ёлғиз қизи Самба ниҳоятда озода, ақлли қиз бўлибди. Ота билан она уни ерга ҳам, кўкка ҳам ишонишмас экан. Сал каттароқ бўлганидан кейин уни ўзлари билан далага олиб кетадиган бўлишибди. Қизчага маниока қандай ўсишини, ширин бататлар қанақа бўлишини, ҳатто ер-ёнгоқни қандай экиш кераклигигача кўрсатишибди. Самба қийқириб кулар, эшитган нарсаларидан қувонар экан.

Ота билан она қизчани етаклаб саватларига турли-туман мева-чевалардан тўлатиб, уйга қайтишибди.

Улар очиқ дала бўйлаб келишаётганида, ҳавога булут чиқибди-ю, ёмғир қуйиб юборибди.

Ота билан она югура бошлашибди, қизча бўлса аста келаверибди. Чунки у ёмғир тагида биринчи марта қолиши экан, унга бу жуда ёқибди.

Она, қизимга бир кор-қол бўлмасайди, деган ташвишда кўзига ёш олиб қизини чақирибди:

Самба, Самба, қоч ёмғирдан,
Бўла қол, она қизим,
Самба, Самба, қоч ёмғирдан!

Қизча бўлса парвойи фалак онасига шундай дебди:

Ойи, қоча олмаяпман,
Дурлар синаётир пойимда.
Ота, қоча олмаяпман,
Дурлар синаётир жилғаларда!

Ниҳоят, учаласи ҳам шалаббо бўлиб, уйга қайтишибди. Буни қарангки, қизчага ҳеч нима қилмабди. У ҳатто йўл четидаги кўлмакда ётган йўғон илонни ҳам сезмай ўтиб кетаверибди.

Орадан йиллар ўтиб, қиз вояга етибди. Қўни-қўшниларнинг маслаҳати билан Самбани бир аёл тарбиясига беришибди. Қиз бола нарса уй тутуш, овқат пишириш, бичиш-тикиш ишлариниям билиши керак-да! Лекин ота-онаси у аёлга, қизимиз кўзгуга қарамаслиги керак, деб қаттиқ тайинлашибди.

Аёл Самбага қиз бола билиши зарур бўлган ҳамма ишларни ўргата бошлабди. Кунларнинг бирида Самба уй йиғиштираётиб, сандиқни очиб кўргиси келибди. У сандиқнинг бурнида турган калитни бураб, уни очибди. Очиб қараса, турли-туман нарсалар. Ҳаммасини олиб кўргиси келибди. Бирин-кетин нарсаларни олиб кўра бошлабди — қизиқ-да, ахир. Бирдан у кўзгуни кўриб қолибди. Уни қўлига олиб қарабди. Қарабди-ю, ҳайратидан қичқириб юборибди:

— Вой, бу нимайки? Анави қиз ким бўлдийкин?

Шундай дебди-ю, ҳушидан кетибди. Худди шу пайтда уйнинг эгаси бўлган аёл кириб қолибди. У қизни чақирибди, силкитибди, қўлларини уқалабди. Бироқ қиз чурқ этмай, ётаверибди. Кўзларидан дув ёш тўкиб, хўрсинармиш. Бирдан аёлнинг кўзи олдида

қиз худди ернинг тагига кириб кетгандек ғойиб бўлибди-қолибди.

Аёл уни қидиришга тушибди. Қаёққа кетиши мумкин ахир? Уни қўрқув босибди. Топилмаса нима қилади энди? Бирдан унинг ёдига кўзгу тушибди. Нега боя эсига келмадийкин? Ахир сандиқ очилиб қолибди-ку! Нарсалар у ёқ-бу ёққа сочилган!

Орадан бир неча кун ўтибди. Бир куни одатига кўра Самбанинг онаси ҳўл мевага тўла саватни бошига қўйиб кўргани келибди.

Қизининг йўқолиб қолганини эшитибди-ю, аччиқ-аччиқ йиғлабди.

Бутун қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар Самбани қидиришга киришибди. Яккаю ягона, ота-онасининг эркаси бўлган Самба йўқолсаю қараб ўтириб бўладими?!

Улар тўрт томонга зир югуришар, қизни қидиришар экану, Самба бўлса шу яқин орадаги бир хонадонда хизмат қилиб юраркан. Қиз шу уйга эшикдан кириб келганда уй эгаларини унга раҳмлари келибди. Чунки шундай чиройли, барно қизнинг гунглигига ачинишибди-да! Улар Самбани ошхонага бошлаб киришибди. Қиз чаққонлиги, озодалиги билан уларга жудаям ёқиб қолибди.

Кунлардан бир куни ошпаз овқатни пиширибди-да, ўзи қаёққадир чиқиб кетибди. Шу пайт баҳайбат бир илон ўрмалаб кириб, ҳамма овқатни еб кетибди. Ошпаз қайтиб келса, овқат йўқмиш. Буни Самба еб қўйган, деб ўйлаб воқеани уй эгаларига айтибди. Уй эгалари Самбани ҳайдаб юборишибди. Ахир у гунглигидан ўзини оқлай олмабди-да.

Самба шундан кейин яна бошқа бир уйга кириб борибди. Унга раҳм қилиб, уйларига киргизишибди. Бироқ илон бу уйга ҳам кириб келибди. Уй эгалари йўқлигини билиб, ўрмалаб кирибди-да, бор идиш-товоқларни уриб синдирибди. Уй эгалари яна Самбани айбдор деб билиб, уриб ҳайдашибди.

Шўрпешона Самба яна бошпана излай бошлабди. Учинчи хонадон эгалари ҳам уни яхши қабул қилишибди. Бироқ илон бу ерга ҳам етиб келибди. Яна уй эгалари йўқлигини пойлаб туриб, кириб келибди-да, бор овқатни еб битирибди, идиш-товоқларни чил-чил

қилибди. Лекин уй эгалари Самбани уриб-сўкишмабди, айбдор ҳам санашмабди, чунки Самбани улар ўз қизларидай яхши кўришар экан-да.

Кунлардан бир куни уй хўжаси шаҳарга отла-нибди. Кетиш олдидан оила аъзоларини чақириб, кимга нима олиб келишни сўрабди. Фақат Самбаги-на хўжайинининг олдига келмабди, уни уй бекаси чақирмабди. Шўрлик қиз соқов бўлса, сўраган билан жавоб бера олармиди, деб ўйлабди бека. Лекин хўжайин Самбаниям келишини буюрибди.

Хўжайин қизга нима оқкелишни сўраган экан, Самба ҳаммани ҳайратда қолдириб тилга кирибди. У уялиқираб уй хўжасига:

— Менга «ўзи кесадиған» пичоқ, «ўзи чархлайдиған» қайроқтош, «ўзи ёнадиган» қорачироқ олиб келинг, — дебди-ю, яна тилдан қолибди.

Хўжайин шаҳарга жўнабди. У ердан ҳамманинг айтган нарсасини олиб келиб берибди. Мулойим жилмайиб Самбанинг буютмаларини ҳам топширибди.

Самба у нарсаларни ўзининг хонасига яшириб қўйибди. Тун яримдан оққанида даҳшатли илон Самбанинг хонасига ўрмалаб кирибди. Лекин қизнинг ёстиғи тагидан ўзи кесадиған пичоқ отилиб чиқибди-да, илонни нимталай бошлабди. Қайроқтош пичоқни чархлаб берибди. Қорачироқ бўлса ярқираб ёниб ним-таланган илонни ёндира бошлабди.

Эрта азонда Самбани хонасига кириб келган уй хўжалари воқеани кўргач, ҳайратларидан оғизлари ланг очилиб қолибди. Уйни у ер-бу ерида даҳшатли илоннинг нимталаган танаси куйиб ётар экан. Қайтадан тилга кирган Самба бўлиб ўтган воқеаларни бир бошдан гапириб берибди. Унинг бошига тушган бахтсизликларнинг сабабчиси шу лаънати илон эканлигини ҳам қўшиб айтиб ўтибди. Мана, ниҳоят, ҳақиқат қолиб келиб, сеҳр-жоду ер билан яксон бўлибди.

Самба бахтиёр ҳолда ўз ота-онасининг бағрига қайтиб борибди. Ота-она қизларини меҳр-муҳаббат билан қабул қилишибди. Самба охири марта яшаган хонадондан уларникига совчи келибди. Шу билан Самба ҳам, ота-онаси ҳам, янги куёв ва қайнана-қайнаталар муроду мақсадларига етишибди.

СУВ ОСТИ МАЛИКАСИ

Бир ота-онанинг учта қизи бор экан. Уччаласи ҳам таърифга сизмас гўзал экан. Лекин кенжаси ҳуснда опаларидан ҳам ўткир экан.

Кунларнинг бирида уч опа-сингил дугоналари билан чўмилгани боришибди. Дугоналари уларга синчиклаб қараб нега ҳеч қайсининг баданингга игна билан нақш солинмаган, деб сўрашибди. Ушанақа қилдирсаларинг янаям чиройли бўлардиларинг.

— Ким ҳам бу ишнинг уддасидан чиқарди, биз билмаймиз,— дейишибди қизлар.

— Бу ишни қийворадиган битта кампир бор. Бироқ уйи жуда узоқда. Керак бўлгандан кейин, йўлнинг узоқ-яқини борми? Одамлар боришади уникига,— дейишибди дугоналари.

Уч опа-сингил уйларига келиб, ота-оналарига дугоналари айтган гапни гапириб беришибди. Борсак майлими, деб руҳсат сўрашибди.

— Жон дада, жон ойи, бугун дарёда чўмилаётсак, дугоналаримиз, вой, нега татуировкаларинг йўқ, деб мазах қилишди. Бу ҳунарнинг устаси бир кампир эмиш. Ушаникига боринглар, деб маслаҳат беришди. Уйи бир оз олисроқда экан. Нима қипти, ахир биз уч опа-сингилмиз-ку!— дейишибди.

Ота-она розилик беришибди. Эртасига учала қиз қўлларида сават кўтариб, маниока, ширин батат ҳамда ерёнгоқ тергани ўрмонга боришибди.

Саватларни тўлдириб уйларига қайтишибди-да, ўзларига йўл озиги тайёрлаб, кампирникига қараб йўлга тушишибди.

Улар кун бўйи йўл юришибди. Охири бир кулбанинг олдига келиб тўхташибди. Кулба остонасида лабига трубка қистирган бир кампир ўтирган экан. Уни бир кўзи, бир қулоғи, бир оёғи, бир қўли йўқ эмиш.

— Бувижон, биз сизнинг ҳузурингизга бир юмуш билан келдик. Сизни баданга игна билан нақш туширишга уста деб эшитдик,— дебди кенжа қиз.

— Тўғри, мен шу ҳунарни қиламан, бироқ мендан ҳам нарироқда битта кампир бор. У бу ҳунарга жуда уста. Ўзим бошлаб бормасам, уни сизлар топол-

майсиз. Йўлга чиқмасдан олдин ейишга ул-бул беринглар,— дебди кампир.

Иккита опаси кампирнинг гапини эшитмабдилар ҳам. Лекин кенжа қиз чаққонлик билан ширин-шаккар овқат тайёрлаб, кампирнинг оғзига тутибди. Кампир қорнини тўйғазиб олибди-да, қизларни бошлаб, йўлга тушибди.

Улар жуда кўп юришибди. Охири битта кулба олдига келиб тўхташибди. Кулба остонасида бир кўзли, бир қулоқли, бир қўлли ва бир оёқли бир кампир ўтирган экан. Қизларни бошлаб келган кампир унга:

— Манави қизлар баданларига нақш солдиргани келишибди. Уларнинг чиройлигини бир кўр. Ҳаммадан ҳам кенжасини айтмайсанми, гўзалликда яқкаю яғона. Нақш солганинда, айниқса, кенжасини яхшилаб тушир,— дебди.

Ҳақиқатан ҳам бу кампир ўз ишининг моҳир устаси экан. Уч опа-сингил баданларига нақш солдиргандан кейин уларнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилибди. Айниқса кенжа қизнинг ҳусн-жамолини таърифлашга тил ожизлик қиларкан.

Қизлар уйларига қайтишибди. Йўлларида учраган кимса уларга қараб маҳлиё бўлиб қолармиш. Олдинда кенжаси, ундан орқароқда опалари бир-бир босиб юриб келишибди. Сингилни кўрган тирик жон борки:

— Жуда нақшниям бошлаб қўйибди-да устаси! Ҳув олдинда кетаётганиники кейингилариникидан чиройли чиқибди ўзиям. Қизни ўзи кетворган нарса экан-да,— дер экан.

Опаларининг бу гапларга ғашлари келибди. Кенжа улардан анча олдинда кетаётгани учун опалари нима балолар деб маслаҳатлашганини эшитмабди. Иккала опа осма кўприкдан ўтаётганда кенжа қизни дарёга итариб юборишга қарор қилишибди.

Кенжа қиз осма кўприкка оёқ қўйиши билан иккала опа чунонам кўприкни чайқата бошлашибдики, шўрлик қиз кўприкнинг ўртасига етмасданоқ лўп этиб сувга тушиб кетибди. Сувга тушибди-ю, ғойиб бўлибди.

Иккала қиз уйга кириб келганида, ота-она улардаги нақшларни кўриб, жуда суюнишибди. Она ажабланиб қизларидан кенжасини сўрабди.

— Кенжангиз нақшларини ўртоқларига мақта-ниш учун йўлда қолиб кетди,— дейишибди опалари.

Кеч кириб, кун ботибди ҳамки, кенжа қиздан дарак бўлмабди. Она хавотирлана бошлабди. Нега учаласи бирга келмадийкин? Ўртоқларининг олдида шунча қолиб кетадими у? Опа бўла туриб сингилга кўз-қулоқ бўлишмабди-да!

— Ҳа, суюклигингиз биронта ўртоғиникида мақта-ниб ўтиргандир-да. Йўлда кела туриб ҳам ким кўринганга жилпанглаб ўлувди. Шунча гапирсак ҳам қулоқ солмади. Нима, биз ҳам қийналиб кетдик ўжар қизингизнинг дастидан,— дейишибди опалари.

Кун ботиб, тун кирибди. Тонг ҳам отибди. Лекин кенжа қиздан ҳамон дарак бўлмабди. Шундан кейин ота билан она қизни қидиришга тушишибди. Қишлоқ-дагилардан сўрашса, кўрмадик, дейишибди.

Юра-юра охири бир кулбага дуч келишибди.

— Сизникига уч опа-сингил келмовдимми?— деб сўрашибди улар кулба остонасида ўтирган кампирдан.

— Келишувди. Мен уларни бу ердан анча нарида турадиган бир кампирникига олиб бордим. У кампир бу ҳунарнинг моҳир устаси. Қизларингизни чунонам безадик, кўрганларнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қолди. Айниқса, кенжа қизингизни нақшлари шунақаям чиройли чиқдики, таърифлашга тилим лол. Кенжа қизингиз жуда меҳрибон, мулойим қиз эканки, ҳатто менга раҳми келиб, овқат ҳам тайёрлаб берди. Ахир мени бир кўзим, бир қулоғим, бир қўлим, ҳатто бир оёғим ҳам йўқ. Сингилларингга эҳтиёт бўлинглар, деб опаларига қаттиқ тайинлагандим. Лекин турқи тароватларидан сингилларига ғашлари кел-ётгани кўриниб турувди. Опаларининг ўзи кенжангизни бир балогоа дучор қилишган,— дебди кампир.

Қизни тополмай қайтган ота-она қорага беланиб аза очишибди. Баданига нақш солдириш шунчалар қимматга тушибди уларга.

Кунларнинг бирида бир ўтинчи дарахт кесгани ўрмонга бормоқчи бўлибди. Дарё соҳилидан кета туриб, кўзи катта бир такула дарахтига тушиб қолибди. Дарахтга зарб билан бир маротаба болта урган экан, қи-

мир этмабди. Иккинчи бор болта урса, аянчли бир то-
вуш эшитилибди:

Ким у, ким у,
Тақиллатган ким?
Болта тутган ўтинчими?
Болта билан тақиллатган,
Бу сенмисан, ўтинчи?
Уч опа-сингил эдик,
Болта тутган ўтинчи,
Мен эдим энг гўзали,
Болта тутган ўтинчи,
Кўришолмай опаларим,
Болта тутган ўтинчи,
Мени сувга отдилар,
Болта тутган ўтинчи.
Тимсоҳ деди бир маҳал,
Болта тутган ўтинчи,
Менга хотин бўлгайсан,
Болта тутган ўтинчи,
Туғиб бергунг ҳам бола,
Болта тутган ўтинчи!
Хешларимга салом де,
Болта тутган ўтинчи,
Отамга ҳам салом айт,
Болта тутган ўтинчи,
Онамга ҳам салом айт,
Болта тутган ўтинчи.
Опамларга салом де,
Болта тутган ўтинчи,
Таъзим айла мен учун,
Болта тутган ўтинчи!

Ўтинчи анг-танг бўлиб қолибди. Бу қанақаси бўл-
ди? Сув париларининг овозимикин? Балки жин-ажи-
налардир? Дарахтга яна болта урибди. Яна ўша сир-
ли овоз маъюс бундай дебди:

Ким у, ким у,
Тақиллатган ким?
Болта тутган ўтинчи?

Ўтинчи қўрқиб кетганидан болтасини ташлаб, ура қочибди.

— Сенга нима бўлди, рангингда ранг қолмабди,— дебди ўтинчининг хотини эрини кўриб.

— Шанғиллама! Мени ўз ҳолимга қўй,— дебди бақириб ўтинчи ва гурс этиб ўзини бўйрага ташлабди.

Эртасига эрталаб ўтинчи яна ўша жойга келиб, болтасини топибди-да, яна ўша такула дарахтига болта урибди. Бир урибди, иккинчи бор урганида яна ўша кечаги овоз эшитилибди:

Ким у, ким у,
Тақиллатган ким?
Болта тутган ўтинчи?

«Йўқ! Бу одам боласининг овози эмас!» — деб ўйлабди-да, ўтинчи шу заҳотиёқ уйига қайтибди. Хотини ҳайрон бўлибди. Одатда эрим эртадан-кечгача ўрмонда бўлиб, ўтин кесиб келарди. Нима бало? Икки кундан бери боради-ю, ғириллаб орқасига қайтади, дебди ўзига-ўзи.

— Ҳой эр, сенга нима бўлди? Ё тобинг қочиб қолдимиз? Гапирсанг-чи бундоқ?!

Лекин эр чурқ этиб оғиз очмай мук тушганича ётаверибди.

Яна кеч кириб, тун бўлибди. Ниҳоят, тонг ҳам отибди. Ўтинчи яна ўрмонга отланибди. Бориб бошқа бир дарахтга болта урибди. Бир марта болта урибди, иккинчи марта урганида яна ўша таниш овознинг мунгли саси эшитилибди:

Ким у, ким у,
Тақиллатган ким?
Болта тутган ўтинчи?

Ўтинчи яна югурганича уйига келибди-да, бўлган воқеани бу гал хотинига гапириб берибди.

— Ким экан ўша, кўрмадингми? — дебди хотин.

— Қизиқсан-а! Сувга ҳам, дарахтга ҳам, қиргоққа ҳам қарадим. Лекин ҳеч ким кўринмади. Балки

сув парсидир. Етар, энди у томонларга бормайман, — дебди ўтинчи.

— Унда ҳолимиз нима кечади? Ҳар борганингда нечталаб дарахт йиқитиб олиб келардинг. Икки кундан бери қуруқ қайтасан. Юр, бу сафар мен ҳам бирга бораман. Қани, ўз қулоғим билан эшитай-чи, нима гап экан, — дебди хотини.

Эртасига азонда эр-хотин ўрмонга қараб йўл олишибди.

— Қани ўша дарахт? Қаердайди? — дебди хотин.

— Аввал манавини кесмоқчи бўлдим. Эртасига бунисини. Индинига ҳув анави ердагисига болта урдим, — дебди эри.

— Ҳар сафар ҳам ўша бир хил овоз эшитилавердимми? — деб сўрабди хотини.

— Ҳар сафар ҳам иккинчи марта болта урганимда.

— Қани, уриб кўр-чи! Қаттиқроқ, кучингни бори-ча ур! — дебди хотини.

Тақ, тақ, деб болта овози чиққач мунгли бир овоз эшитилибди:

Ким у, ким у,
Тақиллатган ким?
Болта тутган ўтинчи?

— Юр, тезроқ кетайлик бу ердан! Бу қўшнимизнинг кенжа қизининг овози. Уни опалари сувга итариб юборишган, дейишарди одамлар, — дебди хотини ўтинчига.

Ўтинчи билан хотини йўл-йўлакай учраган одамларга бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беришибди. Охири бориб қизнинг ота-онасига маълум қилишибди. Кейин тўртталаси ўша мунгли йиғи товуши чиққан жойга келишибди. Ўтинчи дарахтга зарб билан болта урган экан, ўша таниш мунгли овоз яна эшитилибди:

Ким у, ким у,
Тақиллатган ким?
Болта тутган ўтинчи,
Болта билан тақиллатган,

Бу сенмисан, ўтинчи?
 Уч опа-сингил эдик,
 Болта тутган ўтинчи,
 Мен эдим энг гўзали,
 Болта тутган ўтинчи,
 Кўришолмай опаларим,
 Болта тутган ўтинчи,
 Мени сувга отдилар,
 Болта тутган ўтинчи,
 Тимсоҳ деди бир маҳал,
 Болта тутган ўтинчи,
 Менга хотин бўлгайсан,
 Болта тутган ўтинчи,
 Тугиб бергунг ҳам бола,
 Болта тутган ўтинчи!
 Хешларимга салом де,
 Болта тутган ўтинчи,
 Отамга ҳам салом де,
 Болта тутган ўтинчи,
 Онамга ҳам салом де,
 Болта тутган ўтинчи,
 Опамларга салом де,
 Болта тутган ўтинчи,
 Таъзим айла мен учун,
 Болта тутган ўтинчи!

Бахти қаро ота-она кенжа қизларининг овозини танишибди, чопиб қирғоққа боришган экан, тиниқ сув остида қизлари кўринибди. У сув тагида ўтирар ва уч чиганоқ унинг пешонасини, яна бошқа учтаси эса чаккасини безаб турганмиш. У юм-юм йиғлаб, кўз ёшларини қўллари билан суртибди. Ота билан она югурганча балиқчиларни чақириб келишибди, улар қайиғу тўрлар билан келишиб, қиз шўрликни сув қаъридан тортиб олишибди.

Тантана билан қизни қишлоққа олиб боришибди. Кулбаларига олиб кириб ётқизишибди. Катта гулхан ёқишиб, бир нечта мол сўйишиб, халққа зиёфат беришибди.

Зиёфатга дунёнинг ҳар чеккасидаги сеҳргару фолбиларни ҳам чақиритибди. Улар ҳар нима қилиб

бўлса-да, қизни тирилтиришлари керак экан. Сеҳргарлар жуда кўп уринишгандан кейин қиз аста-аста жилмая бошлабди. Сўнг у гапга кирибди. Лекин пешона ва чаккаларидаги чиғаноқлар йўқолмабди. Аксинча, балки катталашибди. Буни-ку, зарари йўқ, энг муҳими, у тирилибди. Лекин қиз негадир уйдан эшикка чиқмай қўйибди. Доно оқсоқоллар қизнинг аҳволини кўриб, унинг ота-онасига, ҳозирча қиз сув ташимасин, ул-булни ҳовончаю ўғирда туймай турсин, деб тайинлашибди.

Лекин бир куни, уйда ҳеч ким йўқлигида, қиз ўғирга маисдан сопди-да, қўшиқ айтиб туя бошлабди:

Маисни мен туяман,
Қумга қўшиб, аралаштириб,
Ҳўлласин уни сув келиб, майли!

Ота-онаси уйга қайтиши билан қиз хафа бўлиб уларга:

— Мен сизларга нима ёмонлик қилдим. Нега икки ойдан бери уйимга юбормайсизлар?— дебди.

Ён-атрофдан одамларнинг ваҳимали қичқириқлари эшитила бошлабди. Чунки дарё қирғоқлардан тошиб, қишлоқни бостириб кела бошлабди.

Сув қиз ўтирган девор кулбаларидан ҳам ошиб ўтиб, ҳаммаёқни босиб кетибди. Қиз эса ўғирда маис туйиб, қўшиқ бошлабди:

Маисни мен туяман,
Қумга қўшиб, аралаштириб,
Ҳўлласин уни сув келиб, майли!

Кулба деворлари қулаб, ҳаммаёқни сув босгандан кейин тимсоҳ қиёфасида сув худоси пайдо бўлибди-да, қизга:

— Ота-онангни ҳам олиб кетамиз, токи улар яна қайтатдан сени ўғирлаб ўтиришмасин. Сув остида улар меҳнат нималигини билмай, роҳат-фароғатда яшашади. Невараларини кўриб кўзлари қувнайди,— дебди.

Кенжа қиз розилик берибди. Опалари бўлса қилган гуноҳлари учун тимсоҳларга ем бўлишибди.

САМБА

Бор экану, йўқ экан, бир қашшоқ одам бор экан. Қашшоқликда унга етадигани йўқ экан. Лекин унинг ҳеч ким қила олмайдиган бир ҳунари бор экан. У одам сеҳргар экан. Шу сеҳргарлиги учун ҳам бири икки бўлмас экан.

Шунинг учун ҳам у якка-ёлғиз қашшоқликда умр кечираркан. Ҳалигача уйлана олмас экан. Ниҳоят, бахти очилиб, уйланадиган бўлибди. Самба исмли бир қиз унга тегишга розилик билдирибди.

Самбанинг туғилиб ўсган ери анча йироқда экан. Ота-онасини ташлаб эриникига келиб яшай бошлабди. Вақти соати етиб, ўғил, кейин эса қиз кўрибди.

Кунларнинг бирида эр-хотин уришиб қолишибди. Эридан ниҳоятда хафа бўлган Самба иккала боласини олиб, онасиникига қараб йўл олибди.

Самба ўғлини етаклаб, қизини орқасига бойлаб олиб кетаверибди. Йўл узоқ бўлганлигидан баланд чиқиб, паст тушиб, жуда узоқ юришга тўғри келибди. Кетаётса, қаршисидан олти бошли махлуқ — дикчиши чиқиб қолибди.

— Йўл бўлсин, қаёққа кетяпсан? — депти махлуқ Самбага.

Қўрқиб кетган Самба махлуққа:

— Кунчиқиш томонга, сен-чи? — дебди.

— Мен бутунлай бошқа томонга, яъни кун ботадиган ёққа кетяпман, — дебди-да, махлуқ аввал битта боласини, кейин иккинчи боласини, охирида нарсалари билан қўшиб Самбанинг ўзини ютиб юборибди.

Кейин у ғарб томонга қараб кета берибди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, махлуқ қўлидаги таёгини ерга бир урган экан, иккала бола ҳам, Самба ҳам йўл орқасида пайдо бўлишибди.

— Ҳалиям кунчиқиш томонга бормоқчимисан? — деб сўрабди махлуқ Самбадан.

— Ҳа, бормоқчиман. Мен ойимникига кетяпман. Эрим билан уришиб қолдим. У, кетма, деган эди. Мен

кўнмадим. Чунки у билан энди яшай олмайман,— дебди Самба.

— Шунақа де! Демак, ҳавойинг жуда ҳам баланд! Еттинчи осмонга чиқиб олибсан. Жаҳл чиққанда ақл кетади, дейдилар!— Шундай дея махлуқ Самбани яна болалари билан қўшиб ютиб юборибди.

Махлуқ ғарбга қараб яна бир қанча вақт йўл босибди. Кейин бир оз нафасини ростлаш учун тўхтабди-да, таёғи билан ерга бир урибди. Самба билан болалари яна унинг олдида пайдо бўлишибди.

— Ҳалиям ойингникига бориш фикридамисан?— дебди махлуқ.

— Йўқ, фикримдан қайтдим. Эримникига бораман,— дебди у.

Самбадан бу гапни эшитган махлуқ уни энди ютмабди.

Самба балодан қутулганига суюниб бир боласини етаклаб, иккинчисини опичганича эриникига қараб кетибди.

У хавотирланиб орқасига, ён-верига аланглабди, ҳеч ким уни таъқиб этмаётган экан. Эриникига бориш ўрнига Самба дугонасиникига борибди. Эртасига эрталаб эса қайсарлиги тутиб яна ойисиникига қараб йўл олибди.

— Нега мени алдадинг?— дебди махлуқ яна унинг йўлида пайдо бўлиб.— Нимага эримникига бораман деб, яна ойингникига қараб кетяпсан?

Самба жонқолатда иккала боласини бағрига босибди.

— Йўқ, эримникига бориш фикридан қайтдим. Ойимникига бораман,— дебди Самба махлуққа.

— Ҳали шунақами? Ҳалиям отдан тушсанг ҳам эгардан тушмабсан-да? Лекин эсингда бўлсин! Кейин пушаймон қилиб юрма!— дебди-ю, махлуқ яна Самбани болалари билан қўшиб ютиб юборибди.

Орадан ўн кун ўтгач, Самбанинг эри қайнана-қайнатасиникига бориб, қизлари аразлаб кетиб қолганини айтибди. Улар куёвдан бу гапни эшитиб, қўрқиб кетишибди ва аччиқ-аччиқ йиғлай бошлашибди.

— Нимага аразлашдинглар? — дебди Самбанинг ойиси юм-юм йиглаб.

— Битта сўта жўхорини деб. Еримизда экин битмай, қийналиб қолдик. Ейишга ҳеч вақомиз қолмади. Битта сўта жўхори қолган экан, ўшани Самба, ўзим ейман, деб жанжал қилди. Мен унга, болаларинг ҳам мен билан баҳам кўр, дедим. Қизингиз кўнмади. Мудом йўқчилик жонимга тегди, деб нолий бошлади. Шундай деди-ю, аразлаб сиз томонга кетиб қолди.

— Войдод! Бечора Самба! Болагинамни, невараларимни ўрмондаги ваҳший ҳайвонлар гажиб ташлади энди! Эсиз невараларим! Эсиз болагинам! — деб дод солибди Самбанинг ойиси.

Қайнана билан қайнатаси анчагача қизига куйиб йиғи-сиғи қилишибди. Куёв ҳам ўзини хафа кўрсатиб, кўз ёши қилган бўпти. Лекин аслида хотинининг йўлида учраган махлуқ ўзи экан! Бу билан у Самбанинг эсини киргизиб қўймоқчи, тавбасига таянтирмоқчи экан. Лекин хотини қайсарликда ундан ҳам устун чиқиб, фикридан қайтмабди. Қайсарлик ва жаҳолат яхшиликка олиб бормас экан. Эри ҳар қанча уринмасин, Самба фикридан қайтмабди. Ўзиям қайсарлиги туфайли қайта уйланолмай, дунёдан якка ўтибди.

ИККИ ОШНА — ҚУЁН ВА МАЙМУН

Бир куни маймун дўсти қуённи учратиб:

— Менга қара, оғайни, шер буви невара кўрибди. Ўзингга маълумки, у невараларини боқолмай, ўлдириб қўяди. Кел, уникига борамиз-да, бизни энагаликка олинг, деймиз. Йўқ, демаса керак. Болачаларнинг бир оз катта бўлишини кутамиз-да, кейин пайт топиб бир чеккадан еб қўямиз. Кези келиб қолса шер бувини ҳам ейишимиз мумкин бўлади, — дебди.

Қуён маймуннинг гапига лаққа тушибди. Иккаласи шер бувиникига бориб, келишдан мақсадларини

айтишган экан, шер буви уларни ўлдириб қўйишига сағал қолибди.

— Ҳой, ҳой бувижон!— деб қичқиришибди иккаласи бараварига.— Бизларни ема, ҳали норасидамиз. Сени чап ичагингга ҳам юқ бўлмаймиз. Қўйвора қол бизларни. Агар қўйворсанг, ҳузурингга кап-катта Пакаса бувини, Жавали холани бошлаб келамиз. Ана уларни есанг маза қиласан.

Шер буви рози бўлибди.

— Лекин шуни билиб қўйки, сен ҳув анави серўт ерга бориб, ўзингни ўликка солиб ётасан. Биз уларни олдинга олиб келамиз,— дебди маймун.

Шер буви баланд ўт орасига яшириниб, ялпайиб ётибди. Кейин ўзини худди ўлганга солиб, чўзилиб олибди. Маймун билан дўсти қуёнвой унинг уйи остонасига турволиб дўмбира чалиб, ашула бошлашибди:

Ўлди шер буви,
Биз энди озод!
Ўлди шер буви,
Биз энди озод!

Урмондаги каттаю кичик -- барча ҳайвонлар ниҳоятда суюниб кетганларидан, шернинг атрофини ўраб олиб, ўйинга тушишибди. Наҳотки у ўлган бўлса? Шу қувончли дамларга етадиган ҳам кун бор экан-ку! Сира ишонгинг келмайди-я! Дўмбиралар гумбурлар, барча ҳайвонлар эса қувончлари ичларига сиғмай ўйин тушишар экан. Қуён билан маймун ҳам бирдан дўмбираларини қўлларидан ташлаб, ўйинга туша кетишибди. Шу пайт бирдан уйнинг эшиги бекилиб қолибди. Шер сапчиб ўрнидан турибди-да, қўлига тушганни тутиб ея бошлабди. Бечора ҳайвонлар яширингани жой тополмай қолишибди. Шер буви икки дўст — қуён билан маймунни ҳам гирибонидан олибди-да, тишларини ғижиллатиб:— Ҳозир сенларни ҳам ейман,— дебди.

— Вой-вой-вой, бувижон, бизларни ема!— деб ёл-

ворибди маймун.— Агар бизни қўйиб юборсанг, сенга ўтин териб келардик, сен гўштларни кабоб қилиб ердинг! Наҳотки хоҳламасанг шундай мазали гўшти.

Шер ўйлаб-ўйлаб туриб, охири рози бўлибди. Ҳақиқатан ҳам гўшт кўпу, кабоб қилиб ей деса уйда ўтин йўқ! Шундан кейин маймун билан қуённи ўтинга юборибди.

Иккаласи югурганча ўрмонга қараб чопишибди. Бир пайт йўлларида Китаселе номли бўғма илон чиқиб қолибди. У қўшалоқ тилини чиқазиб, икковини ҳам ютмоқчи бўлибди.

— Ҳой Китаселе бува, бизни ема, бир оз сабр қилсанг, биз сенга тушликка ўзингга ўхшаш баҳайбат ўлжа етказиб берамиз. Биздек жимитвойларни бошингга урасанми, қоқсуяклармиз!— деб ялинибди маймун.

Бўғма илон Китаселе уларни қўйиб юборибди. Иккала дўст шер бувининг олдида келишибди-да:

— Лаънатлар бўлсинки, бувижон, биз сенга ўтин олиб келолмадик. Йўлдан чиққан бўғма илон Китаселе сал бўлмаса бизни ютвораи деди. Юр биз билан. У сендан қўрқади. Ахир сен ҳаммадан кучлисан!— дебди маймун.

Шер буви улар билан бирга ўрмонга қараб йўл олибди.

Маймун лип этиб улардан ошиб ўтибди-да, бўғма илон Китаселе бувани огоҳлантирибди.

— Худди сенга ўхшаш баҳайбат ўлжа остонанг тагида!— дебди унга.

Бўғма илон Китаселе ўз инидан ўрмалаб чиқибди-да, шер бувини хиппа бўғиб ўлдирибди.

— Китаселе бува, кўрдингми, биз сени алдамадик. Унинг уйда қанча гўшт борлигини билсанг эди! Юринглар, бориб қовуриб еймиз!— дебди маймун бўғма илонга.

Учаласи биргалашиб ўтинни ҳар қайсиси уддалаганча кўтаришиб, шер бувиникига қараб йўл олишибди.

— Сен, илон бува, шу ерда тура тур: биз бориб чўғ олиб келайлик. Ҳув анави далада ишлаётган одамлар-

ни кўряпсанми, бориб ўшалардан чўғ олиб келамиз, — дебди маймун.

Узоқдан баҳайбат илонга кўзи тушган одамлар дуч келган тарафга қараб қочиб қолишибди. Маймун бўлса бориб катта бир чўғни олибди-да, суюниб қичқирибди:

— Ана Китаселе буважон, ҳозир бориб, мацца қилиб гўшт кабоб қиламиз!

Очкўз илон бош ва думи билан қуп-қуруқ ўтинни опкетаётганини ҳам унутиб юборибди, чунки дарди фикри шерникида кабоб қилинадиган гўштда бўлибди. Маймун бориб қўлидаги чўғни илонни оғзигаям, думигаям тутган экан, ўтин чарсиллаб ёниб, илонни жизганак қилиб ташлабди. Илоннинг кабоб бўлган гўшти-ни маймун билан қуён бир неча кун мацца қилиб ейишибди. Ана зиёфату мана зиёфат — ҳаммаси ўша ерда бўлибди.

ЭРТАКЛАР



«ОНА-ЕРИМНИНГ АҚС САДОСИ»
ТЎПЛАМИДАН

ЭРТАКЛАР

«Она-Еримнинг
акс садоси»
тўпламидан



ДОНО ТОШБАҚА УҒРИ ВА СЕҲРГАР ХЕБО ҚАЛБ ЯРАСИ
ОҒИРМИ Ё ТАН ЖАРОҲАТИ БАНГО А МУСУНГО

ДОНО ТОШБАҚА

Катта бир ўрмонда фил, шер, қоплон, пакаса ва шунга ўхшаш кўпгина ҳайвонлар яшашар экан. Ҳам маларининг ҳам ўзига яраша ерлари бўлиб, унга турли хил экинлар экишар экан. Бироқ улар ўзлари етиштирган ҳосилларидан баҳраманд бўлиша олмас эканлар. Чунки овқат пиширишга оловлари йўқ экан. Шу боисдан улар ўт чимдиб, сув ичиб юраверишар экан.

Шу яқин орадаги сермева улкан бир дарахтда каттакон яшил калтакесак истиқомат қилар экан. Баъзан у пастга тушиб ҳайвонлар билан гаплашиб ўтираркан.

Бир куни фил дўстларига :

— Анчадан бери кузатиб юрибман, бу дейман, дўстимиз калтакесак сира тирикчиликдан нолимайди-я, нима еб, нима ичаркин? Сизлар қандай фикрдасиз? — дебди. — Унга оловниям кераги йўқ менимча. Ҳув анави осилиб турган нарсаларни узиб ейишини кўраман, холос. Келинлар, ўзидан сўраб кўрайлик-чи, нима еб кун кўраркин? Лекин айтмаслиги ҳам мумкин, сирини билиб қўйишимиздан қўрқса ҳам эҳтимол. Ундан кўра яхшиси, арши аълодаги таянгоҳимиз Нзамбидан сўраб қўя қолайлик. Балки унинг бизга раҳми келиб айтиб берар, — дебди.

Ҳаммалари шунга келишишибди. Нзамбидан, тадбир сўраш ниятида биринчи бўлиб фил кўкка кўтарилибди. Фил Нзамбига ўз тирикчилик ташвишларидан сўзлаб бериб, бу ташвишлардан қутулиш йўлларини сўрабди. Яна у Нзамбидан, яшил калтакесак дарахтда нима еб кун кўришини ҳам суриштирибди. Наҳот, дарахтдаги мевани пиширмай, хомлигича еб бўлса? У қанақа дарахт ўзи?

Буюк Нзамби унга жавобан:

— Яшил калтакесак мевасидан еб кун кечирадиган дарахтнинг номи шох дарахт, зелембуа-музелембуа,

музелембуа-кумузелембуа бўлиб, у сеҳрли дарахтдир. Унинг мевасини хомлигича ҳам еб бўлади. Энди уйингга кет ва йўл-йўлакай айтганларимни такрорлаб бор. Тўғри, унинг номи жуда узундан-узоқ, лекин сен унутмасликка ҳаракат қил. Уйингга етишинг билан овозингнинг борича ўша дарахтнинг номини такрор-такрор айт. Шундан кейин дарахт бор бўйича ерга қулайди. Сизлар ҳам маза қилиб унинг меваларидан ейсизлар.

Фил буюк Нзамбининг айтганларини яхши эслаб қолибди. Уйига кета туриб сеҳрли дарахтнинг номини такрорлаб борибди. У суюнганидан ўйин тушар, муҳим бир сирни билиб олдим, дея терисига сизмасди.

Бироқ туллак калтакесак гап нимадалигини сезибди-да, филнинг йўлига пешвоз чиқибди. Фил билан бараварига ўйин тушиб, уни янглиштириш мақсадида бутунлай бошқа сўзларни айта бошлабди. Шўрлик фил улуғ Нзамби ўргатган сўзларни унутиб қўйибди.

Хафа бўлиб кетган фил бўлиб ўтган воқеани бошқа ҳайвонларга айтиб берибди. Улар ўзаро маслаҳатлашиб буюк Нзамбининг олдига шерни юборишибди.

Буюк Нзамби шерни жуда яхши қабул қилибди. Сўнг сеҳрли дарахтнинг номини аста-секин такрорлаб, шерга ҳам ўргатибди. Шер уйига қайта туриб, хурсанд бўлиб дарахтнинг номини қайта-қайта такрорлабди:

— Дарахт-шоҳ дарахт, зелембуа-музелембуа, музелембуа-кумузелембуа, сеҳрли дарахт!— дебди.

Бироқ туллак яшил калтакесак яна айёрона мақсад билан шернинг олдидан чиқибди. Худди филга қилгандақа ўйин тушиб, бир балоларни валдирабди-да, унинг ҳам айтадиганини эсидан чиқариб юборибди.

Барча ҳайвонлар бирин-сирин буюк Нзамбининг олдига бориб, сеҳрли дарахтнинг номини ўрганиб келишибди. Лекин йўлда яшил калтакесак учраб уларни чалғитаверибди. Охири улуғ Нзамбининг ҳузурига миттигина сув тошбақаси бормоқчи бўлибди. Ҳамма ҳайвонларнинг жаҳли чиқиб, тошбақани тутволиб уришибди.

— Сен дейман бизнинг кимлигимизни унутдинг чоғи. Ўзингни бизга тенглаштирмоқчимисан-а?! Биз

сендан юз маротаба ақллироқмиз. Ўзинг зўрага оёғингни кўтариб босасану, тагин буюк Нзамбининг ҳузурига боришни орзу қиласан!— дейишибди.

Бироқ одил маймун эътироз билдириб:

— Нега уни хафа қиялмасиз? У шўрлик бизга нима ёмонлик қилди? Ҳаммамизни паришонхотирлигимизга тошбақа шўрлик айбдорми? Майли, бораверсин! Валки у буюк Нзамбининг айтганларини ёдида сақлаб қолар!— дебди.

Шундай қилиб тошбақа йўлга отланибди. У аста-секин шошмасдан бораверибди. Улуғ Нзамби уни ҳам жуда яхши кутиб олибди ва арзини эътибор билан тинглабди. Сеҳрли дарахтнинг номини ўргатибди-да, хайр-хўшлашиб жўнатибди.

Тошбақа уйига яқинлашиб қолганида рўпарасидан яшил калтакесак чиқиб келибди. Баҳайбат калтакесакнинг олдида сув тошбақаси миттидеккина бўлиб кўринибди.

— Ҳали шунақами!— дебди жаҳл билан калтакесак ва тошбақанинг бошини тишлаб олибди.

Бироқ тошбақанинг елкасидан яна бош ўсиб чиқибди-да, у яна сеҳрли дарахтнинг номини такрорлайверибди. Ғазаби қўзиб кетган яшил калтакесак тошбақани дабдала қилиб майдалабди-да, ерга кўмиб ташлабди. Лекин тошбақа яна тирилибди-да, Нзамбининг айтган гапларини такрорлайверибди. Жон-пони чиқиб кетган калтакесак тошбақани тутиб олибди-да, чайнаб ютврибди. Тошбақа яна тирилиб сеҳрли дарахтнинг номини такрорлайверибди. Охири дарахт ерга қулабди. Яшил калтакесак бўлса аламидан ёрилиб ўлибди.

Барча ҳайвонлар очкўзлик билан дарахтга ёпишиб, баргию меваларини битта қўймай еб қўйишибди, қоринлари тўйғач, яна шўрлик тошбақани туртиб-сўкиб бир чеккага чиқариб қўйишибди. Маймун эса унга раҳм қилиб, бир нечта мева ҳамда бир-иккита баргни бекитиб қўйибди.

Кунлар кетидан кунлар ўтибди, ҳайвонлар яна оч қолибдилар-да, оловни қаердан олсак экан, деб бош қотира бошлабдилар.— Қаердан топса бўларкин? Қаердан?— дейишибди.

Бир куни филнинг кўзи мўркондан ўрлаб чиқаёт-

ган тутунга тушиб қолибди. Бошқа шериклариниям чақириб, тутунни кўрсатибди-да:

— Уни қаранглар! Кўряпсизми? Ахир у тутун-ку! Тутун бор ерда чўғ ҳам бўлади, албатта!— дебди.

Ҳайвонлар қувониб кетиб, филнинг ўзини чўғга юборишибди. У энди тоғ ёнбағридан тушиб кела бошлаган экан, бирдан қаттиқ бақирқиғни эшитиб қолибди:

— Ким у Чигиртка тоғига бостириб келишга журъат этаётган? Қани, келган изингга қараб жўнаб қол-чи, бўлмаса сениям пакасани ютгандек ямламай ютаман!— дебди.

Филнинг бунақанги ҳанги товушни умрида биринчи марта эшитиши экан, қўрқиб кетганидан у орқасига қайтибди ва бўлган воқеани бошқа ҳайвонларга гапириб берибди.

Филнинг қайтиб келганини кўрган шер оловга бормоқчи бўлибди. У ўзини ҳаммадан ботир ва кучли ҳисоблаганидан филни қўрқитган ярамаснинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлибди.

У ҳам фил борган жойга етганда ўша бақирқиғ яна эшитилибди:

— Ким у Чигиртка тоғига бостириб келишга журъат этган? Қани, келган изингга қараб жўнаб қол-чи, бўлмаса сениям пакасани ютгандек ямламай ютаман!— дебди.

Шер ҳам қўрққанидан думини қисиб жўнаб қолибди.

Қолган барча ҳайвонлар ҳам бирма-бир ўзларини синаб кўришибди. Ҳаммалариям бўйинларини қисиб, бўшашиб қайтиб келишибди. Охири тошбақа ўша ерга бориб чўғ опкелишга ижозат сўрабди. Лекин бечорани яна уриб-туртиб ҳақорат қилишибди. Бу сафар ҳам маймун аралашиб, тошбақага ижозат олиб берибди.

— Ким у Чигиртка тоғига бостириб келишга журъат этган?! Қани, келган изингга қараб жўнаб қол-чи! Кетмасанг ҳозир ютиб юбораман!— деб дўғ урибди бояги бақироқ овоз.

Тошбақа парво қилмай, бир-бир босиб аста кетаверибди.

— Узинг кимсан?— деб сўрабди тошбақа чигиртка яширинган иннинг оғзига бориб.

Чигиртка ташқарига бошини чиқарибди-да, мўйловларини қимирлатиб:

— Вой! Сизмисиз, тошбақа хола! Қани, ичкарига марҳамат! Тортинмай кираверинг! Ким келаётган экан, деб қўрқиб кетибман.. Қани ўтиринг, дамингизни олинг. Хўш, нима хизматда юрибсиз, тошбақа хола? — дебди.

— Мен сендан бир оз чўғ сўраб келувдим. Биз тоғнинг у томонида яшаймиз. Овқат пиширай десак, оловни қандай ёқишни билмаймиз. Чунки чўғимиз йўқ. Исиқ овқатсиз ниҳоятда толиқиб қолдик!

— Бор гап шуми? Оббо сиз-э! Қадам товушини эшитиб қўрқиб кетибман-а, ким келяптийкин, деб. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, муҳтарам фил оға инимга оёқларини қўйганларида ҳолим нима кечарди? — дебди чигиртка тошбақага ва иккови хахолаб кулишибди.

— Сиздан илтимос, тошбақа хола. Бу ерда кўргангизни ҳеч кимга айтиб ўтирманг. Келиб ўлдириб кетишмасин тагин мен шўрликни. Шерикларизга ҳеч кимни кўрмадим. Бориб, ёниб турган гулхандан чўғни олиб келавердим, дея қолинг. Хўпми? — Чигиртка шу гапларни тайинлаб, тошбақага чўғ берибди.

Тошбақа уйига қайтиб келибди-ю, ҳеч кимга ҳеч нарса демабди. Секингина дўсти маймунни чақириб:

— Мана кўргин, мен чўғ олиб келдим. Бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса демагин. Юр, сеникига бориб, овқат пиширамиз, — дебди.

Бундан беҳабар бошқа ҳайвонлар тошбақани масхара қила бошлашибди:

— Ана, ахир биз айтувдик-ку! Биздек улуғ зот, ақли расоларки бу ишни удалай олмагандан кейин сендек ақли паст, одими суст тошбақага йўл бўлсин!

Бироқ тутунни яшириб бўлармиди? Маймуннинг кулбасида олов ёқишлари биланоқ бутун ўрмон бўйлаб осмонга томон тутун ўрлабди. Ҳайрон бўлган ҳайвонлар югургилаб маймунникига келишибди-да, воқеани кўриб, тошбақани роса савалашибди. Нега энди олиб келган оловингни биздан яширдинг? Сени қара-ю! Ҳаммамиздан удабурон бўлиб чиқдингми ҳали?! — дейишибди.

— Мени бекорга уриб-туртганлари учун ўчимни

олмай қўймайман!— дебди у маймунга.— Ҳзим туғилиб ўсган кўлга кетиб қоламану, улардан ўчимни оламан. Сенга бир сирни айтай, маймун. Мабодо чанқасангу, кўлга сув ичгани бормоқчи бўлсанг, асло бошқа ҳайвонлар билан бора кўрма. Якка ўзинг борда, дарахтнинг учига чиқиб, ўзим чақирмагунимча пастга туша кўрма.

Кечқурун одатларига кўра барча ҳайвонлар сув ичгани кўл томонга қараб йўл олишибди. Биринчи бўлиб кўлга фил борибди. У хартумини тиқиб кўлдан сув ичмоқчи бўлган экан, хартуми қаттиқ бир нарсага тегибди. Оёғи билан туртиб кўрса, тош. Атрофда бунақа тошлардан сон-саноқсиз эмишу бир қатраям сув йўқ эмиш. Алам қилиб кетган фил ўкириб юборибди:

Обиҳаёт, чўздим ўзимнинг хартумимни,
Лекин топмадим ҳеч вақо!
О, қанчалар ташналабман!
Онажоним, ўламан!
Обиҳаёт, чўздим ўзимнинг хартумимни,
Лекин топмадим ҳеч вақо!
О, қанчалар ташналабман!
Отажоним, ўламан!

Фил бир неча бор кўлга хартумини тиқиб, сув топишга уриниб кўрибди-ю, ҳар сафар ҳам тошга дуч келаверибди.

Унинг кетидан сув ичгани шер борибди. У ҳам сув ичгиси келиб роса уринибди. Қариндош-уруғларини ёрдамга чақирибди. Ниҳоят, кўл бўйига барча ҳайвонлар йнгилишибди. Шу пайт панғ этган товуш эшитилибди-ю, ҳаворанг баҳайбат тош ёрилиб парчаланиб кетиб, барча ҳайвонларни эзгилаб ташлабди. Фақат маймунгина омон қолибди. Чунки у тошбақанинг дўсти экан-да! Тошбақанинг гапи билан у дарахт тепасига чиқиб олган экан.

ЎҒРИ ВА СЕҲҒАР

Азизлар, мен ҳозир сизларга Кимона дия Зонга хукмронлик қилган Кисама вилоятида бўлиб ўтган воқеани гапириб бераман. Бу воқеа қачон бўлиб ўтган

дерсиз ҳойнаҳой. Бунн сизга ҳеч ким айтиб беролмайди. Бироқ бу воқеа жуда қадимда, бундан икки минг йил аввал бўлиб ўтган деган тахмин бор.

Қаттақон пўкак дарахтининг тагига тумонат одам йиғиларкан. У ер бу одамларга ҳам ҳордиқ чиқарадиган, ҳам мажлис ўтказадиган, ҳам янгиликлардан хабардор қиладиган жой ҳисобланаркан. Ҳар ким ўзи билан машғул. Оқсоқол Кимона дия Зонга одамларининг қайси бири нима билан шуғулланаётганини кузатиб ўтиришни жуда ҳам яхши кўраркан. Бекорчиларни ёқтирмас экан.

— Қани айтинг-чи, ҳаммадан олдин ким уйғонади, сеҳргарми ёки ўғрими? Қайси бири эрта туради ўрнидан?— деб сўрабди инс-жинслар билан учрашиб турадиган ёшгина сеҳргар Шамбеже. Ундан ҳамма чўчиркан. Нега деганда у ёмонотлиқ бўлиб қолган экан. Айтишларига қараганда бир-иккита ўзига ўхшаган нопок шериклари билан тунда қабристондан мурдаларни ўғирлаб кетишармиш.

Шу боисдан ҳам ҳеч ким унинг саволига жавоб бергиси келмабди. Ўзларини эшитмаганликка солишибди. Бунақа нопок ножинслар билан ош-қатиқ бўлмай десанг, индамаганинг маъқул, қабалида иш тутишибди. Бундайлар билан бир-икки оғиз гаплашсанг, бир умрга бошинг балога қолиши ҳам ҳеч гапмас. Бунақаларнинг дилида нима борлигини билиб бўладими?

— Ҳа, нега индамайсизлар?! Ким эрта уйғонади уйқудан?— дебди яна Шамбеже.

Шунда ўзини тутолмаган ўғри Камуколо бирдан гапириб юборибди:

— Ўғри эрта туради!

— Демак, сен, ўғри эрта туради, деяпсан-да!

— Ҳа. Ўғри овга чиқиб кетганда сеҳргар ухлаб ётган бўлади.

— Мен айтаманки, сеҳргар олдин туради, деб. Ке, яхшиси, гаров ўйнаймиз. Мана, одамлар ким ҳақу ким ноҳақлигини айириб беришади.

Бироқ ҳеч ким чурқ этмабди. Албатта ҳеч ким индамайди-да, чунки гапиргилари келмаётган эди. Ҳаммалари гўё ҳеч нима эшитмагандек, бошларини қуйи

эгиб, ўз ишлари билан машғул бўлаверибдилар. Биттаси бўйра тўқиса, иккинчиси сават тўқибди. Яна бирови ёғочдан алланарсаларни йўниш билан овора экан.

Сағал наридан хотин-халажларнинг овози келиб турар экан. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўғирда мамиока янчишаётган экан. Дарахт шохларида қушлар чағиллашар, қип-яланғоч қора-қура болалар оналарининг атрофида ўйноқлашиб юришар экан. Бир оз каттароқ болалар чигиртка тутиш билан овора. Тутган чигирткаларининг қанот ва оёқларини узиб ташлаб, доғ бўлиб ётган хурмо мойига ташлашмоқда экан. Яна бир тўда бола ўт-ўланларни титкилаб қуш уясини қидиришмоқда экан. Бир оз нарида чўчқалар хуриллашиб ер тишмоқда экан. Хуллас, товуқлар ҳам, қўтослар ҳам изғиб юришаркан. Бошларига хурмачаю кўза қўйиб олган аёллар аста-аста бир-бир босиб у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришар экан.

Шу пайт ялангликда сочлари жамалак, бошида катта сават, орқасига боласини боғлаб олган ёшгина бир аёл кўринибди. Аёл бошига қизил лой чапиб, сочларига хурмо мойидан суриб олган экан.

— Ҳой Бабека, намунча кеч қолдинг? — дебди унга оқсоқол бақириб. Аёл оқсоқолнинг олдига яқинроқ келибди-да, бошидаги юкини пастга тушириб, таъзим бажо келтирибди.

— Ҳали вақт эрта, ҳазрати олийлари, — дебди нафаси оғзига тиқилиб, азбаройи юкининг оғирлигидан. — Ҳазрати олийлари, эшитдингизми, сеҳргар Канжилининг невараси ҳақида ҳар хил миш-миш гаплар юрибди.

— Қанақа миш-миш гаплар?

— Саватимни обориб қўяй, кейин гапириб берман...

— Йўқ. Ҳозир гапирасан. Гапингни эшитмагунча бош сеҳргаримизнинг кўнгли жойига тушмайди. — Шундай деб оқсоқол баобаб новдасидан алланарса тўқиб ўтирган кекса бир чолни кўрсатибди.

Хижолат бўлган Бабека орқасидан бойламани ечиб, болани саватнинг олдига ўтқазибди-да, гапини бошлабди:

— Канжилининг мен айтаётган набираси туғили-

шиданоқ ажабтовур бола экан. Бизнинг болаларга сираям ўхшамас экан.

— Ҳа, ҳа, менинг ҳам қулоғимга чалинувди. У бола туғилиши биланоқ овқат сўраган экан,— дебди аёлнинг гапини тасдиқлаб кекса сеҳргар.

Оқсоқол ҳам бошини қимирлатиб бу гапни тасдиқлабди:

— Мен ҳам эшитганман бу гапни. Хўш, кейин нима бўпти?

— Ҳозир у анча катта бўлиб қолибди. Уни отасиям, онасиям ҳаётмишу, лекин бола бувисидан бошқасини тан олмас эмиш. Уни жонидан ҳам ортиқ кўраркан. Бувисидан бир қарич ҳам нари кетмас, қаёққа борса кетидан эргашаркан. Сувга борсаям, қўшнилариликка чиқсаям доим бирга экан.

Бир куни бувиси далага кета туриб, уни бирга олиб кетмабди. Кўтаришга кучим етмайди, ўзинг юрмайсан-ку, дебди. Алам қилиб кетган набира бувисига қараб бақирибди: «Мени олиб кетмайсизми? Қараб туринг ҳали, тунда олдингизга пакасалар келади». Бувиси унинг гапига парво қилмай, кулиб қўя қолибди. Буни қаранг-а, ҳазрати олийлари, бу гапни катта одам эмас, ёш бола айтибди...

— Ҳақиқий сеҳргар ёшлигидан маълум бўлади ўзи. Бувиси шуни билиши керак эди,— деб луқма ташлабди кекса сеҳргар.

Оқсоқол бошини қуйи эгиб, кекса сеҳргарнинг гапини маъқуллабди:

— Албатта-да, бувиси набирасининг қанақа болалигини сезиши керак!.

— Хуллас, мени ҳазратим,— дея давом этибди Бабека,— болани айтгани бўпти. Тунда кулбаларини мўмўлашганича пакасалар подаси ўраб олибди. Йиртқич ҳайвонлар йўламасин, деб гулхан ёқиб қўйишган бўлса ҳам бостириб келишаверибди. Утакаси ёрилган буви чор-атрофга ёрдам сўраб қичқирибди. Ширин уйқуда ётган қўни-қўшнилари уйғониб кетишиб чиқиб қарашса, аҳвол ҳалигидақа. Пакасалар подасини кўришиб, яқинига келишга қўрқибди. Умрларида бунақа кўп пакасани кўришмаган экан. Пакасалар катта-катта, шохлари узун-узун экан... Кампир шўрлик чир айланиб:

«Войдод, неварам қани? Неварам қаёққа кетди, ахир? Чақиринглар уни! Сеҳргар-жоду қилиб манави махлуқларни даф қилсин, бўлмаса улар мени ғажиб ташлашади», дермиш. Кимдир болани излаб кетибди. У кулдада ухлаб ётган экан. Уйғонибди-да, отаси билан онасига: «Ҳа-ҳа, бувим нега бақираётганини биламан. У пакасалардан қўрқяпти. Уни пакасалар ташқарига чиқаришмаяпти» — дебди. Болани ташқарига олиб чиқишган экан, ўша заҳотиёқ пакасалар тумтарақай бўлиб қочиб кетишибди. Ана, одамлар нима ҳақда гапиришяпти.

— Уша бола ҳақиқий сеҳргар бўлади. Бизга худди шунақаси керак. Бунақа сеҳргарларга инс-жинслар бўй беради, ҳар қалай. Энди кетсанг бўлади, Бабека, қариямизнинг кўнгли жойига тушиди... — дебди оқсоқол қўли билан Бабекага ишора қилиб.

Бабека энгашиб, ерда ўйнаб ўтирган ўғилчасини қўлига олибди-да, саватини бошига қўйиб, аста юриб кетибди.

— Энди, — дебди кекса оқсоқол, — бемалол оёғимни узатиб ўлсам ҳам бўлаверади. Ҳақиқий ўринбосар етилаётган экан. Бу бола худо хоҳласа нафаси ўткир ажойиб сеҳргар бўлади.

— Ҳа, шунақаси бизга жудаям керак эди, — дея тасдиқлабди қариянинг сўзини қабила бошлиғи. — Бола бошидан, ўғлон ёшидан, деб шуни айтадилар-да! Эшитишимга қараганда, бола қорни очганида, уйда овқат бўлмаса, бувисига: «Бувижон, ариқнинг лабига борсангиз иккаламизга ҳам етадиган овқат топасиз», — дер экан. Бувиси бориб қараса боланинг айтгани тўғри чиқар экан, иккаласи ҳам тўйиб овқатланишаркан. Бу бола эсон-омон катта бўлса, ўткир нафасли ҳақиқий сеҳргар бўлиб етишади.

Атрофда жимлик. Дарахт соясида ўз юмушлари билан машғул бўлиб ўтирган одамлар ҳозиргина айтилган гапни ўзаро муҳокама қилишаётган экан. Қабила уруғларидан биттаси ҳассасни дўқиллатиб оқсоқолнинг олдига яқинлашибди-да:

— Модомики ўша бола шундай сеҳр кучига эга экан, айтайлик унга, ёмғир ёғдирсин. Бу иш кекса сеҳргаримизнинг қўлидан келмади, — дебди.

— Чироқларим, мен анча қариб қолдим, худолар оқимга қулоқ солишмаяпти,— дебди хафа бўлиб кекса сеҳргар. Отасига айттайлик, ўғлига рухсат берсин. Бола худодан бизга ёмғир сўраб берсин.

— Агар лозим бўлса отаси билан гаплашамиз, албатта. Ҳар ҳолда йўқ демаса керак. Бизга бунақанги дили пок сеҳргар совуқ сувдан ҳам зарур. Одамларимиз Шамбеже ҳамда унинг ҳамтовоқларидан жудаям норози. Улардан халққа заррача ҳам наф йўқ. Бизнинг кекса сеҳргаримиз бўлса қариб қолди.

Қабила бошлиғи Кимона дия Зонга ўрnidан туриб:

— Бу ажойиб бола фақат бизнинг қабиладагина эмас, бутун мамлакатда шуҳрат қозонсин! Ҳаммамиз шунни истаймиз!— дебди.

Бу гапни эшитиб, ғазаби ошган Шамбеже одамларга нималарга қодирлигини кўрсатишга жазм қилибди. Кун ботиб, қоронғи тушиши биланоқ у ўз ҳамтовоқларини ёнига олиб, йўлга тушибди.

— Қоп-қоронғи тунда кетяпмиз! Ҳамма нарсани кўряпмиз! Қоп-қоронғи тунда кетяпмиз! Ҳамма нарсани кўряпмиз!— дея шанғиллашиб кетаверишибди Шамбежелар.

Одамлар уйқу аралаш уларнинг товушларини эшитишиб, безовта бўлишибди.

— Уни қаерга кўмишган?— деб Шамбежедан сўрабди шерикларидан бири.

Бошқа бири бўлса бир тепачани тепкилаб, шерикларига:

— Мана бу ерга! Шу ерга кўмилганини билмас-мидинглар?!— дебди.

Ҳамма сеҳргарлар бараварига:

— Тур ўрнингдан, мурда, биз келдик!— дейишибди.

Шамбеже билан яна биттаси қабр устига сеҳрли порошокдан сепишиб, жонсиз мурдага жон киргизмоқ пайига тушишибди.

— Энди у бизники! Энди у бизнинг одам! Гавдасиям, қалбиям бизники! Тана-панаси билан бизники!— дейишибди.

Худди шу пайтда тонг ёриша бошлабди.

— Зиёфатимизни эртага қолдирамиз энди,— дебди

ачиниб Шамбеже.— Мурда бугунчалик менинг кулбамда тура қолсин. Юринглар, олиб кета қолайлик. Майлими, шундай қилсак?!

Ҳаммалари розилик билдиришибди. Эртанги кечки овқат нақд бўпти. Шундай қилиб, тўртта сеҳргар мурдани Шамбеженинг кулбасига олиб кетишибди.

Бироқ уларнинг ҳеч қайсиси туллак ўғри Камуколо уларнинг орқасидан кузатиб юрганини сезмабди. У сеҳргарларнинг орқасидан пусиб борибди-да, астагина Шамбеженинг ҳужрасига кириб, мурдани ёнига узала тушиб ётибди.

«Қани ким айёрикин! Ана энди аниғини билиб оламиз, ким олдин тураркин ўрнидан, ўғримиз ва ё сеҳргар?»— деб ётган жойида ўйлабди.

Тонг отиб, кун ботибди. Яна атрофни зим-зиё тун пардаси ўраб олибди. Худди шу пайтда Шамбеже мурдани олиб кетгани келибди. У мурдани кўтармоқчи бўлиб ўзига тортган экан, мурда ўзини орқага ташлаб, шалоп этиб асли жойига тушибди.

— Ҳой! Боргинг келмаяптими? Шу жой сенга ёқиб қолдими?— дебди киноя билан Шамбеже.

Шамбеже билан ёнма-ён турган шериклари нима гаплигига тушунолмабди ҳайрон бўлишибди.

— Мен мурдани ўзимга тортаман, у бўлса ўзини орқага ташлайди...— деди Шамбеже шерикларига. У мурдани кўтармоқчи бўлиб ўзига тортган экан, мурда яна орқага тисарилибди.

— Ўнинг кўнглига қараб ўтирасанми? Ўз билгимизча иш юритами энди! Сен мурдани елкасидан кўтар, биз оёқларидан!— дейишибди сеҳргарлар.

Шундай қилиб улар мурдани елкаларига ортиб жўнашибди.

Камуколо бўлса аста ётган жойидан турибди-да, Шамбеженинг сеҳр анжомлари солинган саватини олиб, уларни кўздан қочирмасдан қорама-қора бораверибди.

Ходачага тортилган мурда гулхан ёруғида кўзга элас-элас кўринар, унинг атрофида эса сеҳргарлар илон изи бўлиб ўз рақсларини ижро этишар экан. Ҳар хил тушуниб бўлмайдиган сўзларни айтиб, ҳуштак чалишар ва қичқиришар экан. Бу пайт улар инсон қиёфасини йўқотиб жинларга айланишган пайтлари экан.

Бошларида шох, соч ўрнига қуш пати, пешоналарида баҳайбат йиртқичнинг шохи, белларига тўрттадан шох қистирилган экан. Улардан иккитаси ёнбошларида, биттаси олдиларида, яна биттаси орқаларида диккайиб турганмиш.

Мана, худди зиёфатга чорлагандек, аланга тили жизғинак исини анқитиб мурдани ялай бошлабди. Шамбеже биринчи бўлиб тўхтаб мурдага қарабди-да:

— Қаранглар, намунчаям семиз бўлмаса! Нима еб бунчалик семирган экан-а! Ха-ха-ха!— дебди.

— Биласанми, ким учун семирган? Албатта биз учун-да!— дебди сеҳргарлардан бири.

Бирдан ҳаммалари тишларини гижиллатиб, мурдани ўраб олишибди. Қуруқ шохлар қисирлаб синар, сеҳргарлар хахолашиб, унга жўр бўлишар экан.

Кейин Шамбеже чапак чалиб, чўққайиб ўтириб олибди.

— Мана шу аблаҳ Кифубу,— дебди Шамбеже мурдага ишора қилиб,— бир куни мени шарманда қилмоқчи бўлганди. Эсинглардами, вабо келган йили мен уника бориб, буқангни бериб тур, сигирларимни қочириб олай, ўзимники вабодан қирилиб кетди, десам... У менга нима деди денг ўшанда? «Бизнинг томонларга вабо келгани йўқ, агар буқамни сенга берсам, уям ўлиб қолади-да!» деди. Ана, ўзини ҳоли нима бўлибди.

— Ҳозир уни еб кўрамиз!— дебди сеҳргарлардан биттаси қовурилаётган гўшт ҳидини ҳидлаб.

Шамбеже саватидан каттагина маниокани олибди-да, шерикларига қараб:

— Ҳозир биз гўштни маниока билан қўшиб еймиз!— дебди.

Шу пайт гўшт исини билиб келган чиябўрилар увиллай бошлашибди.

— Нарӣ турларинг! Йўқолларинг бу ердан! Сенларга тегмайди бу сафар!— деб сеҳргарлар чиябўриларга гулханнинг чўғидан ота бошлади. Буталар орасида яшириниб ўтирган Камуколонинг кўнгли айниб кетибди.

— Ҳа, сеҳргарларнинг бу ҳунариям бор экан-да. Инсонлар орасида бинойидек юришаркану, аслида ҳай-

вондан ҳам баттар эканлар. Улар энг олий жазо — ўлимга маҳкумлар! Қотиллар, одамхўрлар!

— Балки бу нарсалар кўзимга кўринаётгандир. Яхписи нарироққа кетай, тагин у ярамаслар мени пайқаб қолишмасин,— деб Камуколо биқиниб ётган еридан муқаддас саватни судраб нари кетибди.

* * *

— Бу қанақаси бўлди?— деб ҳайрон бўлибди Шамбеже эрта азонда чимзорда қизил матога ўралиб турган Камуколони кўриб.

Шамбеженинг юраги зириллаб кетибди, унинг саватидаги мато бўлмасин бу яна, жуда уникига ўхшаб кетаркан. У югурганича кулбасига бориб, ҳаммаёқнинг тит-питини чиқариб юборибди. Бироқ саватиям, қизил матосиям йўқ эмиш. Камуколо ўралиб ётган мато уники эканлиги аниқ! Муттаҳам! Уғри!

Шамбеже зингиллаганича чимзорга қайтиб келса, Камуколо ҳалиям ўша жойда, ўша қиёфада турганмиш. Атрофини қизлар ўраб олишганмиш.

— Сеҳргардан аввал ўғри уйғонишига тан бердим,— дебди Шамбеже.

— Айтмабмидим мен сенга шуни?! Уғри ҳар доим сеҳргардан олдин уйғонади ва сеҳргарларнинг туни билан нима иш қилишидан воқиф бўлади,— дебди Камуколо.

— Нималар деб валдираяпсан?— дебди шивирлаб сеҳргар.

— Нима бало, эсингдан чиқиб кетдимми?

— Нима эсимдан чиқади?

— Кечаси қилган ишларингни унутдингми? Қаерга бординг! Мурдани нега жойидан қўзғатолмаганингни биласанми? Ё йўқми? Уни мен тортиб тургандим. Тушундингми?

Шамбеженинг аъзойи бадани музлаб кетибди. Баттол ўғри ҳаммасидан хабардор экан! Ғазабини ичига ютиб, зўрма-зўраки илжайган Шамбеже Камуколога:

— Сен жудаям ҳазилкаш экансан!— дея муштуғини қўлига олибди.— Ёндиришга чўғинг борми?

Лекин Камуколо сеҳргарнинг башарасига қараб бақирибди:

— Ҳеч қанақа чўғ йўқ менда! Мурдаларни жизгинак қиладиган чўғ сенда топилади. Одамлар, мен рост гапиряпман, гапларимга ишонинг, ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим!

Шамбеже кўзларини кўкка тикиб, арвоҳлардан нажот сўраб, жим турар экан. Қанийди шу заҳотиёқ Камуколо тил тортмай ўлиб қолса! Бир умрга бу дунё билан видолашса! Бироқ энди унинг сеҳр қиладиган қизил матосиям, сеҳр кучиям йўқолган экан.

Шу пайт қабила оқсоқоли ўз яқинлари билан ўғри ва сеҳргар баҳс қиладиган чимзорга етиб келишибди. Тавба, ўғри билан сеҳргарнинг суҳбати мунча чўзилиб кетдийкин?

Қудратли қабила бошлиғи Кимона дна Зонга йиғилганлардан сўрабди:

— Нима ҳақда баҳслашяпсизлар? Билсак бўладими?

Шунда Камуколо бошлиққа тунда кўрганларининг ҳаммасини гапириб берибди. Одамларни даҳшат босибди.

— Оббо ярамас сеҳргар-э! Қабристондан Кифубунинг жасадини ковлаб олган баттол шу экан-да! Шўрлик Кифубунинг жонсиз жасадиям қийналиб кетибди-да!— дея шивирлашибди йиғилган оломон.

Ҳаммани ҳайратга солиб, ақлини лол қилиб қўйган Камуколо тантана билан иржайиб тураркан. У ажойиб қаҳрамонлик кўрсатган экан-да. Довюраклик билан сеҳргарлар мурдаларни ғажийдиган жойга бостириб борибди. Ўз кўзи билан воқеани кўрибди.

— Ҳой Камуколо! Наҳотки қўрқмаган бўлсанг?!— дейишармиш унга одамлар.

— Буни ҳақиқий инсон деса бўлади!— дейишармиш яна бошқалари.

Мунақанги мақтовлардан талтайиб кетган Камуколо тўпланганларга қайта-қайта тунда кўрганларини сўзлаб берибди.

Шамбеже эса оёқ-қўли боғланган кўйи шерикларини ўйлаб ўтирганмиш. Ҳойнаҳой уларни ҳам шу ерга опкелишса керак!

— Биласанми, Шамбеже, сен билан шерикларингни қандай жазо кутяпти,— дебди қабила бошлиғи ғазаб билан.

Шамбеже бошини ерга әгиб, алланималар деб гудраниб, арвоқлардан мадад сұрабди. Бироқ инс-жинсу арвоқлар ёрдамга келишмабди. Қабила улугларидан биттаси:

— Бунақанги ножинсларни тугатиш вақти келди! Энди ўзимизнинг очиқкўнгил покиза сеҳргаримиз бор!— дебди.

Ийғилган халқ бувиси кўтариб келаётган кичкина болақай, Канжилиннинг неварасини олқишлашибди. Ножинс сеҳргарлар эса, расм-одатга кўра ўзларини ўзлари жазолабдилар, яъни катта бир дарахтнинг шохи-га ўзларини осибдилар.

ХЕБО

Бир куни кечқурун Хебо ўз кулбасининг остонаси-га ўтириб олиб, келажак ҳақида хаёл сура бошлабди. У ўзини бой ва чиройли бир йигитнинг хотини қиёфасида кўрибди, данғиллама қасрда дур-марваридларга кўмилиб яшаётганини тасаввур қилибди, унинг оғирини енгиллатишда чўрию хизматкорлар камарбаста бўлаётганини хаёл кўзгусидан ўтказибди. Бунчалик бахтли бўлишига ундаги беназир чирой сабабчимиш.

Ахир, чинданам бой-бадавлат кишилар унга совчи қўйишган экан-да. Бироқ ҳеч қайсисини у ёқтирмабди. Қанақанги совғалар қилишсаям олмабди. Ҳатто Хебо уларнинг ҳаммасини совға-повғаси билан қувиб солибди. «Наҳотки гўзал Хебо бунчалар тошбағир бўлса?» дея ҳайрон бўлишибди одамлар. Йўқ, қаловини топсанг қор ёғади, унинг ҳам кўнглини топа билиш керак...

Шундай қилиб, бизнинг гўзал Хебомиз келажак ҳақида ширин орзулар қилиб ўтирганида олдига нотаниш бир эркак келиб тўхтабди. Кўриниб турибдики, бу одам бу ерлик эмас, Хебонинг мағрур ва бўй бермаслигини билмайди ҳам. Буни қаранг-а, у ўйлаб-нетиб ҳам ўтирмай Хебомиздан трубкасига чўғ сўрабди. Қандай ҳадди сиғдийкич бунга?! Хебо нафрат билан унинг бо-

шидан-оёғигача тикилибди-да, қашшоқ бир одам бўлса керак, деб ўйлаб, киноя билан:

— Эсингни едингми, нима бало? Наҳотки мен сенга чўғ олиб бериш учун ўрнимдан турсам?— дебди.

— Ҳай-ҳай! Наҳотки, ўрнингдан туриб ўткинчи бир одамга чўғ олиб бериш сенга малол келса?!— деб ҳайрон бўлибди нотаниш одам.

— Сен ким бўлибсан ўзи? Бор-ей, эзмалик қилма! Мен сен тугул хўжайинларингга ҳам чўғ олиб келиб бермайман. Сендан такани ҳиди келяпти. Йўқол бу ердан, ит эмган!

Нотаниш одам чурқ этмай кетиб қолибди. Унга ниҳоятда алам қилиб кетганидан, бу мағрур қиздан ўч олмоқчи бўлибди. Шу ниятда у афсунгарни излаб кетибди. Ахир афсунгар қизнинг попугини пасайтириш йўлини билар-ку?!

— Анави мағрур Хебо меники бўлиши керак. Бироқ қиз мени зинҳор билмаслиги керак. Шунинг бирор йўлини топ,— деб афсунгарга мурожаат қипти нотаниш одам.

Афсунгар унга:

— Мен сени катта, кучли бир қушга айлантириб қўяман. Сен ўз чангалингда қизни хоҳлаган ерингга олиб кетаверасан,— дебди.

Шундан кейин йўловчи катта бир қушга айланибди-да, қанотларини кенг ёйиб кўкка кўтарилибди. Булутларни ёриб ўтиб, Хебо яшайдиган қишлоқ томон учиб кетибди.

— Ҳозир учиб бориб, қишлоққа қўнаман-да, мағрур қиздан ўчимни оламан...

Одамлар осмонда учиб келаётган улкан бир қушни кўришибди. У ҳайбат билан гуғулаб ўзича алламбалоларни вайсаётганини эшитиб, чўчишибди-да, ўзларини четга олишибди. Қуш нима мақсадда келаётган экан, қаерга қўнаркан, деб ҳайрон бўлишибди.

Катта қуш ҳамон учишда давом этар, ўзича алланималар деб гудурлар экан.

— Мана мен учиб келяпман. Ана, яқинлашиб қолдим. Ҳозир ўчимни оламан...— дермиш.

Қуш Хебо яшайдиган қишлоққа етганида, қош қорайиб, кун ботибди. Қуш қизнинг кулбасига яқин жой-

даги баланд бир дарахтга қўнибди-да, тун сукунатини бузиб, қўшиқ бошлаб юборибди:

Гўзал Хебо, мана мен келдим,
Мана мен ҳам келдим сени олгали.
Тез тур, учиб кетамиз олисга бирга.

Гўзал Хебо бу товушни эшитиб чўчиб уйқудан уйғониб кетибди. Қўшиқ айтаётган ким бўлди? Қушми? Қуш уни чақиряптими? Ё унга шундай туюлаётгандир? Йўқ, йўқ, чиндан ҳам мени чақиряпти:

Гўзал Хебо, мана мен келдим,
Мана мен ҳам келдим сени олгали.
Тез тур, учиб кетамиз олисга бирга.

Хебо қўрққанидан кўзларини юмиб олибди. Овоз чиқариб, уйдагиларини ёрдамга чақириш керак, бироқ у овоз чақиришга журъат эта олмабди. Ташқаридан, қоронғилик қаъридан яна овоз эшитилибди:

Наҳот мени эшитмаяпсан?
Шошил, йўқса нобуд қиламан!

Шундан кейин Хебо турибди-да, овоз келган томоқга қараб кетаверибди. Бу товуш уни худди оҳанрабодай ўзига тортиб бормоқда экан. Қиз бирдан орқасига қайтиб, ота-онаси ухлаб ётган уйга отилиб кирибди-да:

— Меҳрибон ота-онам, туринг ўрнингиздан, бир қуш мени олиб кетмоқчи,— дебди.

Бироқ ота-онаси уйғонишмабди. Улар донг қотиб ухлаб ётишаркан.

Қуш яна қўшиғини бошлаб юборибди:

Наҳот мени эшитмаяпсан?
Шошил, йўқса нобуд қиламан!*

Энди қиз акалари ётган уйга нажот истаб кирибди. Балки улар уни ҳимоя қилар.

— Акалар, жон акалар, тезроқ туринг. Бир қуш мени опқочиб кетмоқчи,— дебди.

Акалари уйғонишмабди. Улар ҳам донг қотиб ёти-

шаркан. Қушнинг ўткир тирноқлари эса томни ларзага келтириб тимдалай бошлабди. Бахтсиз Хебо дод деб йиғлашга тушибди:

— Қўшнилар! Жон қўшнилар! Тезроқ келиб мени қутқаринг! Қандайдир бир қуш мени олиб кетмоқчи бўляпти!— дебди.

Бироқ қўшнилар ҳам эшитишмабди. Қоқ ярим тун бўлгани учун улар ҳам қотиб ухлаб ётишган экан.

Бу пайтда қуш қанотларини силкитиб, ўткир тирноқлари билан томни тимдалаб оча бошлабди. Мана, у човутини кулбага суқиб, чангалига қизни олибдида, кўкка кўтарилибди.

Эрта азонда ҳамма уйғониб, ҳайратдан оғизларини очиб қолишибди. Қарасалар, том бузилган, Хебо эса жойида йўқ эмиш. Нима синоат бўлдийкин? Ва ниҳоят бир доно кампир уйқу аралаш кечки қўшиқни эшитганини эс-эс хотирлаб, нима бўлганини тушуниб етибди.

— Мағрурлиги бошига етиб, уни афсунгар олиб қочиб кетган,— дебди у.

Тонг отиб, кун ёришганида, қуш ўз она қишлоғига етиб келибди. Шу заҳотиёқ у бир думалаб одамга айланибди. Қўрқиб кетган Хебо уни дарров танибди. Ахир у Хебодан чўғ сўраган нотаниш йўловчи экан-да!

— Танидингми мени?— дебди хахолаб у одам.

— Ҳа-ҳа, танидим. Илтимос, фақат мени ўлдирма! Кечир мени!— дебди у.

— Энди кечирим сўраб, титраяпсанми! Така ҳиди келаётган сассиқ йўловчи олдида-я?! Қўрқма, ўлдирмайман. Ёввойи такалар фақат ўзидан ожиз ҳайвонларни ўлдиришади. Аёлларни эса ўлдиришмайди!...

— Кечир мени, жаноб. Кечир!

— Ҳм. Уни қаранглар-а, жуда ювош бўлиб қолибдилару! Билиб қўй: бугундан бошлаб сен фақат меники бўласан! Фақат меники! Эшитдингми, меники,— деб у бармоғи билан қизнинг кўкрагига туртибди.— Сассиқ така иси келадиган одамники бўласан! Эшитяпсанми? Мағрурлигининг жазосини тортасан энди!

Орадан кўп йиллар ўтибди. Улар учта фарзанд кўришибди. Эр-хотин учта боласи билан Хебонинг уруғлариникига меҳмонга боришибди. Улар куёвни кечирди-

шиб, қучоқ очиб қарши олишибди. Зиёфат жуда қуюқ бұлибди.

Хебо эса ҳаддан ташқари мағрурлигининг жазосини тортиб, ҳанузгача эрининг чизган чизигидан чиқолмасмиш.

ҚАЛБ ЯРАСИ ОҒИРМИ Ё ТАН ЖАРОҲАТИ!

Бу воқеа жуда қадим замонда Қимона дия Зонга ҳукмронлик қилган Қисама ерларида бўлиб ўтган экан. Қунларнинг бирида кечқурун, ҳамма ёшу қари катта дарахт тагида салқинлаб ўтиришганда, ёшлар эса гулхан ёқиб ўйин қилишаётганда Мукиланго ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилибди. У ўзининг чўрткесар ва қўрслиги билан ҳаммага маълум ва машҳур экан. Ана шу алфозда ҳам ким биландир қаттиқ-қаттиқ гаплашаётган экан, ҳамма унинг атрофига тўпланибди. Ногоралар тиниб, ўйин-кулги тўхтабди.

— Қани айтинг-чи, менга,— дебди у тўпланганларга қараб.— Қайси бири оғирроқ — қалб ярасими ёки тан жароҳати?

— Тан жароҳати! — дейишибди баъзилар.

— Қалб яраси оғирроқ, — дейишибди бошқалар.

Йигит-қизлар ўзаро баҳслаша кетишибди.

— Биров сенга пичоқ урса, оғриқнинг зўридан додлаб юборарсан?! — дебди бири.

— Жароҳатдан фақат бадан оғрийди, мусибатдан эса юрак сирқирайди, — дебди иккинчиси.

Одамларни баҳслаштириб қўйганидан қувониб кетган Мукиланго бундай дебди:

— Фикримча, мусибат тан жароҳатига қараганда оғирроқ бўлади. Энг оғир тан жароҳати оғриғига ҳам кўз ёш қилмай, тишни тишга қўйиб чидаса бўлади. Агар бошингга мусибат тушса, бардош беролмайсан — йиғлайсан! Ортиқча баҳс бойлашнинг ҳожати йўқ, мен ҳақман. Сизлар-ку, майли-я, ҳатто ҳукмдоримиз менга, сен ноҳақсан, деса ҳам ҳақлигимни исбот қиламан. Кимники бошига мусибат тушса, менинг сўзларимни эсга олади, албатта.

Баъзилар индашмабди, баъзилар эътироз билдир-

ган бўлишибди. Сўнг яна ноғоралар гумбурлаб, ўйинкулги болланиб кетибди.

Бу суҳбатда қатнашган оқсоқоллардан биттаси орада бўлиб ўтган суҳбатни ҳукмдор Кимона дия Зонгага гапириб берибди.

Ҳукмдор аввал унинг гапини қунт билан эшитибди-да, анча вақт ўйланиб қолибди, сўнг хахолаб кулиб юборибди. Шу пайт унинг хаёлига ажойиб бир фикр келибди.

— Шошмай турсин ўша Мукиланго, тан жароҳати мусибатдан оғирроқ эканлигини унга бир кўрсатиб қўяй,— дебди.

— Ҳа, улуғ ҳукмдор, сиз ҳар сафаргидек ҳақсиз!— дебди тавозе билан оқсоқол.

— У маҳмадонани бир боплаш керак. Ниҳоятда қўрс ва бетгачопар бўлиб кетган.

Ўз фикрини исботлаш, Мукилангони номусини ерга букиш режасини тузиш мақсадида ҳукмдор яна қўшни жойларнинг ҳукмдорлари Киккулимона ва Бомбани ҳам чақиртирибди.

— Сиз нима дейсизлар, азиз қўшнилар, анави маҳмадонанинг бир таъзирини бериб қўйсаммикин?! Бу қанақаси ахир, бир ялангоёқ мишиқи менга қарши чиқса-я. Бу ўзбошимчалик яхшиликка олиб бормайди,— дебди.

Қўшни ҳукмдорлар унинг гапини маъқуллашибди. Ҳақиқатан ҳам Мукиланго қўрслик қилибди. Уни шунақанги таъзирини бериб қўйиш керакки, бир умрга эсидан чиқармасин.

Мукилангони айтиб келгани одам юборишибди.

— Улуғ ҳукмдоримиз сизни ҳузурига чорлаяпти,— дебди чопар. Мукиланго шубҳаланмасин учун чопар кўкрагидаги махсус тамғасини кўрсатибди.

Мукиланго бу пайтда ўз томорқасида ишлаётган экан. Чопарнинг гапини эшитибдию кетмонини бир четга қўйиб, қўлини артибди, белбоғини тузатибди-да, чопарнинг орқасидан эргашибди. У йўлда кета туриб, ҳукмдор мени нега чақирганин, деб ўйлаб борибди. Нима гап, деб чопардан сўраган экан, у ҳеч нарса билмаслигини айтибди.

Шаҳар марказида қад кўтарган азим дарахт сояси-

да уч ҳоким қора ёғоч тахтада ўтиришаркан. Бошлари-га муқаддас қушнинг пати қадалган, белларида қоплон терисидан белбоғ. Атрофларида казо-казо оқсоқоллар, қўлларига асо тутган ҳолда, кўкрак кериб ўтирган экан.

— Демак, сенинг фикрингча, тан жароҳатидан мусибат оғирроқ-а?— деб сўрабди ҳоким Кимона дия Зонга қўрқиб кетган Мукилангога қараб.

Нега бу ерга чақирилганига ақли ҳайрон бўп қолган Мукиланго нима дейишини билмай қолибди. Чор атрофдан йиғилиб келган одамлар, Мукиланго нима деркин, деб бир унга, бир ҳокимга қараб қўйишармиш. Мукиланго эса ҳамон чурқ этмасмиш. Ҳокимлардан биттаси ўша саволни яна такрорлабди.

— Менга қара, Мукиланго, улуғ ҳукмдор сендан сўраяптилар, тан жароҳати оғирми ва ёки қалб яраси.

Бирдан Мукиланго ҳушёр тортиб, кечаги бўлиб ўтган суҳбатни эслабди.

— Ҳа, улуғ ҳукмдор!— дея Мукиланго ҳоким олдида қуллуқ қилибди,— мусибат тан жароҳатига қараганда юз марта оғир!

Шунда ҳукмдор атрофдагиларга ғолибона назар ташлаб, киноя билан бундай дебди:

— Начора! Тан жароҳати оғирроқ эканини сенга амалда кўрсатамиз ҳозир! Ҳозир ўзинг бунинг шоҳиди бўласан.

Шоҳнинг пўписасидан қўрқиб кетган Мукиланго иккиланганнамо гўлдираб:

— Улуғ хоқон, халқда «Ғам жароҳатдан аламлироқ» деган мақол бор-ку, эшитганмисиз?— дебди.

— Ҳа, тўғри, шунақа мақолни эшитганман. Лекин сенинг ёшингда буни билиш ман этилади! Ҳали ёшсан. Ҳозирданоқ сен ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотимай бунчалик қўполлик қилсанг, ўзинг бошингдан ўтказмаган нарсани бировларга рўкач қилсанг, кейинроқ қандай ҳунарлар кўрсатаркинсан? Йўқ, сен хавфли одамсан. Сени бир таъзирингни берайки, бошқаларга ўрнатилган бўлсин. Йўқса, одамлар ўз ҳукмдорига ҳурмат кўрсатмай қўядилар. Ҳозир биз сенга бошқа бир мақолни ўргатиб қўямиз. Яъни, тан жароҳати мусибатдан оғир эканлигини билволасан.

Ҳукмдор шундай дея жаллодларга Мукилангонинг қўл-оёғини боғлаб, роса савалашни буюрибди.

Йигилганларнинг ҳаммаси ҳам бу ҳукмни маъқуллаб қичқирибдилар:

— Тўғри ҳукм чиқардинг, улуғ ҳукмдор! Маҳмадона, бетгачопарларнинг жазоси шу!

Кун ботиб, тун кирибди. Шу пайт азим туп дарахт тагида хивичнинг шилт-шилт этган товуши эшитилибди. Мукилангони орқаси моматалоқ бўлиб, қон-талашиб кетгунча роса савалашибди. Йигит шўрлик қанчалик ўзини оғирликка олсаям беихтиёр инграб юборибди.

Маҳмадона йигитнинг инграшини эшитган улуғ ҳукмдор Мукилангодан голиб чиққанига кўнгли тор бўлиб, уйига қараб йўл олибди.

Орадан бир неча ой ўтибди. Қишлоқда ҳукмдорнинг қизи гўзал Кандало ҳомиладор бўлиб қолибди, деган миш-миш тарқалибди.

— Бу қандоқ бўлди, қизим? Қорнинг кундан-кунга дўшпайиб боряпти. Одамларнинг юзига қандай қарайман? — деб таъна қилибди қизнинг онаси.

Қиз шўрлик юм-юм йиғлаб, онасига:

— Нега энди қорним дўмпаяди, эрим бўлмаса ахир, — дебди.

Қиз қанчалик йиғламасин, қорни катталашиб бора-верибди. Бу қандай бўлиши мумкин? Сира кўздан қочирмай эҳтиётлашар экан-ку уни?! Ўз ҳолига ташлаб қўйганларидаям, ҳеч ким бунчалик ажабланмаган бўларкан. Бир ўзини ҳеч қаёққа юборишмас экан. Қаёққа беришса доим бирга олиб юришар экан. Ҳатто ўртоғиникига бормоқчи бўлсаям онаси ёнида борар экан.

— Ахир бирорта эркак билан ёлғиз қолмаганимни ўзингиз яхши биласиз-ку, ойи, — дея ҳўнграб йиғлабди шўрлик Кандало.

Одамларнинг оғзига элак тутиб бўлмаса!

— Оббо, бу қорни дейман, катта бўп қолибди-ку, — дейдиганлар сон мингта бўлибди.

Ниҳоят, бу шумхабарни ҳукмдорга унинг энг катта хотини ётиғи билан тушунтирибди. Ота ўзини йўқотиб қўйибди. Бу қандай кўргилик? Ҳукмдорнинг ёлғиз ар-

зандаси шу аҳволга тушса?! Нега энди хотинларим ёлғизгина қизимни асрай олишмади? Ахир доим бирга олиб юришарди-ку, нега энди ҳомиладор бўлиб қолар экан?

— Дангасалар! Ишёқмас ҳафтафаҳмлар! Нега қизимга аҳтиёт бўлмадинглар? Бу қандай шармандалик! Менинг қизим эрсиз ҳомиладор! Мен у безорини топмай қўймайман. Кимнинг ҳадди сиғдийкин қизимнинг номусини топташга?! У ҳали боши билан жавоб беради бу қилган номаъқулчилиги учун,— дебди.

Ҳукмдор қизини чақиртириб, сўроқ қилибди. Қиз эса, билмайман, деб йиглаб-сиқтабди. «Нега мени бунчалар қийнайсиз! Нима гуноҳим борки, шунчалар азоб берасизлар. Доим ёнимда қўриқчи билан юраман-ку, нега энди ҳомиладор бўларканман», деб дод солибди.

Қиздан ҳеч бир нарса аниқланмагач, ҳукмдор Кимона диа Зонга оқсоқоллар кенгашини чақирибди. Оқсоқоллар ҳукмдорнинг арзини қунт билан тинглашибди, ўзаро анча маслаҳатлашишибди ва бу ишларнинг сабабчиси қизнинг отаси, деган хулосага келишибди. Мана, ўзингиз ўйланг, Қандало ёлғиз ҳеч қаерга бормаган бўлса, кечаси ота-онасини бағрида ётса, ҳеч бир бегона эркакка рўпара келмаган бўлса, демак бу ишнинг сабабчиси ҳукмдоримиз, яъни қизнинг отаси бўлади, дейишибди оқсоқоллар.

Бундай ҳукмга маҳкум этилган ота ниҳоятда қийин аҳволга тушиб, азоблана бошлабди. Азбаройи куйганидан ҳатто бетоб бўлиб қолиб уйдан ташқарига чиқмай қўйибди.

— Ярамас экан бу!— дейишибди одамлар у ҳақда нафрат билан.— Қайси юзи билан шу ишни қилдийкин-а? Кераги йўқ бизга бунақанги беҳаё ҳукмдорни. Ҳайдаш керак уни бу ердан.

Шундай маломатларга чидолмаган Кимона диа Зонга ўлим тўшагида ётиб қолибди. Бу хабарларни кузатиб юрган Мукиланго шошилини равишда оқсоқоллар кенгашини чақиритишни илтимос қилибди.

— Муҳим гапим бор,—дебди у.

Кенгашга ҳамма йиғилибди. Қўшни мулк ҳукмдор-

лариям етиб келишибди. Шундан сўнггина Мукиланго мағрур қиёфада ўртага чиқиб, йиғилганларга юзлашибди:

— Агар эсингизда бўлса, қалб яраси тан жароҳатидан оғир деганимда, гапимни инobatга олмай, жазолаган эдилар.

Тўпланганлар ғувиллашиб қолишибди.

— Ҳа, шундай бўлганди,—дебди ҳукмдор Кикүлимонне.

— Ҳа, эсимизда бор! Хўш, эсимизда бўлса нима? Нега бизни бу ерга тўпладинг? Шу гапни айтиш учунми?

— Мен сизларга ўшанда ҳақ гапни айтганимни исбот қилмоқчиман. Ҳозир ўзингиз ҳам тан берасиз бунга. Ҳукмдоримиз Кимона дия Зонга шу гапим учун мени жазога маҳкум этганди. Мана, кўриб турибсизки, соппа-соғман. Узи эса қалб яраси азобидан ўлим тўшагида ётибди. Ё гапим нотўғрими, отахонлар?—дебди Мукиланго.

Халқ яна ғувиллашиб қолибди. Узаро у-бу деб баҳслашиб, гапга тушиб кетишибди.

— Гапнинг муҳимини энди эшитасиз. Кандалони бу аҳволга мен солганман! Ҳа, мен!—дебди қичқириб Мукиланго кўксига уриб.

Халқ анг-танг бўлиб қолибди. Баъзилар ҳайқириб юборишибди.

— Ҳой йигит! Қандай ҳаддинг сиғди бундай қилишга?—дебди ҳукмдор Кикүлимонне сапчиб ўрнидан туриб.

— Ҳа, ҳа, ҳурматли зотлар! Мен атайин қилдим. Ҳақлигимни ҳукмдор Кимона дия Зонгага исбот қилмоқ учун шундай қилдим. Қалб яраси тан жароҳатидан оғир, ҳурматли аёнлар! Шунақа!—дебди йигит.

— Ҳа, яхши, гапингга ишондик. Ахир Кандало, бегона эркак билан бирга бўлмаганман, деяпти-ку! Қанақа қилиб сен бу ишни қилдинг?—дея ҳайрон бўлибди ҳукмдор Бомба.

— Сеҳр-жоду йўли билан. Ота-онасининг кўзи олдиди, уйларига кирдим. Бир пуфласам, эшиклари очилди. Сеҳрли порошокни сепдим у кўриб турганингиздек

воқеа содир бўлди. Буни ҳатто қизнинг ўзиям сезмади. Бориб айтинг, улуғ ҳукмдор воқеадан воқиф бўлсин! Мен ҳақ бўлиб чиқдим. У енгилди! Мана менинг тан жароҳатим битди, соппа-соғман. Лекин ҳукмдорнинг қалб жароҳати босилмайди, чунки унинг дарди қалбида!

Усал ҳукмдорни ичкаридан кўтариб олиб чиқишибди. Мукилангонинг гапини эшитиб у қувониб кетибди. Чунки одамлар маломатидан, бошига ёққан бўҳтон алаmidан қутулган экан-да.

Шу кўйи орадан бирмунча вақт ўтгач Кимона дия Зонга соғая бошлабди. Анча ўзига келгач, оқсоқоллар кенгашини чақирибди. Кенгашга йиғилганлар олдида Мукилангони ёнига ўтқазибди-да:

— Сен йигит мени мот қилдинг, тан бердим, сен ҳақ экансан! Мен қизимни сенга бераман, куёвим бўл. Улганимдан кейин ҳукмдорликни қўлингга олиб, менинг ўрнимни эгаллайсан!—дебди.

БАНГО А МУСУНГО

Биз айтиб бермоқчи бўлган воқеа содир бўлганига аллақанча вақт бўлган. Аниқроғи, еримизга португалияликлар келмасидан аввал содир бўлган.

Орадан анча вақт ўтиб кетганига қарамай Банго а Мусунго деган одам ўтганлигини ҳеч ким инкор қилолмайди.

Банго а Мусунго, шу ном билан аталувчи Ангола ерининг серсув, ўрмонзор, серҳосил қисмига ҳукмдорлик қилар экан. Унинг ўн иккита хотини бўлиб, ўзи ниҳоятда қамчисидан қон томадиган ҳукмдор экан. Фуқаролари унга сўзсиз бўйсунар эканлар. Банго а Мусунго ҳам қаҳри, ҳам ботирлиги билан машҳур экан. Унинг номини тилга олганда ана шу томонларига тан бериб, қойил қолишар экан.

Ҳукмдорнинг истаги кўпинча тентакликкача бориб етар экан. Қулларни у одам ўрнига санамас экан. Улар-

ни энг ярамас ҳайвондан ҳам баттар деб биларкан. Нима учун шундай, дерсиз? Чунки у қулларни қийналмасдан, осонгина қўлга тушираркан. Ё жуда арзон баҳога оларкан. Ёки уруш ва юришларда асир тушириб оларкан. Қўл остидаги одамларнинг қанчадан-қанчасини бегуноҳ ўлдиртирган ҳам шу золим бўлган экан. Бу золим одамзоддан жуда ёмон жирканар, нафратланаркан. Шунинг учун ҳам ҳар сафар тахтига ўтириб-тураётганида учи ўткир иккита найзага таянаркан. Ҳукмдор ҳар тиралганда найзанинг ўткир учи ер бағирлаб ётган икки қулнинг юрагига санчиларкан. Шундай қилиб, золим тахтга ҳар ўтириб-турганида қанчадан-қанча қул қирилиб кетаверар экан. Қирилгани билан қул халқи камаймас, бирининг ўрнига иккинчиси келавераркан.

Банго а Мусунго одамларда бўладиган инсоний ҳис-туйғу нималигини билмас экан. Бундай нарсалар унга тамоман ёт экан. У қанчадан-қанча қўтослару ҳўкизларни, кийиклару оҳуларни ўлдириб юборибди. Нега энди одамларни ўлдирмасин? Улдиради албатта, ўлдирганда ҳам кўплаб, тўдалаб-тўдалаб ўлдираркан! Бундан завқ олар экан!

Вечора фуқаролари чурқ этмай чидашаркан бунга. Бир нима деб кўрсинлар-чи, қарши гапириш у ёқда турсин, оғиз очиб улгурмасидан, ўзларини нариги дунёда кўрарканлар. Халқнинг дарди ичида экан. Ҳукмдор Банго а Мусунго улар учун ёмонликнинг тимсоли, ўлимнинг худоси экан.

Кунларнинг бирида ҳукмдорнинг тахти тевараги алвон рангга кириб кетган пайтда, унинг миясига ажиб бир фикр келибди. Нега энди ўлган одамлар ундан ўчларини олиш учун қайта тирилмайдилар? Балки у дунё уларга жуда хуш ёқиб қолгандир? Шунинг учун уларнинг руҳи ўч олиш учун қайтиб келмаётгандир, демак, улар у дунёда ором топибдилар-да! Қотилнинг ҳақиға дуо қилиб, роҳатда ётган эканлар-да! Демак, ҳукмдор Банго а Мусунго вафот этиб, у дунёга рихлат қилса, ўзи ўлдирган итоатли умматларига ҳокимлик қиларкан-да. У дунёда бу дунёдагидан ҳам кўпроқ обрў-эътиборга молик бўларкан-да! Ана унда унинг шуҳрати фақат бу дунёнинг ҳамма жойларига

овоза бўлибгина қолмай, у дунёга ҳам тарқалиб кетаркан-да!

У бу ҳақда узоқ бош қотирибди. Зим-зиё тунда денгиз тўлқинлари орасида учқун милтираганидек, узоқ ўйлаш натижасида унинг миясига ҳам кутилмаган фикр келиб қолибди. У ўзига ер остига қаср қурдирадиган бўлибди. У қаср кенг ва чуқур бўлиши керак экан. У ерга ўчоқ қурдирмоқчи бўлибди. Унда турли хил овқатлар пиширтирилиши керак экан. Аёнлари у ерда ҳар хил озиқ-овқат, ичишга сув обориб қўйишади. Хотинларидан бири, яна иккита қул ҳам у билан бирга бўлишади. Модомики худо таоло ўз бандаларининг ўлганидан кейин арши аълога олиб чиқиб кетиб ҳокимлик қиларкан, нима учун Банго а Мусунго уларга у дунёда ҳукмронлик қилолмасин?! Хулласи калом бир куни ярим кечада, одамлар тинч уйқуда ётган пайтда, ҳукмдор Мусунго занг чалиб одамларни йиғишга амр қилибди. Одамлар унинг хаёлига келган фикрни эшитишсин-да! Халқ улкан муқаддас дарахт остига йиғилибди. Одамлар кўзларини ишқалаб нима гап-лигига ҳайрон бўлиб туришаркан. Ярим кечада нима муҳим хабар айтмоқчийкин улуғ ҳукмдор? Балки бирор мамлакатга қарши уруш очгандир? Ёки қулларини жазоламоқчидир?

Ниҳоят, икки ёнига икки аёнини олиб Банго а Мусунго пайдо бўлибди. У келиб ёғоч тахтига аста ўтирибди-да, ўзининг сўнгги қарорини эълон қилибди.

Машъаллар ёруғида зolim ҳукмдорнинг қиёфаси жуда даҳшатли кўринибди. Муқаддас дарахт остига йиғилган халқ эса худди улкан чумоли инига ўхшармиш. Одамлар бир-бирининг пинжигига кириб, ҳукмдорнинг аллақандай тушунарсиз нутқини тинглар эканлар. Ҳукмдорнинг маслаҳатчиларидан биттаси ора-чорада унинг гапини тасдиқлаб тураркан.

Одамлар унинг гапини тинглаб, аввал ҳайрон бўлишибди, кейин уларни ваҳм босибди. Бу ваҳм бора-бора аллақандай бир довдирашга айланибди. Ҳукмдоримизнинг эси оғиб қолмадимикин?

— Ота-боболаримизнинг арвоғи улкан бир сирни

башорат қилди менга,— деди Банго а Мусунго.— Бу дунёда ўлганларнинг руҳи у дунёда ҳамиша барҳаёт бўлармиш. Арши аъло, ҳаммангизга маълумки, олло таолонинг маскани бўлиб, ўша ердан туриб худо бандаларини бошқаради. Бироқ на худо ва на бирор инсон шу вақтгача ер тагида, у дунёда ҳам ҳаёт борлигидан беҳабар эди. Ҳеч қайсингиз шубҳаланманг, арвоқлар башорат қилдими, демак, бор. Агар кимда-ким исбот талаб қилса, марҳамат, эшитсин. Ўлган борки, ҳеч қачон бу дунёга яна қайтиб келмайди-ку, битта-яримтадан ўчини олиш учун. У дунёда роҳат-фароғатда тинч яшаганликлари учун ҳам қайтиб келмайдилар. Бундан буён ўша қайтиб келмайдиганларга Банго а Мусунго ҳукмронлик қилади.

У гапираётган гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат, чин ҳақиқат. Одамлар ишонишлари керак бунга. Бу хаёл эмас, бор нарса. Бу ота-боболаримиз руҳи башорат қилган чин ҳақиқат. Бу ҳақда у бир неча кун ўйлади, фикр юритди. Охири шундай хулосага келди. Ота-боболар руҳи унга буни башорат қилдими, демак, у бўйин товламай, у дунё ҳукмдорлигини бўйнига олади. Бундай шарафли мансабга фақат угина биринчи бўлиб мушарраф бўлади. Нега энди келиб-келиб уни лозим топдилар? Бу унга қоронғи. Балки унинг ботирлиги, улўғлиги учундир... Хуллас, унинг нимасидир ота-боболар руҳига маъқул келгану уни ҳукмдорликка лойиқ топишган. Худо тепада ҳукмрон, у эса ер остида, у дунёда ҳукмрон. Шу боисдан эртага эрталабдан бошлаб унга атаб ер остида қаср барпо этишни бошлаш лозим бўлади.

Одамлар ҳамон қулоқларига ишонишмасди. Бироқ оқсоқоллар унинг фикрини маъқуллашибди. Шундан кейин халқ ҳам ноилож унинг фикрини тасдиқлашга мажбур бўлибди. Банго а Мусунго ниҳоятда хурсанд бўлиб кетибди. Унинг фикрини маъқуллаган фуқароларига бундан буён янада ғайрат ва шижоат билан ҳукмронлик қилишга ваъда берибди. Хурсандчилигининг мукофоти сифатида у фуқароларига шароб тортишни буюрибди.

Эртасига эрталаб у одамларни тўплаб, ўра қазиишни буюрибди. Тўпланганларнинг кўзи олдида ўра борган

сари кенг ва чуқур бўла борибди. Алоҳида-алоҳида хоналар ҳам бунёд этилибди. Хуллас, Мусунгонинг бўлажак қасри ақл хайрон қоладиган даражада катталаша бошлабди. Одамлар ер ости қасрининг атрофини айланиб, ваҳмга кела бошлабдилар. Наҳотки, бизнинг қамчисидан қон томган ҳукмдоримиз Банго а Мусунго шу жаҳаннамдан паноҳ топса?!

Ҳамма қазииш ишларининг ниҳоясига етишини сабр-сизлик билан кутибди... Иш битгунча ҳукмдор фикридан қайтиб қолмаса бўлгани. Шунча йиллардан бери дилларида тўпланиб келаётган қаҳр-ғазаб бўғзиларига тикилиб кела бошлабди.

Мана, ҳамма кутган тун ҳам келибди. Ер остини қазииш ишлари тугалланибди. Тун қоронғисида ер ости қасрини бекитишга мўлжалланган баҳайбат харсангтошлар кўзга чалина бошлабди. Бир озгина йўл Мусунго ва хотини билан икки хизматчини ер ости қасрига тушиши учун мўлжаллаб қолдирилган экан. Ҳукмдор бу кеча ниҳоятда катта базм қилдирмоқчи. Бу Мусунгонинг ўз фуқаролари билан хайрлашув базми бўларкан.

Фуқаро ҳам шароб кайфидан, ҳам зулмдан қутулаётганларининг хурсандчилигидан ўйин тушиб ҳайқиришибди, овозлари борича қийқиришибди, хуллас, ўзларини қўйишга жой топишолмай қолишибди. Бу хурсандчиликдан ёш ҳам, қари ҳам, бола ҳам четда қолмабди. Ноғоралар гумбурлаб, занглар жангиллаб, худди кўкда момақалдиरोқ гумбурлаётганга ўхшабди. Гулханларнинг ёруғида ўйин тушаётганларга уларнинг сояси ҳам эргашиб, жуда кўпайиб кетишганга ўхшашармиш. Халқ хурсанд, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлаётганмиш. Банго а Мусунго ҳам тахтида жилмайганича мамнун бўлиб ўтирибди.

Ғаройиб тун охирламоқда экан. Тонг ёриша бошлабди, хўрозларнинг тонгдан хабар берувчи қичқириқлари эшитила бошлабди. Одамлар ҳамон тўхтамай, қўшиқ айтиб, ўйин тушишармиш. Орзиқиб кутилган ўша дақиқа қачон келаркин? Ишқилиб, ҳукмдор айниб қолмаса бўлгани! Юраклари пўкиллаган халқ ялтоғланиб, ҳукмдорлар оёғига бош эгиб:

— О, бизнинг ҳукмдоримиз Банго а Мусунго! Илоё

оллоҳ сени ўз паноҳида асрасин, ота-боболар арвоҳи мададкор бўлсин. Бизларга қандай ҳукмронлик қилган бўлсанг, у дунёдагиларни ҳам ёлчитасан ҳали,— дейишибди.

Бу гапларни эшитган Мусунгонинг хурсандлигидан оғзи қулоғига етиб кетибди. Ялпайган юзи ёвуз арвоҳга ўхшаб кетибди.

Ниҳоят, ориқиб кутилган соат етиб келибди. Ҳукмдор жангчиларга буйруқ берибди. Зангнинг овозидан ҳаммаёқ жаранглаб кетибди. Тўпланган халқ нафасини ичига ютиб, юраги пўкиллаганча чўк тушибди.

— Эй менинг оқсоқолларим, маслаҳатгўйларим, эй фуқаролар, ҳозир гапирмоқчи бўлган гапимни яхшилаб тингланг! Мени тилагим шуки, ҳар куни, ҳа-ҳа, ҳар куни ҳаммангиз менинг янги қароргоҳим олдига ташриф буюрасиз. Бу тилаккина эмас, буйруқ! Менинг буйруғим!

Ҳали-ҳануз ўзига келмаган халқ розилик билдиргандай гўлдираб қўйибди ва ўрнидан қўзғалиб, ҳукмдорни кузатиш учун янги ер ости қароргоҳи томон юра бошлабди.

Наҳотки бу ажойиб иш содир бўлса?! Бу тушми ё ўнгми?! Наҳотки, шундай забардаст, зolim ҳукмдор ўз оёғи билан юриб кириб, ер қаърига жо бўлса? Ишқилиб, илоё шундай бўлсин-да! Унинг гапигаям ишониб бўлмайди! Тили бошқаю дили бошқа бир одамнинг гапига ишониш ҳам қийин! Балки у фуқароларини синамоқчи бўлгандир? О, кошки эди у чинданам тириклайин ерга кўмилса? Бу кунни кўрар соат бормикин?!

Мана, ниҳоят гапириш навбати оқсоқолларга етибди. Улар ҳукмдорни она-Ернинг буюк сардори, фуқаронинг ягона шуҳратли ҳукмдори деб атабдилар. Кейин халқ баралла қўшиқ бошлабди. Унинг қўшиғида зolimдан халос бўлаётган халқнинг қувончи изҳор қилинмоқда экан. Бу куй тонг қоронғида узоқ-узоқларга тарқалиб, акс садо берибди.

Узида йўқ хурсанд Банго а Мусунго аста-секин қароргоҳига томон юра бошлабди. Унинг кетидан севимли хотини ва иккита қули ҳам кета бошлашибди...

Сўнг баҳайбат катта харсангтош қароргоҳга дарвоза ўрнини ўтабди. Кичиккина бир ёриқ қолдиришибди, холос, ҳаво кириб турсин учун..

Эртасига эрта билан халқ ҳамма ишини ташлаб, ҳукмдордан хабар олгани ер ости қароргоҳи оғзига тўпланишибди. Оқсоқолларнинг энг улуғи қўндоқ билан харсангтошни уриб, эҳтиром билан:

— Банго а Мусунго, аҳволларингиз қалай?— деб сўрабди.

— Яхши,— деган бўғиқ овоз эшитилибди ер қаъридан.— Аҳволларим-ку ёмон эмас-а, бироқ қоронғилик юрагимни сиқяпти!

Индинига халқ яна хабар олгани келибди. Яна ҳукмдордан аҳволини сўрабди ўша оқсоқол:

— Ҳурматли Банго а Мусунго, аҳволларингиз қандай? Яхши ўтирибсизми?— дебди.

— Ростини айтсам, мен ўйлаганимдан ёмонроқ экан бу ер. Бу ер менинг жонимга тегди. Агар аҳвол яхшиланмаса, яна ҳузурларингга чиқаман,— дебди бўғиқ бир овоз.

Бу гапни эшитган оқсоқоллару фуқаро бир-бирларига ҳайрон бўлиб қараб, ивир-шивир қила бошлабдилар. Ҳаммаларининг миясига ялт этган бир фикр келибди. Қандай қилиб бўлса-да, ҳукмдорни қайтиб чиқармаслик йўлини топиш керак.

Ҳамманинг мақсади шу экан. Ҳеч қайсилари қайтиб қонхўр золимнинг башарасини кўришни исташмас экан. Кўп йиллардан бери дилларида тўпланиб қолган норозилик нафратга айланибди.

Ота-оналарни фарзанддан, болаларни ота-онасидан ва аёлларни эридан жудо қилган шу золим экан-да. Чунки у қон тўкмаса туrolмас, мурда кўрмаса оромини йўқотар экан. Бундай ҳукмдор кимга керак? Ким уни ёқтирарди? Ёки бирортанинг кўнглини топганмикан бу қонхўр? Йўқ, йўқ, йўқ асло! Ундан ҳамма қўрқар экан. Ҳа. Энди-чи?.. Энди у йўқ. Энди у қора ер қаърида. Қилган номаъқулчиликларининг жабрини тортар экан! Шундай қилиб у ўз ихтиёри билан ўзини чоҳга ташлабди. Энди жазосини тортсин-да!

Банго а Мусунгога ҳеч ким ачинмабди. Чунки

унинг ўзи умри бино бўлиб бировга ачинган одам эмас экан. Бундай одатга лойиқ жой ернинг зимистон қаъри! Ўзига қаср деб қурдирган жойи, гўристонга айланади. Халқ бу кунни орзиқиб кутган. Энди унинг куни чўзилишини сира-сира истамабди, тезроқ ҳукмдор ўла қолсайди, деб орзу қиларди фуқаро.

— Болани ота-онадан, ота-онани фарзандидан, аёлларни эридан жудо қилган қонхўрга ўлим! — дебди халқ.

Ҳар сафар кўнгли янги хотин тусаб қолганида Мусунго аввало ўша аёлнинг эрини ўлдиртириб, сўнг хотинини ҳарамга келтираркан. Эрини ўлдиртирмай қилса ҳам бўларди бу ишни. Бироқ шоҳлар замонида таомил шунақа бўлган. Шоҳнинг истагига ҳеч ким тўғаноқ бўлолган эмас. Ҳа, ҳа, бегуноҳ тўкилган қонларнинг уволи ҳаққи, унинг жойи қора ернинг қаъри! Энди у мурдаларга ҳукмдорлик қила берсин!

Учинчи кун ҳам халқ ундан хабар олгани борибди. Ер ости қасрига энгашган ҳолда ўша табаррук оқсоқол яна сўрабди:

— Банго а Мусунго, аҳволларингиз қалай?

Ер остидан ҳамон ўша даҳшатли, бироқ бир оз бўшашган овоз эшитилибди:

— Ҳайҳот! Ортиқ чидаб туролмайман! Қасримга эшик бўлиб турган тошни олинглар, мен ташқарига, ёруғ дунёга чиқаман! Қачондан бери бақириб сизларни чақиряпман, ҳеч қайсингиз овоз бермайсиз. Сенга нима бўлди, деб хабар ҳам олмайсиз! Войдод, тошни олинглар! Ҳозир бўғилиб ўламан! — дебди у.

Ҳукмдорга ҳеч ким жавоб бермабди. Бунинг ўрнига бир нечта одам катта-катта харсангтошларни олиб келиб, хандақнинг оғзига ташлашибди.

Атрофда тиқ этган овоз эшитилмас, ҳаммаёқда сукунат ҳукм сурармиш. Гўё ҳали ҳам Мусунго ҳукмронлик қиляпти-ю, халқ чурқ этишга ботинолмаётгандай.


Бирдан кимдир одамларни чоқ томон итаргандай бўлибди-ю, ҳамма ўша ерга ёпирилиб борибди. Нима қилиб бўлса-да, Мусунгони ташқарига чиқармаслик

керак, йўлини тўсиш керак! Қаҳр-ғазабга тўлган халқ ҳар қаердан тош топиб келиб, чуқурни тўлдира бошлабди. Токи чуқур ўрнида баланд бир тош қоя барпо бўлмагунча тош ташиб келиб уя бошлабдилар. Бу қоя Банго а Мусунгога қўйилган ёдгорликдай қад кўтарибди.

Орадан кўп йиллар ўтибди. Шуниси аниқки, биз ҳикоя қилган воқеа жуда қадим замонларда бўлиб ўтган экан, яъни мамлакатимизга португалияликлар бостириб келмасдан анча илгари содир бўлган экан.

Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳикоямиз қаҳрамонининг номини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ.

ҚОРА ЕР ТАРИХИ



ҚАШТРУ СОРОМЕНЬЮ
ҚАЙТА ИШЛАГАН
АНГОЛА АФСОНАЛАРИ

ҚОРА ЕР ТАРИХИ

Каштру Сороменью
қайта ишлаган
Ангола афсоналари



КАЛЕНГА СЕҲРЛАНГАН КҮЛ ҚАРОРГОҲНИНГ ВАЙРОН
БУЛИШИ ПОКИЗА ОЛОВ МУҚАДДАС ДАРАХТ ТЕКИСЛИК-
ЛАР САДОСИ ҚАСОС ҚУРБОНЛИК СОТИЛМАЙ ҚОЛГАН ЧҮРИ
ЛУЕЖИ ВА ИЛУНГА

Вафот этган оқ танли болангининг доғи қалбингни бир оз бўлса-да тарк этиб, кўника бошлаганингдан бери сен, мен туғилган ерда кўп воқеалар содир бўлди. Даҳшатли ёнгинлар чиқиб, Африканинг қишлоқлари ва қуюқ ўрмонларининг кулини кўкка совурди. Биз яшаган ўша мунгли ерда биз билмаган бошқача ҳаёт ҳукм сура бошлади.

Эрксевар ака-укаларинг бош кўтарганида она қишлоғинг вайрон қилинди. Бироқ африкаликларнинг найзаси мустамлакачиларнинг карабинидадан ожизлик қилиб қолди. Энг асл одамлар ҳалок бўлишди. Болаларнинг келажаги барбод этилди. Тўкилган қонлардан алвон рангга кирган еримизда мустамлакачилар аёлларимиз номусини топтадилар. Мана шу қоронғи йўлга кириш сенга тўғри келмаганига шукур. Озмунча кўз ёши тўкилмадимми?

Қурол зўрлиги билан олиб киритилган осойишталик кул бўлиб ерни қоплади. Юракларда қасос алангаси ёна бошлади. Мурасасизликка зиғирчаям ўрин қолмади. Енгилган ва хўрланган, бироқ мағрур халқ итоат либосини кийди. Сен эса бахтиёр эдинг. Чунки сен Адокалипсиснинг оловпуркар отларини кўрганинг йўқ. Бир вақтлар сен тебратган гўдак ҳам буни кўргани йўқ. Агарда бўлиб ўтган даҳшатли ишларни кўрганингдами, сениям танангга зўрлик билан эга бўлганларидами бир қатра ҳам ёш тўкмасдинг, оқ танли болангга аза тутмасдинг.

Туғилиб ўсган қишлоғингу чакалакзор ўрмонлардан ном-нишон ҳам қолмади. Бир вақтлар оқ танли гўдакни тебратган ва қора танли ўғилдан тортиб олиб оқ танли болага берилган она сутидан ҳам асар қолмади. Фақат арвоҳингу сен парваришлаган оқ танли болангни ҳаёти оралиғида хотирот қолди, холос.

Қора онаизор, энагажоним, мана, ўша хотирот-гаям ўттиз йил тўлди. У сенга бадбахт халқинг тарихидан сўзлаб бермоқчи!

КАЛЕНГА

Каленганинг турли офатлардан сақлайдиган тумори бор экан. Бола антилопа шохидан ясалиб, турли безаклар ўйилган бу туморини сира бўйнидан қўймас экан.

Сеҳргар унга бу туморни берганида Каленга ҳали жудаям ёш бола экан. Бироқ ўшанда сеҳргар чолнинг антилопа шохига шернинг тишини, кўм-кўк патни, қоплон чангалини, бир вақтлар унинг отаси отиб ўлдирган қоплоннинг чангалини, қушнинг тумшуғини, муқаддас дарахтнинг мева данагини, одам қулоғининг бир чеккасини, турли исли-упорли ўтларни ёпиштириб, ҳатто яқингинада отилган қушнинг ҳали совимаган қонидан бир неча томчи томизганини кўрганини ҳалигача унутолмас экан. Ушанда чол бу ишларни тугатиб, кўзини кўкка тикиб, фақат ўзи тушунадиган тилда алланималарниям деган экан. Шу алфозда у оғзини очиб, кўзини бақрайтириб анчагача турибди. Чол унга томон энгашиганида, бола қўрққанидан бақириб юборишига сал қолибди. Каленга у гапираётган гапларнинг биронтасига ҳам тушунмас, лекин чурқ этмай тингларкан, чунки чолнинг кўзларида самимийлик ва меҳр порлаб турар экан. Бола чолга қараб жилмайган экан. Худди шу пайтда чол унинг бўйнига ана шу туморни осиб қўйган экан.

Шундан кейин Каленга югуриб бориб отасига чолнинг совғасини кўрсатибди. Қабила бошлиғи бўлмиш ота ўғлига биринчи марта ўшанда хурмо мусалласидан ичирган экан. Ота-бола бир қадаҳдан ичишиб, бир трубкадан чекишибди. Бу трубкани уларга бошлиқнинг биринчи хотини — қабиланинг онахони Мвата-мвари олиб чиқиб берибди. У чиқиб кетгач, отаси буюк худолар ва бу ёруғ дунёни тарк этиб кетган қабила оқсоқолларининг арвоҳи билан гаплашибди. Каленга бундан буён худди отаси каби у ҳам азиз-авлиёларнинг руҳларини хушнуд қилиши лозимлигини тушунибди. Фа-

қат ана шуларгина яхши нимаю ёмон нима, дарров билишаркан. Чунки улар қабиланинг энг мўътабар одамлари экан-да! Улар жонларини қийинчиликларга қарши кураш ишига бахш этган эканлар. Мана ҳозир ўшанинг роҳатини кўриб ўтирган эканлар-да. Шунинг учун ҳам Каленга кексаларнинг гапига киради, уларни ҳурмат қилади.

Шундан кейин бошлиқ ўғлига унга тумор ҳадя қилган сеҳргар ҳақида гапириб берибди. Ўшанда Каленга бу сеҳргарнинг жуда бамаъни одам эканлигини билиб олган экан. У муқаддас кулбаларнинг отахони экан. Бир вақтлар бу ерга уни онаси олиб келганди, зиёратдан қайтаётганда Каленганинг дилида сеҳргарга нисбатан илиқ меҳр уйғонган экан.

Ота ўғлининг бошини силаб туриб шу гапларни дебди. Сўнг яна мусаллас сўрабди. Кўкраклари тирсиллаган канизак кўзларини лўқ қилиб қадаҳни лиммо-лим тўлатиб маруфо келтирибди. Ота-бола мусаллас ичишар, канизак эса хўжасининг оёғи остига тиз чўкиб, трубкасини ёндирар экан. Ота канизакнинг башарасига ҳам қарамай, тирсиллаган кўкракларига қўл теккизибди, қиз уялибгина жилмайиб қўйибди. Ота қараса, ўғилнинг кўзлари яшнаб кетибди. Ота мамнун бўлибди, чунки ўғли ҳақиқий ота ўғил чиққан экан-да!

Бошлиқ узун, қоқсуяк, тирноғи қийшиқ қўлларини канизакнинг кўкракларига яна олиб борибди-да, аввал у қаттиққина мўъжаз кўкракни силабди. Кейин у борган сари қаттиқроқ эза бошлабди. Кўкрак учларидан чизиллаб қон чиққунча эзибди. Шундан кейин бошлиқнинг кўзларида совуқ аланга порлаб кетибди. Тез ҳаракатлар билан ота кўкракни чангаллаб, унга тирноқларини ботирибди. Қиз сесканиб кетиб, бақириб юбормаслик учун оғзини маҳкам юмибди. Киприкларидан ёш ялтирабди. Каленга кўзларини юммай, канизакка тикилиб турар экан. Лабларида совуқ жилмайиш. Нима қилаётганини ўзиям сезмаган ҳолда канизакнинг қонга беланган кўкрагига қўлларини оборибди. Бироқ отанинг қонга бўялган бармоқлари унинг қўлини сиқибди. Чўчиб кетган ўғил қўлларини тортиб олибди. Бошлиқ хахолаб кулиб юборибди. Қиз ҳамон

жим эмиш. Фақат бўртиб кетган томирларигина унинг қанақа аҳволдалигини кўрсатиб турганмиш. Кўзларидан қуйилаётган ёш юзларини ювиб тушаркан. Каленга ҳам йиғлаб юборибди.

Бола отасининг кулбасидан югуриб чиқиб, капалаклар ортидан чопиб кетганида, кун бота бошлаган экан. Каленга кенг дала ўртасидан оқиб ўтган анҳор қирғоғига етганида кун ботиб бўлибди. Бу пайтда ҳам далада аёллар ишлашаётган экан. Каленга уларни чақирибди. Бироқ ҳеч ким индамабди. У дарахтзорлар оралаб яна изига — қишлоққа қараб чопиб кетибди. Шу пайт қулоғига қандайдир овоз эшитилибди. У қўрқиб кетибди. Қаршисида бўри турган экан. У қулоқларини динг қилиб, болага тикилиб тураверибди. Каленга бақириб одамларни ёрдамга чақирмоқчи бўлибди, бироқ қўрққанидан овози чиқмабди. Орқасига қайтай деса оёғи юрмасмиш. Кўзлари қоронғиликда ёвузларча милтираган бўрининг кўзи билан учрашибди. Каленга дод деб олдинга қараб чопиб кетибди. У югуриб, қишлоғига етиб келибди-ю, ерга таппа йиқилибди. Узоқдан бўрининг увлаган овози эшитилибди. Гулхан атрофида чўк тушиб ўтирган одамлар чопиб келиб болани ўраб олишибди.

— Мабекодан қўрқибди, — дебди одамлардан бири ва энсаси қотиб боланинг оёқлари тагига тупурибди. Каленга уялиб кетибди. У ўрnidан туриб дарахтга суянибди. Кулбада гаплашаётган онасининг товушини эшитибди-ю, кўнгли бир оз жойига тушибди. Хотиржам бўлган бола бўйнига қўлини олиб борибди-да, туморини сийпаб жилмайибди. Шу пайт унга шу туморни берган сеҳргар чолни жонидан ҳам ортиқ кўриб кетибди.

Шу куни тунда қабила бошлиғи майдонга чиқиб, ўз фуқароси билан батуке ўйинига тушмоқчи бўлибди. Қандайдир бир овчи йигит бўйнида сеҳрли тумори бор Каленга шаънига қўшиқ куйлабди. Каленга ҳам қўшиқ айтиб, ўйинга тушибди. Катталар билан баробар маст бўлгунича хурмо мусалласи ичибди. Тўлин ой ўрмон ортига яширингандан кейингина батуке тугабди.

Каленга мусиқа овозини эшитиб уйқусидан уйғо-

ниб кетибди. Узоқ-узоқлардан унинг қулоғига овчи йигитнинг таниш овози эшитилибди. Каленга сапчиб ўрнидан туриб, эшикка отилибди. У қоронғида пайпаслаб, ўз кисанжасини¹ олибди-да, овчининг қўшиғига жўр бўла бошлабди.

Каленга туғилган қишлоқ қуюқ ўрмоннинг ўртасига жойлашган бўлиб, бу қишлоқ одамлари қоп-қоронғи тор сўқмоқлардан юришга ўрганиб қолишган экан. Бошқа қишлоқ одамларининг бу ерга келганини ҳали ҳеч ким кўрмаган экан. Азим туп баҳайбат дарахтлар дарё қирғоғига зич жойлашган экан. Инсоннинг оёғи етмаган қуюқ ўрмон ғарбга томон чўзилиб кетган бўлиб, бир учи бепоён чўлга туташган экан. Бу ернинг одамлари ўз ўрмонларини яхши билмас экан. Ўрмонни нарёғида катта яланглик борлигидан ҳам беҳабар эканлар.

Каленга туғилиб ўсган жойнинг одамлари каламбалар деб аталиб, улар балиқчилик ҳамда овчилик билан шуғулланишар экан. Бу қишлоқдагилар уйларида яшашмас экан. Ҳалқ худди чумоли уясига ўхшаши тепаларнинг тагида яшаркан. Бу манзилларни термитлар легиони бир неча йил давомида қурган экан. Тепачалар тагида тўрт томондан йўли бор узун йўлақлар бор экан. Баъзи йўлақларнинг охири ғор билан тугар экан. Термитлар бошқа ерга кўчиб кетишгач, уларнинг жойини бошқалар эгаллаб олишибди. Каламбалар бир неча тураржойга эга бўлишлари ҳам мумкин экан. Тураржойи кўп бўлгандан кейин, хотини ҳам кўпайтириш фикрига тушиб қолишар экан. Мафумейра деган баланд дарахтнинг шохлари ёпирилган энг баланд тепада қишлоқ оқсоқоли яшар экан. Уша манзилда бизга таниш Каленга туғилиб ўсган экан. Уларнинг қароргоҳи орқасида, сербарг, қипқизил баланд дарахтлар билан ўралган тепаликда учта оқсоқол мангулик уйқусида ором олиб ётаркан. Уларнинг ҳар биттаси билан катта хотини, болалари билан ҳамда қуллари қўшиб кўмилган экан. Шу гўристон яқинида яшовчи қишлоқнинг энг кекса мўсафиди мазорнинг шайхи экан.

¹ К и с а н ж а — миллий музыка асбоби.

Каленга бу мазористонга сира яқин йўламас экан. У на фақат мурдадан, ҳатто мазорнинг шайхидан ҳам жуда қўрқаркан.

Катта дарёга келиб қўйиладиган анҳор қирғоғида катта бир майдон бор экан, у ерда қишлоқ болаларининг балоғатга етганлигини нишонловчи маросим ўтказиларкан. Бу ерда улар ўз халқининг сирларини, ўз она-Ерларининг инжиқликларини билиб олишар экан. Бу сирларни ёшларга қишлоқнинг энг кекса мўйсафиди ҳикоя қилиб бераркан. Каленга ҳам ўз тенгқурлари қатори ана шу сир ва инжиқликларни худди шу ерда билиб, ўрганган экан.

Уша туни Каленга туни билан ухлолмай чиққан экан. Юраги гуп-гуп уриб уни безовта қилган, қулоғига аллақандай сирли овозлар эшитилган, эшитган гаплари эсига тушиб, қўрқиб чиққан экан. Худолар, уларнинг қудрати ва бу билан боғлиқ воқеаларни эшитганидан анча кейин Каленга одамлар қанчалик бой-бадавлат ва кучли бўлмасинлар, барибир улар худолар олдида ўта заиф махлуқ эканлар, худолар одамларни хоҳласа кўкка кўтарар, хоҳласалар кўтариб туриб ерга уриб парчин қилар эканлар, деган фикрга келибди. Шу сабабдан Каленганинг дилида худоларга нисбатан ҳам қўрқув, ҳам ҳурмат туйғуси уйғонибди.

Дунёда шундай сир-асрорлар бор эканки, улар мудом одамларни таъқиб этиб юрар, инсонлар унинг тагига етолмаган экан. Каленга буни ҳам кейинроқ бориб тушунибди.

Ана шу маросимда кекса муаллимлар ёшларга шунақанги воқеаларни гапириб беришар эканларки, бундан йигитчаларнинг томиридаги қон гўё совиб қолгандай туюларкан. Шу йўл билан уларда қаҳрамонлик, ботирлик ҳисларини уйғотарканлар.

Улар ўсмирларни ўз халқини севиш ва ўзга халқлардан нафратланишга ўргатарканлар. Шу боисдан ҳам Каленганинг тезроқ улғайиб, жангга киргиси, отабоболаридек қўрқмас лашкарбоши бўлгиси келибди. Қўшни қабилага юриш қилиб енгиси ҳамда ўз қўли билан ўлдирган қабила бошлигининг мия чаноғида хурмо майидан ичгиси келибди.

Каленга уруш ва овчилик тарихидан кўп нарсалар-

ни билиб олибди. Бу воқеалар уни гаройиб воқеалар сари етаклай бошлабди.

Балоғатга етганлик маросимида у эшитган ажойиб воқеалардан бири маросимдан биргаликда ўтган ёшларнинг ўзаро дўстлиги ҳодисаси бўлибди. У тинглаб миясига қўйиб олган нарсаларни унинг тенгдоши ҳам билиб олибди. Иккиси биродар, ажралмас дўст бўлишибди. Дўст — бу, бошига мушкул иш тушса, бирга жабрини тортадиган ҳамдард демакдир. Бу ака-укаликдан ҳам афзалдир.

Успиринларнинг маросими ўтадиган жойдан сал нарироқда қизларнинг ҳам маросим ўтказадиган майдонлари бор экан. Улар бу ерда йигитлар билан учрашиб, йигитлар ўзларига қайлиғ танлашаркан. Қиз-йигитларнинг балоғат ёши маросимини ўтказадиган жойдан сал нарида, дарахтлар оралиғида қабристон бўлиб, қабрлар устига инс-жинсларни даф қилиш учун ёғоч санамларни қадаб қўйишар экан. Қабрларни йиртқич ҳайвонлар ковлаб ташламасин учун уларнинг устига кўндалангига хода ташлаб қўйишаркан.

Кечқурунлари гулхан атрофида ўтириб, кексалар ёшларга марҳум уч оқсоқол ҳақида гапириб беришар экан. Улар каламбаларнинг энг биринчи оқсоқоллари эканлар. У пайтларда каламбалар ўрмонда яшамас эканлар.

Лекин булардан ҳам олдин яшаб ўтган иккита оқсоқол ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмас экан. Мўйсафидлар оқсоқоллар тўғрисида гапирарканлар, чўли биёбонларда яшаган ота-боболар ҳақида ёшларга гапириб бергилари келаркан. Ҳозирги каламбаларнинг ота-боболари бунголар билан қўшни бўлиб яшар эканлар. Қайсидир жангда бунголар каламбаларни енгичиққан эканлар. Шундан кейин каламбалар ўз туғилиб ўсган ерларидан қочиб кетишга мажбур бўлишган экан. Ўша-ўша улар жангари бунголарга дуч келмай қўйган эканлар. Каленганинг отаси, ҳозирги оқсоқол дунёга келганида, каламбалар уруш санъатини бутунлай унутиб юборган эканлар. Уларнинг ёғоч найзалари энди буғу ва бошқа ёввойи ҳайвонларни овлаш ва-зифасини ўтайдиган бўлиб қолган экан. Уруш бўлмаслигининг сабаби, уларнинг яқинларида ўзларидан

бошқа қабилалар йўқ экан. Улар уруш нима, билишмас экан, албатта, уруш ҳақидаги қўшиқларниям унутиб юборишган экан.

Улар ҳамма байрамларда гулхан атрофида ўйинга тушиб овчининг ов пайтида кўрсатган жасорати ҳақида қўшиқ айтишар экан. Ўйинларида эса овчи тигидан жонини олиб қочиб югураётган буғуга, оловдан қочиб, кўм-кўк ўтлоқларни култепаларга айлантириб кетадиган йиртқич ҳайвонларга тақлид қилар эканлар. Шунингдек, улар ов кетидан қувиб бораётган моҳир овчига тақлид қилар эканлар.

Яккама-якка жангда қутурган йўлбарсга дуч келиб ҳалоқ бўлган овчининг шижоати ҳақида ҳикоя қилинса, ёшлар аграйиб ўтириб тинглашар экан.

Ўрмон орасида бахтиёр ҳаёт кечираётган ҳамқишлоқлар ота-боболарининг арвоҳини тез-тез йўқлаб туришар экан. Ўрмонда турли хил мевали дарaxтлар, илдинини эса бўладиган ўсимликлар ўсар экан. Суви типтиниқ анҳор қирғоғига тариқ ва жавдар экишар экан. Анҳор қирғоқларида анвойи ранг чечаклар очилар, одамлар эса уларни сира узишмас экан. Чунки бу чечаклардан асаларилар баҳраманд бўлишаркан. Чунки каламбалар асални жуда ҳам яхши кўришар экан. Ундан ажойиб ичимликлар тайёрлашар экан.

Аёллар экин-тикинга қарашаркан. Эркаклар овчилик қилишаркан, балиқ тутишаркан. Унга ҳосилга ҳам, овлаб келинган ўлжага ҳам, ҳатто дарёдаги сувга, атрофдаги чечакларга ҳам қабила оқсоқоли хўжайинлик қилар экан. Лекин бу нарсалар ҳамманиннг ўртасида тенг бўлинар экан. Агар қабиланиннг оддий аъзоси уйдан бир сиқим дон топилмаса, билингики, қабила оқсоқолиникидаям ҳеч вақо бўлмас экан. Лекин бунақа воқеа фақат бир марта бўлган экан, уям фақат қурғоқчилик бўлган йилда. Ушанда буғулар ҳам, бошқа ҳайвонлар ҳам узоқ-узоқларга кетиб қолишган экан. Фақат инсонгина бўм-бўш майдонда, бошига тушган офатга бардош бериб, ҳеч қаёққа кетмабди.

Бу воқеа жуда узоқ ўтмишда, Каленгани отаси худди Каленга каби капалаклар ортидан қувиб юрган бир пайтда содир бўлган экан. Бироқ халқ буни унутмай, тез-тез эслаб тураркан. Шу боисдан Каленга балоғат

маросимидан ўтаётганида, қақраб ётган саҳродан келадиган иссиқ шамолни инсофга келтириш ҳақидаги қўшиқни ўрганиб олган экан.

Очлик халққа юборилган даҳшатли жазо эканини Каленга тушунибди.

Каламбалар истиқомат қиладиган чумоли уясидек манзиллари яланглик бўйлаб чўзилиб ётар экан. Вақт ўтиши билан одамлар бу қароргоҳларни ёқиб ташлаб, ўрмон хўжайинлари бўлмиш йиртқич ҳайвонлардан ер қарз олишар экан.

Балиқчилар дарёга олиб борадиган сўқмоқ билан дарё қирғоғини билар эканлар, холос. Иккинчи ёқда, шимоли-ғарб томонда қуюқ ўрмон девори қад кўтарган бўлиб, ҳали бирорта каламбанинг у ерга киришга юраги дов бермаган экан. Сеҳргарларнинг гапига қараганда ўрмон ичкарисини инс-жинсларга макон бўлиб, у ерга кирган одам ҳеч қачон соғ чиқмас эмиш.

Каленга туғилиб, унинг шарафига ўйин-кулги уюштирилган йили каламба ўлкаси дастлабки пайдо бўлган вақтдагига қараганда катталашмаган экан. Иккинчи, учинчи оқсоқоллар ҳам ерларини унчалик кенгайтира олмаган эканлар. Чунки ўрмон худолари бунга йўл қўймай, ғарбга борадиган йўлни қўриқлаб ўтиришар экан.

Каленганинг қабилада дўстлари кўп экан. У ўртоқлари билан ўзига тумор берган кекса сеҳргар вафот этганида, унга атаб уюштирилган мотам маросимида ўз ўйинини алоҳида маҳорат билан ижро этибди. Ушанда Каленга, гарчи унга рухсат берилмаган бўлса ҳам узоқ жойларга ов қилгани кетган экан. Ярим кечада унинг қулоғига дўмбира овози эшитилиб қолибди. Бу билан каламбалар овга кетган одамларига кекса сеҳргарнинг вафот этганини маълум қилишаётган экан. Дўмбира овози қаттиқ шамолнинг ғувиллашини, ўрмон ҳайвонларининг ўкиригини босиб, баралла эшитилибди. Бу мотам маршини эшитиб Каленганинг юраги орқага тортиб кетибди. Кун ботиб, уфқ қизарганида бошқа овчилар билан Каленга уйига қайтиб келибди.

Ана ўша кун Каленга қишлоқ аҳли билан бирга-ликда даврага кириб биринчи марта мотам маросимида кекса сеҳргарни эслаб ўйинга тушибди. У бир неча

кун тинмай мунгли қўшиқ куйлаб, ўйинга тушибди. Сўнг сеҳргарнинг кўмиш маросимида иштирок этибди. Бутун қишлоқ аҳли, марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари мотам либосида гўристонга қараб йўл олишибди ва марҳумни оқсоқоллар қўйиладиган катта дарахт остига дафн этиб қайтишибди. Ушандан бери ўша жой муқаддас ҳисобланиб, зиёратгоҳга айланибди. Уша куни Каленга улуглар қабристонига бориб, барча марҳумлар руҳига, шунингдек, худо Камварининг руҳига ҳам ибодат қилиб қайтибди. Муқаддас улкан дарахтнинг таги табурук сеҳргаримизга макон бўлибди. Халқнинг зиёратгоҳига айланибди. Каленга ҳам жуда кўп марта отахонини зиёрат қилгани борибди, ўз турмушидан унга сўзлаб бериб, халқнинг турмуш тарзидан ҳам отахонини хабардор қилибди.

Шундай қилиб Каленга худоларнинг ўғлони бўлиб етишибди.

Марҳумларни ёд этиш маросимидан бир неча кун ўтгач, Каленга ҳам овчилик қилиш ҳуқуқини олибди ва бошқа овчилар билан бирга овга бориши мумкин бўлибди.

Каленга иштирок этган биринчи ов у учун анча машаққатли бўлибди. Кекса овчилар унга йўлбарсни ўлдириб, терисини оқсоқолга тақдим этишни буюрибдилар. Каленга буни қандай қилиб рад эта олсин! Ахир у одамларга ўзини овчиликка тавсия этиб, янглишмаганликларини исбот қилиши керак экан-да! Бир кун келиб, уям оқсоқол бўлади.

Каленга дуч келган биринчи йўлбарсни ўлдириб, терисини шилганда бошқа овчиларнинг хурсанд бўлиб кетганини кўрсангиз эди! Тенгдошлари Каленганинг илк зарбадаёқ йиртқич ҳайвонни ўлдирганини кўргач, унинг шаънига қўшиқ тўқибдилар. Байрамларда уни куйлаб юришибди.

Қисқа вақт ичида Каленга моҳир овчи ва энг эътиборли одам бўлиб танилибди. Қаерга тўртта одам йиғилиб, суҳбат қурилса, албатта, моҳир, чапдаст овчи Каленганинг ажойиб саргузаштларидан гаплашиб ўтиришар экан. Шу пайтгача унинг бирор марта яраланмаганига ҳайрон бўлиб, ёқаларини ушлашаркан. Бу гапларни у эшитмай қолмасди, албатта. Эшитганида

мийиғида кулиб қўя қоларкан фақат. Ахир, бўйнидаги сеҳрли туморини ҳаммага кўрсатиб бўлармиди?!

Кунлардан бир куни қишлоқ аҳлининг бошига оғир мусибат тушибди. Қишлоқ оқсоқоли, Каленганинг кекса отаси вафот этибди.

Оқсоқолнинг қазо қилганини маълум қилиб, ноғоралар гумбурлай кетибди. Шу куниям Каленга овда экан. Қоқ ярим кечада унинг қулоғига ноғора овози эшитилиб қолибди. Эшитилибдию юраги орқасига тортиб, инграб юборибди. Чунки ноғоралар бекорга гумбурламайди. Овчилар Каленгага ялт этиб қарашибди-ю, ҳеч нарса дейишмабди. Кун анчагина салқин бўлгани учун гулхан олдидан кетгилари келмабди. Бироқ Каленга қўлларини олов томон узатиб:

— Кетдик! — дебди.

Овчилар эътироз билдирмай, қўлларида ўткир найза, ўлжаларини елкаларига ортиб, унинг кетидан эргашибдилар, улар қишлоқ томон йўл олишибди. Каленга бошчилигидаги овчилар эрта тонгда дарёдан кечиб ўтиб манзилларига яқинлашибдилар. Рўпараларида бошларини қуйи эгиб ноғорачилар туришар экан. Қишлоқдан ташқарига юмуш билан чиқиб кетганларга маълум қилиш учун ноғоралар бир неча кеча-кундузгача тинмай чалинибди, уларни видолашув маросими-га чақиришибди.

Каленга ўкириб йиғлаб, кекса ноғорачининг қўлидан ноғорасини тортиб олибди-да, кафти билан таранг тортилган ноғорани ура бошлабди. Шундан кейин ноғорачилар ноғораларини овчиларга бериб, ўзлари марҳум оқсоқолнинг олдига йўл олишибди. Каленга ҳам уларнинг ортидан бориб отасининг совуқ дийдорини кўрибди. Марҳум ўзи узоқ йил истиқомат қилган манзилининг кираверишида ётган экан. Табаррук мўйсафидлар ўғилни ота ёнига ўтқазиб, қўлини отанинг қўли устига қўйишибди. Халқ чурқ этмай бу маросимни кузатмоқда экан. Овчилар ноғора чалишдан тўхтаб, мўйсафидлар олдига бориб чўққайибдилар. Шундан кейин Каленга отасининг жонсиз қўлларини маҳкам сиқибди-да, билагадаги билагузугини олиб, ўз билагига ўтказибди. Билагузук ота билагидан ўғил билагига ўтганини халқ кўрибди. Шундан сўнггина Каленга ота-

сининг муздек қўлларини қўйиб юборибди-да, ўзининг қўлини баланд кўтарибди. Бу билан у халққа билагидаги билагузукни кўрсатмоқчи бўлган экан. Оқсоқоллик ҳуқуқи отадан ўғилга ўтибди. Халқ хурсанд бўлибди. Янги оқсоқолни табриклашибди.

Шундай қилиб, Каленга каламбанинг ҳукмрони бўлиб қолибди.

Оқсоқолни дафн этишибди, турли расм-русмларни жойига қўйиб, жойинг жаннатда бўлсин илойим, деб дуо ўқишиб манзилларига қайтмоқчи бўлиб турганларида Каленга хол-хол йўлбарснинг терисини белига ўрабди, отасидан мерос қолган пичоқни билагига тақадиган узук — луканони қўлига олиб халққа қарабди.

Шу пайтгача бу пичоқ авлоддан-авлодга ўтиб, оқсоқолликнинг тимсоли бўлиб келаётган экан. Бу пичоқ каламбалар чўлда яшаган даврда ўлган овчининг ёнидан топилган экан. Мана шу пичоқни қўлида ушлаган Каленга қабиладошларига тик боқиб турибди. Унинг яланғоч орқасига қизил лой билан нақш туширилган экан. Ёш оқсоқолнинг кўкрагига эса сеҳргарлар буғунинг икки шохи ўртасидан чиқиб, юраги атрофини ўраб турган илон нусхасини ажойиб қилиб чизиб қўйишган экан. Оқсоқол Каленга билагузуклар билан безанган билагини тантанавор юқорига кўтарибди. Кўтарилган қўлида қисиб турган пичоқ тиғи қуёш нурида ярақлаб кетибди. Халқ ваҳимага тушибди. Шунда Каленга қаддини ростлабди-да, бошини орқага ташлаб, иккинчи бўш қўлини энсасига, сўнг салб нусхаси туширилган пешонасига қўйибди. Шундан кейингина у фуқаросига қарабди. Фуқаролари тиз чўкиб, кўкракларига тупроқ ишқаб оқсоқоллари томон эмаклаб борибдилар-да, бош эгиб, қуллуқ қилиб, уни оқсоқоллик лавозими билан муборакбод этишибди. Атрофда сукунат, бирор кимса чурқ этиб, овоз чиқаришга ботинмабди.

Каленганинг яланғоч пичоғи қуёш нуридан ярақлабди. Бу пичоқ шу пайтгача ҳақиқат ва ҳалолликнинг тимсоли бўлиб хизмат қилган экан. Ҳозир ҳам бу

пичоқ бошлардан юқори кўтарилиб, халқ кўз ўнгида ҳалоллик ва ҳаққониятнинг тимсоли бўлиб ялтиллабди.

Бироқ шу пайт минглаб эгилган бошлар орасидан бир бош юқори кўтарилибди. Каленга қаттиқ ҳайқириб, пичоғининг тигини ўша кўтарилган бош томон қаратибди.

Бир неча муддат иккита одамнинг нигоҳи тўқнашиб, қотиб қолибди. Оқсоқолнинг тишлари гижирлаб кетибди. Юз мушаклари тортишиб, кўзларида қаҳр ва ғазаб ўти чақнабди. Унинг рўпарасидаги кимса эса қўрққанидан дағ-дағ титраб, кўзларини қаерга яширишни билмай қолибди. Ниҳоят, Каленга у киши томонга, яъни муқаддас урф-одатга қарши чиққан муртад томон юриб борибди. Сўнг гўё ана шу сукунат бағрини ёриб ўтгандек, пичоқ тиги у шўрликнинг бўйинини узиб ташлабди.

Бу билан оқсоқол Каленга ота-боболари руҳига биринчи қурбонни ҳадя этибди. Бу бахтсиз киши ўзининг дўсти, балоғат ёшига бир кунда ўтган оғайнисп, бирга овга борадиган яқин ўртоғи Домбо экан. Каленга дўстини ўлдирибди, бироқ уни ўлдирганига хафа бўлиш ўрнига қувонибди, чунки қўли титрамабди пичоқ санчаётганда. Бу ота-боболар руҳи уни бу ишини қувватлаганидан далолат бергани экан.

Мўйсафидлар сапчиб ўринларидан туриб, қўлларини кўкка чўзибдилар. Уларнинг оқсоқол Каленганинг бу ишини маъқуллаган овозлари узоқ-узоқларгача тарқаб, акс садо берибди. Шундан кейингина Каленга қон кўлмагида ётган пичоғини олибди. Пичоғига энгашганида Домбонинг очиқ қолган кўзига, ярим очиқ оғзига нигоҳи тушибдию ўзининг ҳақиқий эркаклигига ишонч ҳосил қилибди. Бу иши билан фуқаросининг ишончини қозонибди, уларни бир умрга тобе қилиб опти, ахир у энг яқин дўсти эканига ҳам қараб ўтирмай, бош кўтаргани учун қурбон қилибди-да!

Ўша куни кечқурун овчилар ўлжа излаб чакалакзорларни кезиб кетишибди. Шу бугун, айниқса, каттагина ўлжа овлашлари зарур экан уларга. Омадлари юришиб, иккита катта-катта буғуни овлаб, пояга осиб қайтибдилар. Бу ўлжани мўйсафидлар зўр ҳафсала

билан, турли-туман дориворлар солиб пиширишибди. Калла-почасини муқаддас гулханда куйдиришибди. Сўнг байрам шодиёнаси — батуке бошланибди.

Сармаст халқ гулхан ёруғида ўйинга тушиб қўшиқ куйларкан, Каленга ой ёруғида майса ўтларга ёнбошлаб хотинлари билан кўнгилхушлик қила бошлабди.

Дарё қирғоғида, экинзор далаларда дайдиб юрган саёқ итлар ўз сояларидан ўзлари ҳуркиб, югуришибди. Халқнинг ўйинга тушиб, қўшиқ айтиши йиртқич ҳайвону сиртлонларнинг ўкиригини босиб кетибди.

Ўша туну ноғоралар ҳар ёнга акс садо бериб, ҳар кунгидан ўзгачароқ, қаттиқроқ гумбурлабди.

Худди ўша куну кечаси Каленга қабила оқсоқоли сифатида тан олинбди.

Энди Каленга овга бормаи қўйибди. Вақтини мўйсафидлар даврасида ўтказадиган бўлибди. Мўйсафидлар унга халқнинг ўтмиши, ибратли ишлари ҳақида гапириб бериб, ёш оқсоқолнинг келажак ишларига доир маслаҳатлар беришибди. Улар унга сеҳргарларнинг ғаройиб маҳоратлари, овчиларнинг ажойиб мерганликлари ҳақида гапириб, шулардан ўзига керакли хулоса чиқариб олсин, деган маънода панд-насиҳатлар қилишибди.

Кексалар унга худолар ҳақида, каламбаларни ёвуз инс-жинслардан ҳимоя қиладиган малоикалар ҳақида ҳам гапириб беришибди. Аслини олганда, каламбаларнинг қақраган чўлдан кўм-кўк ўрмон бағрига келиб қолишларига бунголарнинг юриши эмас, балки ана шу малоикаларнинг саховати сабаб бўлган экан.

Бу табаррук кексалар Каленгага ота-боболаридан эшитган ажойиб ва ғаройиб ибратли ҳамда фойдали воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳам гапириб беришибди. Ана шу мўйсафидлар унга Касаи дарёсининг нарёғидаги Каланъи мамлакатида луба деган халқ яшашини ҳам гапирибди. Бу мамлакатнинг тупроғи камқосил қизил тупроқ бўлиб, ўт-ўлан, турли гиёҳлар кам ўсаркан. Ҳайвонларнинг қорни тўймас экан. Шунга қарамай у ернинг халқи жангари бўлиб, ўз ерини душманлардан найза билан ҳимоя қилар эканлар. Ундан ҳам нарида атрофи кўллар билан ўралган Казеиба деган

жой бўлиб, у ерда маълум ва машҳур Зимбаба ибодатхонаси бор экан. Ибодатхонани йиртқич ҳайвону душманлардан фил тишидан ясалган девор сақлаб турар экан. Ундан ҳам нарида яна кўп турли элатлар яшаркану, уларнинг номини табаррук кексалар ҳам билишмас экан. Уша ердаги катта кўлларда сув худоси Калунга ҳукмронлик қилган экан. Унинг номини банту халқлари ҳурмат билан тилга олар эканлар.

Мағриб томонда нималар мавжуд эканлигини қариялар билишмас экан. Айтишларича, у ёқларга борадиган йўлни инс-жинслар бекитиб ташлашган экан.

Каленга мўйсафидлардан ўз халқининг тарихини билиб олгандан кейин тушунибдики, каламбаларга ўз юртининг чегарасидан ташқарига чиқишнинг кераги йўқ экан. У ёқларда кимлар ва нималар борлигиам номаълум, у ёқларга борадиган йўл ёпиқ экан. Уларнинг юрти — ана шу қишлоқ, суви тип-тиниқ дарё ва қирғоғига буғулар сув ичгани келиб каламбалар найзасидан омон қолмайдиган ер экан. Дарё каламбаларнинг ризқи рўзи, бор бойлиги экан. Эскиб кетган, илма-тешик қайиқларда улар ирмоқлар орқали бағри кенг дарёга тушиб, балиқ овлар эканлар. Новдадан тўқилган тўрда балиқ тутишар, офтобга осиб қуришиб, шуни еб тирикчилик қилишар экан. Дарё қирғоғида ўсадиган хурмо дарахтларини кесиб, ундан қайиқ, турли идишлар яшаркан. Шу қирғоқда кўм-кўк экин майдонлари бор экан, у ерларда эртадан-кечгача аёллар ишлашаркан.

Ҳали айтганимиздек, бу дарё овчилар ва балиқчиларнинг шикоргоҳи экан. Овчилар дарёдан ўтиб нариги соҳилдаги бепоён ялангликларда ов қилишар экан.

Дарё ирмоғи аёлларнинг ҳам машғулоти жойи экан. Улар саёзгина бу ирмоқдан чўчишмас экан. Шу ирмоқ қирғоғидан қизил лой олиб, унга канакунжут ёғидан аралаштиришар экан-да, баданларига турли-туман нақшлар тушириб, сочларига ҳам шундан суртишаркан. Аёллар кўзи ёриганидан бир неча кун кейин ҳам шу ирмоққа тушиб чўмилишаркан. Болалариниям эрта азонда шу ирмоқдан сув ташиб кетишга ўргатишар экан. Сувни улар калебасларда бошларига қўйиб таши-

шар экан. Оналари қўрқитиб қўйгани учун улар сираям дарё лабига яқинлашмас эканлар. Бува-бувилари уларга сув остида яшайдиган баҳайбат мавжудотлар ҳақида гапириб берганларидан қўрқиб, сираям дарёнинг яқинига йўлашмас экан. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам дарёни севарканлару, бироқ сув худосидан жуда қўрқишар экан. Шу боисдан ҳам улар дарё қирғоғига яқинлашганларида ҳар сафар ҳам сув парисию сув худоларига таъзим қиларканлар.

Кунларнинг бирида битта каламба қайиқ билан ирмоқдан сузиб бориб дарёдан ўтганида нариги соҳилдаги баланд ўсган ўт орасидан аллақандай товушларни эшитибди. У атрофга синчиклаб қарабди, бироқ ҳеч кимни кўрмабди. Эшкагини дарё соҳилига тираб туриб, яна қулоқ солибди, бироқ ҳеч кимни кўрмабди. Бир оздан кейин нариги қирғоқдан унинг қулоғига аллакимларнинг тушунарсиз гап-сўзлари эшитилибди. Каламба қайиғига ётибди-да, кафтини қулоғига қилиб, кўзларини чирт юмиб, яна қулоқ солибди. Шу пайт ўша баланд ўт орасидан бир нотаниш одам чиқибди-да, каламбанинг қайиғини кўздан кечира бошлабди.

Қаттиқ чинқириқ сукунатни бузиб, қулоқларни шанғиллатиб юборибди. Каламба шарт ўрнидан туриб, қайиғида тик турибди. Шунда нариги қирғоқдаги номаълум кимсани кўрибди. Кўзи тушар-тушмас у кимса яна ғойиб бўлибди. Бақириб юбормаслик учун у кўзларини юмиб, чўққайибди. Сўнг лангарини бир силтаб, қайиғини бериги қирғоқ томон бурибди-да, шитоб билан ҳайдаб кетибди.

Шу пайт ўт орасидан бир нечта ўқ-ёй билан қуролланган одамлар чиқишиб, чинқира бошлашибди.

Каламбанинг қайиғи ирмоқ бўйлаб шитоб билан суза кетибди. Бироқ қулоғига ғаройиб ҳуштак овози эшитилибди, эсанкираб қолган Каламба қайиғининг ичида каловлаб қолибди. Қайиғи эса лапанглаб сувга бош қўйиб турган дарахт остига кириб қолибди. Каламбанинг қулоғига нотаниш одамларнинг кулгиси эшитилибди. Бироқ унинг ўз қадрдон қирғоғига яқинлашиб қолганидан кўнгли тўқ экан. Ўрнидан туриб кўзи қайиғининг ён чеккасида қадалиб ётган темир камон ўқига тушибди. Буни кўриб шўрлик каламба бир муд-

дат қотиб қолибди, сўнг ўзини қўлга олиб, тезлик билан қайиғига бир силтов берибди-да, оқимга қарши суза кетибди. Экин майдонлари кўриниб турган ергача сузиб борибди-да, қирғоққа яқинлашиб, қайиғини судраб чиқибди. Сўнг қадалиб ётган ўқни суғуриб олиб, қишлоғи томон югургилаб кетибди. Югуриб борса, ҳамқишлоқлари гулхан атрофида трубка чекиб, гаплашиб ўтиришган экан. Каламба қўлидаги ўқни баланд кўтариб, бўлиб ўтган воқеани гапириб берибди. Одамлар бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлишибди. Каленга ўқни қўлига олиб, кўра бошлаган экан, каламба унга кўрган-билганларини яна гапириб бера бошлабди.

Ҳам чўчиган, ҳам ҳайратда қолган эркаклар чурқ этишмабди, аёллар эса пиқ-пиқ йиғлай бошлашибди.

Шу пайт ҳурматли мўйсафидлардан биттаси одамлар орасидан тўппа-тўғри оқсоқол Каленга томон кела бошлабди. Титраб турган қўллари билан ўқни олиб, синчиклаб қарабди, ўткир учига бармоқларини теккизибди, сўнг тилини танглайда тақиллатиб, бошини сарак-сарак қилиб:

— Бу касонголарники, — дебди.

Каленга бўлса нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб, эсанкираб турганмиш. Қолганлар ҳам бошларини қуйи эгиб, сукутга чўмибдилар. Аёллар болаларини бағриларига босиб, жавдирармишлар. Қўлида ўқни ҳамон ушлаб турган мўйсафид шундай дебди:

— Каленга, бу ўқ худди сени пичоғингдек бир гап. Сенда пичоқ бор, уларда эса манави темир ўқ.

Кеч киргач, бир нечта каламба ёғоч найзаларини олиб нариги қирғоқни кузатгани боришибди. Бироқ улар бу ерда на бирорта тирик жонни ва на бирорта шубҳали изни қидириб топишолмабди. Демак, касонголар биз томонларга адашиб келиб қолишибди, деб ўйлашибди.

Лекин касонголарни кўрган бояги каламба балиқ овига иккинчи бормайдиган бўлибди. Юраги ваҳимага тушиб, сеҳргарнинг олдига борибди, балоларни даф қиладиган дуо тумор қилиб беришни илтимос қилибди. Қуруқ қўл билан борган шўрлик камбағалга сеҳргар қиё ҳам боқмабди, тумор қилиб бермабди.

Кўп ўтмай қишлоқ одамлари бу воқеани унутиб, яна ўз тирикчиликларига берилибдилар. Кечқурунлари йиғилишиб, ўйин-кулгиларини давом эттираверишибди. Ёшлардан биттаси ҳатто каламбаларнинг дарёсига сув ичгани келиб, қўрққанидан қочиб кетган касонголар ҳақида қўшиқ ҳам тўқибди.

Фақат Каленга билан майсафидлар касонголари бу ерга келадиган йўлни билиб олганликларидан ташвишланмоқда эканлар. Бу одамларнинг ҳеч нарсадан тап тортмас, довжурек эканликларини улар яхши билишар экан.

— Улар яна келишади,— дейишармиш кексалар бир-бирларига қараб.

Каленга эса чурқ этмабди, чунки уларнинг яна келишларини яхши билар экан-да.

Дарҳақиқат, касонголар келишибди. Темир ўқли камонлар билан қуролланган ўн иккита касонго тап тортмасдан дарёнинг нариги қирғоғига келиб жойлашибдилар-да, ёғочлардан тўсиқ ясашибди. Уларнинг келишганини жилғага сувга келган бола кўриб қолибди-да, югургилаб келиб, ҳамқишлоқларига айтибди. Нотаниш одамлари кўриб қолган бола, азбаройи қўрққанидан, қўлидаги сув тўла кўзасини ташлаб юбориб синдирибди.

Касонголарнинг бостириб киришини кузатаётган Каленга газабидан титраб кетибди. Масалаҳатлашгани улуғлар кенгашини чақирибди.

— Касонголар дарёни сузиб ўтиб, бизга ҳужум қилишмоқчи,— дебди у қабила улуғларига қараб.

Қариялар унинг гапини маъқуллаб, бош ирғабдилар. Орага жимлик чўкибди. Жимликни энг табаррук мўйсафид бузибди, у оғир хўрсиниб туриб қўл кўтарибди.

— Гапиринг, ота!— дебди унга ҳукмдор.

— Каленга, душманларимиз темир ўқлар билан қуролланган,— дебди қария ерга қараб туриб. Бир оз сукут сақлабди-да, сўнг қўшиб қўйибди:— Яхсиси бу ердан кетайлик.

Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Ҳамма чурқ этмай ерга қараб ўтираверибди.

— Қария, гапларингиз тўғри,— дебди оқсоқол.—

Биз ёғоч найзаларимиз билан уларга бас келолмаймиз.

У шундай дебдию қарияларга қарабди. Лекин қариялардан бирортаси унга қарашга ботина олмабди. Оқсоқол фуқаросига мурожаат қилиб, бундай дебди:

— Отахонлар, биз энди ўзимизга бошқа турар жой излаб топамиз.

Шу куни кечга яқин аёллар ва болалар экин майдонларига бориб, ҳамма ҳосилни йиғиштириб олишибди. Касонголарга бир дона донни ҳам қолдирмаймиз! Эркаклар эса барча молларни сўйишибди. Касонголарга бирортаям жонлиқ қолдиришмабди.

Кун ботиб, қош қорайгандан кейин Каленга қабристонга бориб, ота-боболари руҳи билан хайрлашибди. Улар бошига тушган балоларни даф этишда қўллашларини сўраб, илтижо қилибди. Оқсоқол билан кетмакет мўйсафидлар, бутун халқ келиб, қабристонни зиёрат қилишибди, авлодлари руҳи билан видолашибди.

Тун яримлаганда каламбалар сассиз, маъюс ва эзилган ҳолда ўзларининг шунча йил тинч-тотув яшаган манзилларини тарк этишибди. Одамлар тугиб олган йўл озиқларини олдиларига қўйиб, гулхан атрофига чўққайишибди. Улар оқсоқол ҳам мўйсафидлар қаёққа бошлашса ўша ёққа кетаверадиған кайфиятда ўтиришар экан. Ҳеч қачон бу ерларга қайтиб келмасликларини билсалар ҳам, бироқ кўз ёш қилмабдилар. Улар ичларидан куйиб, ғамга ботиб кетаётган бўлсалар ҳам индашмабди. Гаплашишга ҳоллариям, истаклариям йўқ экан. Ҳатто кисанжони мунгли куй оҳангиям эшитилмабди. Эркаклар ўша чурқ этмаганларича, узун трубкаларини сўриб ўтиришар экан. Ёнларида ўтирган аёллар овоз чиқариб йиғлашдан ўзларини аранг тийиб, кўз ёшларини артиб ўтиришибди. Болаларгина бемаҳал уйғониб кетганлариданми, совуқ еганлариданми, чинқириб йиғлашар экан. Наринарилардан итларнинг увлагани эшитилиб тураркан.

Шу пайт ой чиқиб, юқорига кўтарилибди-да, ўрмоннинг ичига шўнғиб кетибди.

Тонг отиши билан мўйсафидлар ўринларидан туриб, ўрмонга қараб кета бошлабдилар. Қолганлар уларнинг кетларидан эргашишибди. Шу пайт дарё қирғо-

ғида пойлоқчиликда турган каламба нафаси оғзига тиқилиб югуриб келибди-да: «Касонголар дарёдан сузиб ўтмоқчилар», дебди якка ўзи қолган оқсоқол Каленгага.

Шундан кейин оқсоқол билан пойлоқчиликдан келган каламба ҳам ўрмонга қараб йўл олишибди. Улар борган сари ичкарилаб боришар, оёқлари остида шабнам тушган барглар шитирлармиш. Қишлоқда жон зоти қолмабди. Фақат қаққайганча тепачалар қолибди, холос. У ер-бу ерда чала қолган ўтинлардан буруқсаб тутун кўтарилиб ётар экан. Ўрмон ҳам бетинч бўлиб қолибди. Одамларнинг товушини эшитган ўрмон ҳайвонлари чўчиб, янада ичкарироққа қоча бошлашибди. Наринаридан кўзларини милтиратиб, одамларни кузатишармиш-да, яна қочишармиш. Тинчи бузилган илонлар ҳам вишиллаб қочишга тушишибди. Узоқ-узоқлардан сиртлонларнинг наъраси эшитилармиш, уларга қўшилиб чиябўрилар ҳам увлашармиш. Шох-шаббалардаги турли хил паррандалар ҳам бу безовталиқдан ҳайрон бўлиб, ўзаро тиллаша бошлашибди. Аллақаерда ёввойи мушук миёвлар, маймунлар ҳам номаълум одамларни ёқтирмай чинқиришармиш. Йўлбарслар бўлса яшил кўзларини бақрайтириб, аста нари кетишар, шерларнинг ўкириги баралла эшитилиб турганмиш.

Одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам қўрқувдан нима қилишларини билмай, эсанкираб қолишибди. Одамлар ўтиб кетиб, қадам товушлари тингандан кейин, ҳаёт яна ўз изига тушиб қолибди.

Каламбалар ҳамон юришда давом этишибди, тикану чангалзордаги шох-шаббалар уларнинг аъзойи баданларини тилиб ташлабди. Йўл-йўлакай учраётган хавф-хатарлардан довдираб қолган одамларнинг тиллари худо дейиш у ёқда турсин, ҳатто калимага ҳам келмай қолибди.

Олдинда қўлларидаги ёғоч пичоқлари билан қолганларга йўл очиб овчилар боришибди. Мўйсафидлар билан сеҳргарлар овчилар билан кетма-кет бошқаларни эргаштириб боришаверишибди. Касонго қанақа халқлигини ҳеч қайсилари кўришмаган бўлсалар ҳам, худди олдиларидан қурол ўқталиб чиқиб қоладигандек юраклари пўкиллармиш.

Аёллардан биттаси бола эмизаман деб орқада қолган экан, йўқ бўлиб қолибди. Эри жуда изтиробга тушибди-ю, лекин уни қидириб орқага қайтишга юраги дов бермабди. Шерикларини ёрдамга чақирса, улар ҳам елка қисиб қўя қолишибди. Ҳаммага ўзини жони ширин кўринибди ўша чоғда. Болаларни кекса онаси билан иши бўлмай қолибди. Бечоралар дарахтларга суяниб, ҳассаларига тираниб, бир амаллаб сурғалиб бораверишибди. Ҳеч ким ҳеч кимга ёрдам бермабди, ўзини қутқаришнигина ўйлаб қолибди, холос.

Энг кекса мўйсафидлардан биттаси чайқалиб кетиб йиқилибди. Қўлларини чўзиб оқсоқолдан ёрдам сўрабди. Ахир у Каленганинг энг яхши кенгашчиларидан бири экан. Шу боисдан Каленгага ёрдам бермасликка юзи чидамай, уни ўрнидан турғизиб қўйиб, анча жойгача қўлтиқлаб борибди. Лекин шу пайт овчиларнинг қаттиқ бақирганини эшитибди-ю, мўйсафидниям унутиб, овоз келган томонга қараб чопиб кетибди. Бечора чол яна йиқилибди-ю, қайта ўрнидан туролмабди. Лекин уни ташлаб кетган оқсоқол Каленгани ёмон қарғабди. Каленга бунга эшитсаям индамай кетаверибди.

Қанча кексалар, аёллару болалар бу машаққатли йўлда ҳалок бўлиб кетишибди. Ҳатто бақувват эркакларни ҳам ўрмон йўли ҳолдан тойдириб қўйибди.

Шу пайт Каленганинг олдига овчи югуриб кебди-да, унинг катта онаси йўқ бўлиб қолганини хабар қилибди. Анчадан бери кўринмайди, қидириш керакми-ди, дебди Каленгага. Лекин Каленга эркак киши ҳеч қачон аёлни деб орқасига қайтмайди, деб овчини қувиб юборибди. Бошқалар ҳам унинг гапини маъқуллашибди. Ҳали қанча йўл юриш кераклигини ҳеч ким билмас экан. Ой чиқиб, ҳаммаёқни чарогон қилибди. Лекин қуюқ ўрмонзорга унинг нури тушмабди. Шунинг учун ҳам одамлар вақтнинг фарқига бормаи, юришда давом этаверишибди. Улар йўлга чиққанларидан бери ёруғликни сира кўрмабдилар. Зим-зиё қоронғиликни ёриб, ўзларига йўл очиб, юришда давом этаверибдилар.

Бир пайт одамлар овчилар билан Каленганинг қичқирган товушини эшитиб қолишибди. Демак, улар ўр-

мондан ташқарига чиқишганга ўхшайди, деб ўйлашибди. Лекин тезроқ юрай десалар, мадорлари йўқ, фақат қувончдан кўзлари яйраб кетибди.

Дарҳақиқат, Каленга дарахтлар орасидан тушган нурни кўриб қолган экан. Юришдан тўхтабди. Овчилар ҳам тўхташибди. Ораларидан кимдир:

— Қуёш!— деб қичқириб юборибди.

Шундан кейин одамлар чарчаганликларини ҳам унутиб, ўша томонга қараб йўл олишибди. Ўрмоннинг четига чиқишибди-да, бепоён яланглик олдида тўхтаб қолишибди. Қанотлари зангори, кўкраги оқ катта бир қуш яланглик устида одамлардан ётсираб, безовта бўлибди-да, учиб осмони фалакка чиқиб кетибди. Каленга қувончи ичига сиғмай, қўлларини икки ёнига ёзганича ялангликда чир айлана бошлабди. Ўт-ўланлар орасида анвойи ранг чечаклар чамандек очилиб ётар, капалаклар эса у гулдан-бу гулга қўниб юришганмиш. Одамлар хурсандликларидан у ёқдан-бу ёққа югуришар, гулларнинг атридан яйрашар, оғизларини каппакаппа очишиб, нафас олишармиш. Бу ялангликни кети кўринмабди.

Ҳаммадан олдин югуриб келаётган Каленга ўзини ям-яшил ўтга ташлаб, оёқ-қўлини чўзибди. Энди унинг кўнгли жойига тушган экан. Бошқалар ҳам ҳориб-чарчаганларидан бирин-сирин чўзилишибди. Очиқ ҳавога, кўм-кўк ялангликка эсон-омон чиқиб олганлари учун худога шукур қилиб, йўлда тортган азобларини ҳам, йўқолиб кетган ҳамқишлоқларини ҳам унута бошлашибди.

Фақат овчиларгина Каленганинг буйруғи билан ўринларидан туриб, шамолга қарши юриб кетибдилар. Қуёш тик келганида улар кўм-кўк, суви тиниқ дарё бўйига етиб боришибди. Қирғоқда одам бўйи ўт-ўланлар ўсиб ётган эмиш. Бирортаям қаққайган дарахт йўқмиш. Улар чиқиб келган ўрмон энди анча орқада қолиб, узоқдан қора тасмага ўхшаб кўринадиган бўлибди.

Ғазабидан Каленганинг тишлари ғижирлаб кетибди. Овчилар келган томонларига ўгирилиб қараб, муштарини тугибдилар ва худоларга лаънат ўқиб наъра тортибдилар. Ахир нега бизни алдадинглар, ни-

ма гуноҳ қилувдикки, шунча азобларга солиб ўтириб-сиз, деб қичқарибдилар. Улардан биттаси чўкка тушиб:

— Худолар биздан ўч олишди, — дебди.

Каленганинг кўзларидаги қувонч нури сўнибди. У виқор билан ерга қадалган калтакка тиранган ҳолда қирғоқда турар экан. Шу туришида хаёли мингта нарса билан банд экан. Овчилар ҳам чўққайволиб, бошларини қўлларининг орасига олиб, хаёл дарёсига чўмибдилар, худонинг бу ишидан ғазабга келишибди.

Каламбалар оқсоқоли ич-ичидан ёнибди. У ўз одамларини нотўғри йўлга бошлабди. Худоба, ўрмон эгаларига шак келтирган бўлса керакки, бундай қарғишга дучор бўлиб ўтирибди. Мана энди улар нариги соҳили кўзга кўринмас дарё олдига келиб қолишибди. Унинг одамлари бу дарёдан сузиб ҳам, кечиб ҳам ўтишолмайди. Одамлари ундан ёрдам сўрашса, қандай йўл-йўриқ кўрсатади энди?!

Мабодо касонголлар бостириб келиб қолишса, уям оддий бир қулга айланади-қолади.

Ўрмон худоларини енгаман, деб бекор уринганига Каленганинг энди ақли етибди. Худолар унинг устидан роса кулишаётгандир.

Каленганинг дод солиб йиғлагиси келибди, бироқ фуқароларига заиф бўлиб кўринишни ўзига ор деб билибди. Шу боисдан ҳали у ўт устига ётиб олиб бўкириб йиғлаётган овчини койимаган экан.

— Нима бало, хотинингга ўхшаб йиғи-сиғи қилисан? — деб овчини уялтирибди мўйсафидлардан бири.

Мана, қийқиришиб бошқа каламбалар ҳам етиб келишибди. Улар ҳали бу кўнгилсизликдан бежабар эканлар. Худди Каленга боя қуёшни кўриб суюнганидек, улар ҳам қувончларидан қўшиқ айтиб, ўйин тушиб кетишибди.

Талмовсираб турган овчини, қотиб қолган оқсоқолни ва рўпараларида мавжланиб турган чети кўринмас дарёни кўрган одамлар ҳайратда анграйиб қолишибди.

Каленга энди ота-боболарининг арвоҳига сиғина бошлабди. У халқининг бошига тушган ғам-кулфатни гапирибди. Агар халқим бу офатдан қутулса, бу ишда худолар мадад берса, уларнинг гапидан, чизган чизи-

ғидан чиқмасликка ваъда берибди. Бироқ худолардан садо чиқмабди. Барибир Каленга яна ялинибди, ёлворибди. Илтифот кўрсатишларини илтимос қилибди. Эй худоё, одамларимизни олчоқ душман асоратидан ўзинг халос эт. Аёлларимиз касонголар босқинчилигига дучор бўлишмасин.

Шу пайт дарё ўртасида баҳайбат бир калebas пайдо бўлибди.

Каленганинг юраги шув этиб, унга тикилиб қопти. Калebas шамол таъсирида аста-секин ҳаракатга кела бошлабди ва тўппа-тўғри Каленганинг олдига келиб тўхтабди.

Оқсоқол қўлидаги таёғи билан калebasни итармоқчи бўлибди. Энди таёғини чўзган ҳам экан, катта калebasнинг ичидан сон мингта майда калebasлар чиқиб, чор атрофга ёйилибди. Каленга ҳайратдан бақириб юборибди, қўли билан кўзларини яширибди. Салдан кейин кўзини очиб қараса, қаршисида кўкраклари баланд гўзал бир аёл жилмайиб турганмиш. Катта калebasда турган бу аёл Каленгага қараб жилмайибди.

— Чақирган экансан, мана, келдим,— дебди аёл жарангдор овоз билан.— Хўш, хизматингга тайёрман.

Каленганинг қимирлашига ҳам ҳоли қолмай, аёлга қараб тураверибди. Назарида, оёқлари остидаги ер ўпирилади-ю, ўзи жаҳаннамга тушиб кетадигандай эмиш. Юраги гупиллаб уриб кетибди. Туш эмасмикан, дегандек у кўзларини уқаламоқчи бўпти. Қўлини кўзидан олган экан, ҳаммаёқ кўм-кўк тусга кириб айлана бошлабди. Кўзини бекитса, гўёки яна бошқа бир дунёда сеза бошлабди ўзини. Каленга гўзал аёлнинг жарангдор товушидан ўзига келибди.

— Мен шу дарёнинг бекасиман. Анавилар менинг қулларим. Мени нега чақирувдинг?— дебди аёл.

— Сен кимсан, феълинг қанақа, менга қоронғи,— дебди бўғиқ овоз билан Каленга.— Лекин сендан илтимос қиламан, одамларни қўтқар. Шундай қилгинки, одамларим душман исканжасидан қутулиб кетсинлар.

Орага оғир жимлик чўкибди. Каленга гўё туш кўраётгандек сезибди ўзини. Аёл қўлларини юқори кўтарибди, бошини бир оз орқага ташлабди, кўкраклари

қафасдаги қушдек патирлаб кетибди. Сўнг у Каленганинг кўзларига тикилиб туриб:

— Менинг исмим Луиа, муҳтарам оқсоқол. Сен жуда гўзал экансан. Йўқ демасанг, менга маҳрам бўл, агар маъшуқанг бўлмаса албатта. Луиа бировларни қақшатиб маъшуқа бўлмайди,— дебди у чиройли кулиб: — Қалай, ёқдимми? Қани, ёнимга ўтир-чи. Сени ҳимоя қилишга кучим етади.

— Одамларим-чи!

— Одамларинг сенга содиқ бўлса, айт, ўзларига калebas топсинлар, калebasлар кўп, ҳаммаларингга етади.

Шунда Каленга узоқдан уни кузатиб турган одамларини чақирибди. Ўзи бўлса сувга тушиб, аёл ўтирган катта калebasга ўтирибди.

Луианинг қўллари унинг бўйнини чирмабди. Қаттиқ кўкраклари йигитнинг кўкрагига қадалибди. Каленга ҳам Луиани маҳкам бағрига босибди. Иккови бир-бирига тикилиб қолибди. Юзини юзига ишқашибди. Аёл унга аста шивирлабди:

— Луиа луа каса...

Каленга эркаланиб айтилган ёқимли ва мулойим сўзнинг маъносини тушунибди. Бу «мени сев» дегани экан.

Дарёдаги жамики мавжудотларнинг онахони бўлмиш Луиа тушган калebas аста-секин оқимга қараб сузиб кетибди.

Бошқа калebasлар ҳам бир қатор бўлиб тизилган ҳолда сузиб кета бошлашибди.

Энди Каленга дарё ўғлони, Луиа — яъни муҳаббат деб аталмиш гўзал аёлнинг севгилиси бўлиб қолибди.

Бошқа калebasлар бошлиқларининг кетидан дарёнинг қирғоғи бўйлаб, сувдаги ажойиботларни томоша қилиб кетаверишибди.

Шамолнинг ғувиллаши ва сувнинг шовиллашига маст бўлган Каленга билан Луиа янги ҳаёт, янги бахт томон сузиб боришмоқда экан. Шамол тўлқинлар орасида ғувиллар, қуёш уфққа томон ошиқмоқда экан. Ер юзини аста-секин қоплаб келаётган қоронғилик кумуш тусга кирибди. Кун ботиб, ҳаммаёқни қоронғилик қоплаганида олов қуш Луиа билан Каленга ётган ка-

лебасига келиб қўнибди. Қўнибди-ю, қаттиқ чинқирибди. Чунки сувлар маликаси Луиа одам боласининг бағрида ётган экан-да. Оддий одам боласининг сувлар маликаси билан маишат қилаётганини ўрмон худоларига маълум қилибди у. Маликанинг севгисига лойиқ топилган бу одам боласи бир умрга унинг қули бўлиб қолади энди!

Ана шунақа. Луиа дарёсида, севги тимсоли бўлган гўзал Луиа ўрмонлар худосини хафа қилган одам боласи Каленганинг маъшуқаси бўлиб қолибди.

Касонголар узун-узун темир ўқлари билан дарё қирғоғига етиб келганларида каламбалар кетиб бўлган эканлар. Уларнинг қирғоқда қолдирган изларини кўриб, ғазабларидан ёрилиб кетай дебдилар.

Азбаройи югураверганларидан қора терга тушиб кетган касонголар ҳарсиллаганларича бир-бирларига тикилиб қолибдилар. Дарё қирғоғидаям, дарёнинг ўзидаям бирорта қайиқ кўринмабди. Улар бу ерларга одам келганини билдирувчи биронта ҳам белги тополмабдилар. На бирорта дарахт бор, на бирорта бута, ҳаммаёқ жазирама иссиқ, тангадек соя йўқ экан.

Касонголарни ҳам нафрат, ҳам ғазаб ҳисси чулғаб олибди. Аламларидан қирғоқдаги ўт-ўланларни ёқиб юборишибди. Балки улар ўт орасига яширинишгандир; оловдан қўрқиб ўзларини сувга ташлашар, деб ўйлашибди.

Касонголар ўз ерларига қуруқ қайтишга номус қилишибди. Бу ишимизни оқсоқол кечирмайди, одамлар, ҳатто хотинлар ҳам елкасига қурол осиб кетаётган овчини кўришса, роса кулишадиган бўлди, деб роса хуноб бўлишибди. Ёшлигида хўп қаҳрамонликлар кўрсатган кексалар буларни кўрганларида, энсалари қотганидан, тескари қараб кетадиган бўлишади энди. Ўғиллар ўсиб, вояга етишади. Ўшанда оталари кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида гапириб беришларини сўрайдилар. Ахир ота-боболарининг жанговар ҳаёти улар учун ўрнак бўлиши керак-ку! Шунда улар ўз ўғилларига нималарни гапириб берадилар?

Ғазабланган касонголар жанубга қараб йўл олишибди. Азбаройи исиб кетганларидан дарё қирғоғига яқинроқ юриб, сувнинг салқинига кўкракларини тугтиб,

юришда давом этишибди. Лекин уларнинг биронта ҳам каламбани учратишга кўзлари етмай қолган экан.

Кеч кириб, кун ботибди. Йўлбошловчи касонго овчи қирғоқдан нарёққа бурилибди-да, ўтлари баланд жойга қараб юра бошлабди. Қолганлари унинг кетидан эргашишибди. Йўлбошловчи қўлидаги найзасини ҳали совимаган ерга қадагандан кейин ҳаммалари тўхташибди. У найзаси ёнига чўққайибди, бошқалар унинг атрофини ўраб ўтириб, пичоқлари билан ўтни ўра бошлашибди. Шундай қилиб, улар ўзларига тунаш учун жой ҳозирлай бошлашибди. Улар гулхан атрофига ўтириб, охирги қолган бир парча гўштни ўртада баҳам кўришибди.

Ҳаммалари ниҳоятда чарчаган бўлишларига қарамай кўзларига уйқу келмабди. Бегона жой, ғалати шитирлашлардан юракларига ваҳима тушиб, безовта бўла бошлабдилар.

Не-не юришларда баҳодирлик кўрсатган, қанчадан-қанча йиртқич ҳайвонларни қириб битирган бу жасур касонголар қандайдир шитирлашдан хавфсираб ўтиришса-я! Шу гулхан ёритиб турган жойдан бир қадам босиб, нарига ўтишга ҳеч қайсиларининг юраги дов бермабди.

Ҳаммалари чўққайишиб, бир-бирларининг пинжларига тиқилиб ўтиришар экан. Тезроқ тонг ота қолсайди, деган хаёлда ҳаммалари ўз бошларидан ўтган воқеаларни бир-бир сўзлаб бера бошлашибди. Биттаси ўз севгилиси ҳақида гапирса, яна бошқаси найза санчишдаги чапдастлиги ҳақида гапириб мақтанар эмиш. Фақат йўлбошловчигина бу ёққа келаётганда битта каламбани ўлдирганини мароқ билан сўзлаб берибди. Улган каламба тоби қочиб, ўртоқларидан орқада қолиб кетган экан. Ўрмон йиртқичлари ҳали уни ғажиб улгуришмаган эканлар, касонго бир зарбдаёқ уни ўлдириб қўя қолибди.

Шўрлик каламба шилқ этиб тушибди-ю, ўлибди-қўйибди. «Бир зарбадаёқ ўлди-қолди буғуга ўхшаб», дебди касонголарнинг йўлбошловчиси жилмайиб. Эшитганлар хахолашиб кулиб юборишибди. Умрида биронта ҳам каламбани кўрмаган бир касонго ланг очик оғзига кафти билан уриб, хахолаб кулибди.

Воқеани гапириб бўлиб, касонго қўлга туширган ўлжасини кўрсатибди.

Овчилар мароқ билан инсон қулоғининг буришиб кетган кичик бир бўлагини томоша қила бошлашибди. Бу ўлжани касонго бошқа шунга ўхшаш ўлжалар қаторида ипга тизиб, бўйнига тақиб олган экан. Шунча мардлик кўрсатган бу овчини ҳамма олқишлай бошлабди.

Мана, ниҳоят, тонг ҳам ёриша бошлабди. Ҳаммалари жойларидан туришиб, оқим бўйлаб йўлга тушишибди. Луиа дарёсининг ирмоғи йўлларига кўндаланг бўлгунча юришда давом этишибди. Шунда овчиларнинг ёлғиз ўсган хурмо дарахтига кўзлари тушибди. Хурмо дарахтининг тепа شوҳида зангори қанотли бир қуш тонг отишини қаршилаётгандек чиройли сайраб турганмиш. Касонголар у ёғига йўл бекиклигини тушунишибди. Азбаройи ғазабланганларидан, худди душман билан олишмоққа ҳозирлангандек, найзаларини юқори кўтариб, каламба ва унинг уруғ-аймоғига қичқириб лаънатлар ўқишибди.

Бу қичқириқдан ҳатто ботқоқликдаги қурбақалар ҳам вақирлашдан тўхташибди. Сувсарлар эса думларини қисишиб, кўзларини қисганча соҳилдан ўзларини сувга ташлашибди. Оқ, қора ўрдаклар нима гаплигига ақллариям етмай, дарё бўйлаб сузиб кетишибди. Сиртлон бўлса ҳали еб улгурмаган қуёнини чангалида эзиб туриб, бошини кўтариб, қарабди.

Касонголар бақиравериб чарчаганларидан қирғоқда найзаларини тиззалари орасига олиб, ўтириб қолишибди.

Улар шу ўтиришда хаёл суриб узоқ ўтиришибди. Ораларидан довураклари дарёнинг нариги соҳилига ўтишни таклиф қилишибди. Бир-иккита ботир найзасини оғзида тишлаб дарёга тушиб суза кетишибди. Сув теккан соч толалари бўйниларига ёпишиб қолибди.

Дарёнинг ўртасига етишлари билан бу баҳодирларни кучли гирдоб ўз қаърига тортиб кетибди. Сув қаърида эса ям-яшил илонлар уларнинг бўйниларига чирмашиб олиб, Луиа дарёси томон тортиб кетишибди. Улар бу одамларни ўз маликаларининг олдига олиб боришибди. Қирғоқда қолган касонголар шерикларини

сув ўз қаърига тортиб кетаётганини кўриб, даҳшатдан кўзларини юмиб олишибди.

— Луафуа!— деб қичқирибди касонголарнинг йўл-бошловчиси.

Улар дарё қирғоғида анчагача ўз шерикларини кутиб ўтиришибди. Улар Луафуа, яъни Улим дарёсидан кўз узмай дўстларини кутишда давом этишибди.

Ҳеч қайсиси оғиз очиб бир сўз демай, кун ботиб, кеч киргунча ўтиришибди.

Атрофни қоронғилик босиб, ой юқори кўтарилгандан кейингина улар мотам қўшиғини бошлашибди. Бу мунгли қўшиқдан нариги соҳилдаги ёввойи итлар ҳам уйғониб кетиб, гўё марҳумларга аза тутаётгандек башараларини осмонга қаратиб узоқ вақт увиллашибди.

Эрта азонда касонголар шармандаларча судралиб қайтиб кетишибди.

СЕҲРЛАНГАН КҮЛ

Ҳамма гулхан атрофида ўтирар эди. Қария кўзини оловдан олмасдан ҳикоя айтарди. Одамлар чурқ этмай тинглашар, гоҳо ҳаяжонланиб ва таъсирланиб кетиб бир-бирларига қараб қўйишарди.

Қария шошмасдан, босиқ овозда аста гапирар, ўтириб-ўтириб у қўлини гоҳ олдинга узатар, гоҳ боши узра кўтариб қўярди. Ҳикоя тингловчиларнинг нигоҳлари ҳам гулхан ёғдусида ўша қўл ҳаракатини кузатар эди. Ҳадиксираган нигоҳлар, оҳиста ҳаракатлар... тўсатдан кимнингдир даҳшатдан қаттиқ қичқирган овози эшитилди ва овчилар қароргоҳини қамраб олган қора тун бағрига сингиб кетди.

Чол бир соатдан ортиқ сўзлади ва ниҳоят, ўтган даҳшатли фожиаларни хотирлаб, ғам чекиб жим бўлиб қолди, изтироб чекканидан юзи буришиб, кўзлар ярим очилиб қолган эди. Осмону фалакдан тушган тун ҳам одамлар қалбини буркаб олган эди.

Гулхан атрофидаги давра зичлашиб борарди. Кўзларини катта очиб гулхан алангасига қараб, қилт этмай мункайиб ўтирган одамлар ҳозиргина бўлиб ўтган ваҳимадан қўрқиб кетиб, дағ-дағ титрашар эди.

— Кейин-чи?— сўради ўтирган овчилардан бири паст овозда чолга қарамасдан.

— Кейинми?.. Кейин... чексиз сув ва тун узоқ давом этди. Ёмғир тинимсиз ёғди. Қишлоқлар ҳам, дарахтлар ҳам сув остида қолди. Кекса Кажанго тепаликка чиқиб олиб, ўғли билан содиқ итини чақира бошлади. Лекин бу беҳуда уриниш эди. Тонг отиши биланоқ охирги омон қолган одам жим бўлиб қолди. Тепаликдан пастга тушиб, ўз халқига қўшилиб олиш учун сувга шўнғиди.

Қария яна жим бўлиб қолди. Қоронғида фақат чигирткаларнинг чириллашию барглarning аста шитирлашлари эшитиларди.

— Карумбо...— дея сўз бошламоқчи бўлди қария, ammo бошқа биронта ҳам сўз айта олмади. Укиришга ўхшаган нола унинг лабларидан отилди. У совуқ ва даҳшатдан қалтираётган қўлларини оловга тутди.

Пастда, ҳов анови пастқамликда, қоя ва тепаликлар ораллиғида кўл кўринар эди. Бу мудҳиш воқеа худди ўша ерда содир бўлган.

Кажанго тепаликлар устида туриб телбаларча қичқирар эди. У кўл сувига ғарқ бўлиш учун тепаликдан тушаётганида эса, телба бўлиб қолган одамнинг оёқлари остидаги ер ларзага келиб, худолар амри билан муқаддас дарахт — мулемба ўсиб чиқди.

Унинг барглари ям-яшил эди, бу ерга келган одамлар унинг атрофида худолар шарафига батукига рақсга тушишарди, қуёшга етгудек бўлиб янграган овоз билан қўшиқ айтишар, дарёларни сузиб ўтишар, жарликлар ҳосил қилиб кўкка бўй чўзган тоғлар бағрида қишлоқлар барпо этишарди. Бу тоғ ёнбағирларидан узоқ-узоқлардаги ясси тоғликларга томон чўзилиб кетган ёлғизоёқ йўллар бор эди.

Бу ерда илгари ҳеч ким учратмаган ажойиб дарахтлар кўкариб чиқиб, гуллаб туришарди. Уларни ёш ниҳоллигида узоқ эллардан афсунгарлар олиб келишган экан. Қоялар орасидаги пастқамликда ярқираб кўринаётган бу кўл ҳақидаги афсонани одамлар гулхан атрофида йиғилишиб олиб сўзлашар ва бу ривоят авлоддан-авлодга ўтиб келар эди.

Овчилар билан бу ерга келган қария сеҳрланган

кўл ҳақидаги афсонани жуда кўп эшитган, у вақтларда у ҳали ёш бола эди. Энди эса одамларга бу афсонани ўзи айтиб бермоқда.

Лунданинг улуғ оқсоқолларидан бири Карумбо Лушико дарёси бўйига киоклардан қочиб келди. У вақтларда бу ерларда ҳеч ким яшамас эди. Қоплон ва сиртлонлар очликдан туну кун увлашар эди. У ўз одамлари билан бирга келди. Улар тоғ ёнбағрида қишлоқ бунёд этдилар, дарёлар соҳилидаги ерларни экин майдонига айлантирдилар, ўрмон йўллари четига кўплаб кулбалар қуришди. Уша даврлардан бери ҳеч ким урушни эсламасди. Бирортаси ўқ-ёйлари учига заҳар суртмас, ўқлар эса кулбаларнинг бир бурчагида занг босиб ётарди.

Ҳаёт фаровон, ҳар куни тунда батукининг янгроқ овози эшитиларди. Калебаслар¹ доим мусалласга тўла, бокира аёллар эса муҳаббат лаззатидан баҳраманд эдилар.

Бироқ даҳшатли кунлар ҳам келиб қолди, шу кундан бошлаб тунлар ҳам нотинч бўлди. Киоклар найзаларини Лушико қирғоқларига қараб отдилар. Улар яна оқсоқол Карумбога урушнинг шафатсиз қонунини мажбуран қабул қилдирмоқчи бўлдилар.

Атрофдан киокларнинг жанговар шовқин-суронлари эшитила бошлади. Ваҳимага тушиб қолган хотинлар болаларини бағриларига босиб, фарёд урардилар. Эркаклар найзаларини қайраб, жодугарлар тайёрлаб берган заҳар-заққум билан найза тиғларини намлашар, улар душманга қарши жангга ошиқмоқда эдилар. Фақат оқсоқолгина ўз кулбасидан ташқарига чиқмади.

Лунда халқининг ерини қаро тун қоплади.

Лундалар қароргоҳи — шотодаги муқаддас олов сўна бошлади. Одамлар қоронғи тун қаърига боқарканлар, бирор даҳшат юз беришини сезмоқда эдилар. Улар шотодаги олов манбаи фақат қишлоқ ҳалокатга юз тутганда ёки одамлар она тупроқларини тарк этиб, ўзга элларга кетганларидагина ўчишини яхши билишарди.

¹ К а л е б а с — ичимлик сақланадиган идиш.

Кекса Кажанго оқсоқолнинг доно маслаҳатчиси, қоронғи тунда халққа мурожаат қилиб, киоклар келганларида бор буд-шудларини душман қўлига топширишни маслаҳат берди.

Оқсоқол Карумбо уруш қилишни мутлақо хоҳламас эди, киоклар эса бу ерларни ишғол этишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

— Киоклар оч, шунинг учун ҳам улар баднафслик қилишяпти. Оқсоқолимиз улар истаган нарсаларини бериб юбориш керак деяпти, фақат уруш бўлмаса бўлди. Оқсоқол халқни севади, қон тўкилишини истамайди.

Бироқ кекса Кажангонинг овози тун қаърига сингиб кетди. Қариянинг сўзлари уларнинг азалий душманлари — киокларга бўлган Лунда халқининг қалбидаги нафратни янада оширди. Оқилона маслаҳатни улар тинглашни истамадилар.

Ғазабланган одамларнинг шовқин-сурони кулбадан кулбага ўтиб борарди, улар оқсоқолни хоинликда айблай бошладилар. Машғалалар йўлларни ёритди. Халқ оқсоқолга қарши кўтарилди. Барча қариялар пичоқ билан чавақлаб ўлдирилди. Фақат кекса Кажанго ва оқсоқол Карумбо қоронғи тунда яшириниб қолдилар. Улар ўрмон ичидаги чакалакзорлар орасига бекиндилар.

Жанг қилаётган халқнинг оёғи остидаги ер анча вақтгача титраб турди. Одамларнинг нафратдан бўриқиб кетган юзларидан қон оқарди.

Мана, ниҳоят, уруш оловида оёқлари куйган Лунданинг одамлари душманни таъқиб қилишдан тўхтадилар. Аммо халқ оромини бузган ваҳший киоклар дастидан қанча қишлоқлар ёниб, талай экинзорлар пайҳон бўлгани учун одамлар қалбида уларга нисбатан чексиз нафрат сақланиб қолди.

Кўп йиллар ўтди. Киоклар билан бўлиб ўтган урушни одамлар фақат қўшиқлардагина эслашарди; кунлардан бирида, қолдан тойиб ҳассага суянганча, очликдан бир оёғи ерда — бир оёғи гўрда бўлиб қолган, кўзлари ғамга тўла оқсоқол Карумбо киндик қони тўкилган қишлоғига кириб келди. Уни ҳеч ким танимади. У жуда ҳам ўзгариб кетган эди. У жуда бўлмаса маниок пўчоғи бўлса ҳам озгина беринглар, бир

оз тамадди қилиб олай, деб ёлворганида қачонлардир уларнинг оқсоқоли бўлган бу кимсани қишлоқ одамлари таниб қолишди ва ғазаб билан қишлоқни бошларига кўтариб бақирдилар.

Кекса оқсоқол яна қочиб яширинди. Жодугарлар Карумбо қочиб ўтган ёлғизоёқ йўлларда исиріқ тутатиб, унинг қадами теккан ерларни поклашди. Оқсоқолга бўлган ғазаб одамлар қалбида ҳамон сўнмаган эди.

Бир замонлар оқсоқолнинг чўриси бўлган аёл ярим кечада қишлоқдан яширинча чиқиб кетди. У ўрмондаги ёлғизоёқ йўлдан маис ва маниок солинган катта саватни бошига қўйганича, бир вақтлар ўз ҳокими бўлган одамнинг номини эшитилар-эшитилмас такрорлаб, излаб кетиб борар эди.

Оқсоқол, худо одамлар қалбига раҳм солар, деган умидда қишлоққа яна қайтиб келди. У одамлар олдида ҳассага таянганча энгашиб зўрға турарди. Ҳамон кек сақлаб юрган жоҳил одамлар ғазабланиб уни яна ҳайдай бошладилар.

Шунда Карумбо қўлидаги ҳассани узоққа улоқтириб юборди-да, қаддини ростлаб, ғазаб ва алам тўла кўзларини оломонга тикди. Шунда ҳеч ким турган еридан силжий олмай қолди. Даҳшат одамларни донг қотириб қўйган эди. Фақат чолнинг қалбидан отилиб чиққан ҳайқириқ сокинлик қаърини ёриб ўтди — собиқ оқсоқол оч, ночор кишини ҳайдаган халқни қарғади, улар бошига маломат тошини ёғдириб, ерга йиқилганча тил тортмай ўлди. Шу он осмон тешилиб, қишлоқ устига оташ ва сув тўлқинларини юбора бошлади.

Момақалдироқ қанча вақт қутурганини ҳеч ким билмайди, шамол тинчиб, ерни қуёш тафти қурутганда тирик қолган Кажанго ва уни ўрмонга излаб борган аёл тепаликка чиққанида, Карумбо бир вақтлар ҳокимлик қилган ерларни бепоён мовий кўл қоплаб ётарди, кўл соҳилида эса Кажанго билан содиқ чўридан бўлак бирорта ҳам тирик жон кўринмас эди.

Даҳшатдан қўрқиб кетган ва қалт-қалт титраётган аёл ерга йиқилиб, талвасага тушганча ўкира бошлади. Шунда у бошини кўтариб атрофга қараганида шу кундан бошлаб умрбод сув остида яшашга маҳкум этилган одамлар овозини эшитиб, тепалиқдан тушиб келаётган

кекса Кажангони кўрди. Шундан кейин аёл ўз халқининг охирги намояндаси худолар амри билан кўлга тушиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлди. Соҳилда сўқ-қабош қолиб кетишни истамаган оқсоқолнинг собиқ чўриси ўша одамнинг кетидан йўлга равона бўлди.

Шундан бери Карумбо кўлининг сувида бирорта қайиқ пайдо бўлмади, унинг суви муқаддас, ўлим хавфи борлиги учун ундан сув ичиш тақиқланган. У иссиқ. Бу ерда балиқлар ҳам яшай олмайди, чунки сув остида кўзга кўринмас оташ ловиллаб турибди.

Бепоен мамлакатнинг турли қишлоқларидан бу кўл соҳилига зиёрат қилгани келган одамлар ўз гуноҳлари учун умрбод сув остида яшашга маҳкум этилган одамларнинг овозини эшитадилар.

ҚАРОРГОҲНИНГ ВАЙРОН БЎЛИШИ

Қайиқнинг бошини дарёнинг қуйилиш жойига буриб, тик ўсган қамишларни икки ёққа қайириб, қўлидаги узун таёқни лойқа сувга ботириб бир одам қиргоққа яқинлашди.

Қайиқни тўхтатгач, узун таёқни қайиқ устига кўндаланг қўйди-да, кафтини оғзига яқин келтириб, қаттиқ овоз билан қичқира бошлади. Унинг овози водий узра янграб, йироқдан кўзга ташланиб турган ясси тепаликдаги қишлоққача етди.

Қайиқчанинг овози қушларни безовта қилди. Улар қанотларини патиллатиб чуғурлашганча дарё устидан учиб ўтдилар-да, нариги соҳилда, шамолдан тебраниб турган дарахтларнинг кўм-кўк қалин шохлари орасига яшириндилар.

Тимсоҳ узала тушиб соҳилдаги қумлоқда ётарди. Одамларнинг қичқирганини ва қушларнинг қанотларини патиллатиб учишганини у ҳам эшитди. Тимсоҳ шоша-пиша бориб сувга шўнғиркан, ўт устида сакраб юриб, қандайдир кичкина ҳайвонни ушлашга уринаётган сувсарни чўчитиб юборди.

Тўсатдан дарё устида қаттиқ шамол кўтарилди, сув юзида катта-катта тўлқинлар пайдо бўлди, қаердадир ўрдакларнинг безовталаниб ғақиллашгани эшитилди.

Қайиқдан тушган одам борган сари булут қуюқлашиб бораётган осмонга, сўнгра, тизза бўйи сап-сарик ўт-ўланлар билан қопланган водийга, олисдаги ясси тепаликларга қаради.

«Қаттиқ шамол бўлади», — деди у ўзига-ўзи ва бошини орқасига ташлаб боягидагидан қаттиқроқ овозда қичқирди. Ниҳоят, унга жавобан қичқирик эшитилди. Шунда одам қўлига яна узун таёқни олиб, қиргоқ бўйлаб қамишлар орасидан қайиғини ҳайдаб кетди. Кутиб олишга келаётган одамга ўзининг қаердалигини билдириб туриш учун вақт-вақти билан овоз бериб турди. Сўнг ўтлар орасидан шошилиб юриб келаётган аллақандай бир одамни кўриб қайиқчи Калвиже болохонадор қилиб сўқди.

— Ҳеч вақо эшитилмади. Шамол юзга уряпти, — дея ўзини оқлай бошлади келаётган одам, сўнг шундай ҳавода иссиққина уйда тинчгина ўтира олмаганидан норози бўлиб сўқинди.

Қайиқдан маниок туганаги ва балиқ солинган саватни ҳали олиб улгуришмаган ҳам эдиларки, тепаларида чақмоқ чақиб, қаттиқ жала қуя бошлади. Улар бир-бирларига қараб олишди-да, қайиқни соҳилдаги дарахтга боғлаб, биттадан сават кўтариб, ёмғирда жимгина қишлоққа олиб борадиган ёлғизоёқ йўлдан кета бошладилар.

Осмонни тилка-пора қилиб чақмоқ чақди, даҳшатли овоз чиқариб момақалдироқ гумбурларди.

— Юр, тезроқ. Юр! — деди қайиқчи Калвиже шеригининг қўнглини кўтаришга уриниб.

Аммо Калвиженинг ўзи кўп ўтмай орқада қолиб кетди, ҳамроҳи ундан ўзиб ўтиб, олдинда қорасини ҳам кўрсатмай кетди, чунки у асли шу ерлик бўлиб, йўлни яхши биларди.

Мана, қайиқчи ҳам қишлоққа етиб келди. Юкнинг оғирлигидан қадди букилган, кийим-боши ёмғирда шалаббо бўлиб, ҳориган ҳолда зўрға юриб келарди. Кулба яқинида ҳеч зор йўқ эди. Ёмғирдан ҳамма панага қочган эди. Калвиже саватини қароргоҳ — шоти ичида қолдириб, ўз кулбаси томон равона бўлди. Учоқ олдида уни хотини кутиб ўтирарди.

— Маниок тўлдирилган саватни қароргоҳда қол

дирдим, — деди у хотинининг рўпарасига ўтирар экан, унга қараб.

Аёл маниокни уйга олиб келмаганига эридан очиқдан-очиқ норози бўлса ҳам ҳеч нима демади.

— Саватни кейинроқ ўзим олиб келаман. Ёмғир тинсин... Борди-ю, ўзинг олиб келсанг яна яхши... — деди Калвиже хотинидан кўз узмай.

Аёл сукут сақлаб ерга қараб ўтирарди. Лекин унинг нимадандир хафа бўлганлиги шундоққина сезилиб турарди. Калвиже қароргоҳ ҳақида гап очилгудек бўлса, хотинига ёқмаслигини яхши биларди. Уша қароргоҳда, халқ кенгаш қурадиган масканда қайиқчи Калвиже қачонлардир шу хотинни топиб уйланган эди. Аёлнинг собиқ эри очарчилик вақтида Калвиженинг ўғлини, бу ерларга фалакнинг гардиши билан келиб қолган қандайдир киюкка сотиб юборганлиги учун жазо тариқасида унинг хотинини Калвижега беришган эди. Аёлнинг олдинги эри, болани киюкка сотаётганида, ўша вақтларда Квиледа ишлаб юрган Калвиже қайтиб келгунча бола қочиб келади, деб умид қилган эди. Лекин унинг умиди пучга чиқди. Бола қайтиб келмади. Қайиқчи воқеадан воқиф бўлиб қолиб, оқсоқолга арз қилган эди, мазкур иш қароргоҳда кўрилиб, ҳал қилиниши айтилди. Оқсоқоллар ниҳоят кенгашиб шу қарорга келишди: бола ўғриси Калвижега ўғлини қайтариб бермаганига яраша у жабрланувчига ўз хотинини бериши керак! Кимлардир қабиланинг қонунларига риоя қилган ҳолда бу қарордан норози бўлиб, иш нотўғри ҳал қилинганлигини гапиришди.

Агар ўғрининг хеш-ақрабоси бўлмаса, бола учун тўлов тўлолмас экан, ўзи қул бўлсин.

Бироқ оқсоқол кўпчиликнинг фикрини қабул қилди ва аёлни қайиқчи Калвижега беришга ҳукм чиқазди.

Ёмғир сурункасига уч кун ёғди. Сира тинмади. Шу вақт мобайнида сел қишлоқдаги кўпгина кулбаларни хароб қилди.

Селдан омон қолган уйларга қочиб ўтган одамлар ташқарига чиқишдан қўрқиб ўтирардилар. Улар вайрон бўлган кулбаларни, шамол қулатиб кетган ёки чақмоқ ер билан яксон қилган уйларни кўриб, даҳшатга тушишарди.

Ногаҳон қуёш чиқиб, селдан вайрон бўлган ерларга дарахтларнинг узун-қисқа соялари тушди. Момақалдиरोқдан қўрқиб уй-уйларига кириб олган одамлар аста-секин ташқарига чиқишга журъат этдилар. Улар момақалдироқ худосининг дарғазаб бўлиб Касоне қишлоғига қанчалик зиён етказганлиги, авайлаб парвариш қилинаётган экинзорларини қай аҳволга солганлигини ўз кўзлари билан кўриш учун ҳар томонга қараб тарқалиб кетишди. Сўнгра эркак ва аёллар ёлғизоёқ йўлдан пастга — дарё бўйига қараб югуриб кетишди.

Тўсатдан оломоннинг уввос солиб йиғлаган овози эшитилди. Одамлар ҳайратдан қотиб қолган эдилар. Қай кўз билан кўришсинки, улар қароргоҳсиз қолишибди.

Жамият ҳаётининг юраги бўлмиш қароргоҳни момақалдироқ ер билан яқсон қилиб кетибди. Ундаги олов манбаи ҳам бутунлай сўнибди. Бу олов одамлар йўлини чароғон, уйини иссиқ қилар эди. Қароргоҳнинг ингичка яхши пардозланган устунлари ҳам қулаб тушибди.

Ахир бу қароргоҳ ўзининг гумбази тепасидаги серқирра юлдузи билан Лунда халқининг осмони, ери ва қуёши бўлиб қолган эди.

Қароргоҳнинг қалби халқнинг бирдан-бир оромгоҳи, жон озиғи, ҳаёт маркази эди.

Сел ва шамол туфайли оёқ ости бўлган қароргоҳни кўрган одамлар даҳшатдан донг қотиб қолдилар. Бу вайронагарчилик ҳар бир лундалик учун қалбга санчилган ханжардек фожиа эди. Бу фожиани кўрган қайиқчи Қалвиже бошқа лундалик ватандошлари каби даҳшатдан оғзи очилиб, тол баргидек дағ-дағ титради. Биргина унинг хотини қароргоҳ ҳалокатидан беҳад мамнун эди. Чунки у кўпдан бери бу масканни кўрарга кўзи йўқ эди.

Халқни битмас-туганмас ғам босди. Энди бу қароргоҳдан одамлар учун фақат хотира қолди.

Бу қароргоҳ бир вақтлар ўз қаҳрамонлари билан Лунда халқини ҳайратга солган қабила бошлиғи буйруғи билан қурилган эди. Валинеъмат бу дунёдан этак силкиб кетган бўлса-да, унинг номи ҳамон халқ хотирасида сақланарди.

Қароргоҳ ҳаётида улуг кун бўлиб қолган кунларнинг бирида қабила бошлиғи кўп йиллар давомида одамларга беадад бахтсизликлар келтирган ўз ўғли — қаттол жодугарни қатл этишга буюрган эди. Халқ ба-туки рақсига ўйинга тушиб турган вақтларида жаҳонга донғи кетган валинеъмат бу қароргоҳнинг оташгоҳидан гулхан учун ўт олиб, ўғлини тириклай ёққан эди.

Энди лундаликлар қароргоҳ билан боғлиқ бўлган халқ ҳаётини, яхши-ёмон воқеалар борми — ҳамма-ҳаммасини хотирлашарди. Бу ердан одамлар ов учун, урушнинг шонли қаҳрамонликлари учун отланишиб чиқишар эди. Бу ерда музаффар жангчилар томонидан мағлубиятга учраган асир валинеъматдан афв сўрар ё бўлмасам ўлимга маҳкум этиларди. Бу ерда жабр-дийда лундаликлар қабила бошлиғидан адолат истаб келардилар. Бу ерда одамлар устидан ҳукм чиқари-лар, ноҳақдан-ноҳақ айбланганлар омонлик топар эди-лар.

Қароргоҳнинг оташгоҳ ёғдусида оқсоқоллар ва қа-ри-қартаглар янги қонунни таъсис этишдан олдин, бафуржа кенгашиб олишар эди. Сўнмас олов ёниб тур-ган оташгоҳ одамлар атрофида ерни қандай ишлаш, қайси жойда ов қилиш, қандай мол ва кимлар билан савдо юргизиш, севги ва байрамлар ҳақида бас бойла-шарди. Эркаклар шу ерда ўз жуфти ҳалоллари билан никоҳдан ўтишарди.

Бу ерда ўтган-кетганлардан сўз очилар, ҳатто бош-қа ерлик одамлар билан ҳам шу ерда тил топишар эдилар.

Энди бўлса вайрон бўлган қароргоҳга ҳеч ким қўл теккизишга ботинмас эди. Худди ўлим маъбуди Кам-вари томонидан қўриқланаётган қабристон каби бу ерга ҳеч ким яқин келмас, одамлар кун бўйи вайрона атрофида айланишгани айланишган эди.

Кечга бориб қабила бошлиғи қароргоҳ бўлақлари-ни йиғиб, уларни дабдаба билан кўмишни буюрди. Одамлар йўл чеккасидан чуқур қазидилар-да, у ерга бузилиб кетган муқаддас қароргоҳнинг ашқол-дашқол-ларини тушириб кўмдилар, устига эса, вайрон бўлган қароргоҳнинг руҳини абадийлаштириш учун бир кулба қурдилар.

Одамлар лундаликларнинг марҳум оқсоқоллардан бирининг зиёратгоҳига олиб борувчи катта йўл чеккасида анчагача тик турдилар. Энди эса бу йўл чеккасида қароргоҳ қабри ва унинг руҳини адабийлаштириш учун қурилган кулба қад кўтариб турарди. Қош қорая бошлаганда одамлар ўлим батукига рақсга тушишларидан олдин қайиқчи Калвиже қабр олдига узун ёғочни тик ўрнатди. Ёғоч тепасида тахтадан ўйиб ишланган оқ ва қизил лой билан бўяб безатилган Камвари худосининг ниқоби осиқлик эди.

Ноғораларнинг гумбурлаган садоси остида тун кириб келди. Ўша заҳотиёқ у ер-бу ерда машғалнинг ёруғ тилчалари кўрина бошлади. Ҳадемай гулханлар ёқилди ва унинг ёгдусида лундаликларнинг рақс тушаётган шаклу шамойили кўриниб, ғамгин қўшиқ янгради.

Қайиқчи Калвиженинг хотини ўз кулбасида яйраб ўтирарди. Ҳа, унинг оғзи қулоғида эди. Кўзларида ҳасад ўти чақнарди, унга бало-қазодек бўлиб кўринадиган ўша қароргоҳни энди минбаъд қайта кўрмайди. Аёл энди ҳеч қачон қароргоҳ тўғрисидаги гап-сўзни эшитмайди. Ахир, оқсоқол уни ўзи севмаган одамга турмушга берган эди-да! Ниҳоят, аёл ўз мамнунлигини эрига сездирмаслик ниятида ташқарига чиқди. Лекин қайиқчи хотинини бўйра устидан туриб, кулбадан шоша-пиша чиқиб қоронғи тун бағрига кириб кетаётганини кўриб турган эди. У аёл орқасидан бормади. Калвиже рақс тушаётганлар даврасига келиб қўшилди. Сўнг эса ғамгин батуки рақсига тебраниб, кўздан ёш тўкканича қўлини алиф-лом қилиб ўйинга тушди. Ичача пальма шаробидан сархуш бўлган Калвиже эрта тонгда ўз кулбасига кириб кетди.

Атроф жимжит. Ноғораларнинг овози тинган, ҳамма уй-уйига кириб кетган, мотам қўшиқлари ҳам айтиб бўлинган эди. Қишлоқни қамраган теран сокинлик ичра қайиқчи бирдан хотинининг заҳарханда кулгисини эшитди. Шунда у энгашиб қўлига калебасни олди-да, ундаги шаробдан қулт-қулт симирди. У ақлдан озгунча шароб ичди.

Қуёш ер юзига заррин нурини сочди. Хўроз қичқирди. Ана шу паллада Калвиже ўткир пичоқ билан

қора ниятли хотинини ўлдирди. Йиқилиб ётган хотинига қайрилиб ҳам қарамай, пичоқни артиб, белбоғидаги қинга солди-да, ўз бахтини излаб она қишлоғидан бир умрга чиқиб кетди.

ПОКИЗА ОЛОВ

Ҳориган одамлар олис-олислардан келишарди. Ўлик руҳли ер устида қуёш бир неча бор жамол кўрсатди. Ой ҳам жуда кўп маротаба талай тунларни ёритиб, нуқул кўз илғамас самарсиз яссиликларни уларга кўндаланг қилди. Кўчманчи ҳаёт домида қолган бу одамлар вақт билан ҳисоблашмай, туну кун қаёққа кетаётганликларини ўзлари ҳам билмай йўл юриб келмоқда эдилар. Улар фақат машаққатли йўлларида ҳали жуда кўп йўл юришлари кераклигини билишарди. Судралиб бораётган одамлар яланг оёқларининг қадами зарбига монанд қўшиқ айтишар, поёнсиз йўлда кечасию кундузи ҳам, бир манзалда тўхтаганларида ҳам қўшиқ айтишар ва ниҳоят, ноғораларнинг астагина аллалайдиган садолари таъсиридан ухлаб қолишар эди.

Бу йўлнинг интиҳосиз яссиликларида юзлаб одамлар азоб чекардилар. Турнақатор тизилиб кетаётган одамлар сарғайиб кетган баланд ўтларни кесиб ўтган қора лента сингари текислик узра олдинга силжир эди. Улар қаторида орқасига кичкинтойларни боғлаб олган аёллар ҳам боришарди. Хиёл каттароқ болалар, оналаридан ортда қолмаслик ниятида, катталар ортидан йиқилиб-сурилиб бўлса ҳам изма-из югургилашарди.

Аёллар қўшиқ айтмай қўйган кунлар ҳам келди. Уларни ғам-ғусса адои тамом қилди. Олдиларида қанот ёзган чексиз мовийликдан уларнинг кўзлари қамашиб кетди. Гўдаклар айтилаётган аллаларга қулоқ солмай, оналари кўкрак тутгунга қадар биғиллаб йиғлашаверди.

Аёлларнинг индамаслигидан дарғазаб бўлган эркаклар ҳатто тўхтамадилар ҳам. Улар қўлларида ўроғлиқ бўйралару елкаларида найзалари билан катта-катта қадам ташлаб юриб боравердилар. Шундай ҳосилсиз ерлардан юрганларида, одатда, улар аёлларни қў-

шиқ айтишга мажбур этар эдилар. Бу қўшиқларда чор атрофни қуршаб олган бепоён ялангликлар сингари умри боқий сир-асрор ва беназир ерларнинг чиройи янграрди. Бу қўшиқларда дашту тоғларнинг у ер-бу ерини кесиб ўтган дарё ва кўллар, бахтли ва бахтсиз одамлар ёки овчи ва жангчиларнинг жасорати, шон-шуҳрат билан ҳалок бўлган мардларнинг жўмардлиги, халқнинг битмас-туганмас дарду ҳасрати бор эди.

Бу йўловчилар беназир, олис ерлардан келишар ва уларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган тақдирлари ҳам беназир эди.

Лекин кунлардан бир кун оналар сийнасида сут қолмади, эркаклар очликдан силлалари қуриб, дод-фарёд қилишга тушганларида киоклар қабиласи дарё қирғоғида тўхтадилар. Энди йўл йўқ — қаёққа ҳам борар эдилар. Оқсоқол сувга энгашди-да ва унда ўзининг серажин, қоп-қора юзини кўрди.

Уша куни кунботар пайтида оқсоқол Чипинда қабила қарияларини тўплади. Одамлар шундоққина ерда ётиб қаттиқ уйқуга кетган эдилар. Қирғоқлардаги чакалакзорлардан сиртлонларнинг увиллаши ва қоплонларнинг ваҳшиёна фарёди эшитилиб турарди. Қабила бу овозларни уйқуларида эшитиб, босинқираб қўярдилар. Улар оқсоқол рухсат бермагунча на гулхан ёқа олар, на кулба қура олганларидан ҳимоясиз эдилар.

Ниҳоят, бир қария гап бошлади:

— Биз шу ерда қоламиз. Эртага эрталаб ўзимиз олиб келган мулембаларни ерга экаман. У ёғига худо халлоқ...

Чипинда ва қабиланинг бошқа қариялари юлдуз чарақлаб турган осмонга узоқ тикилиб ўтирдилар. Халқ эса ўзларининг тақдирлари ҳал бўлаётганидан беҳабар қаттиқ уйқуда эдилар.

Тонг қоронғисида оқсоқол қарияларга бўйрада ётишга рухсат берди, ўзи ҳам ётиб ухлади.

— Мулембалар шу ерда ўсади,— деди ўзига-ўзи қатъий Чипинданинг кекса бир маслаҳатчиси эрта билан уйқудан тураркан.

— Ҳа, улар шу ерда ўсадилар! Биз олис йўл юриб беҳад азоб чекдик,— деди унинг гапини эшита туриб оқсоқолнинг жияни билан меросхўри,

Уша куни адир узра қуёш кўтарилганда оқсоқол ўз қўли билан ер қазиди, чунки олислардан олиб келтирилган мулембаларни экиш мўлжалланмоқда эди. Бу улуғ маросимда қатнашиш учун барча қариялар ва халқ йиғилган эди.

Шикап дарёси бўйидаги кўҳна мулембани яздонлар қуритиб кетгач, одамлар ўша лаънати ерни ташлаб кетишга мажбур бўлишган эди. Энди бўлса оқсоқол ниҳолни ушлаб туриб қўллари қалтираётганини ҳис қилди. Ахир, бу муқаддас дарахт кўчатларини олис она тупроқларидан қабила қариялари навбатма-навбат кўтариб келишган эди-да.

Қазилган ер қирмизи тусга кириб кенгайди, оқсоқол муқаддас дарахт кўчатини экиди. Атрофда сирли сукунат ҳукмрон эди. Урмондаги энг бўйчан дарахт учида турган кўк қуш сайраб юборди. Оқсоқол қулочини ёзди. Бу ҳаракати билан у гўё яраланган ер қони билан бўйялгандек, қизил тупроқ лойи теккан ерни сўйиб, қон чиқазгандай бўлди. Энди муқаддас дарахт ўсиб, палак ёзиб кетиши керак. Халқ яздонлар шарафига узундан-узун кўшиқни чўзиб айтди.

Уша куниеқ киоклар ибодатхоналар — маамбалар қура бошладилар, чунки янги ерда, янги ўтовда қадимги яздонлар унут бўлмасликлари керак-да.

Кекса оқсоқол Чипинда жойидан жилмади. У кулбасида ўтириб, ўз қўллари билан эккан кўчатларига термилар эди. Унинг қўли макруҳ нарсаларга тегмасди. У фақат қоҳинлар келтирган овқатларни танавул қилар ва бокира қизлар ҳовучидан сув ичарди. Шу тариқа оқсоқол гуноҳларидан холи бўларди. У ҳозир фақат яздонлар ва ўлимидан кейин эзгу руҳларга айланадиган покдомонлар ҳақида ўйлаши мумкин эди.

Ҳар куни кун чиқиш олдидан қоҳинлар ва қариқартанглар Чипинда ва унинг халқига тегишли бўлган, яздонлар иноят этса, ерга экилган ниҳоллар униб кетади, деб уларни кўздан кечириб чиқишарди. Қоҳинлар ва қариялар оқсоқол ҳузурига келишганда у ҳеч нарса сўрамасди, лекин кўзлари ташвишнок бўларди. Қоҳин ва қариялар ҳам лом-мим дейишмасди, чунки яздонлар сирини пинҳон сақлашарди.

Аёллар эса мулембаларнинг униб кетишидан умидвор бўлиб, ҳалитданоқ кетмончаларини ялтиратиб тозалаб қўйгандилар.

Киоклар она-Ерларини тарк этмасдан илгарироқ Чипинда қандайдир бангаллик дайидан Фатума исмли бокира қизни сотиб олган эди. Фатума ўзининг ҳукмрони олдига шахдам юриб келди-да, унга ҳовучи тўла сувни узатди. Оқсоқолнинг ўтли нафасидан қизнинг қўллари қалтираб кетди. Оқсоқол безгак туфайли мижжа қоқмай, дағ-дағ титрарди.

— Яна берайми?

Оқсоқол сочлари оқариб кетган бошини зўрға кўтариб, унга жавоб бермоқчи эди, лекин улгурмади. Кулбага югурганча бир-бирларини туртиб қоҳинлар ва қариялар олам-жаҳон хушхабар билан кириб келишди. Улар шодумон эдилар, чунки мулембалар янги ҳаёт учун ғафлат уйқусидан уйғонган, новдалари қуёшга бўй чўзган эди.

Оқсоқол хурсанд бўлганидан касаллигини унутиб ҳужрадан ташқарига чиқди. У кўчатлар униб кетганлигини ўз кўзи билан кўриб, халққа манзур бўладиган хушхабарни айтиши лозим эди. Аёллар ва эркаклар яздонлар марҳамати билан униб кетган мулембалар олдига оқсоқол кетидан югуриб кетишди.

Бахтиёр одамларнинг қўшиқлари, қушларнинг сайроқи овози еру кўкни босиб кетди.

Мана энди одамлар зулматдан ва йиртқич ҳайвонлардан сақланиш учун гулханлар ёқишлари, кулбалар қуришлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам болта ва пичоқлар зарбидан дарахтлар гурсиллаб йиқилди, шох-шаббалар кесилди.

Одамлар янги қишлоқ атрофида тўсиқлар қуриб, дарё соҳилига олиб борувчи йўлни очиб бўлишгач, оқсоқол халқ олдига «покиза олов» маросимини ўтказиш учун ғоз турди. Чипинда мана шу янги ерда оташ ва ёруғлик ҳамisha мўл бўлишини истарди. Яздонлар жазоси халққа ортиқча ташвиш бермай қўйди. Қабилдаги барча қари-ёш жимгина чўкка тушиб ўтиришди. Оқсоқол Чипинда лом-мим демай, бир жуфт қовиқни бир-бирига ишқай бошлади. Дастлабки учқун чиққан

заҳоти оломон бараварига «покиза олов» сифатида ерга узилиб тушган қуёшни олқишлай кетдилар.

Дастлабки аланга гуриллаб ёнди. Қуруқ хашак ва шох-шаббалар қарсиллади. Оқсоқол қалтираган қоқ қўллари аланга устига олиб борди. Унинг шодон овози халқнинг шодиёна қўшиғига қўшилиб кетди.

Эркаклар ва аёллар «покиза олов» туфайли ёнган гулхан атрофида ўйинга тушиб, чапак чалиб қўшиқ айта бошладилар.

Сўнгра одамлар бирин-кетин гулхан олдига келиб, оқсоқол қўлидан пок-покиза чўғ ола бошладилар. Чўғни эҳтиётлик билан қўлга олиб, ўчоқларида таом пишириш учун уй-уйларига шошилдилар.

Атрофни қора тун қоплаб, кўкда биринчи юлдузлар порлай бошлаганда ҳам одамлар қувнай-қувнай «покиза олов» атрофида ҳамон батуки рақсига тушар эдилар. Уларнинг яздонлар шарафига бағишланган ўйин-кулгиси чўғлар кулга айланиб, тонг еллари уларни совуриб кетгунга қадар давом этади.

МУҚАДДАС ДАРАХТ

Кампир босилавериб заранг бўлиб кетган майдон ўртасида, кулбалар олдида энгашиб, қўллари билан бошини ушлаб турарди. Унинг ён-атрофида уймалашган одамлар бир-бирларини итаришиб, қани, кампир нима деркин, деб жимгина кутишарди. Аччиқ ҳақиқатни фақат у туфайли билиш мумкин, чунки бу қари хотин бўлиб ўтган воқеани бирдан-бир кўрган одам эди. Лекин у бениҳоя қўрқиб кетганидан чурқ этолмасди.

Одамлар кампирни қалинроқ ўраб олиб, терлаши сабабли ялтираб бир ҳолатда бўлиб қолган юзларига, бир нуқтага қаратилган порлоқ кўзларига ва қийшайиб кетган оғиз бурчидаги кўпикка тикилиб туришарди. У одамларга кўрган-билганини сўзлаб бергиси келар эди-ю, аммо гапира олмасди. Унинг томоғини қандайдир кўринмас қўллар бўғаетгандек бўлар, оғзи қуриб қолганди. У қаддини ростлади-да, қўлини томоғига олиб борди, сўнгра кўксига қўйди, худди юракнинг безовта уришини тинчлантиришни истагандек — шу

хилдаги ҳаракатни бир неча бор қайтарди. Одамлар эса уни қув ўчган чехрасига, чақчайган кўзларига қараб, кампирдан бирон нима сўрашга ҳам, бирон нима гапиришга ҳам юраклари дов бермас эди. Атрофга фақат одамларнинг ғайритабиий садолари ёйиларди. Ниҳоят, кўнгилни сиқадиған даражадаги жимлик одамларнинг тоқатини тоқ қилиб юборди. Одамлар кампирга янада яқин келдилар.

Шундан кейин кампир муштумини қаттиқ қисиб олдинга узатди-да, зўр бериб гўлдиради:

— У йиқилди... ўзим кўрдим... қайдам, нима учун... кўрдим...

У ён-берида турганларга бир-бир қараб қўйди-ю, аммо ҳеч кимни кўрмаётгандек, лоақал бирор одамнинг нигоҳида ҳам тўхтатолмади.

— У йиқилди...

Зич бўлиб турган одамлар сафини ёриб кампирга бир чол рўбарў келди-да, унинг елкасига қўлини қўйди. Кутилмаганда кимдир унга қўл теккизганини пайқаган кампир орқасига чиғанди-да, яна энгашди, икки қўли билан бошини ушлаб бақириб юборди. Оломон ҳаяжонланиб кетди. Фақат чол қимир этмасдан турарди.

Ниҳоят, у худди гўдак болага муомала қилаётгандек, босиқ овозда сўради:

— Унинг ёнида ким бор эди?

Шундагина кампир кўзларини катта очиб, бошини кўтарди ва титраб-қақшади. Сўнг қийнала-қийнала арағ гапирди:

— Ана ўша ерда... ўша ерда...

У қўлларини олдинга узатиб, оқсоқол кулбаси томон ўгирилди. Бошқа бирор сўз айта олмади. Оғзи кўппика тўлди.

Сукунат борган сари жиддийлашарди. Охир-оқибат олисдан, қишлоқ қаъридан, оқсоқол кулбаси турган томонидан аламли йиғи товуши эшитилди. Эркаклар бошларини ҳам қилиб, ўгирилишди-да, ўша тотион аста-секин юриб кетишди. Йиғлаётганлар оқсоқолнинг хотини ва чўрилари эди.

Кампир атрофидаги оломон сийраклаша борди. Гўё ҳуши энди жойига келгандек, кампир ҳам йиғлаб

юборди. Чол кампирнинг қўлидан тутди-да, мулойимлик билан:

— Ньяканже, юр мен билан! — деди.

Ҳолдан тойган кампир чурқ этмай, унга итоаткорона эргашди.

Чол уни ўз кулбасига олиб кирди-да, бўйрага ўтқазиб қўйди. Сўнгра чилим келтирди.

Чилимнинг сувини янгилаб тамаки солди, ўчоқдан чўғ олиб ўт олдиргач, аввал ўзи бир-икки тортди-да, кампирга узатди. У ҳам жимгина чилим тортди. Аста-секин аёлнинг юзидаги изтироб йўқола борди, унинг асаблари тинчланиб, кўз қарашларидаги безовталиқ ўрнини мулойимлик эгаллай бошлади. Чол унинг тепасига келди-да, энгашиб сўради:

— Нима бўлди?

Ньяканже чилимни ерга қўйди-да, қўлларини тиззасига туширди ва чуқур хўрсиниб олиб гапира бошлади:

— У ҳужрасидан жуда дарғазаб бўлиб чиқди. Афтидан, хотинларидан хафа бўлган шекилли, уларни сўкишга тутинди.

— Нима бало, у мастмиди?

— Йўқ, Шапинда, унинг кайфи йўқ эди. У фақат газабланган эди. Мени кўрди-ю, шундай деб қичқирди: «Ҳой, кампир, умринг бино бўлиб ўз эрига қичқиришга ботинган хотинни кўрганмисан ҳеч? Бу қари мварни ўлдириш керак!»

— Кейин нима бўлди? — сўради чол сабрсизлик билан.

— Кейин... Кейин у мен томон юриб кела бошлади. Лекин ўша ерга келганида, — у қароргоҳ олдидаги ерни кўрсатди, — у бошини орқага ирғади-да, ҳодадек гурс этиб ерга қулади... — Ҳатто чурқ этмади ҳам!

Кампир яна жим бўлиб олди. Оқсоқол кулбасидан йиғи товуши борган сари авжига чиқарди.

— Уни қуёш ўлдирди, — деди Ньяканже ерга қараб.

Чол ишонар-ишонмас бош чайқади-да, лабини қимтиди. Бир оз сукут сақлагач, қатъиян сўради:

— Кейин нима бўлди?

— Хотинлари уни олиб кетишгач, мен қичқариб юбордим:

— Мвата-мвари¹-чи? У нима қилди?

— Мен уни кўрмадим, Шапинда, бутунлай кўрмадим. У ўз кулбасидан ташқарига чиқмади.

Кампирнинг кўзлари ёшга тўлди ва йиглаб гапира бошлади:

— Ҳа, у танти одам эди... Унақа одам бошқа топилмайди. Тўғрими?

Чол аёлнинг гапини маъқуллаб бир неча бор бош ирғади.

— У ўз одамлари билан мангу бирга бўлади, — деди Шапинда узоқ сукутдан сўнг.

Ньяканже кўзларини катта очиб, уни тушунган бўлиб ирғади-да, такрорлади:

— Ҳа, у танти одам эди.

Қўлларини боши тагига қўйиб, у ҳам бўйрага чўзилди.

Шапинда эса аёллар йиғлаётган томонга кетди. Йўл-йўлакай оломон ичида турган йигитчани чақириб олди ва улар икковлон қишлоқдан чиқиб кетишди.

Оқсоқол дунёдан ўтди.

Ой сағирлашиб қолган ерни ўзининг сутдек нури билан ёритар, қирдан эсган майин шабада ҳам тизза бўйи ўсган ўт-ўланларни елпиб ўтарди. Ноғораларнинг мунгли садоси эса ҳамиша адолатли бўлиб келган, эндиликда халқ хотирасида абадул-абад қолган оқсоқолнинг ўлими ҳақидаги мудҳиш хабарни узоқ-узоқларга етказарди.

Эгри-бугри йўл четида ноғоралар халқ қайғусини изҳор этиб вовайло қилишарди. Оқсоқолнинг хотинлари эса, ғуссаю надомат билан қўлларини чаккаларига қўйиб, мурда олдида оҳу фарёд этишарди. Жодугарлар қоронғи ўрмон ичкарасида ожизгина яллиғланаётган гулхан чўғига эгилиб, азонгача яздонларга дуойи фотиҳа ўқидилар.

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек

¹ Мвата-мвари — оқсоқолнинг биринчи хотини, халқ онахони.

одамлар оқсоқолнинг қадрига энди ета бошладилар. Эртасига эса мотам рақсидан сўнг, бахшилар қишлоқ-ма-қишлоқ юриб ўрмону қирларни ошиб оқсоқолнинг шарафли ҳаёт йўли ва вафоти ҳақидаги дostonни айтадилар.

Кунлардан бир кун, қишлоқ ва ўрмонлар ёниб кулга айланган тақдирда ҳам соғ-омон қолган мўйса-фидлар, яъни оқсоқолни яхши билган қариялар набираларига кўпдан бери шу Лунда текислигида яшаб, ёвуз жодугардан ўлим топган оқсоқол ҳақидаги ривоятларни айтиб берадилар...

Ниҳоят, кун бўйи гумбурлаган ноғораларнинг садоси тинди. Қуёш дарахтлар ортига ўтиб беркина бошлади. Қишлоқ ўртасидаги майдонга тўпланган одамлар улкан мулемба дарахти атрофига чўкка тушиб олган жодугарларнинг муқаддас расм-русмларини кузатар эдилар. Жодугарлар нималарнидир пичирлашарди. Уларнинг тилини руҳи яздонлар билса биладики, аммо бандаси билмайди. Дуо ўқиб бўлишгач, улар чордана қуриб ўтирдилар-да, ғамгин хаёлларга берилиб, улкан дарахтга тикилиб ўтиравердилар. Уларнинг олдида ажал яздони Камварининг шаклу шамо-йили акс этирилган, ёғочдан ясалган ниқоб атрофида ерга санчиб қўйилган ўткир пичоқлар ярақлаб турарди, фақат оқсоқолнинг яқинлари жойларидан қўзғалганларида, қари жодугарлар бир оз безовта бўлишди-ю, аммо барибир аввалги ҳолатларида қолавердилар. Дам ўтмай қабиланинг энг мўътабар одамлари ва қариялари кўм-кўк япроқларга ўралган ўлик оқсоқолни тахтиравонда кўтариб келдилар. Улар тахтиравонни жодугарлар яқинига — муқаддас дарахт соясига келтириб қўйганларида, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит эди. Коҳинлар ҳам, одамлар ҳам ҳашаматли лаҳзаларни тушуниб етганча сукут сақлашарди.

Оқсоқол ўз хотинлари билан узоқ умр кечирган кулбада унинг бева қолган бахтсиз хотинлари бўйра узра бемажол чўзилиб ётишарди. Кўз ёши уларни адойи тамом қилганди.

Бу вақт ичида қишлоқдан олисроқ ерда, катта йўл чеккасида кекса Шапинда бир неча ўспиринни ёнига

олиб оқсоқолнинг ўлиги сақланадиган кулбани қуриб битказаётган эдилар.

Жодугарлар мурданинг руҳини дуо билан шу кулбага жо қилишдан олдин муқаддас дарахт синоатини ҳам марҳумга кўчириқ тарзида такбир туширдилар. Дарахтга шилт-шилт санчилаётган пичоқларнинг зарби Шапинда билан бирга ишлаётган ўспиринларга эшитилмоқда эди. Жодугарлар қайтадан яздон Камвари ниқоби атрофига ўткир пичоқларни санчиб, маросимни якунладилар.

Шу текисликларда яшовчи лундаликлар бундан кейин бир умрга ўз аجدодларига муқаддас дарахт мулембага кўчган оқсоқол руҳи орқали мурожаат қиладилар.

ТЕКИСЛИКЛАР САДОСИ

I

Бепоеън текислик узра тонг ғира-шира ёриша бошлаганда Думба-иа-Квило гулхан ёнидаги иссиққина ўрнидан туриб керишди ва киоклар қабиласини сўкиб, ерга бир неча бор тупурди. Лахча чўғ бўлиб қолган гулхан ёнида қаттиқ уйқуда ётган йўлдошларига мазахомуз қараб қўйди-да, дарё томон тез-тез юриб кетди.

Дарё устини ва ўнгу сўл қирғоқни қуюқ туман босган эди. Думба-иа-Квило кенг дарё лабига келиб, уни қаттиқ лаънатлади.

Дарё кўпгина одамларни едириб-ичирди, парварини қилди, лекин Думба-иа-Квилога у ҳаминша шафқатсиз эди. Негаки, дарё доим кўз олдини хиралаштириб, сувдан бошини чиқариб, одамни бир ҳамлада ютиб юборишга ҳозирланиб турган тимсоҳлар томон унинг қайиқчасини буриб юборарди. Думба-иа-Квило кўрққанидан юраги орқасига тортиб кетарди-ю, лекин сира нолимасди. Тимсоҳлар учраган чоғда кўзини чирт юмиб, қайиқ четидан маҳкам ушлаб оларди. Аммо буларнинг ҳаммаси беҳуда эди. Бир кун эмас бир кун яздонларга маълум бўлган гуноҳи учун жон беришини Думба-иа-Квило яхши биларди. Одамларга ошкор

бўлмаган нарсалар яздонларга маълум. Улар ҳар бир босган қадамни кузатиб борадилар.

Шунинг учун Думба-иа-Квило Африка дарёлари-нинг ёвуз яздонлари бўлмиш тимсоҳлардан жуда қўрқарди, чунки улар гуноҳкор бандаларни икки ямлаб бир ютардилар. Лекин у сира тушкунликка тушмас, қайиқда сузиб бораётганида ҳам қўрққан-қўрқмаганини ҳеч ким сезмасди. Хоҳ сувда бўлсин, хоҳ қуруқликда бўлсин муқаддас бу махлуқнинг номини у сира тилга олмасди, негаки, тимсоҳдан қўрқарди. Нариги дунёга равона қилиб юбориши мумкин-да!

Дарёдан эсган намжунш шамол Думба-иа-Квило этини жунжиқтириб юборди. Исиниб олиш учун у дарҳол улкан дарахт яқинида гулхан ёқди. Қирғоқдаги бу дарахтга кўпинча қайиқ боғлаб қўйиларди. Қўлини аланга устига узата туриб Думба-иа-Квило яна киокларни лаънатлади. Жасур лундаликлар ва киокларнинг онахонига ўғил бўлса-да, киоклар унинг хотинини ўғирлаб кетгандан бери, онасининг қабиладошларини кўрарга кўзи йўқ эди.

Ушанда у киоклар ўғирлаб кетган хотинини ахтариб топиш илинжида қанча ўрмонлару, қанча дашту ёбонларни кезиб чиқди. Думба-иа-Квило бу тўғрида ҳеч кимга гапирмасликка ва иложи борича эсламасликка ҳаракат қиларди. Аммо барибир аллаким бу воқеадан хабар топиб, Думба-иа-Квило олдида беихтиёр ўша гап тўғрисида оғиз очгудек бўлса, жаҳли чиққанидан тишларини ғижирлатиб, уни калака қилмоқчи бўлган кишига шердек ташланарди. Унинг тиш ва тирноқларидан қанчадан-қанча одамлар жабр кўрмаган дейсиз! Мана шунинг учун ва тагин шунинг учун ҳақиқатан ҳам Думба-иа-Квилони одамлар жасур овчи деб атардилар. Думба-иа-Квило — Квило қирғоқларидан келган шер деган маънони билдиради. Бу лақаб унга хуш ёқарди, ҳатто фахрланарди ҳам. Шу-шу унинг ҳақиқий номи фақат ўз қишлоғи қариялари хотирида сақланиб қолди.

Ҳамон дарёни қоплаб ётган қуюқ туман қаъридан кимнингдир қаттиқ овози эшитилди. Думба-иа-Квило гулхандан кўзини узиб, узоқларга тикила бошлади. Туман ичра ҳаракат қилиб келаётган аллақандай шарпа

қуёшнинг дастлабки ёғдуси туфайли ғира-шира кўрина бошлади. Шунда у ирғиб ўрнидан турди-да, қўлларини оғзига карнай қилиб қичқира бошлади.

Қайиқ соҳилга келиб тақалиши билан унинг ичида турган киши:

— Сакра!— деб хитоб қилди.

Думба-иа-Квило ҳам қайиққа осонгина чиқиб олди-да, дарёнинг қуйи оқимига, оқсоқол Иакал қишлоғи томон сузиб кетди. У ерда ўзи ёқтирган қиз билан учрашиши даркор. У билан бир ёстиққа бош қўйиб, аёлсиз ўтқизган кунларининг ҳиссасини чиқазиб олади.

II

Квило соҳилида жойлашган Думба-иа-Квило бойдоғидаги овчилар, қуёш тиккага келганда уйқудан уйғонишди. Улар юксакка ўрлаётган тутун оқимига қараб, бошларини чайқаб қўйишди.

— Бу тонг ҳам шамолсиз отди-я!— деди овчилардан бири алам билан.

Кўпдан бери тиқ этган шамол йўқ эди. Ложувард осмонда булутнинг қораси ҳам кўринмас, қуёш эса ўз найзаларини аямасдан ерга санчарди. Дарёнинг икки соҳили бўйлаб чўзилиб кетган ялангликларда қуёшда куйиб, жигарранг тусга кирган бир-икки қишлоқи бинолар кўзга ташланарди. Сарғайишга улгурмаган яккам-дуккам буталар текисликнинг чексиз шу баҳри муҳитида оролчаларга ўхшаб кўриниб турарди.

Қуёшнинг шафқатсиз нурлари таъсиридан ўт-ўланлар сарғайган ва қуриб қолган эди. Ерда ҳам, кўкда ҳам сокинлик ҳукм сурарди. Овчилар ўлик руҳли ялангликка боққанлари сари умидлари пучга чиқарди. Одамлар шамолни кута-кута тоқатлари тоқ бўлган, боз устига, бекорчиликдан ҳафсалалари пир эди. Терлабпишиб, дармонлари қуриган ҳолда бўйраларда узала тушиб ётишарди. Негаки, олов билан қилинадиган ов фақат шамол эсиб тургандагина қўл келарди. Ҳар кунни шамолни кутиб кунларини бекорга ўтказишарди, лекин улар гулхан ёқишни сира бўшаштирмадилар, чунки тутуннинг йўналишига қараб туришлари керак эди. Улар вақт ўтган сари тўппа-тўғри тепага ўрлаётган бу тутунни шамолнинг ўйноқи мусиқаси таъсири

остида дарбадар бўлиб кетишини жуда-жуда истардилар. Дарахтлар барглари қимир этмас, осмон ярқираши кўзни оладиган даражада; қуш учса қаноти куймай қолмасди.

Иссиқдан жони ҳалқумига келган ҳайвонлар ўрмон ичкарасига кириб яширинганди. Одам боласи бу чакалакка қадам босмас эди, чунки у ер ваҳший ҳайвонлардан холи эмасди.

Боз устига бу Африка ёбонларининг кўкаламзор ерларида мусаффо жилгалар айқириб оқади, мевалар етилади, пальма дарахти танаси бўйлаб ширин-шакар шарбатлар оқиб ётади. Бу ерда қуёнлар ирғишлайди, тийрак кийиклар ва оҳулар дайдиб юради. Бу ерда биргина инсонгагина ўрин йўқ, чунки бу махсус соясалқинли жойларни ваҳший ҳайвонлар эгаллаб олган!

Йилнинг энг иссиқ мавсумида бу ерларда йиртқич ҳайвонлар яшаш учун жон олиб, жон берадилар. Қоплон ғажиб ташлаш учун тинчгина ўтлаб юрган оҳуни кузатиб туради-да, унга ташланади. Лекин оҳунинг жон аччиғида қилган фиғонига ўз масканидан шер чиқади ва аёвсиз олишув эвазига қоплондан ўлжани тортиб олади. Пакаса қўрсоғини ўт-ўланга ғамлаб бўғма илон — жибойга йўлиқади, кобра бўлса заҳар нишини бир теккизиб олса бас — шерми, қоплонми ўз ўлжаси билан бирга қўшилиб нариги дунёга рихлат қилади. Четдан қараганда бу кўкаламзор жойлар тинчгина кўринса ҳам, аслида ҳайвонлар учун ваҳшиёна манзара касб этарди; улар бир-бирларини ғажиб ўлдиришар эди. Текисликлар бўйлаб қўйиб юбориладиган олов уларни бу бутазордан овчилар томонга қувиб чиқазиши керак.

Бу бутазордан анча нарида, Квило дарёси бўйлаб кетган текисликда ҳукм сурган тунлар бири биридан диққинафас эди. Бу тунларнинг диққинафаслиги одамларни ташвишлантлар, дилларини ваҳимага соларди. Овчилар ғамгин ва камгап бўлиб қолдилар, чунки африкаликлар учун батуки рақсисиз ўтган тун беҳуда ҳисобланади. Тун шунинг учун яралганки, одамлар унда ўйин-кулги қилишлари, севишлари ва май ичиб сархуш бўлишлари керак. Аммо эндиги тунлар шуур-сиз, боз таҳликали эди.

Гулхан ёқиб, юксакка тикка ўрлаётган алангага қарай-қарай овчилар қишлоқда қолган қайлиқларини, бола-чақаларини соғинишиб тамаки чекиб ўтиришарди.

Бўлиб ўтган воқеалар обдан гапирилди, энди ким оғиз очадиган бўлса ҳам ҳадеганда келмаётган шамолни лаънатларди. Одамлар фақат ов, фақат шамол ҳақида, жамики даштни олов денгизига айлантириш ҳақида ўйлашарди. Аммо ҳаммаёқ осуда, ҳеч нима ҳавонинг ўзгаришидан пайғом бермас эди, шунинг учун ҳам одамлар уҳ тортиб, жимгина тамаки чекишарди.

Мана шу куни овчилар Думба-иа-Квило қилмиши тўғрисида ҳар вақтдагидан кўра кўпроқ гапирдилар. Бу ерда ўзи бўлмагани учун, ўзи йўқнинг кўзи йўқ деб ўртоқлари унинг шаънига ҳар хил гапларни бичиб тўқишди.

Думба-иа-Квило дон олишгани кетгани учун уларнинг жиғибийрони чиқарди: унинг бу қилмишини сира кечириб бўлмас эди. Бироқ Квило соҳилларидан келган шер, тасодифан бу ерда пайдо бўлиб қолса борми, уялганларидан ер ёрилса, ерга кириб, овчининг кўзига тик қараёлмас эдилар! Улар ундан болалар ажиналардан қўрққандек қўрқардилар! Бу ҳаммаси бир воқеадан кейин Думба-иа-Квило ов қилиш пайтида қоплондан қочиб дарахт панасига ўтаётганда ўт билан овчининг томоғини кесиб юборди. Қоплондан қўрқиб, дарахт панасига ўтаётганини тасодифан кўриб қолган овчи:— Шунақа қўрқсанг, кейинги гал сувга яширин,— деб маслаҳат берди масхара қилган бўлиб. Думба-иа-Квило ҳам уни кечирмади. Мард одам масхара қилганларига муносиб жавоб беради. Қоплонни бир ёқли қилиб, аччиқ устида бояги овчига ташланади-да, бир пичоқ уришдаёқ уни ўлдиради. Шу тариқа овчилар бошлиғи Думба-иа-Квило одамлар кўзи олдида янада обрўлироқ бўлиб қолди. Шундан кейин у оқсоқол олдида ўзини оқлаб, жавоб беришга тўғри келди... Оқсоқол ҳам уни жазоламади. Лекин одамлар Думба-иа-Квило қаҳрланса, ўз отасини ҳам аямаслигини яхши тушуниб олдилар.

Бугун эса у йироқда, дон олишгани кетган, буни
13—1136

хамма билади, шунинг учун ҳам ҳасад ўтида ёнмоқда улар.

Овчилардан бири дик этиб ўрнидан турди-да:

— Туринглар! Соҳилга борамиз!— деб хитоб қилди.

Ҳамма ўрнидан турди ва соҳилда нима иш қилишларини билмаган ҳолда унинг орқасидан эргашдилар.

Овчилар қулоғига енгилгина шитир овози эшитилди. Одамлар ён-атрофга қараб, ўта диққат қила-қила ирғишлай кетдилар. Одам бўйи ўсган ўтлар орасидан оҳуларнинг шох учлари кўринди. Овчиларнинг кўзларидан ўт чиқиб кетди. Улардан бири ерга ётиб, оҳу томон эмаклаб бормоқчи бўлди, лекин оҳу бошини баландроқ кўтарди-да, дарҳол бошқа ёққа жуфтакни урди.

Қош қорая бошлаганда кимнингдир қичқиргани эшитилди. Овчилардан бири эҳтиётсизлик билан:

— Бу Думба-иа-Қвило,— деб хитоб қилди.

— Йўқ, бу унинг овози эмас,— деди бошқа биров.

Шу вақт овчилар оч сиртлонлар овозини эшитдилар. Худди шу вақт майин эсган шабада қуёшда қовжираб кетган ўт-ўланларнинг учини аста тебратди.

— Шамол! Шамол!— қувноқ хитоблар эшитилди.

Овчилар ўрниларидан ирғиб турдилар-да, ёнаётган машъални баланд кўтариб, шамол эганидан қувониб, бутазорга югурдилар. Улар яна кимнингдир чақирган овозини эшитдилар.

Одамлар чақирқиққа жавобан овоз беришди. Улар ўз манзилларига қайтишганида, гулхан олдида бир одам ўтирарди.

— Э, бу сизмисиз, Матембеле?

Овчилар қарияни ўраб олиб, бир-бирларига гал бермай, бирваракай чуғурлаша кетдилар. Қаердан ва нима учун келганини билишга ошиқиб, унга кетма-кет савол ёғдира бошлашди. Матембеле ҳориган кўйи бўйрага чўзилди-да, лом-мим демади. Овчилар унинг атрофида чордана қуриб ўтирдилар, ниҳоят, кимдир чолга овқат бериш кераклигини тушуниб етди.

Машҳур овчи Матембелени ҳамма ҳурмат қилар ва яхши кўрарди. У яқиндагина найза ва милтиқ тутишни ўрганган ёш овчиларга устоз эди. У ҳаммани махлуқ изига қараб топқир бўлишга ва шамол сасини

тинглаб вазиятга баҳо беришни ўргатган. Думба-иа-Квилло кекса овчининг энг жасур ва эпчил шогирди бўлгани учун уни ўз ўрнига бойдоқ бошлиғи қилиб тайинлади. У ҳозир ҳам қариб қолган, кўзидан нур, белидан қувват кетишига қарамай ёш овчиларга сабоқ берарди. Ҳайвон ва ов ҳақида қандоғам ажойиб афсоналарни билишини айтмайсизми! Лунданинг узоқ-яқинидан Матембеленинг қиссаларини эшитиш учун одамлар келишарди, чунки у моҳир қиссагўй эди.

— Думба-иа-Квилло қани?— деб сўради чол ён-верига қараб.

— У Иакала қишлоғида!

Чол ҳеч нарса демади, лекин унинг норози эканлиги авзойидан сезилиб турар эди. У пальма шаробини калebasдан ичиб тугатди-да, ёш овчи тайёрлаб берган чилимни чека бошлади.

— Отахон, сизни қайси шамол учирди? Сизни тўйғизиш учун бизда гўшт топилмайди, шамол йўқ — ов ҳам йўқ. Сизни ўзи ким юборди?

— Мени бу ерга оқсоқол юборди,— деб жавоб берди Матембеле чилимни ёш овчига узатаркан.— Ҳеч ким сиз тўғрингизда ҳеч нима билмасди. Халқда ҳам гўшт тугади. Оқсоқол Шанвури ерларида ов қилинибди, энди унинг халқи тўқ, қеча ўша ёқдан — Кавангодан келган бир одам шунақа деди. Фақат сизлар икки қўлингизни бурнингизга тиқиб ўтирибсизлар. Оқсоқол мени шунча вақтдан бери бу ерда нима қилиб ўтирганингизни билиб келиш учун юборди!— қария овозида истеҳзо янграрди.

— Отахон, сизга шамол йўлиқмадимми?

— Шамол ўзи қаёққа гумдон бўлган, Матембеле?

— Бирор кимса шамолни тутиб олиб, уни эсишга мажбур қилолмайди-ку!

— Фақат хотинларгина шундай ўйлашлари мумкин!

Матембеле нима деб жавоб беришни билмагани учун жимгина ўтирарди. Унинг жаҳли чиққанлиги кўриниб турарди. Унга ёш болага ёки хотинга муомала қилгандек мурожаат этишларини ёқтирмасди.

Нимадир айтиш керак бўлганлиги учун қария:

— Шамол келади,— деб қўйди.

— У келиб бўлди. Ут-ўланлар учи тебранганини наҳот кўрмаган бўлсангиз?

— Кўрдим, кўрдим,— мамнунлик билан тасдиқлади чол.— Сизлар сиртлоннинг овозини эшитмадингларми? Унинг димоғига шамол гўшт ҳидини еткизгани учун ув тортмоқда...

— Оҳу гўштими?

Матембеле бош чайқади:

— Йўқ, шамол бошқа томонга эсди. Гўшт ҳиди Дулаканго томондан келяпти. Эртага ҳаво яхши бўлади! Думба-иа-Квило қачон қайтади?

Бу саволга овчилар ҳеч қандай жавоб бера олмадилар.

— Отахон, қачон бу ердан сафарингиз қарийди?

Аммо қария ортиқ ҳеч нарса эшитмасди. У ухлаб қолганди.

III

Матембеле кўзини очганда тонг отган эди. Гулхан ўчиб, қўналға ҳам ҳувиллаб қолганди. Шу яқин атрофда овчиларнинг овози эшитилди, демак, Матембеле билдики, улар овга тайёрланишаётир. Ут-ўланлар шамолда тебранарди. Қария осмонга назар ташлаб, шамол қувиб келган оқ булутларни кўрди-да: «Яхшигина шамол бўлади. Қизиқ, ҳалигача Думба-иа-Квило қаерларда дайдиб юрган экан? У дон олишмоқда...»

Бирдан қариянинг ёдига оқсоқолнинг муҳим топшириғи келди. У бу ерга асосан шунинг учун келган эди-да. Қария бир оз хаёлга берилди-да, сўнгра қўл силкиб: «Ландавур бўлиб қолибман! Бутунлай ландавур бўлиб қолдим, қаридим чоғи!» Имкони борича жон-жаҳди билан оқсоқлана-оқсоқлана дарё томон югургилади. Овчилар ўша ерда эди. Улар чолга ҳайратдан ёқа ушлаб қараб туришарди. Матембеле эса кеча жуда чарчагани сабабли, энг муҳим вазифани унутганлигини айтди. Оқсоқол батуки ўйинларидан бирида ўзининг қоплон пўстинини сархуш бўлганлиги сабабли куйдириб қўйганлигини, энди бу пўстинда қабила йиғинларига чиқа олмаслиги, қўшни қабилалардан келган оқсоқолларни кутиб олишда елкасига таш-

лай олмаслигини ўқиниб гапирганди. Дарҳақиқат, бу аҳволда на ўйинга тушиб бўлади, на бирор келгиндига пешвоз чиқиб бўлади. Шунинг учун оқсоқол Матембелени овчилар олдига юбориб, улардан каттагина хушсурат қоплон териси шилиб беришларини сўраганди. Қоплонни Думба-иа-Квилло ўз қўли билан ўлдиришини истарди у. Кеча бир ўзи қоплонни ўлдиришга уриниб кўрганлигини Матембеле илова қилди, лекин фақат терисини оқсоқолга пешкаш тортиш учунгина эмас, балки авваламбор ўша атрофда яшовчи аҳолини қонхўр ҳайвоннинг тажовузидан халос этиш ниятида сабъҳаракат қилганди. Қоплон куни кеча тунда бошпана излаб келган одамни ғажиб ташлагани етмагандай, бир неча эчкини ҳам олиб кетганди ва одамлар қуёш botгандан кейин ташқарига чиқмай қўйгандилар.

Овчилар сукут сақлаб чолнинг гапларини тинглашарди. Қонхўр қоплон ҳақидаги воқеани эшитган овчилар дарғазаб бўлганларидан кўзлари чақнаб кетди.

— Нима учун бу ҳақда бизларга кеча айтмадингиз?

— Ўша қоплон бошқа кўринмаган тақдирда ҳам, оқсоқол пўстинсиз қолмайди. Қоплонни ўлдириш фақат Думба-иа-Квилло қўлидан келадими?

— Йўқ, қоплонни у ўлдириши керак! — эътироз билдирди қария. — У овчилар бошлиғи. Илло менда ихтиёр йўқ! — қўшимча қилди Матембеле ерга қараб.

Унинг бу гапига овчилар лом-мим демай, чала ишларини тугатишга киришиб кетдилар. Улар дарё бўйини ўт-ўланлардан тозалашарди. Шу ерга келганда олов тўхташи керак. Ҳар бир овчи ўз жойини биларди. Овни ҳайҳайлаб ҳайдовчилар тонг ёришиши билан текисликнинг нариги томонига ўтиб олгандилар, тушки шамол қаттиқроқ эса бошлаганда улар ўша ердан туриб қуриган ўт-ўланларни ёқиб юборадилар.

Мана, ниҳоят, ноғораларнинг гумбурлаган садоси эшитилди. У бутун яланглик бўйлаб ўт кетганлигидан хабар берганча янгради. Дарё бўйида турган овчилар бир-бирларига Думба-иа-Квилло шу вақтгача келмади энди, на илож, қабилида қараб олдилар-да, овга бошчилик қилишни Матембеледан илтимос қилдилар. Қа-

рия олдинга қарилигини рўкач қилиб оёқ тираб олди. Лекин барибир у ёш овчиларнинг таклифидан мамнун эканлиги чехрасидан кўриниб турарди. Ниҳоят, у бу ишга рози бўлди-да, гулхан олдида унутиб қолдирган милтигини олиб келиш учун югуриб кетди.

IV

Ноғораларнинг жарангдор овози ҳавода янграб, увоқ-узоқларга таралиб борарди. Матембеле ўз билагининг нақадар кучлилигини биларди, аммо бу гал ноғора одатдагидан кўра кучлироқ жаранглади.

— Балли, отахон, бўш келмаяпсиз!— деди унинг ёнидан югуриб ўта туриб овчилардан бири.

Бу гапни эшитган Матембеле мамнунлигини яшира олмай, мағрурона жилмайди ва Думба-иа-Квило овчилари олов билан ов қилишни бошлаб юборганликларини атрофдагиларга билдириш ниятида ноғораларни янада қаттиқроқ чала бошлади.

— Яхшигина шамол!— деб қичқирди қария ва мамнун жилмайди.

Сўнг ноғора чалишни бир ёш овчига топшириб, милтиқни олди-да, дарё соҳили томон югуриб кетди. У қайиқ боғлаб қўйиладиган дарахт тагига бориб турди.

Олис-олислар, мовий осмон уфқи лоларанг бўлди. У ер билан осмон ўртасида олов йўлига ўхшаш шаклу шамойил ҳосил қилди. Шу олов йўли узра қирмизи тўлқинлар кўтарилди. Улар осмонни оқшом пайтидаги сингари алвон тусга киритиб текисликлар бўйлаб гуриллаб ёна бошладилар. Уша томондан эсаётган шамол оловнинг иссиқ тафтини келтирди. Тез орада ялангликнинг қудратли овози ҳаммаёққа баралла эшитилди.

Баланд ўтлар орасидан турли рангдаги капалаклар тўда-тўда бўлиб учиб чиқишди, улар гуриллаган овоздан қўрқиб, дарё томон учиб кетишди. Катта қора қуш ноҳуш сайраб, нақ чолнинг тепасидан учиб ўтди. У ўтлоқ ва яланглиқда яшовчи барча қушларга хатардан дарак бермоқда эди. Шу он осмон қорайиб, қушлар галаси кўк юзини қошлади. Улар дарё орти томон учишарди.

Энди уфқ чизиги кўринмасди. Олов тўлқинлари осмонга интилар, унинг оташин нафаси юзга уриларди. Узоқ-узоқларда чирсиллаб гуриллаётган оловдан завқланган овчилар овни кутишарди ва оловнинг йўналишига қараб шамол тезлигини муҳокама қилишарди. Лекин соҳилда ва ўтдан тозаланган ерларда ов қилишман қилинган эди. Бу ўт-ўланлардан ва буталардан тозаланган ерлар, агар шамол ўз йўналишини ўзгартирса, оловни тўхтатиб қолиб овчиларга ёрдам бериши керак эди. Бақалоқ пакаса ва уч нафар латиф оху бўйларини чўзиб ўт-ўланлар орасидан мўраладилар, улар овчиларни кўрибоқ, дарҳол яшириндилар. Овчилар уларга ҳеч эътибор бермадилар, чунки жониворлар вақти келиб, иссиққа тобу тоқат қилолмай, ўзлари ўлимга пешвоз чиқадилар.

Бирдан дарё бўйлаб чўзилиб кетган тақир ерларда оловдан қочиб кетаётган минглаб сичқонлар тўдаси пайдо бўлди. Улар жон-жаҳдлари билан чийиллаб қочишарди.

— Шамол ўнг томонга эса бошлади!— деб хитоб қилди овчилардан бири.

Уқ овози эшитилди, соҳилда турган овчилар милтиқ ва найзаларини қаттиқроқ ушлаб олдилар. Борган сари шамол оловни яқинроқ ҳайдаб келарди, дарахт тепасига чиқиб олган овчи одамларни дарё томон югуриб келаётган пакасалардан огоҳ қилди. Матембеле милтигини дарахт айрисига ўрнатиб олиб, милтиқ тепкисини кўтариб қўйди-да, отишни мўлжаллаб ўтлар орасига равм солди.

Пакасаларнинг дўпири эшитилди. Кўкатзор ичидан даставвал қочиб чиққан ҳайвонлар овчиларни кўриб саросимага тушдилар ва орқага чекиндилар. Лекин барибир уларнинг тузоққа тушганларини овчилар билардилар, шунинг учун қувониб кулиб юбордилар.

— Олов ҳали узоқда, улар бўлса қўрқадилар-а!— қичқирди Матембеле.

— Олов яқинлашмоқда!— деб қичқириб юборди овда қатнашиш учун дарахтдан тушаётган ўспирин.

Борган сари ҳарорат кўтариларди. Одамларнинг бадани худди мой суртилган бронзадек ярқирарди. Юксакка ўрлаётган тутундан осмон қоп-қора тусга кир-

ди. Аланга яқинида ортиқ туриб бўлмасди. Қуёнлар инларини ташлаб сакраб-сакраб қирғоқ томон қочишар, дарёдаги қамишлар орасида жон сақлашга умидвор эдилар. Оҳу болалари тутун ичидан югура чиқиб қўрқув ва ваҳимадан ўтакалари ёрилиб, чалажон ҳолда йиқилишар эди. Бу митти ҳайвонларга овчилар ўқ сарф қилмай, тўғридан-тўғри найза санчиб ўлдиришарди.

Ялангликка энди бошдан-оёқ ўт кетганди. Тутун шу қадар қуюқ эдики, овчилар бир-бирларини кўра олмас, фақат уларнинг овози ҳар ёқ-ҳар ёқдан эшитилиб турарди. Кекса Матембеле овози борича, амри фармон қиларди. Лекин тўсатдан ундан ҳам баландроқ таниш овоз эшитилди. Тутун қуюқлигидан атрофни яхши кўриб бўлмаса-да, ҳамма Думба-иа-Квило қайтганини пайқади.

Матембеле, Думба-иа-Квило қайиқдан соҳилга ирғиб тушганини илғади. У яна эшкакчи билан бир аёлни қайиқда қирғоқдан ироқлашиб кетаётганини ҳам кўрди-да, Думбага жимгина қараб қўйди.

— Бу Луежи, хотиним, Камбаши қизи, Иакали қабиласидан,— деди кулганча ёш овчи.

Қария кулиб юборди:

— Омадинг келибди! Иакали қабиласидаги аёллар сенга ўхшаш жасур овчиларни севадилар!

Шамол ҳайдаб келган олов тўлқини худди улар олдига келиб узилди-қўйди. Аччиқ тутун ва оловдан кўзлари юмилиб қолган баҳайбат пакаса уларга қараб югуриб кела бошлади. Улар четга чекинишга мажбур бўлдилар. Тутун кўз очиргани қўймас, қария нима қилаётганини билмай, дарахт панасига ўтиб олди. Думба-иа-Квило эса бу вақтда энгашиб, қўлидан тушиб кетган милтиғини қидирарди.

Қуёшда қовжираб ётган баланд бўйли ўт-ўланлар чирсиллаб ёнарди. Отишмани эслатувчи бу овозлар одамларнинг ва олов ичида қолган ҳайвонларнинг инграган овози билан қўшилиб кетди. Шамол овчиларга кул ёғдирди.

— Ҳо! Думба-иа-Квило! Ҳо! Думба... Ҳо!— деб қичқирди Матембеле қўлидаги милтиқни қисиб. У ўтлар орасидан чиқиб келаётган қоплонни кўриб қолган эди.

Қоплоннинг қонга тўлган каттагина кўк кўзлари ярқирарди. Унинг ўсиб кетган юнги оловда куйган эди. У тўппа-тўғри дарё лабида турган қуролсиз Думба-иа-Квилога қараб келарди. Қоплон бир оз тўхтаб, худди ёниб турган ўтлоқ ичига киргиси келгандек, ортига ўгирилди. Унинг даҳшатли ўкириши атрофни ларзага солди ва барча овозларни босиб кетди. Бирданига қоплон овчига ўгирилиб қаради ва унга тикка ташланди. Думба-иа-Квило милтиғини топа олмаганидан қўлидаги пичоғини маҳкам ушлаб, йиртқич билан олишиш пайида дарёга тушди. Қоплон сакрашга шайланган вақтда Думба-иа-Квилонинг оёқлари соҳилдаги ботқоқликка ботиб қолди. Унинг қўли тепага кўтарилиб, пичоқ қоплоннинг кўз олдида ярақлаган кезде ўқ овози, ундан кейин даҳшатли товуш эшитилди.

Матембеле қоплонга ўқ узиб уни ўлдирган, милтиғи ҳамон қўлида эди. Унинг кўзлари даҳшатдан катта очилиб, соҳилга тикиларди. Думба-иа-Квило ботқоққа ботган пайтида тимсоҳ уни ютиб юборган эди. Матембеле нима бўлганини ҳалигача англолмай, ҳайратланганидан турган еридан қўзғалмай қолганди. Қария бор воқеани ўз кўзи билан кўрган бўлса-да, нима бўлганлигини тушуна олмай, ҳайрон бўлиб турарди. Кўзига кўринган рўени ҳайдашга уринаётган одамдек, қўллари билан кўзини юмиб, дарахт тагига бориб ўтирди.

V

Қуёш тутун буруқсаётган яланглик ортига ўтди. Соҳилда, олов тўхтаган ерда ўқ тегиб қаро қонига беланган ҳайвонлар узала тушиб ётишар, овчилар эса ёнғин ўтган ерлардан келаётган ҳовурдан ҳансирар эдилар. Улар ҳам ерга узала тушишган эди.

Ҳамма жимжит. Овчилар бирин-кетин ўрниларидан туриб, қирғоқдан сув ичиб, баданларига теккан қон ва қоракуяларни ювишгач, дарахт тагига йиғилдилар. Шундан кейин Матембеле уларга Думба-иа-Квило, қоплонни отиб ўлдириб, ўзи дарёга йиқилиб, ҳалок бўлганини сўзлаб берди.

— Ростданам қоплонни ўзи ўлдирдимми?— деб сўрашди ҳаммалари бирваракай.

— Ҳа, ўзи ўлдирди!— деб ёлғон сўзлади қария, Думба-иа-Квилонинг милтигини узатар экан,— мана, қоплон ер тишлаб ётибди.

— Балки уни тимсоҳ гумдон қилиб юборгандир?— деди овчилардан бири чолга синовчан боқиб.

— Йўқ! Ўз кўзим билан кўрдим. У шундоққина соҳилда туриб ўқ узди, сўнг оёғи тойиб кетиб, сувга йиқилди. Буни ўз кўзим билан кўрдим, халойиқ!

— Думба-иа-Квило жасур овчи эди!— деди овчилардан бири ғамгинлик билан.

— У жуда ёш кетди. Халқ уни унутмайди. У шердек довюрак эди. Аёлларимиз энг яхши овчимизга аза очишади, унинг энг яқин дўсти Сапала бўлса Думба-иа-Квило шаънига қўшиқлар тўқиб, тарихини одамларга сўзлаб беради.

Матембеле чурқ этмасди. Ахир, ўғлидек яхши кўрган, энг яхши овчи Думба-иа-Квилонинг шармандаларча ҳалок бўлгани биргина унга маълум эди-да.

«Қандай гуноҳи учун унинг жасади шу муаззам дарё тубида ётиши керак?!— дер эди ташвишланиб ўз-ўзига қария бош чайқаб.

Матембеле бўлиб ўтган воқеани эслаб виждон азобида қийналар эди. Нега қоплонга ўқ узди? Нечун у Думба-иа-Квилога даҳшатли ҳайвон билан яккама-якка жанг қилмоққа имкон бермади? Шундай қилса, эҳтимол, шармандали ўлимга уни дучор қилмасмиди! Чол қаттиқ қайғурарди-ю, аммо ҳеч кимга оғиз очмасди. Лекин у дилида Сапалага шундай гўзал қўшиқ тўқишни буюришга аҳд қилдики, токи Думба-иа-Квило жасоратини абадийлаштирадиган бу қўшиқни барча қари-ёш қуйласин.

Бўм-бўш бўлиб қолган соҳилни тари этиб ўлжаларни олиб кетишдан олдин овчилар ноғора чалиб, халқ фарзанди Думба-иа-Квилонинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганини ҳаммага маълум қилдилар. Нариги қирғоқда ғариб бўлиб қолган Луежи ноғора садосини эшитди. У ўз бадбахтлигидан ва дўстининг фожиали ўлиmidан ўкиниб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Ҳа, жасур овчилар-

ни севишга аҳду паймон қилган барча гўзал хотинларнинг қисмати ҳамиша мана шунақа ачинарли бўлган...

VI

Иакали қишлоғидаги аёллар овдан қайтаётган эркакларни олисдан кўрган бўлсалар-да, Думба-иа-Квилло ҳалоқ бўлганлиги сабабли уларни муборақбод қиладиган қўшиқларни айтмадилар.

Бу кеча ҳеч ким батуки рақсига тушмади, ҳеч ким овчиларнинг қаҳрамонона ишларини мадҳ этувчи қўшиқларни куйламади. Фақат ногора садолари бетиним нохуш хабарни атрофга тарқатиб турди.

Оқсоқол қоплонга қўлини теккизиш у ёқда турсин, уни кўришни ҳам истамади. У қоплон жасадини мулемба дарахтининг барглари билан ёпишни буюрди. Бу кеч сўнгги овдан келтирилган гўштларни ҳам ҳеч ким татиб кўрмади. Қаллаи саҳарлаб мотамзада қишлоқ узра кун кўтарила бошлаганда, оқсоқол қоплон жасадини дафн этишни буюрди. Уни дафн этиш учун барг тўшалган тахтиравсига ётқизиб, устига япроқлар ёпиб, муқаддас қуш патлари билан зийнатлаганча йўл чеккасидаги қабрга елкаларида олиб кетдилар. Думба-иа-Квилони шарафловчи мотам рақсига ўйнамоқчи бўлиб овчилар қишлоққа қайтганларида, кекса Матембеле ўз гуноҳини ювиш учун ибодатхонага кетган эди.

Мўйсафид шу тариқа худолар қаҳридан халос бўлишни ва Думба-иа-Квилонинг руҳини қутқаришни ўйлар эди. Охир-оқибат унинг руҳи ов яздонлари паноҳида ором олсин!

ҚАСОС

Одамлар қуёшга орқа ўгириб уй-уйларига бормоқда эдилар. Ҳали қишлоқ кўринмасди. Лекин улар жар ёқаси тепасида қад кўтарган таниш кулбалар ўзларининг серқиррали томлари билан ҳадемай кўзга ташланиб қолишларини яхши билар эдилар. Овчилар катта-катта қадамлар билан йўлни ўлчаб олдинда боришарди. Улар ортидан елкаларида узун таёқлар кўтариб,

сўйилган оху танасининг оғирлиги таъсиридан қаддиларини эгиб, юкчилар борарди. Уларнинг кетидан эса бошларида сават ва хумча кўтарган болалар тизилишганди.

Тизза бўйи келадиган ўтлар орасидан илонизи бўлиб кетган ёлғизоёқ йўлда томиб қолган қон томчилари кечки иссиқ ҳавода дарҳол қуриб қоларди.

Орқа томонда, кўзга зўрға кўринадиган кунботар ёқда қуёш ўзининг охириги ўтлари билан осмон этагини жизғанақ қиларди. Одамлар олдидаги қирмизи йўлда узундан-узун соялар ётарди.

Олдинда кетаётган карвонбошининг дўриллаган овози дашт узра ҳукм сураётган сокинликни бузиб юборди. Ҳаммалари бош кўтариб, умид билан олдинга қарадилар. Улар юксак тикка ўрлаб осмонни қоплаётган тутунни кўрдилар. Одамлар жадал юра бошладилар. Улар қоронғи тушгунга қадар қишлоққа етиб олишлари керак. Даштда тунаб қолиш хатарли эди. Ҳеч ким ўз ўлжасини шер ва қоплонлар билан баҳам кўришни истамас эди.

Бу одамлар олис Шикап дарёси қирғоқларидан келардилар. Бугун эрталаб улар ўша ердаги ўрмон яйловларида, дарё соҳилларида жуда баракали ов қилдилар. Улар дарё соҳилига сув ичгани келган ҳайвонларни қийратар эдилар. Уларнинг шодиёна қийқириқлари ҳалок бўлаётган ҳайвонларнинг жон аччиғидаги инграшлари билан қўшилиб кетарди.

Ов тугагач, улар гулхан ёқиб, унинг атрофига ўтирдилар. Чала пиширилган гўшт еганлари учун уларнинг қўл, юзларига қон теккан эди, чанқасалар дарёдан ҳовучлаб сув ичишар ва ёлғиз бир чилимни ҳаммалари галма-гал чекишар эди. Сўнг улар аёллар ҳақида ва ов тўғрисида суҳбатлашишар, қоринлари тўқ бўлганлари учун мамнун кулишарди.

Улар жасур, ўлимдан қўрқмайдиган киок эканликларини чор атрофга маълум қилганларича сарғимтил текислик узра борардилар.

Ов жасорати ҳақидаги жанговар қўшиқни баралла айтиб, жонажон қишлоқларига кириб келдилар. Халқ наврўз байрами учун гўшт келтирган овчиларни олқишлаб кутиб олди.

Яқин вақтларгача оқсоқолнинг қули бўлиб келган ёш овчи Гуло тенгқурлари томондан, энг чаққон ва жасур овчи деб тан олинганда одамлар уни мақтаб кўкларга кўтаришди. Гуло эса уларга кулиб боқар, мамнунлигидан кўзлари чақнарди.

Аёллар эса унинг атрофида гирдикапалак бўлиб, бугунги овда шердан ҳам, қоплондан ҳам қўрқмаган ёш жасур овчини шарафлаб қўшиқ айта бошладилар.

Гуло олқишлаётган аёллар орасида Самбани кўрди. Гулога унаштириб қўйилган бу қиз азамат овчига зимдан боқиб ибо билан жилмаяр эди. Қизнинг орзуларга тўла намхуш кўзлари даъватнок чақнарди. Одамлар тарқалгач, йигит қизни бағрига босиб, уни наврўз байрамига таклиф этди.

Тун қаро чодирини ялангликка тиккач, қишлоқ гулханлар билан ёришди. Улар майдонларда ва кулбалар олдида ловиллаб ёниб турар эди.

Гулханларнинг қизғиш ёғдусида одамлар ҳам қизғиш тусда кўринарди.

Гулхан атрофида йиғилиб ўтирган киоклар ўз тақдирлари сингари қачонлардир бўлиб ўтган қора воқеаларни сўзлашиб ўтиришарди. Бир кекса овчи бошидан ўтган бир воқеани эслади, чунончи, у дарё соҳилида, отиб ўлдирган оҳусини тайёрга айёр бўлиб қоплон олиб қўймоқчи бўлганида овчи қоплон билан олишиб, ўз ўлжасини қоплоннинг чангалидан тортиб олганини ва бу олишувдан хотира бўлиб ўша овчининг орқасида қоплоннинг тирноқ излари тушиб қолганини гапирди ва яра изларини кўрсатди. Кимдир шер олиб кетган овчи тўғрисида, ўша бечорадан энди ном-нишон ҳам қолмаганини сўйлаб берди. Бир қайиқчи эса машъум тунни эслади. Ўша кечаси бахтсизлик ва сув яздони Замби-иа-Мейа ўз чақмоғи ва момақалди роғи билан Шикап дарёси тепасида пайдо бўлиб, қайиқдагилар тугул соҳилдагиларни ҳам маҳв этганини ҳикоя қилиб берди.

Бошқа ҳикоячи киоклар ҳам қизиқарлироқ воқеа айтиш учун навбат кутиб ўтиришарди. Мана, қартайганлиги сабабли қўлига ҳасса тутган оқсоқол Календенде ҳам гулхан олдига базўргина келиб тўхтади. У ўтирганларга хира тортган кўзлари билан қараб чиқ-

ди, ҳаммалари жим бўлиб қолганди. Шундан сўнг кекса оқсоқол худди ибодат қилаётган одамдек қироат билан гапира бошлади. Аслида у ўз тобеларини кўпинча гуноҳкорликда айблаб таъна қилар, уларни номаъқул иш қилганлари учун лаънатларди. Одамлар оқсоқолга ўз норозилиklarини билдирмаслик ниятида бошларини хам қилиб ўтиришар эди. Гуло тишини-тишига босиб, белида осиглиқ турган пичоқ бандини маҳкам сиқди. Гуло қачон бўлмасин оқсоқолнинг овозини эшитса ёки уни кўрса, ёски яраси янги бўларди, чунки у оқсоқолга маҳрамлик қилган кезларида бекордан-бекорга қамчи билан саваланарди. Оқсоқолга нисбатан зарра гуноҳи бўлмаса ҳам азоблардилар, негаки, оқсоқолнинг буйруғи шу! Еган калтаклари эсига тушса ғазаблангандан аъзойи бадани қалтираб кетарди. Мана энди оқсоқолнинг овозини эшита туриб, назарида, қариянинг ҳар бир сўзи унга гурзи зарбидек туюларди. У қўлидаги пичоқни жаҳл устида оқсоқолга санчиб юбормаслик учун орқасига яшириб турарди. Оқсоқол гапини давом эттирар, Гуло эса унга қайрилиб қарамасди ҳам.

«Шу бугун уни саранжом қиламан»,— деди у ўзи-га-ўзи ва азбаройи лабини қаттиқ тишлагандан қон чиқиб кетди. Оқсоқол Календенде ўз таъна-тазаррусини айтиб бўлгач, тобеларига хайрли тун тилаб кета бошлади. У жуда кексайиб қолганлигидан ўз хотинлари билан наврўз байрамига боришга мадори етмас эди.

Қари оқсоқол ўз кулбасига қараб базўр одимлаб кетди.

Одамлар уни дардим ичимда, лабларим хандон қабилида кузатдилар.

Биргина Гуло кулмасдан тураверди. У қора тун қаърига ғамгин боқиб, узоқдан келаётган шаршара товушини тингларди. Қишлоқ ортида тубсиз кўз илғам жарликда тошлоқ ўзан бўйлаб Шиже дарёси айқириб оқарди. Жар ёқасида олис ялангликка қадар чўзилиб кетган ўрмон ёстаниб ётарди.

Ниҳоят, қишлоқ узра ноғора товушлари янгради, одамлар ўрнларидан турдилар. Гулхан алангаси янада баландроқ ёна бошлади, уларнинг баланд ёрқини

батуки рақси бошланганидан дарак берарди. Кекса Календенде оқсоқоллик қилаётган бу қишлоқда бу тун муқаддас эди.

Осмонда пайдо бўлган булутлардан қоронғилик қуюқлашган бўлса-да, халқ шоду хандон рақсга тушарди. Гуло ҳаммадан кейин даврага қўшилиб қўшиқ айта бошлади. Унинг овозида кўпроқ нафрат ва ғазаб оҳанги тантанавор жарангларди.

Ой булут қатламини ёриб, йўлларни нурафшон қилганида, ноғора товушлари тинди ва одамлар ҳам қўлларига машъала олиб, аёлларни қучган ҳолда ҳайдалган далага равона бўлдилар. Самба ҳам Гуло билан бирга ўша ёққа жўнади.

Тонг ёриша бошлаганда одамлар ноғоралар садосидан уйғониб кетишди. Улар бош кўтариб, ноғоранинг хавотирли садосига қулоқ тутдилар ва чор-атрофдан: Оқсоқолни ўлдириб кетишибди!» деган хитоблар эшитилди.

Халқ қишлоқ сари югурарди. Хотинлар обидийда қилар, эркаклар оқсоқолни хуш кўрмасалар ҳам негадир, ўкирар эдилар.

Самба ноғоралар садосидан чўчиб уйғонди. Унинг ёнида Гуло йўқ эди. Қўрққанидан юраги орқасига тортиб кетди ва севгилисини қидириб топиш учун тўрт ёққа зир югурди, лекин ҳеч ким ундан хабар бермади.

Бўғизланган оқсоқол кулба яқинидаги бўйрада ҳаракатсиз, очиқ қолган кўзлари билан осмонга тикилганча ётарди. Киюклар оқсоқолининг давлат рамзи бўлиб ҳисобланган пичоқ эса унинг ёнгинасида қондан дами унниқиб кетганди.

Бирдан осмонда қоп-қора булутлар пайдо бўлди. Ёруғлик ўрнини қоронғилик эгаллади. Кетма-кет чақмоқ чақиб, ёмғир қуйиб берди. Одамлар қўрққанидан уй-уйларига кириб кетишди. Биргина Самба ўз Гулосининг дардида ёмғирда дайдиб юрарди. Кекса оқсоқол Календенде ҳамон ўша аҳволда бўйрада ётарди, бироқ пичоқ дамида энди қон юқи йўқ, уни ёмғир ювиб кетганди.

Дам-бадам момақалди роқ гулдираб, осмонни шиддатли чақини билан ёритиб турарди. Мана, қишлоқ чеккасидаги ёлғиз дарахтга яшин тегди, Самба қўр-

қиб, ўзини бошқа томонга олди. Унинг қичқирган овози бошқа хотин ва эркакларнинг оқу фиғони билан қўшилиб кетди. Ғаддор шамол енгил-елпи қурилган кулбаларни вайрон қилди. Самба бўлса ҳушсизларча югурди.

Унинг қулоғи одамларнинг дод-фарёдини эмас, фақат олис-олислардан, Шиже дарёсидан келаётган овозни эшитарди. Бу дарёда яздон Замби-иа-Мейа яшарди.

Момақалдироқ бўлган кечаси яздон одамларни ўз ҳукмронлиги остидаги кишварга чорлашни Самба биларди. Ҳозир эса у қизни Гуло овози билан висол ваъда қилгандай чақирарди.

Кучли шамол Самбани ерга қулатди. Бу қўрқинчли ердан эмақлаб бўлса ҳам чиқиб кетишга ҳаракат қиларди у. Лекин туришга мажоли йўқ эди, кўз олди қоронғилашганди. Тўсатдан Самба кимнингдир баданига тегиб кетди ва беихтиёр уни ушлаб олди. Чақмоқ тагин тун қаърини ёритганда қиз оқсоқол жасадини қучиб турганини пайқаб қолди. Утакаси ёрилаёзган қиз қичқирганича орқасига қарамай қоча бошлади. У беихтиёр юриб борарди... Бу нима ўзи? Гулонинг овозими? Унинг бутун жисми қулоққа айланганича турган ерида қотиб қолди.

— Эҳей...— деб қичқирди қиз. Унга жавобан тубсиз жар қаъридан акс садо эшитилди. Бу яздон Замби-иа-Мейа бўлиб, қизга яна Гуло овози билан жавоб берган эди.

Шамол қизни олдинга, борган сари олдинга итқитарди. Сув ва офат яздони ҳамон уни чақирарди...

Самба бор овози билан: «Шошмай тур! Шошмай тур!» деб қичқираиб юборди.

Жасур ва тажрибакор овчи Гуло тоғ оралигидаги дарада уни сабрсизлик билан кутаётганлигини биларди.

Самба телбаларча қаҳқаҳа уриб, жар ёқасига югуриб келди-да, гувиллаб турган тубсизликка ўзини отди.

Эртасига қуёш жарлик тепасига келганда, қабила одамлари пастга тушиб, тезоқар Шиже дарёси бошидаги қоялар қондан қип-қизил бўлиб кетганлигини кўрдилар.

Улар оқим бўйлаб бориб, тош узра оқаётган сув бе-

тида тарқалиб кетаётган қон қуйқасини ҳам пайқаб қолдилар.

Уша-ўша бу ерларга киок боласи қадам босишга журъат этолмас эди. Аммо Замби-иа-Мейя яздони билан Самба, Шиже дарёсида қовушгани ҳақидаги, ичишга суви ман қилинган «қон дарёси» ҳақидаги афсона халқ хотирасида абадий яшайди.

ҚУРБОНЛИК

I

Оқсоқол Мваунгве жуда диққат билан тингларди. Унинг кўзлари ғамгин, азоб-уқубатдан оғзи қийшайиб кетганди. Донғи кетган кекса жодугар эса унга маслаҳат берарди.

Мваунгве кулба бўсағасидаги бўйрада чордана қуриб ўтирарди. Унинг яланғоч баданига қизғиш лойдан турли шакллар суртилган эди. Қорнидан пастига фақат пўстак ташланганди. Унинг бўйнида шода-шода турли рангдаги мунчоқлар осилган бўлиб, ўртасига турли тутатқилар билан ўралган оҳу шохи боғланган эди. У бу туморни қачонлардир Луити дарёси соҳилида яшаган бир жодугардан олган эди.

Теварақда оқсоқолнинг хотинлари жодугарнинг афсунига қулоқ солиб, қўрққанларидан дағ-дағ титраб ўтиришарди. Бироқ на оқсоқол ва на унинг бирорта хотини жодугарнинг бу аврашларига тушунишмасди, чунки ҳар бир жодугар ва табиб ўз афсунини сир тутарди. Улар ҳамиша ноаниқ ибораларни ишлатишарди, жодугарликка ўзини бахш этган одамлардан бошқа ҳеч ким уларнинг гапларини тушунмас эди. Шу тариқа сеҳргарлар оми халқнинг ҳурматини қозонар, ҳар доим уларни қўрқувда сақлардилар.

Хотинлар савол назари билан чолнинг гапини тушунишга, жуда бўлмаса гап нима ҳақда кетаётганлигини англашга ҳаракат қилишарди. Ваҳима борган сари одамларнинг қалбини ларзага соларди.

Бир лаҳза бўлса-да, афсунгар бемордан кўз узмай, салмоқлана-салмоқлана дуо ўқирди.

Оқсоқол Мваунгве йигитлар мукандадан — «эрлар

мактабидан» қайтишган пайтида тўсатдан оғриб қолди. Эркаклар қаторига қўшилиш шарафини ноғоралар ўз садолари билан маълум қилишди.

Йигитчалар бир меъёрда чапак чалиб ва яланг оёқлари билан ер тепиб муканда яздонини олқишлаб, қувноқ қўшиқ айтишарди.

Улар қўшиқ айтиб, рақсга тушишар, лекин ҳеч нима оқсоқол жонига ора кирмасди.

Маросим охирларида топталган муканда майдонида ўн икки нафар жасад ётарди. Улар дарахт пўстлоғи ва япроқларга ўралган эди, кейин бу жасадлар дарёга улоқтирилди. Муканда синовларида ҳалок бўлганлар туғилганларида олган номларини ҳам йўқотиб, ҳали эр исмига мушарраф бўлмасдан «муқаддас қабрга» риҳлат қилардилар. Эркак даражасига кўтарилмаган йигитчалар шу тариқа номсиз ва исмсиз нобуд бўлардилар.

Бу йил муканда майдонидан фақат ўн чоғли ўспирин қайтди. Қолганлари Лубало дарёсига ғарқ бўлдилар. Яздонлар ожиз таналарда имиллаб яшаётган руҳларни, муканданинг биринчи синовларидаёқ асфаласофилинга жўнатган эдилар.

Ҳалок бўлганлар қаторида оқсоқолнинг катта ўғли ҳам бор эди. У қотмадан келган бўлиб, кўзи дурустгина кўрмас, боз устига нимжон эди.

Ун нафар йигит қишлоққа қайтганида, бўлиб ўтган воқеадан хабар топган халқ уввос солиб юборди. Бу оқ-фиғон бевақт ҳалок бўлганлар учун эмас, балки халқ бунда яздонларнинг қаҳрини кўрди.

Яздонлар бу ўғлонларни ўз ҳимоясига олмади, ҳатто оқсоқолнинг илтижоларига ҳам қулоқ солмади.

Ваҳоланки, халқ унга нақадар эътиқод қилган эди!

Қариялар жуда ғамгин эдилар. Аёллар эса кулбаларидан чиқмай худога сиғинишар, кўз ёши тўкишарди. Эркаклар жимгина тамаки чекиб, жиғибийрон бўлишарди.

Қоронғи тушгач, ноғоралар садоси эшитилди. У қабила бошлиқларини қароргоҳга даъват этаётган эди.

Буни эшитган халқ ваҳимага тушди. Фақат гўдаклар ҳеч нарсани тушунмай, қўллари қалтираётган оналарига жилмайиб боқардилар. Оқсоқол энди юртни ол-

дингидек бошқаролмаслигини одамлар яхши биларди. Энди фақат энг донишманд қарияларгина қабилага бош бўлишлари мумкин. Қариялар жуда қаттиққўл, қабиланинг эски урф-одатларга кўра яздонларга қурбонлик қилиб туришларини талаб этишади.

Тун қоронғисида аёллар бирин-кетин ғойиб бўла бошладилар. Улар шоша-пиша ибодатхонага бориб, қўлларини кенг ёзиб: «Шу фақирона ҳаётда бусиз ҳам халқ аёвсиз жабрланган, уни ўз паноҳингга ол», — дея яздонларга ёлворишарди. Улар ҳам сизини-шар, ҳам кўз ёш тўкишарди, чунки нола қилиш ва йиғлаб-сиқташ — бу ожизаларнинг бирдан-бир таянчи.

Ўз эркидан ажраган ва таҳқирланган бу бечораларни ана шу қўрқув ибодатхонага олиб келар, қишлоқларига оралаган нопок руҳларни ҳайдаб чиқаришда уларнинг бор умиди олиҳиммат яздонларда эди. Одамларнинг арзимас тақдири ҳозир шу қудратли руҳларнинг курашига боғлиқ эди...

Улар пок ниятли руҳлардан умидвор эдилар. Лекин бу бахтиқаролар нимани кутаётганликларини ўзлари ҳам билмас эдилар. Улар фақат бир нарсани билишарди, холос, у ҳам бўлса, мисли кўрилмаган ғаройиб ҳол бўлиши керак. Ноғоранинг гулдурак овози уларга бу ҳақда хабар берарди.

Аёллар уйларига қайтганларида, қариялар қароргоҳга йиғилиб бўлишган ва гулхан атрофида чордана қуриб ўтиришарди. Кулбалар эшиги беркитилди. Одамлар кўзларини юмиб, қўллари билан қулоқларини беркитганча мукка тушиб ётардилар.

Шу вақт қароргоҳда қарияларнинг энг кексаси гап бошлади. Унинг овози хатарнок эди:

— Еримиз хароб бўлди. Аёлларимиз бундан кейин ҳеч қачон қўчқордай ўғил туғмайдилар. Кимки бу ерда қолса, у ўлимга маҳкумдир!

Чол жим бўлди ва хира тортган кўзларини гулханга тикди.

Аммо узоқ жимликдан кейин бошқа қария шундай деди:

— Муқаддас мулемба дарахтлари ҳали қуриганча йўқ, — ўтирганларга бир-бир кўз югуртириб чиқди.

Ҳеч ким қуйи солган бошини кўтармади. Оғир сукунат ҳукм сурди.

— Балки қолишимиз мумкинди? — деб илова қилди қария суст овоз билан.

— Нима?.. — деб сўради энг кекса одам.

— Ахир, мулембалар қуриб битгани йўқ-ку, — деб пичирлади бошқа биров.

Шундагина у нима демоқчи бўлганини ҳамма тушунди, чунки ҳаммалари ҳам худди шу фикрда эдилар. Лекин ҳеч ким ўз фикрини баралла овоз чиқариб айтишга журъат эта олмасди. Муқаддас мулемба дарахти ҳали қуриб қолмаган эди, демак, ҳали бу ердаги ҳаётдан умид қилса бўлади. Демак, ер ҳали чўлга айланган эмас.

Унинг шарбати фақат муқаддас мулемба дарахтинигина эмас, ҳатто экинзорларни ҳам ям-яшил этиб туришга қодир. Ерга офат етмаган. У фақат одамлар бошига фалокат етказган. Яздонлар қаҳри фақат бандаларга тегишли.

Худонинг ердаги қаттиққўл ноиблари қабила тақдирининг хоқонлари, одамларнинг сукут сақлаб ўтиришларини шундан деб билардилар,

Шундан кейин қариялар ўрниларидан лом-мим демай турдилар-да, бемор оқсоқолникига қараб равона бўлдилар.

II

Оқсоқолнинг сўнгги қарори ҳақидаги хабар худди қатл ҳукмидек қишлоққа ёйилди. Мваунгве яздонлар қаҳрини қайтариш учун қабила одамларидан бирини қурбонлик тарзида ўлдириш истагини билдирган эди.

Халқ унинг қароридан ёқа ушлаган, боз устига ҳеч ким ўлишни истамасди.

«Қишлоқдан чиқиб кетсин ўзи, — деб дўнғилларди одамлар, — ўрмонга бориб яздонларга ўзини қурбон қилсин». Баъзи одамлар оқсоқол агар ўз халқидан шунчалик норози бўлса, лундаликларнинг ёвуз душмани бўлмиш киоқлардан ёрдам сўрасин, бекордан-бе-

корга гуноҳсиз одамни қатл қилишнинг нима ҳожати бор, деб уни калака қилишарди.

Одамлар бу гапларни тамоман қўрқувда бўлганлари учун гапиришарди. Уларнинг энг қўрқоқлари ҳам кулба теварагига хотинларини йиғиб, табибнинг гапларини тинглаб ётган оқсоқолни орқаворатдан аста сўкиб қўяр эдилар.

Одамлар ўз кулбалари яқинида ва қароргоҳ олдида тўп-тўп бўлиб туришарди. Улар бу хилдаги қурбонликдан норози эдилар. Шу вақт муканданинг бош коҳини, коҳинларнинг энг баттоли ва энг шавқатсиз мукише Калелуа бирдан пайдо бўлди-да, ёвузона қичқирди.

Калелуа фақат катта бахтсизлик рўй бергандагина қишлоқларда ҳозир нозир бўлишини билган одамлар бир зумдаёқ сичқоннинг инини минг танга қилиб юборишди. Қишлоқ ўртасида тик турган мукише, халққа қараб: — Яздонлар қурбон берилишини кутиб туришибди, — деб дағдаға қиларди. Баттол чол қандай тез келган бўлса, яна шундай фурсат ичида кўздан ғойиб бўлди. Одамлар тагин ўз кулбаларидан ташқарига чиқдилар.

— Улар бизнинг ва болаларимизнинг қонини ичмоқчилар! — жавради бир кампир, ваҳоланки уни ҳамма эсипаст деб ҳисобларди! У қўлини осмонга кўтарганча, кўзини чирт юмиб, яна бир нималарни овози борича айтди.

— Овозингни ўчир, жодугар! — қичқирди унга ёш овчи. У бугун ўз қаҳрамонликларини унутиб, шайтон қаршисида турган боладек дағ-дағ титрар эди.

Донғи кетган бу довурак қаҳрамоннинг шунчалик қўрққанини кўрган одамлар кулиб юборишди ва ҳаммалари бир зумгина жаҳлдан тушдилар. Оқсоқолнинг иззатини ўрнига қўйиб юрган бир одам тўпланганларга шундай деди:

— Калелуа қурбонлик талаб этапти. Биз эса ожизмиз. Яздонлар нимани хоҳлаётгани биздан кўра уларга аён. Бизнинг қўлимиздан ҳеч нима келмайди. Бошимизга оғир мусибат тушди.

— Ҳа, бошимизга оғир мусибат тушди, — деб такрорлашди одамлар.

III

Майдон атрофидаги гулханлар алангаси баланд кўтарилиб, қароргоҳни қишлоқ яқинидаги дарёдан эсаётган шиддатли шамолдан оз бўлса-да, тўсмоқда эди.

Қароргоҳ атрофига тўпланган одамлар чурқ этмай туришарди. Ичкаридаги гулхан атрофида оқсоқол, маслаҳатчилар ва қариялар ўтиришарди.

Қишлоқ аҳли жамулжам бўлгандан кейин тантанали вақт бошланди. Одамлар тақдири олдиндан белгилаб қўйилган бўлганлиги учун уни ҳеч ким ўзгартиролмасди, чунки у одамлар ихтиёрида эмас эди.

Шамол дам-бадам гулхан алангасини лопиллатар ва унинг овози қишлоқ бўйлаб гоҳ хатарли, гоҳ дарғазаб тараларди. Одамлар ваҳима ва совуқдан сақланиш учун бир-бирларининг пинжига кириб ўтиришарди.

Қароргоҳ ичкарисига қарияларнинг энг кексаси ўқтин-ўқтин оҳ чекиб секин гапирганлигидан, ташқаридагилар тугул ҳатто ичкаридагилар ҳам унинг нима деяётганини англамас эдилар.

Лекин бу ерга йиғилганлар: «Қария қабиламизнинг қаттол қонунлари ҳақида гапирётгандир», — деб хомчўт қилишарди. Унинг гужмайган гавдаси совуқ туфайли эмас, балки ички ҳаяжондан қалтирарди.

Бахтсиз одамларнинг кўзи осмонга тикилганди, лекин унда фақат тубсиз қоронғилиқдан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Ерга эса қарагилари келмасди, чунки таҳқир этилган яздонларнинг қаҳрини юмшатиш учун қандайдир каллаварам чол қабила жонини асраш ўрнига уни жабборга бериш пайига тушган!

Худди шу аснода қора осмон бағирлаб бир юлдуз учиб ўтди. Даҳшатдан ҳамма қичқириб юборди. Улар бу нарса бахтсизлик келтиришини яхши билардилар.

Шу ваздан кўзларини юмиб, қўллари билан оғзиларини тўсганча, лаб тишлаб туришарди.

Мваунгве қароргоҳдан чиқаётганда юлдуз учганини кўрдию нафаси ичига тушиб кетди. Унинг оғзи даҳшатдан очилиб, кўзлари қинидан чиққудай бўлди. Шамол ҳуштаги эшитиларди фақат. Ниҳоят, итлар акиллай бошлади. Одамлар бир-бирларига янада зич-

роқ ўтириб олишди. Шўринг қурғурлар нафас олишга ҳам ҳайиқишарди.

Кулба ичкарасида чўчинқираган гўдаклар оналарига осилиб йиғлашарди.

Бирдан кимнингдир уввос солиб йиғлаган овози эшитилди. Гулханлар алангасида ёришиб турган майдонга қоронги тун қаъридан ялонғоч аёл югуриб чиқди. У қўлларини олдинга узатиб, худди ўзини ўтга ташламоқчи бўлгандек гулхан томонга югурди.

— Мен Замбини кўрдим! Кўрдим! Кўрдим!— деб қичқирди у гулхан атрофида ирғишлаб.

Оқсоқол Мваунгве аввалига аёлни танимади. Чунки у гулхан ёруғида гоҳ ғира-шира, гоҳ яққол кўринарди.

Даҳшатдан гўё ҳамма ерга михланиб қолган эди. Аёл гулханга йиқилай деб турганини барча кўрди.

— Ушланглар уни, ушланглар!— деб қичқирди оқсоқол аёлга талпиниб. Лекин унинг оёқлари бу интилишга бардош беролмай, тизза букканича ерга қулади. У эмаклаб бўлса-да, олдинга силжишга ҳаракат қиларди. Ўтдан кўзини узмай, одамларга: «Уни ушланглар. Ушланглар уни!» деб жаврарди.

Икки киши оқсоқолга ёрдамлашди. У энгашиб бўлса-да, аёлни ушлаб олишга уринарди. Лекин аёл бадани унинг қўлидан икки марта илондек сирғалиб чиқиб кетди.

— Замби! Замби!

Аёл гулханга йиқилиб тушай деганда, эркаклардан бири уни тутиб, боши узра даст кўтарди. Тол баргидек қалтираган яланғоч аёл халққа намойиш бўлди.

— Бу Кавина!— деган сўзлар эшитилди одамлар орасидан.

Оқсоқолнинг кичкина хотинини одамлар энди танидилар. Мваунгве бу аёлни қизалоқлигида фил тишларига алмашиб олган эди. Шикап дарёси ортидан Кавинани ўғирлаб келган одамга берилган фил суяклари бир ерга тўпланса, кулба тугул тоғдан зиёд бўлиб кетади. Қиз шу қадар гўзал эдики, айтган билан барибир таърифи адо бўлмасди.

Қурғоқчилик вақтида ёғингарчилик олиб келгани учун уни халқ севиб қолганди. Ҳатто қиз шарафига қўшиқлар тўқиб айтгандилар.

Унинг қадами қутлуғ келди. Душманлар халқни безовта қилмай қўйди. Боз устига очарчилик, момақалдироқ нималигини билмай қолдилар. Ҳадеганда сув яздони Замби-иа-Мейа қурбонлик талаб қилмади. Шу тариқа бу қиз ўз хўжайини ҳукмронлигидаги барча балоларни даф этган эди.

Энди эса бу бечора қизни Камбало даст кўтариб турарди. Унинг турли гуллар билан чизиб безатилган қорни даб-бадам кўтарилиб тушарди. Чеҳрасидаги табассумдан асар ҳам қолмаган, кўзларидаги назокат ўрнини одамни қўрқитадиган қаттол ўт эгаллаган эди.

— Уни ерга қўй, — деди оқсоқол.

Камбало энгашиб, аёлни ерга ётқизиб қўйди. У кўзларини юмиб, қимир этмай ётарди. Худди жонсиздек эди. Фақат қўш олмадек кўкраклари жозибадор ва таранг эди, гўё биринчдан қуйиб қўйгандек ҳаётдан дарак бериб диркилларди.

Мваунгве чўнқайиб ўтирди-да, унинг донг қотган чеҳрасини силаб:

— Кавина! Кавина! — деб чақирди.

Қариялар оқсоқол олдиға келдилар, улардан бири Мваунгвенинг елкасига қўл ташлаб, секин, лекин қатъий овоз билан:

— Оқсоқол бундай қилиши лозиммас... — деди.

Мваунгве унга ажабланиб қаради, аммо қаршилик кўрсатмади. Қария уни қўлидан тортиб турғазди.

— Уни олиб боринглар.

Бир неча киши оқсоқолни эҳтиётлик билан қўлда кўтариб мвата-мвари кулбаси томон кетишди. Оқсоқолнинг биринчи хотини, халқ онахони Кавинанинг фарёдидан қўрққанича кулба эшиги олдида турарди. Қари мвари дармони йўқ оқсоқолни кўтариб келишаётганларини кўриб, обидийда қила бошлади ва қўлларини осмонга чўзиб, халқнинг фикрини алағ-чалағ қилган қизни қарғади.

Оломон зорлана бошлади. Улар Кавина эс-ҳушидан айрилгач, унинг ақли билан бирга бахт юлдузи ҳам сўнганлигини англаб қолдилар.

Ҳозиргина учган юлдуз туннинг чексиз қаърига кириб кетгандай, Кавинани ҳаёт қучоғидан юлқиб

тортмоқда эди. Ҳа, Кавинанинг юлдузи сўнди. Энди у бошқалар ҳаётини сира ёрита олмайди.

Қариялар Кавинани мвата-мварига топширдилар. Лекин кампиршо ҳамон телба бўлиб қолган қизни қаргашда давом этарди. Оқсоқол биринчи хотинини ҳайдаб, чўриларни чақирди ва ўзи бўйрадан базўр туриб телба қизга меҳрибонлик кўрсатди.

Тўсатдан қишлоқда бўрон бошланди. Ҳаммаёқ тўстўполон бўлиб кетди. Ёмғир томчилади. Чақмоқ чақинидан кейин гулдураган товуш ерни ларзага солди.

IV

Тонг ота бошлаганда, одамлар ўз кулбаларидан чиқиб, момақалдироқ қишлоқда қандай вайронликлар келтирганини, ер билан яксон бўлган кулбаларни, илдизи билан ағдарилиб ётган дарахтларни кўрдилар.

Одамлар вайроналар олдида тўпланиб сукут сақлаб, бир-бирларига қараб турардилар. Улар бағоятда хафа эдилар, чунки мулемба дарахтининг нобуд бўлиши катта бахтсизликдан нишона эди.

— Биз кўрмаган яна қандай фалокат қолди? — деди қандайдир йигитча титроқ овоз билан.

Нобуд бўлган муқаддас дарахт атрофига тўпланган қариялардан бири бўшашибгина шундай деди:

— Ҳамма нарса бизга қарши! Агар қурбонлик қилмасак, халқимиз тинч яшай олмайди. Кимдир қурбон бўлиши керак. Яздонлар қаҳрини фақат бизнинг қабиламиздаги жонлиқ юмшатиши мумкин.

Йироқдан бақириқ овози эшитилди:

— Ҳой, одамлар! Бу ёққа!

— Анави ерда, — дерди у нафасини ростлай олмай дарёга олиб борувчи йўлни кўрсатиб, — анави ерда бир аёл ўлиб ётибди.

Ҳамма у кўрсатган томонга қаради.

Камбало яна гап бошлади:

— Анави ерда аёл ўлиб ётибди, у бутунлай куйиб кетган, боласи эса унинг кўкрагини ўйнаб ўтирибди... — Дарё ҳаётини аллақачонлар тарк этган, ҳозирда фақат кисанже чалиш билан машғул собиқ қайиқчига Камбало ўгирилганича илова қилди:

— У аёл кимлигини биласанми, Кайонго?

Чол қатъиян бош чайқади ва шунда Камбало энгашиб, унинг қулоғига пичирлади:

— Ньякайонго...

— Эҳ!— дея қари қайиқчи унга бақрайиб қолди. Лекин бир зумдаёқ ювига лоқайдлик тусини бериб, ерга тупурди-да, тўнғиллади:— Бу ишда мен айбдор эмасман...

Ньякайонго бундан анча йиллар муқаддам унинг жуфти ҳалолди эди. Бир неча йилдан кейин у хотинини ҳайдаб юборди, чунки одамлар унга қишлоқда хотининг билан бирга бўлмаган бирорта эркак қолмади, деб гижгжлашган эди. Йўл ёқасидаги майсазор унинг танаси билан поймол этилганди, негаки, жувон ўтган-кетганларга ўз дудоғини дариг тутмасди.

Узоқ-узоқлардаги ов бекатларида йўлчилар бир-бирларига ўша аёл билан бўлиб, дон олишувлари ҳақида сўзлаб беришар эди.

Ғазабланган Кайонго Ньякайонгони дўппослай-дўппослай ҳайдаб юборганда, қариялар унинг орқасидан қаҳ-қаҳ уриб қолинган эди, чунки жувон уларга ён бермаган эди. Одамлар эса, бу аёл ҳамманики, дейишдан тоймас эдилар.

Унга нафрат назари билан қараб ҳам ҳадиксираб юрган хотинлар Ньякайонгонинг қувилганини эшитгач, қувониб кетишди. Аммо жувоннинг жозибадор табассумига, оҳу кўзларига мафтун бўлган эркаклар унинг марҳаматига эга бўлиш учун кетидан эргашардилар. Лекин Ньякайонго ўз қишлоғи эркакларини ортиқ севмасликка қарор қилган эди. У бу эркаклардан нафратланарди, чунки эри уни қамчи билан сава-лаб, аъзойи баданини қонга белаштирганда ҳам оғриқдан телбаларча қичқириб қочаётганида ўша эркаклардан бирортаси унинг ёш жонига раҳм қилмай безрайиб турган эди-да.

Ҳа, Ньякайонго энди ўз қишлоғи йигитларига сира ихтиёр бермайди. Уларнинг эркалашлари билан ўзини пастга уришни хоҳламасди. Жувон шу қишлоқда шармандаю шармисор бўлганини қандай унутин ахир. Шунинг учун ҳам у қишлоқ одамларини кўрмасликка аҳд қилиб, улардан йироқлашди.

Орадан анча йиллар ўтиб кетгач, кунлардан бир кун ўспирилар муқандадан қайтар чоғида Ньякайонго умрининг охирлаб қолганини ҳис этиб, ўзи туғилиб ўсган ерда бандаликни бажо келтириш мақсадида ўз она қишлоғига қайтди. Бир вақтлар ўз латофати билан йигитларни ўзига ром этган бу аёл шунчалик ўзгариб кетган эдики, уни ҳамқишлоқлари аранг танидилар. У ёлғиз қайтмаган эди, ёнида кўримсиз ва тўпори қизчаси ҳам бор эди.

— Юринглар, бориб кўрамиз,— дейишди эркаклар Камбалога қараб.

Фақат кекса Кайонго жойидан қўзғалмади.

Аёл қип-яланғоч эди, боз устига, бошини осмонга қаратиб ётарди.

Унинг оғиз бурчида қон қотиб қолган, юз устида эса пашшалар гужғон ўйнарди. Бужмайган ва ҳалпираган кўкрагида ўтирган қизчаси бўлса пашшаларни ушлашга зўр берарди.

— Бунинг афти ангорига бир қаранглар. Важоҳатидан от ҳуркади.

Эркаклардан кимдир хахолаб кулиб юборди. Қизалоқ кўрқиб кетди ва йиғлаб она кўкрагига бош урди.

— Кет бу ердан!— бақирди Камбало қизчани қўлидан тортқилаб, уни ердан кўтариб оларкан.

— Тегма унга,— деди бир қария дарғазаб бўлиб.

Уввос тортиб йиғлаётган қизчани қўлидан олиб, қандайдир аёлга узатди. Кейин орқасига қайтди.

— Бу аёл,— деди қария ерда ётган мурдага ишора қилиб,— бизга бахтсизлик келтирди. Илло унинг қизида зарра гуноҳ йўқ.

— Қони бир!— деди кимдир гапнинг белига тепиб.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Камбало ерга тупурдида, жаҳл билан гапира кетди.

— Бу аёл ҳар қандай ҳайвондан баттар. У аллақачонлар ўлиши лозим эди. У қарияларни оёқ ости қилди, уларнинг сўзларига кирмади. Нима, ёдингиздан чиқдими? Қани айтинг-чи, хотин киши эркакни калака қилишга нима ҳаққи бор? Йўқ, яхшилар, у қанжиқ эди, ит қабилида кетди.

Қария Камбалога аччиқланиб қаради ва у гапини тугатгач:

— Сен ҳали жуда гўрсан. Она сутинг оғзингдан кетмагану, тагин ўзинг билмаган нарсалар ҳақида гапирасан-а!

Камбало эсанкираб қолди.

— Эсинг жойидами ўзи? Ҳали у гунчадек эканлигида онангнинг қорнида эдинг-ку. Ёшим ундан катта бўлсаям у пайтда ўспирин эдим. Уша вақтларда бу аёл ҳаммани ақлдан оздирар эди. Уша вақтларда унга ёмонликни раво кўрган бирорта эркак зоти бўлганми?

— Кайонго ва бошқа қариялар...— гап бошлади кимдир.

— Қариялар... ҳаммасини беш қўлдай танирдим, баъзилари ҳозир ҳам ҳаёг. Кайонгога қамчи бериб уни ўшалар савалатган. Нега бундай қилганларини биласанми? Билмайсан. Ньякайонго улар билан ҳамоғуш бўлмагани жатига шундай қилишган...

— Мурдани олиб кетиш керак,— деди тўпланганлар бошини қуйи солиб.

— Йўқ. Кута турамиз,— эътироз билдирди қария ва ўлиб ётган аёлга ғамгин нигоҳ ташлаб қўйди-да, гапида давом этди: — Бу аёлнинг қиссаси узун...

— Бор гапни билишни истаймиз! Айтинг, йўқ деманг, отахон!— деган овозлар эшитилди.

Ва қария бу аёлни қиссаи дафтарини варақлай кетди. Унинг исми Руанда экан... Чол унинг ота-онасидан тортиб, амма-холасигача биларкан. Кайонгога эрга берганларидан кейин уни Ньякайонго деб атайдиган бўлишибди. Тез орада унинг ҳақиқий исмини ҳамма унутиб юборибди. У жуда ўктам аёл бўлиб, меҳнатсеварлиги билан эрига хуш ёқарган, ҳатто чизган чизигидан чиқмас экан. Бир кун Кайонго хотинини Луити дарёси бўйларига жойлашган қариндошлариникига олиб борибди. Меҳмондорчилик бир неча кунга чўзилиб кетибди. Эр-хотин ўз қишлоқларига қайтганларида, одамлар бу аёлни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлабдилар. Бир неча кун ичида аёл гул-гул очилиб кетган экан. Кўзлари ўтдек чақнаб, эркакларни сеҳрлаб қўядиган бўлибди. Эркаклар Ньякайонгодан қанчаллик нари юришмасин, барибир ўргатилган қоплонлардек олдига келаверар эканлар. У билан гаплашишга иштиёқлари зўр бўлса-да, тиллашишга ботинолмай юришаркан.

Аёл уларга сўз қотса, уларнинг оғзи қулоғида бўларкан, сўзлашиб қолгудек бўлсалар, худди ажал билан юзма-юз келгандек қалтирарканлар. Эркаклар унинг висоли иштиёқида кечалари илондек тўлганиб чиқарканлар. Баъзи эркаклар кўзлари уйқуга илинганда ҳам алаҳлаб унинг номини тилга оларканлар. Кундузлари ҳам ўзларини қаерга қўйишни билмас эканлар. Эркаклар қаерда бўлмасин, Ньякайонгонинг жозибадор кўзлари уларнинг кўз олдидан кетмас экан. Биргина Кайонго бу кўзларнинг жозибадор эканлигини билмас экан.

Қария сўзини тугатиб, кўзини ерга тикди. Унинг юзлари қайғули тусда эди.

— Чинданам, унинг кўзлари жозибадор эди,— дея кимдир луқма ташлади.

Шу аснода орага бир чол келиб қўшилди.

— Кунлардан бир кун...

— Бўлди, айтма қолганини!— деди бояги чол.

— Йўқ, гапирсин!— гапга аралашди Камбало.—

Бор гапни билишни истаймиз.

Шундан кейин чол гапини давом эттирди:

— Кунлардан бир кун Кайонго мени чақириб, дарё соҳилига олиб борди. У ўша ерда истиқомат қилар, ўз кулбасига қайтгиси йўқ эди, чунки у хотини билан бирга яшагиси келмасди. Кўзларидан қўрқиб қолганди. Ҳа, одамлар! Чиндан ҳам унинг кўзлари жуда даҳшатли эди! Кулбасига кириб келганимизда у менга: «Шапала, хотиним Казумбининг ёвуз руҳига айланиб қолди!»— деб зорланди. Бирор нима деёлмадим. Мен ҳам хотинига шайдо эдим! Мен унинг кулбасидан чиқиб кетаётганимда менинг таним муздек совуқ, бошим эса лов-лов ёнаётгандек эди. Биз бу ҳақда бошқа гаплашмадик. Лекин у ҳақиқатан ҳам сеҳрланган эди. Ушандан бери қанча вақт ўтди!

Мўйсафид қайғули тусда бош чайқади:

— Бир кун мен қирда кетаётиб Ньякайонгони учратиб қолдим. У қалин ўсган ўтлоқдан туриб мени чақирди. Олдига борган эдим, қўлимдан етаклаб ўтлоқзорга олиб кирди. Алламаҳалгача айш-ишрат қилдик. Кейин мен ўз уйимга кетдим. У ҳамма эркакларни ўтлоқзорга олиб кириб ана шунақа айш-ишрат қиларди.

Қария хаёлга ботиб, ерда ётган жонсиз аёлга қаради-да, гапида давом этди:

— Қишлоғимиздаги ҳамма йигитлар у билан бирга ётган, ҳа, фақат бир мартаба. Аммо у кексаларни жинидан баттар ёмон кўрарди. Марҳума уларга ҳатто қайрилиб ҳам қарамасди. Кайонго уйда йўқлигида қишлоқ кексаларидан бир нечаси унинг эшигини тақиллатганда Ньякайонго уларни олдига солиб, хотинлари ёнига ҳайдаб юборган эди.

Ғазабланган қариялардан баъзилари ҳатто аламларига чидай олмай хотинларини роса дўппослаган ҳам... Сўнгра бу воқеани Ньякайонго одамларга айтиб бериб, мўйсафидлар устидан анча вақтгача кулиб юрган. Шундан кейин улар Кайонгога обдан мусаллас ичириб, хотинини уриб кулбадан ҳайдаш учун қўлига қамчи бериб жўнатганлар.

— У чакки иш қилган. Ўзи айбдор!— деган хитоблар эшитилди.

— Шу-шу бу аёлни бизнинг қишлоқда ҳеч ким кўрмади,— дея қўшимча қилди қария...— Ҳамма уни ўлиб кетган деб ўйларди... Энди бўлса у мана бу ерда ётибди...— қария ўгирилганча, бошини ҳам қилиб, мункайган кўйи ўз кулбасига равона бўлди.

— У нега қайтиб келди экан бу ерларга?— сўради кимдир.

— Ўзи туғилиб ўсган ерида ўлишни истаб келган. Ҳамма ҳам туғилган ерида ўлишни истайди. Кавина илтимос қилмаганда оқсоқол бу аёлнинг мурдасини бу ерда қолдирмас эди.

— Ҳа, бу аёл бизга кўпгина бахтсизликлар келтирди!

V

Мваунгве кечга яқин кулбани жодугар билан Кавинага қолдириб, ташқарига чиқди. Жодугар бу ерга фақат оқсоқолни даволаш учун келган, ақлдан озган қизни тузатиш унинг ҳадди эмас. У бундай касалларни даволашни билмасди, телбалик худо юборган дарддир. Одамлар унинг олдида ожиз!

Мваунгве қишлоқ бўйлаб базўр юриб борарди, унинг баданига солинган қизил расмлар ҳамон сақла-

ниб қолганди. Ранги рўйи тирик одамдан кўра, кўпроқ мурдага ўхшар, қалтираб-қалтираб юришидан энди бу оқсоқолни қуёши ботди деб ўйларди киши. Ниҳоят, у қариялар олдига етиб борди. Қароргоҳ атрофига йиғилган одамлар бундан кейин нима бўлишини сабрсизлик билан кутардилар. Қариялар ҳануз кимни қурбон қилишларини ўйлаб, ўйларига етолмас эдилар.

Муканда майдонида бевақт ҳалок бўлган ўспиринлар, юлдуз учиши, Кавинанинг ақлдан озиб қолиши, момақалдироқ ваҳимаси, муқаддас дарахтнинг нобуд бўлиши, Ньякайонгонинг ўлими — ҳамма-ҳаммаси одамларни саросимага солиб қўйганди, уларнинг ҳал қилиниши керак бўлган тақдири қариялар қўлида эди.

Оқсоқол ўз кенгашчилари билан тўрда савлат тўкиб ўтирар эди. Қизил лой билан безалган бадани ёғ суртилгандек ялтирар, юзи оқ бўр билан тарам-тарам чизилган бўлиб, кўкрагидаги тумор эса қуёш нурида товланар эди. У ҳайкалдек қотиб ўтирарди. Одамлар унга парво қилишмасди, чунки уларнинг тақдири энди қариялар қўлида эди.

Ниҳоят, қарияларнинг энг кексаси қароргоҳдан чиқиб, одамлар олдига бориб тўхтади ва гапириш истаги борлигини билдириш учун бир қўлини кўтарди. Ҳамма сукут сақлаб турарди. Қария қўлини пастга тушириши билан ҳамма чордана қуриб ўтирди.

— Ҳамма эшитсин! — деди қария. — Оқсоқолимиз бетоб бўлганлиги учун ҳозир гапира олмайди. У сизга шу гапни етказишни менга буюрди, биз қурбонлик келтиришимиз керак! Калелуанинг хоҳиш-иродаси шу...

Одамлар орасида шивир-шивир бошланди. Дам ўтмай атрофни яна сукут босди. Қария гапни давом эттирди:

— Биз ҳаммамиз, — у ёнида турган бошқа қарияларни кўрсатди, — оқсоқол билан қурбонлик ҳақида гаплашдик. У бундай қилинишига аслида рози эмас экан, чунки ўглининг ўлганига ҳали унча вақт ҳам бўлмади. Аммо Калелуа келгандан кейин қурбонлик беришга мажбур бўлди. Илож қанча?

Қариянинг таъсирли гапи одамларни сел қилди. Улар ўзларини қандайдир қудратли куч ихтиёрида ҳис

этдилар ва бу куч уларни оёққа турғазди. Тўсатдан кимдир қичқирди:

— Қурбонлик келтирамиз!— Шу онда ҳамма унга жўр овоз бўлди.

— Қурбонлик!

Қоронғи кулбаларда ўтирган аёллар қўлларида ухлаб ётган гўдакларга боқиб, кўз ёши тўкар эдилар.

Эркаклар бўлса ҳамон қичқиришарди, улар қўрқув нималигини унутаёзган эдилар. Уларнинг фигони қалбларига уя қурган ваҳимани қувиб юборган эди.

Қария қўлини қўтарган заҳоти ҳамма тинчланди. Эркаклар яна чордана қуриб ўтиришди. Жимлик уларни яна ваҳимага солди.

Дарё соҳилидан эса бошлаган совуқ шамол одамлар этини жунжиктирар, лекин улар бунга парво қилмас эдилар. Қандайдир ғайритабий ғайрат уларни қурбонликка ундарди. Бироқ ўша қурбон бўлиши лозим бўлган одам ўз ораларида турганлигини хаёлларига келтиришмасди. Қария қурбон қилиниши керак бўлган одамни ўз ораларидан танлашлари кераклигини айтиши билан қабила аҳли гўё уйқудан уйғонгандек бўлди. Ҳали бирор қарорга келмасларидан бурун, ҳатто қайси бир душмanning исмини хотирламасларидан аллаким:

— Ньякайонгонинг қизини қурбонликка берамиз!— деб қолса бўладими.

Ўзидан қўрқиб, жон ҳовучлаб ўтирганлар бир оз энгил тортди. Бу гапни ўртага қайиқчи Кайонго ташлаганди. Куни кеча собиқ хотинининг кетидан илакишиб келган қизчани қурбонликка беришни талаб этмоқда эди.

Қария мамнун жилмайиб, Кайонгодан миннатдор бўлгандек қараб қўйди, лекин қайиқчи ундан юзини ўгирди-да, энгашиб, яширинча ерга бир неча бор тушурди. Қариянинг мамнун боқиши унга ёқмади. Бир пайтлар худди шу қария:— «Хотинингни савала»,— деб унинг қўлига қамчи тутқазганди.

Бироқ Кайонгонинг бу таклифини одамлар бир овоздан маъқулладилар. Энди қизчанинг тақдирини қариялар ҳал қилиши керак.

Халқнинг таклифини қариялар оқсоқолга айтган-

ларида у бир неча бор маъқул деган маънода бош силкиб қўйди. Сўнгра у урина-урина ўз кулбаси томон кетди.

— Ҳадемай унинг куни битади!— деб пичирлашди оломондагилар.

Қароргоҳда қолган қариялар узоқ вақтгача гаплашиб ўтиришди ва охири қурбонликка нораства гўдакни эмас, фақат каттароқ одамни бериш мумкинлигини айтишди. Қариялар яна оқсоқол ҳузурига жўнадилар.

— Бизнинг ҳамма ҳалокатларимиз ва кўраётган бахтсизликларимиз қишлоққа Ньякайонго келишидан бошланди. Унинг жасади бу ерда қолишига ҳамма норизо эди, аммо сен Кавинани гапига кириб...

— Мен-а?..

— Нораства гўдак қурбонликка ярамайди, ўрнига бизга Кавинани бер,— деди бир қария қатъий овозда.— Биз ўшани танладик.

Оқсоқолнинг томоғига нимадир тиқилиб қолгандек бўлди, лекин бир нима деб оғиз очишга ботинмади. У ўрнидан турмоқчи бўлган эди, бўлмади — ерга гурс этиб йиқилди. Қариялар ерда беҳуш ётган оқсоқолга қайрилиб ҳам қарамай, кулбадан чиқиб кетди ва халққа ўз қарорларини маълум қилдилар.

Шу тариқа Кавинанинг исми тун қоронғисида беному нишон бўлиб кетди.

VI

Бўйра одамларга тошдек ботмоқда эди, ҳадеганда йиқу ҳам келмасди. Хотинлар эрларига бир нима дешишга ботинмай, хавотирланиб боқардилар. Улар аввал Ньякайонгонинг қизи қурбонликка маҳкум этилганлигини билишарди. Шунинг учун бу тўғрида ҳам эмасдилар. Аммо аёллар Кавинанинг қони билан эрларнинг лоларанг бўлишини истамасдилар, бу кўҳлик жувон келгинди бўлса ҳам уни хуш кўришар, нинг саховатидан косалари оқарганини эслаб, болалишига сидқидилдан ачинар эдилар.

Оқсоқол Мваунгве Кавина қаршисида унга тикилиб сурқ этмай ўтирар эди. Кулбанинг бир бурчида гулҳаннида жодугар чордана қурганча мизгирди. Оқсоқол

жодугарни аста имлади-да, қимир этмай ётган Кавинага ишора қилиб:

— У ухляптими? — деб сўради.

Жодугар ҳа, деган маънода бош ирғаб қўйди. Шундан кейин оқсоқол ўрнидан туриб, кулбадан чиқиб кетди. У энди бу телба аёл ёнида ортиқ қололмасди, чунки ҳадемай у уйқудан тургач, қишлоқни бошига кўтаргудек қилиб фарёду нола қилади. У ҳатто кулбасига қайтиб келишни ҳам истамасди, чунки катта хотини Кавинани ёмонлайвериб, унинг қулоқ-миясини еб юборган эди. Боз устига у Кавина туфайли ҳарам-хонасидаги хотинларга қиё боқмай қўйганди. Қариялар қандай қарорга келганини оқсоқол катта хотинига айтиб нима ҳам қилади. Ҳа, кун чиқиш чоғида Кавина яздонлар йўлига қурбон қилинишини мватамвари билмагани маъқул. Ахир, халқ бахти саодати йўлида кимдир қурбон бўлиши керак-да...

Этни жунжиктирувчи туннинг салқинида оқсоқол оқсоқлана-оқсоқлана қароргоҳга кириб, ўчай деб қолган гулхан ёнига бориб ўтирди. Гулхан ёнида ҳеч ким кўринмасди. Қишлоқда сокинлик ҳукм сураб, чурқ этган товуш эшитилмас эди.

Оқсоқол бошини ҳовучига олди. Унинг аввалги куч-қудрати бўлганда эди, унинг гапи-гап, ҳукми-ҳукм бўлмасмиди! Шўрлик Кавина...

Оқсоқол тонг отгунга қадар ўй суриб ўтирди. Оғриқ юрагига найзадек санчила бошлади. Нафаси қисилди.

Ҳадемай хўроз қичқирди. Мана, тонг ҳам отди.

Оқсоқол бутун кучини йиғиб, базўр ўрнидан турди-да, қароргоҳдан ташқарига чиқди. Унинг боши айланиб, кўз олди қоронғилашиб борарди. Бирдан мункайиб кетди. У қандайдир ғов шох-шаббасига суяниб, қаддини ростламоқчи бўлди-ю, аммо мадори етмади — шудринг тушган ерга муккаси билан йиқилди. Тўсатдан тутган йўтал зўридан гавдаси ларзага келди ва оғзи қора қонга тўлди. Пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. У бир қўли билан ерга суяниб қаддини кўтаришга уриниб кўрди. Лекин назарида ер оёғи тагидан чиқиб кетаётгандек бўлди. Кўз олди яна қоронғилашди, у эшитилар-эшитилмас ингради ва шудринг тушган ҳўл майсага пешонасини қўйди.

Қуёшни олқишлаб қушлар сайрайди. Хушбўй ҳидлари билан ҳавони тўлдириб, далаларда гуллар қулф урди. Тизза бўйи тиккайган ўт-ўланлар учини майин шабада тебратиб ўтди. Йироқ-йироқлардаги нурафшонлик зангори уфқ чизигини пароканда қила-қила тепалик узра офтоб қад кўтарди.

Оқсоқол Мваунгве қўлларини узатиб, ўтмаслашиб қолган тирноқлари билан ер тирнарди. Бир оздан кейин унинг қўллари қимирламай қўйди. Оқсоқол энди нафас олмасди. У ўз ўлими билан мангуга яздонлар кўнглини юмшатиб кетди.

СОТИЛМАЙ ҚОЛГАН ЧҶРИ

Ҳусндор ва миришкор чўрилар бозори бу гал Та-ла-Мунгонго тоғ юксаклигида бўлади. У ерда яқиндагина худди бургут уясидек оқсоқол Касанже қишлоғи қад кўтарган эди. Бу ҳақдаги хабар бир неча кундан бери ноғоралар гумбури билан оғиздан оғизга ўтиб борарди.

Касанже қишлоғи сари олиб борадиган йўл яқиндагина ўтиб бўлмас чангалзордан иборат эди. Тақир текисликлардан, лундаликлар, киоклар, луба, касонго ва Улуғ кўл диёридан келган ўз қулларини қулдорлар аввалгидек жарлик қаърига: қамчи билан уриб жагалар яшайдиган масканга эмас, балки оҳу ва овчилар яшайдиган ям-яшил конга борадилар.

Тақир ерда яшайдиган халқлар бу хабардан жуда мамнун бўлдилар. Ахир дала-чўлда тириклик қиладиган одамлар хаёлпараст-да! Замин йўллари ва тариқат орзулари уларни беназир элларга олиб боради.

Касанже жойлашган жарликдан қон ҳиди анқирди. Худди шу ерда сотилмай қолган қуллар қатл қилинмоқда эди. Худди шу ерда юракларни ваҳима босарди. Бу жарликка олис ерлардан келган қуллар оқ жаноблар томонидан қамчи билан саваланар, сотилар, сотилмай қолса, ўлимга маҳкум этиларди. Ватан иштиёқида юрак-бағри адо бўлган барча африкаликларнинг руҳи худди ана шу жарликда изғиб юрарди. Африкалик албатта ўз она юртига қайтади. Агар ўлдирилса, руҳи тўғри Африкага учиб боради. Ҳозирча бу ерда қулликка юборилиб ўлиб кетганлар руҳи ти-

риклар билан ўзаро дардлашмоқда. Қоронғи кечалари ер узра майин шабада эганида улар Касанже одамлари ҳузурига келадилар. Одамлар ўрмондаги дарахтларнинг шитирида ҳам, ариқлардаги сувларнинг айқиришида ҳам уларнинг мунгли оҳу нолаларини эшитдилар, уларнинг ҳозир у нозир бўлганларини ҳатто ўзлари нафас олаётган ҳаводан ҳам ҳис этадилар.

Касанже — бу арвоҳлар ватани!

Океан ортида, Америка ерларида, бегона юртларда туғилган ва униб-ўсган фарзандлари ҳам ғайри осмонда бу бахтсиз юлдузларга айланган руҳларни кўрадилар.

Касанженинг тарихи ғаму андуҳларга бой, лекин шундай бўлса-да, одамлар уни бир-бирларига ҳикоя қилиб беришни ёқтирадилар.

Тала-Мунгонго ясси тоғликларига келиб тўхтаган йўловчилар гулхан атрофида ўтириб олиб, ярим кечагача қиссахонлик қиладилар. Баъзилар бу муқаддас ва осуда ойдин кечаларда, халқнинг қалби ўз бахтсизлигидан зориққан чоғларда вазмин ва ёқимли касанже куйларига рақсага тушиб, халқ тарихига оид қўшиқларни ижро этадилар.

Эрта билан қуёш чарақлаб чиққанда узоқ-узоқлардан Тала-Мунгонгога оқиб келаётган одамларнинг гурунги эшитилди. Кванго дарёсидан ўта олмаганларидан улар одам юрса оёғи куядиган Лунда ва Луба ерларидан ва бошқа йироқ мамлакатлардан, Шарқдан, ўрмон аҳли яшайдиган ерлардан, Ой тоғининг олис масканларидан йўл босиб келадилар. Бир хиллари мағрибдан, бошқа бир хиллари Кванза дарёсига туташган пасттекисликдан, Нголо диёридан, бутун ҳаётлари жангбозлик билан ўтган жинго ва оло элатидан эди. ❁

Қул бозори очилганлигидан мужда бераётган ноғора садолари энди жазирама ҳавода бадавлат мамлакатлардан келган ҳурматли ва таниқли одамларни олқишламоқда эди.

Қул сотувчиларнинг кўзлари аллақачон йўлда эди. Улар харидорлар келишини пойлашар, узоқдаги ясси тепалик устидан ўтган йўлда дастлабки харидорлар карвони кўриниши биланоқ қувончдан бошлари кўкка

етгудек бўларди. Улар узоқдан аранг эшитилаётган мунгли қўшиқни диққат қилиб, Лунда аҳли келаётганлигини дарҳол ангадилар. Ва шу заҳотиёқ ноғоралар моҳир ноғорачилар қўлида қойилмақом тарақлаб, улуғ Мвата-Мва ўғлонларига Касанже ҳукмдорлигидан саломлар йўллади. Бошқа ёқдан киоклар карвони яқинлашмоқда эди. Улар йўл-йўлакай найзаларини қуёшда ярақлатиб жангда ғолиб чиққан аскарлардек душманга таҳдид соладиган қўшиқларни куйлаб келишарди.

Бир неча кеча-кундуздан бери Касанже мамлакатининг осмонида турли хил қўшиқлар янграмоқда.

Қўшиқ овози қоялар ва тубсиз жарликларда акс садо бериб атрофга таралар ва бу билан Тала-Мунгонгога бангал аёллари учун келган харидорлар уларни дунёнинг турли бурчакларига олиб кетишларидан дарак берарди. Бангал аёллари яқин орада бутунлай бошқа-бошқа элатларда ўз халқларининг фикри ёди билан фарёд чекадилар.

Қул бозорига эрталабдан келиб олган корчалонлар ўз хўжайинлари учун соя-салқин жойларда шох-шаббалардан кулбалар тикладилар, авом халқ эса бу кулбалардан нарида ёқилган гулхан атрофида ётаверишарди. Ёши улғайиб қолган чўри хотинлар ҳалвираган кўкраklarини селкиллайтиб, қадоқли қўллари билан оқ маниокни ўғирда янчишар, лангиллаб турган қўрда жўхори пиширишарди.

Ёлғизоёқ йўлларда жувонлар сувни калebasда бошларига қўйиб ташишарди. Ёш болалар эса шох-шаббалар ва тикка ўсган жўхориюларни йиғишарди, булардан том ва девор қуришда фойдаланишарди. Катумлар — оқсоқолларнинг оқсоч аёллари эса қабиаларининг рамзий белгилари билан безаниб олиб, ўз тўралари ва бибишларига жой солардилар.

Кечга яқин қурилмалар тайёр бўлди. Қўналға Касанже жарлигига қадар чўзилиб кетган эди.

Осмонда дастлабки юлдузлар кўриниб, ой сутдек ёгдусини оламга соча бошлаганида ноғоралар овози қайтадан янграб, қул бозори очилганлигини ифшо қила бошлади. Ҳарёқда гулханлар ловиллади, бангал қизлари олов олдига келиб исина бошладилар. Энди

улар гулхан шуъласида завқу шавққа тўлиб рақсга тушишлари ва қўшиқ куйлашлари керак, шундагина кекса оқсоқоллар, чекка юртлардан келган давлатмандлар уларни дурустгина кўриб оладилар. Яланғоч баданларга еб қўйгудек қаралди. Қизлар ўлганининг кунидан базўр илжайиб, давра бўйлаб оҳиста ҳаракат қилишар ва қўшиқ айтаётган дудоқлар билинар-билимас очилиб-юмиларди. Бозорга келган оқсоқоллар чўри қизларга дастлабки нархни қўйганларида, қулфурушлар уларни калака қилишди. Барибир олди-сотди талашув-туртишув билан гуркираб кетди. Чўрилар эса ҳамон илжайиб, эркакларга зимдан боқишарди.

Ниҳоят, ноғоралар янграб, атабака рақсига даъват этди. Қизлар мароми билан ўйинга туша кетдилар. Белларидаги боғични ҳисобга олинмаса, улар тамоман урэн эдилар. Билакларида мисдан ясалган тақинчоқлар ярқирарди, тўшиқларида эса ҳалқоллар жарангларди. Бўлажак хўжайинлар уларга пальма шаробидан таклиф қилишарди, негаки, бу ичимлик қизларни мусиқага қараганда кўпроқ завқлантирарди. Эркаклар эса қизларнинг қуймучидан кўзларини олмасдилар. Қўш олмадек кўкракларнинг диркиллашига, илондек тўлғанаётган қадди-қоматларнинг навозишига, мулоийм ва маъюс боққан оҳу кўзларнинг истиғносига қарамасдан бўладими, ахир!

Тўсатдан кимдир қизларни қамчилагандек бўлди: мастона ҳаракат ўрнини кескин ҳаракатлар эгаллади. Қизлар жазавага тушгандек муқом қилишар, кўкракларидан отилиб чиққан қўшиқлар эса нолаю фиғонга ўхшарди. Кейин улар яна ўшандай кутилмаганда ўйинлардан таққа тўхтадилар. Энди улар эркакларга мастона қарардилар, бу наззораларда олам-жаҳон карашмалар бор эди. Оқсоқоллар ҳали бир қарорга келмасдан қаҳ-қаҳ уришар, май устига шароб ичишар ва хаёлга толиб чилим чекишарди.

Кейин улар қаҳқаҳа билан шовқину айюҳаннос солганларича бозорнинг энг олди чўриларига яқин келдилар. Бу чўриларни энг бадавлат кишиларгина харид қилиши мумкин эди.

Улар бу хотин-қизларнинг мушаклари таранглигига ишонч ҳосил қилиш учун қуймучини, сийна ва қорни-

ни ушлаб кўришарди. Нарх-наво ошиб боришига қарамай савдо давом этар, бор барака деган овозлар янграб турарди.

Ўртаҳол харидорлар бу аёлларга фақат чекка-чеккадан назар ташлашга муяссар бўлсалар-да, сабрсизлик билан эртанги кунни кутишарди. Эртасига пули камроқ харидорлар кеча сотилмай қолган ва иккинчи марта бозорга олиб чиқилган хотинларни кўрар эдилар. Улар эркакларга чиройлироқ кўриниш учун аввалгидан кўра кўпроқ ўзларига бино қўйиб чиқишарди. Иккинчи куни ҳам сотилмай қолсалар, учинчи кунга рўпара бўлишдан қўрқишарди, чунки бозорнинг учинчи кунидан деярли умид йўқ эди. Бечора чўрилар учинчи куни ҳам сотилмай қолсалар, ўлимга маҳкум этилардилар.

Чўри қизлар бирин-кетин давра қўшиғини тарк этиб, янги хўжайинларга миннатдорчилик билдирдилар. Хўжайинларнинг олчоқ қўллари қўрққанидан титраб турган чўриларни ушлар, уларни боғлаб, бўйра устига итқитарди.

Бангал чўриси Самба туни билан мижжа қоқмади. Кулбага яшириниб олиб, халоскор яздонлардан июнат қилишларини сўради; уларга калима келтириб, дуои фотиҳа ўқиди. Оғочдан ишланиб, ўтда куйдирилган яздонларнинг қизил лой билан чапланган шакли шамойили кулба бурчагига, ўчоқ олдига қўйилган эди. Самба тун бўйи ноғоралар гумбурини эшитиб ётди. Бу сас унга байрам мусиқаси эмас, балки ўлимдан дарак берувчи мусиқа эди. Бозорнинг иккинчи куни охирлаганда у ҳеч ким харид қилмаган хотинларнинг доди фарёдини эшитди. Эгалари уларни таҳқирласа, харидорлар калака қилишарди. Бу хотинлар ҳам Самба каби кулбаларда учинчи кунни кутиб ўтиришарди. Уларнинг ҳар бири ҳам эркакларнинг марҳаматига эга бўлишларини кўз олдларига келтиролмасдилар. Бу бахтиқаролар бахтиёрларга ҳавас назари билан қарардилар. Иккинчи куни кечаси Самба жодугарлар олдига бориб, улардан лутфу июнат сўради. Жодугарлар унга омонлик ваъда қилдилар-да, калима келтирдилар, шўрлик қиз ҳам уларга қўшилиб дуо ўқиди, хўрсина-хўрсина аччиқ йиғлади.

Бозор савдосининг учинчи кунига қолган бахтсиз аёлларга фақат жодугарларгина эмас, балки бутун қабила аҳли сидқидилдан ачинишди. Ҳаммадан кўра кўпроқ Самбага ичлари ачирди. Улар ҳеч ким сотиб олмаган бу бечора ғамгин ва кўримсиз қизга шафқат назари билан қарашарди.

Самба барча билган дуоларини ўқиб бўлгач, доди худога етганига ишонқираб бўйрага чўзилди. Қўллари боши остига қўйди-да, тутундан қорайиб кетган шифтдаги ёғочларга тикилди. Ким ўз молини сотиб, катта фойда кўрганидан хурсанд, ким пальма шаробидан ичиб олиб сархуш бўлганидан мамнун. Бечора қиз шовқин-суронни ва ноғораларнинг замзамали овозини алламаҳалгача эшитиб ётди.

Буларнинг ҳаммаси унга ўтган кунларни эслатди. У кунлар унга жуда бахтиёр ва нурафшон кўриниб кетди. У шу дамда беихтиёр ўзининг биринчи севгисини эслади. Батуки рақсларидан бирида бир йигит уни кўтариб, қалин ўсган ўтлоқзорга олиб кирди-да, то тонг отгунча айшини суриб ётди. Шу-шу у беному нишон бўлиб кетди. Самба кўрингандан у ҳақда сўради, лекин ҳеч ким бирон нима дея олмади. Ахир у лоқал исмини ҳам сўраб олмаган эди-да! Фақат бир кампир афсусланиб бош чайқади-да, йигитни киок ёки лунда қабиласидан эканини чамалади. Чунки бошқа қабила йигитлари бундай иш қилмаслигини биларди.

— Ҳа, бу лундалик эди! Ҳа, лундалик,— деди Самба ўзига-ўзи, негаки, унга лундаликлар хуш ёқарди. Улар олис юртлардаги ҳаётга орзуманд бўлишарди. Киоклар эса ўз шафқатсизликлари билан ном чиқарган эдилар.

Шундан кейин ўша лундалик унинг бирдан-бир муҳаббати ва ягона ташвиши бўлиб қолди.

Ширин хаёлларга берилиб кетган Самба ноғора овозлари қачон тинганини ҳам, батуки қачон тугатганини ҳам билмай қолди.

У ўчиб қолган гулхан ёнидаги бўйрада ётганича тонггача мижжа қоқмади. Ноғора товушлари қайтадан янграй бошлаганида бечора қизнинг юраги орқасига тортиб кетди. Бу ноғора товушлари уни бозорга чақирарди. Бугун унинг тақдири ҳал бўлиши керак.

Қуёш жар ёқасидаги катта майдонни ёритиб турарди. Кеча сотилмай қолган хотинлар уйқудан уйғонгач, ётган ерларида бир керишиб олдилар-да, харидорлар билан бўладиган учрашувга ҳозирлик кўра бошладилар.

Қул бозорининг учинчи куни бошланаётган эди. Чўри харид қилишга келган оқсоқоллардан фақат беш-олтита одам қолибди. Улар ҳам куни кечаёқ харид қилиб бўлишганди. Ҳадемай оқсоқоллар жўнашади. Қолган харидорлар ўртаҳол одамлар бўлиб, харид қилишдан кўра томоша қилишни афзал билишарди. Улар ҳам худди давлатмандлардек чўриларнинг у ёқ-бу ёғини ушлаб кўришар, чўлоқ эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун у ёқдан-бу ёққа юргизишарди. Шердан қўрққан тулкидек гўшт олдида айланишгани айланишган эди. Чўриларни афтар-дафтарларини кўриб чиқишгач, улардан иргангандек қўл силтаб кетиб қолишарди.

Бозорнинг учинчи куни ўнга яқин чўри сотилмай қолди. Оқсоқоллар ва келгинди бойваччалар барча сара чўриларни олиб кетган эдилар Шундай бўлса ҳам сотилмай қолган чўриларнинг қалбида умид яшарди — ахир, кимдир уларни жуда бўлмаса бир сават тузга алмашар!

Бозор ёпилиши олдидан жага оқсоқоли мусофирларга кучли пальма шароби солинган калемас тарқатишни буюрди. Албатта, бу нарса харидорларнинг бошини айлантириб қўйиш учун эди. Қоронғи тушиши билан ноғоралар яна ҳаммани батуки рақсига чақирди.

Қандай бўлмасин бирорта хотинни арзон нархга сотиб олишни мўлжаллаб юрган шинжалик бир чол жага қабиласи оқсоқолининг найрангига тушунди ва Самбанинг олдида келиб ўтирди-да, бозор хўжайинини сўка кетди.

Самба бир бурчакда туриб рақс тушаётганларни кузатарди. Агар бирорта харидор уни харид қилмаса, бечора қизнинг қатл этилиши турган гап. Чунки элулус урфи одатича, сотилмай қолган чўри бадном бўлган ҳисобланади, агар у ўз уйига қайтса, одамларга фақат бахтсизлик келтиради. Шунинг учун ҳам уни дарҳол гумдон қилишади: ё муқаддас дарёга ташлайдилар, ё бўлмасам жарликдан пастга улоқтирадилар.

— Рақсга тушмайсанми? — сўради шинжалик чол.

Самба бош чайқаб қўя қолди.

Чол калемасдаги сўнгги шаробни ичиб, идишни улоқтирди-да, қаергадир ғойиб бўлди.

Самба боягидан кўра кўпроқ қайғуга ботди. Ҳатто шу кўримсизгина чол ҳам унинг дилини овламади. Самбага ҳеч ким қиё боқмади. Тўсатдан уни ваҳима босди, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади, хўрлиги келганидан ўзини тўхтатолмас, чечак касаллиги туфайли хол-хол бўлиб қолган қўш олмадек кўкраги силкиниб-силкиниб кетарди.

Лекин азонга яқин қандайдир йигит Самба рўпарасига келиб, гулхан ёнига ўтирди.

— Нега рақсга тушмаяпсан?

Самба елка қисди, йигит ундан кўз узмайвергач, қиз ерга қараб журъат билан сўради:

— Қаерликсан?

— Мен лундаликман!— деди у ва яқинроқ келиб ўтирди.

Йигит аёл билан узоқ гаплашиб ўтирди, сўнгра у Самбани ўтлоқзорга бошлади.

Кун ёришди. Хўроз қичқирди.

— Буни ол!— деди лундалик Самбага ярқираган ўткир пичоқ узатаркан.— Ҳадемай келиб сени ўзим билан олиб кетаман.

Қиз унга жавобан жилмайди ва ундан мамнунлигини яшира олмай, очиқ чеҳра билан кузатиб қўйди. Аёл қалбида умид чироғи ёнган эди.

Қуёш тоғ ортига яширинганда ноғораларнинг бўғиқ овози қул бозори ёпилганлиги ҳақидаги хабарни атрофга тарқатди.

— Мана у!— деб қичқирди бангал қулдори қўлини бигиз қилиб Самбани кўрсатаркан.

Қиз бечора қари коҳинлар уни қурбонлик қилишга келганликларини кўриб, ўрнидан ирғиб турди.

— Йўқ! Йўқ!— деб қичқирди қиз қўрқув ичида, худди яқинлашиб ажални кўкрагидан итараётгандек қўлларини олдинга чўзиб.

— У ҳадемай мени олиб кетади! Шошманглар!— деб хитоб қилди.

Коҳинлар ва одамфурушлар бир-бирларига қараб, ўваро гаплашиб олгач, сўрадилар:

— У қачон келади?

— Яқинда, кун ботганда келади.

Қари қоҳин бош чайқади.

— Майли, биз кутамиз,— деди улардан бири.— Лекин сен унинг келишига ишончинг комилми?

— У менга мана бу пичоқни омонат ташлаб кетди.— Ва Самба кексаларга пичоқни кўрсатди. Жилмайган ҳолда гапини давом эттирди:— Мана кўрасиз, у албатта келади!

Қариялар қизни ёлғиз қолдириб кетдилар.

Кечқурун Самба яна тик жар ёқасидаги гулхан ёнига келиб ўтирди. Унинг кўзлари қуёш нуридан толиқиб, қизариб оғрий бошлаган эди. Чунки у кун бўйи Лундага олиб борадиган йўлдан кўз узмай, интизорлик билан йигитни кутиб ўтирди. Кейин ўрнидан турди. Ўз бахтини тополмай, ҳеч кимни назарига туша олмаган шўрлик қиз гулхан ёнида у ёқдан-бу ёққа бориб келар, ҳали ҳам умид билан йўлга тикиларди.

У ғам-аламга тўлган Касанже ери тепасида сузиб юрган булутларга тикила-тикила, аста гулхан ёнига келиб чўнқайиб ўтирди. Унинг юраги сиқилиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Лундалик энди қайтиб келмаслигини англаган эди.

Қоронғи тушди. Кимнингдир:— Юр!— деган овози эшитилди.

Самба дик этиб ўрнидан турди, қўрқа-писа кекса қоҳинларга қаради-да, бирдан жарлик томонга югуриб кетди. Атроф-атрофдан:— Уни ушланглар!— деган овозлар эшитилди.

Самба ўзига узатилган юзларча қўлларни кўрди ва бўғиқ овозларни эшитиб, аввалгидан ҳам тезроқ югура бошлади. У гулханлар устидан сакраб ўтиб, дарахт шоҳларига урилиб-сурилиб бўлса-да югурар, йиқилиб, яна ўрнидан туриб кийик боласидек пилдираб борарди. Аммо танасидаги оғриқни сира сезмасди. Шу тариқа у тик жар ёқасига етиб борди-да, орқасига ўгирилиб шафқатсиз қоҳинларга қараб ёлворган оҳангда:

— У қайтади!— деди.

Лекин унга жавобан фақат кулги овозлари эшитилди. Қоҳинлар аъзойи бадани қон ва терга ботган аёлга ташландилар, Бечора аёл мазах қилиб кулаётган ба-

шаваларни кўриб, қўрққанидан жони ҳалқумига келди. Қандайдир чолнинг қўли Самбанинг баданига тегиб кетганида уни бошдан-оёқ қалтироқ босди. У гандирак-лаб орқага тисарилди ва шу кўйи тубсиз жарлик қаърига жо бўлиб кетди. Унинг юрак қаъридан чиққан фарёди жарлик узра муаллақ осилиб қолди.

ЛУЕЖИ ВА ИЛУНГА

Лунда мамлакати тарихини бунёд этилиши ҳақидаги ривоятларни менга Шимолий Анголанинг сердарахт ўрмонзорларидаги йўловчилар айтиб беришган. Бу одамлар Африка пасттекисликларининг ҳақиқий шоирлари бўлишган. Мен улар билан суҳбатлашиб, уларнинг гапларини тинглаганимда кўз олдимда халқнинг битмас-туганмас дардлари намоён бўларди. Кечалари гулханнинг сеҳрли ёғдусида мен халқнинг ишончли тингловчисига ва бойликларининг қўриқчисига айланиб қолардим.

Лундаликлар — бу яйлов хаёлпарастларидир. Улар ўз ватанлари ҳақида кўпгина воқеаларни биладилар. Бироқ уларнинг ичида энг яхшиси — Замин Дўстлиги ҳақидаги воқеадир. Мен ҳозир сизларга Луежи ва Илунга севгиси ҳақидаги афсонани сўзлаб бераман.

1. ЛУБАНИНГ КУҲНА ДАРАХТИ

I

Луба халқининг оқсоқоли Мутомбо Мукуло қариб қолди. Унинг қўл остидаги ерлардан кўпи кетиб, ози қолганди. Лекин одамлар тарк этиб кетган хароба кулбалар, ташландиқ қишлоқлар оз эмас эди. Бу ердаги одамлар гоҳ қўшни қабилаларнинг ҳужумларидан, гоҳ жодугарларнинг афсунидан қирила бошлади. Баъзилари эса кўч-кўронларини олиб, бошлари оққан ёққа жўнаб кетдилар. Шум тақдирнинг тақозоси билан одамлардан бўшаб қолган бу ердан қадимий муқаддас мулемба дарахтлари узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб турарди. Иссиқ ёз кунларининг ойдин кечаларида ўша мулемба дарахти остида ёввойи итлар ётишар эди. Аҳён-аҳёнда дарахт новдалари орасидан юлдузли осмонга

қадар таралаётган акиллашларни ҳисобга олмаганда, ҳаммаёқ сув сепгандай осуда эди.

Мана шундай кечаларда жамоа аҳли қишлоқ марказидаги гулхан атрофига йиғилиб олиб ўтган-кетганлардан ажойиб ҳикоялар айтишарди. Чўли биёбонлар олис-олислардан кўриниб турарди. Уларни кесиб ўтган сўқмоқларнинг кети кўринмасди.

Бир вақтлар оқсоқол Мутомбо Мукуло шу текисликларда шикор қилиб, чўлнинг соф ҳавосидан мириқиб нафас оларди. Унинг қўлидаги найзаси ота-буvasидан қолган бўлиб, Лубанинг биринчи оқсоқоли Калундо бу найзани Улуғ кўллар ватанидан олиб келганди.

Мутомбо Мукулодек одам ҳам қариб қолди, энди илгаригидек ов қилолмайди — дала-даштларга чиқишга мажол қайда.

Олов билан бўладиган ов вақтида ёбон бўшлиқларини қамраб олган алангага боқиб, жасур овчиларнинг қийқириқларига қулоқ солиб ўтиришни нақадар яхши кўрарди.

Шўринг қурғур чиндан ҳам кучдан қолибди. У ҳатто ўз кулбасидан то қароргоҳга қадар бўлган озгинагина масофани ҳам ҳасса билан зўрға босиб ўтади-да, эртадан-кечгача одамларга бўлиб ўтган воқеаларни айтиб ўтиради. Ҳа, у бир вақтлар бўлиб ўтган воқеаларни ҳаммадан кўра яхшироқ ҳикоя қиларди.

Бир кун шундай оқшомларнинг бирида, оқсоқол қароргоҳ олдида кенжа ўғли Илунга совға этган қоплон терисини ёпиниб ўтирганида, қабила қариялари унга оҳистагина, гапларини хаспўшлаб, овчилар анчадан бери ялангликда қилинаётган овдан қайтмаётганликларини, ов қилиш учун шамол йўқлигини айтдилар.

— Шамол йўқ! — такрорлади оқсоқол бошини ҳам қилиб.

У лубаликлар ов қилаётган ерларда шамол эсмай қўйганлигини анчадан бери биларди. Шундай бўлса-да, ўзининг ожизлигини яшириш ва қарияларда оллоҳга қарши норозиликка ундаслик учун ҳеч сўз айтмай юрарди. У тонггача яздон Касонега илтижо қилди. Аммо шамол ҳанузгача осмондан тушмасди. Мутомбо

Мукуло ўз халқининг бошига катта кулфат тушишини қалбан ҳис этмоқда эди.

— Шамол йўқ!— қайтарди у.

Ҳамма оғир ўйга чўмганча сукут сақлаб турарди.

Кечагина оқсоқол бир вақтлар худди шундай шамол тансиқлиги туфайли ов юришмагани ва очликдан қанчадан-қанча одамлар ўлиб кетганлигини эслади. У ўша кезларда ҳали ёш бола бўлса-да, мудҳиш кунлар ёди ҳамон дилидан ўчмаган эди. Ушанда Лубанинг энг яхши одамлари ҳалок бўлишган, кўп одамлар бу ерларни ташлаб кетишганди.

— Илунга қаерда?— кутилмаганда сўради оқсоқол.

— Уша ерда, овчилар билан бирга. Ҳалигача шамол бўлмаётганлигини айтиш учун ўғлинг бизни юборди.

— Шамол бўлади!— деди Мутомбо Мукуло қатъий овоз билан. Унинг кўзлари ярқираб кетди.— Илунга кўплаб оҳуларни овлаб келади. Қарияларда, халқда ҳадемай гўшт бўлади.

Қариялар ишонқирамай бир-бирларига қараб қўйдилар. Лекин ҳеч ким ишонмаётганлигини айтишга ботина олмасди.

Орадан яна бир неча кун ўтди, лекин қилт этган шамол бўлмади.

Овчилар саф-саф бўлиб уйларига қайтишди. Илунганинг чапдаст сайёдлари ҳам ов майдонини ноилож тарк этдилар.

— Яздон Касоне шамолга посбонлик қилмоқда!— хитоб қилди Илунга отасига.

Иккалови ҳам обиҳаёт ва шамоллар посбони момақалди роқ яздони Касонега лаънатлар ўқидилар.

Илунга уч кунгача ҳеч ким билан сўзлашмади. У ҳатто ўз хотинларига рўйхуш бермади ва пальма шаробидан ҳам тотинмади. Тўртинчи куни оқсоқолнинг ўғли отаси учун лоқал битта оҳу овлаш мақсадида ўртоқлари билан қамишзорга борди. Гўшт тугаган кундан бошлабоқ Мутомбо Мукуло ўз кулбасидан ташқарига чиқмай қўйди. Энди у худонинг берган куни хотинларига тўнғиллар, ўғилларининг топқирмаслигидан норизо эди.

Лекин Илунга овдан икки қўлини бурнига тиқиб қайтди-да, кулбасига яшириниб олди, чунки отасининг қарғишларига тоби тоқати йўқ эди. Оқсоқол эса очликка чидамай, нуқул гўштсиз таомдан бош тортарди. Очлик азобидан қутулиш учун у пальма шаробидан ақлдан озгунча ичарди.

Овчилар қаерга боришмасин, барибир, овлари бароридан келмади.

— Бирорта жонивор йўқ! Лубадан кетиб қолишибди,— деб нолишарди овчилар қишлоққа қуп-қуруқ қайтаркан.

Ниҳоят, ойдин кечаларнинг бирида одамлар қишлоқ яқинида ёввойи итларнинг ҳуришини ва сиртлонларнинг дағдағасини эшитдилар.

Бу жуда даҳшатли тун эди. Бу кечани одамлар узоқ вақтгача хотирларида сақлаб қолдилар.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетгандан кейин ҳам одамлар энг ғамгин қўшиқлари қаторида, ўша машғум кечани куйладилар. Ўшанда очлик туфайли ҳайвонлар Луба ерлари билан хайрлашиб, узоқ-узоқларга кетиб қолдилар.

Ўшандан кейин кечалари фақат чигирткаларнинг сайраши эшитилди. Осойишталикни фақат қандайдир бир йиртқич қуш ўз қичқирғи блан аҳён-аҳёнда бузиб турди.

Овчилар яйловга қайтиб бормадилар, чунки ҳатто сиртлонларга ҳам у ерда егулик бирорта жонивор топилмасди.

Урмон ва қирларда гуллар қуриб кетмоқда эди. Қуёшнинг қизиб кетганлигидан ўтлар узра учиб юрган чипор капалаклар қанотидан айрилар, қизил чумолилар бўлса қаноти куйган қушларни битта қўймай еб битирардилар. Одамлар ҳам дарё соҳилларида изғиб юрган қурт-қумурсқаларни тановул этишарди.

Ҳа, жуда даҳшатли йил эди. Шамол йўқ. Қуёш ердаги кўкарган нарсани қуриптиб, дарёларни ирмоққа, ирмоқларни эса қумлоққа айлантириб юборди. Тун пардаси ер юзини қоплаганда атрофни сирли сокинлик эгаллади, ҳаммаёқда умидсизлик ҳукм сураб ва бу мудҳиш тинчликни бирорта ноғора овози бузмасди. Йигитлар кисанжега ўйнамай қўйишганди ва бирорта

аёл батуки рақсида бўладиган жазавани қўмсамасди.

II

Ниҳоят, илк бор ёмғир ёғиб, майин шабада эса бошлади. Қирларда майсалар қулф уриб, сиртлон ва ёввойи итлар қайтиб келишди.

Қалин ўрмонзорларда қушлар чуғур-чуғури эшитилиб қолди. Бироқ оҳу ва йиртқичлар бу ям-яшил қирлар ҳамда қалин ўрмонзорларга қайтиб келишмади. Шундан кейин кўп лубаликлар ўз она-Ерларини тарк этиб кетдилар. Улар бошқа оқсоқолларга тегишли ерларга, узоқ Жануб текисликларига равона бўлдилар.

Лекин Илунга ва унинг овчилари ўз она қишлоқларида қолдилар. Улар фақат ўз қорниларини деб ўз қабиладошларини ташлаб кетганларни айбладилар. Илунга ва унинг овчилари ҳамон очлик ва ночорликда оҳулар дарёдан сув ичишга келадилар, деб умид қилар эдилар.

Бир куни кексалар овчиларга, қушлардан отиб беринглар, деб илтимос қилгандилар, овчилар бунга рози бўлмадилар. Қариялар ранжиган кўйи иккинчи бу ҳақда оғиз очмадилар. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай ўша овчилар ўз хотинлари ва болаларини қушлар ва каламушларни тутиб келишга юбордилар, Узлари бунақа қилишдан ор қилдилар.

Кекса Мутомбо Мукуло ва унинг ўғиллари каламуш ва қуш гўшти ейишдан бутунлай бош тортдилар ва қариялар билан анча кунгача гаплашмай юрдилар.

Қандай қилиб улар бу жониворларни ейиш даражасигача бориб етдилар, улар ахир хотин-халаж ва бола-бақра қўйган қопқонларга тушганларида чалажон бўладилар-ку?

Ниҳоят, ўрмондаги қушлар тугул ялангликдаги каламушлар ҳам гумдон бўлишди. Ёғингарчилик мавсуми бошланди.

Қариялар кунларни чилим чекиб ўтказардилар. Овчилар эса худди овга ҳозирланаётгандек, қайроқ тошларга найза ва камон ўқи учларини чархлаб ўтирардилар. Бир куни Илунга эрталаб барвақт оҳу териси-

дан қилинган лунгини олдига тўсиб, қўлига кама-лак ва ўқларини олиб қирга чиқди. У худди шу тах-литда бир неча марта овга борган бўлса-да, ҳар гал қуруқ қайтарди.

Кимдир: «Илунга яширинча каламуш овлаб, ўша ерда тановул қилади-да, сўнг уйга қайтади», — деган гап тарқатди ҳам... Аммо Илунга бу оғзига кучи етма-ганларни эл олдида бошлаб таъзирини берди.

Бу оғир кунларда Луба овчилари ўғирлик қила бошладилар. Очлик ўғирликни энг оғир жиноят экан-лигини унутишга мажбур этди. Ҳар доим ўғирлик одам ўлдиришдан кўра каттароқ жиноят ҳисобланар-ди. Ўғирлик қилган одамнинг калласи танасидан жудо бўларди. Энди овчиларнинг бутун бир тўдаси қўшни қишлоқлардаги оқсоқолларнинг ов қиладиган ерларига ўлжа излаб кета бошладилар. Улар қўшни қишлоқларга бориб, уларнинг тайёр озиқ-овқатларини ўғирлаб, ўз қишлоқларига олиб кела бошладилар. Ўғирликлари билиниб қолган тақдирда урушишдан ҳам тап тортмадилар. Улар бошқалардек — Жанубга бориб, ўша майдон эгаларига қул бўлмадилар. Илун-ганинг овчилари озодликда қолишни истардилар, ле-кин очлик уларни ўғирлик қилишга мажбур этди.

Илунга улар билан бирга бормади, чунки у ўғир-лик қилса отаси уни сира кечирмаслигини яхши би-ларди.

Мутомбо Мукуло овчиларнинг қилиб юрган ишла-рини пайқаб қолиб, тутақиб кетди. Оқсоқол уларга қарғиш ва маломатлар ёғдирди ва номусга бардош беролмай ётиб қолди. Кечқурун у барча қарияларни йиғиб ўғирлик қилган овчиларни жазоламоқчи бўлди.

— Бу ишларга очлик айбдор, — деб қариялар овчи-ларнинг ёнини олишди.

Оқсоқол чоллардан нарироқда бир чеккада ўтирган уч ўғилга — Касонго, Канъиука ва Маига қаради. Би-роқ ўғлонлар бошларини ҳам қилиб, оталарига бир сўз ҳам айтмадилар. Шундан кейин Мутомбо Мукуло зўр-ға ўрнидан туриб, ерга тупурди-да, ўз кулбасига бо-риб, Луба халқининг иснодига чидай олмай узоқ вақт кўз ёши тўкди.

Орадан кунлар ўтди, қариялар очликдан силласи қуриган оқсоқолни ўғирланган гўштдан ейишга зўрга кўндирдилар, чунки унинг очликдан ҳалок бўлиш хавфи бор эди. Аммо оқсоқол уларнинг сўзига кириб, бир бўлак ўғирланган гўштдан еди-ю, қилган ишидан юз минг пушаймон бўлди. Ўз қилмишини унутиш мақсадида икки калebas тўла шаробни ичиб қўйди. Кейин қариялар уни қўлларида кўтариб бориб ўз кулбасига ётқиздилар.

Эртасига Мутомбо Мукуло ҳуши жойига келгач, ўғирлик гўштдан тановул қилганини эслади-ю, уялганидан кечгача кулбасидан ташқарига чиқмади. Бу унинг ҳаётида энг аянчли кун эди.

— Луба халқининг оқсоқоли ўғирланган гўштдан тотинди!— деди у секин ва маъюслик билан биринчи хотинига.

— Очлик айбдор!— жавоб берди унга хотини.

— Ҳаммаси тугади! Луба ватани ҳалок бўлди,— деб пичирлади оқсоқол ва минг афсус чекиб, бошини ҳовучига олди.

III

Лубанинг кўҳна дарахти, Мутомбо Мукуло эгила бошлади. У куни тугаб қолаётганини сезиб, ҳамма ўғилларини олдига чақирди. У ўз фарзандларини нопок гўшт егандан бери кўрмаган эди.

Касонго, Канъиука, Илунга ва Май оталари олдида қатор ўтиришди. Қоплон пўстинини елкасига ёпиниб олган оқсоқол ўғилларига синчковлик назари билан қараб чиққач, ўз ўлими яқинлиги тўғрисида ва халқнинг қашшоқлашиб қолгани ҳақида гапира бошлади.

— Луба ҳалок бўлди!— деди у изтироб билан.

Чол аввал Свано Мулопо лақабли тўнғич ўғли Касонгога юзланди. У отасининг ўрнини босиши керак эди-да.

— Бизнинг ерларимизда энди ов қилиб бўлмайди. Ҳаммаси тугади!— давом этди у.

Сўнгра у ўғилларига янги ерлар топиш зарурлигини айтди, чунки бу ерларда ямс ўсмай қўйди, одамлар усиз оч қолишади.

— У ерда ҳаммаси янгитдан бошланади,— деди чол қўлини шарққа узатиб.— У ерларда дарё кўп, кўл кўп. У ерлар жуда серҳосил ва энг муҳими, ҳар доим шамол эсиб туради, бу эса ов қилиш учун жуда қулай.

Йигитлар бошларини ҳам қилиб ота гапини эътибор билан тингладилар.

— У ерларга бориш учун йўл қидириш шарт эмас,— давом этди чол ҳамон Касонгога қараб.— Фақат дарё оқими бўйлаб бориш керак.

— Сен-чи, ота?— деб сўради Илунга.

Мутомбо Мукуло маънос ва ғамгинлик билан бош чайқади ва ўғлига қараб шундай деди:

— Мен жуда қариб қолдим. Луба ҳалок бўлгач, мен шу ерда ўламан. Кексалар Луба билан бирга ўлиши керак, ёшларнинг йўриғи бошқа, улар яхши ерларда яшашлари лозим.

— Мен бораман,— қарор қилди Касонго.

— Мен ҳам,— деди Каньука.

— Нуридийдаларим! Довюрак эканлигингизни билардим! Ёш бўлганимда мен ҳам янги ерларга борган бўлардим.

— Мен қоламан,— деди Илунга қатъий қилиб.

Чол унга ҳайрон бўлиб қаради. Сўнг бошини эгиб шундай деди:

— Сен овчисан, ўғлим, оҳулар тўдаси эса бизнинг ерлардан оёқ узганига анча бўлди. Сен бу ерларда нима қиласан?

— Мен шу ерда қоламан, ота,— такрорлади Илунга.

— Мен ҳам қоламан,— кутилмаганда акасига қўшилди Май.

— Сизлар бу ерда қолишингиз мумкин эмас! Чунки Луба ҳам, унинг оқсоқоли ҳам ҳадемай ҳалок бўлади!

— Биз барибир сен билан қоламиз,— дейишди кенжа ака-укалар бир овоздан.

— Ундай бўлса бизга маруфо келтиришсин!— қичқирди оқсоқол жон-жаҳди билан.

Оқсоқолнинг хотини уларга пальма шаробидан катта калebasда узатди. Оқсоқол ва унинг ўғлонлари бир идишдан шароб ичишди. Сўнг улар ўз кулбаларига

бориб, хотинлари ва болаларини гулхан ёқиш учун ўтин териб келишга юборишди. Бу оқшом одамлар батуки рақсига тушишлари лозим эди, лекин гулхан атрофида батуки рақсига тушадиган марду майдон йўқ эди.

Эртаси куни ҳамма одамларни йиғиб, отаси олдида Касонго укаси Илунгага шимбуйни — темир болтани топширди. Чунки Илунга Каньюка ўрнига отасига меросхўр бўлиб қолиши керак. Тўнғич ўғиллар — Касонго билан Каньюка Лубани тарк этдилар.

Илунга темир болта — шимбуйни боши узра намойишкорона кўтарди. Бу билан у ҳукмдорлик қилиш ҳуқуқини олганлигини ҳаммага кўрсатди. Илунга Лубанинг таниқли, жасур овчиси бўлганлиги учун уни ҳамма севарди. Шунинг учун ҳамма мамнунлик билан бараварига ёш оқсоқолни олқишладилар.

Бир неча кундан сўнг Касонго ўз одамлари билан бирга Шимол яланглиги орқали дарё оқими бўйлаб кетди. Кейин у ёғоч солларда дарёдан сузиб ўтиб, тангадек қуёш нури тушмайдиган қалин ўрмонзорга етдилар. Йўл юра-юра охири қўнғир тусли тоғ олдидаги кўлга — беназир юртга келиб қолдилар. Касонго одамлари шу тоғ этакларида яшашга қарор қилишди.

Тоғ тепасида кимларнингдир қишлоғи жойлашган экан. Касонго у ерга тўсатдан ҳужум бошлаб, қишлоққа ўт қўйди. Оқсоқолини ўлдириб, одамларини қул қилди ва жангчилар ёниб кул бўлган кулбалар устида батуки рақсини ижро этдилар.

Бу жойларда ёввойи ҳайвонлар кўп эди. Касонго ҳам тоғ тепасига ўз Лубасига ўхшатиб янги қишлоқ қурдирди.

Касонго бу ерда оқсоқол бўлиб қолди. Атрофдаги ҳамма нарса унинг ихтиёрида эди. Тоғлар ҳам, пастидан оқиб ўтган икки дарё ҳам, Касонго одамлари энди ўзларини лубалик деб атамай, тўғридан-тўғри касонголик деб атай бошлашди.

Акасининг кетидан бир неча кун ўтгач, укаси Каньюка сафарга чиқди. Тоғлардан анча берида, йўлнинг ярмини ҳам ўтмасдан, икки дарё оралигидаги яйловда у каттагина қишлоқ барпо этди. У ҳам жангчи-

лар шон-шуҳратини орттириб, қўшни қабилаларни урушда енгди ва одамларини қул қилди.

Мутомбо Мукуло катта ўғлилари ҳақидаги ишларидан хабар топиб, ҳаммага шароб ичишни ва батукига рақсга тушишни буюрди. Ҳолбуки, одамлар очликдан силлалари қуриб зўрға қимирлашар эдилар.

Илунга ҳам қўлида темир болтани ўйнатиб, батукига рақсга тушар, барча аёллар эса унга завқланиб қарашар ва ҳаммаси ҳам у билан даври даврон суришни исташарди.

Тонг ёриша бошлаганда Мутомбо Мукуло шундай деди:

— Энди мен дунёдан хотиржам кўз юсам бўлади.— У жилмайиб Илунганинг орқасига уриб қўйди:— Акаларинг — жасур одамлар! Мен ҳам ёшлигимда шундай эдим.— Чол анча вақтгача хахолаб кулди.— Акаларинг шердек паҳлавон! Сен қандай бўлар экансан, ўғлим? Ахир сен менинг ўрнимни босишинг керак!

IV

Мутомбо Мукуло ўзини ҳорғин ҳис қиларди. У яшашдан жуда толган, шунинг учун фақат бир нарсани — ўлимни истарди. У фақат шу тўғрида гапирар эди.

У умрида шу ерда яшаган одамлар нимани кўриши мумкин бўлса, барчасини кўрди. У ўрмондаги дарахтларнинг ҳаммасини санаб чиқди. Лубаликлар ов қилмаган жой қолмади деярли. Унинг ҳам боқмаган тешиги, кирмаган эшиги қолмади. Қишлоқдагиларнинг ҳаммаси — етти яшаридан етмиш яшаригача унга отнинг қашқасидай маълум эди.

Лубанинг барча хотинлари, бошқа қабиладан чўриликка олинган аёллар ҳам кўзлари ёриганда чақалоқларини кекса оқсоқол олдига олиб келиб кўрсатар эдилар. Оқсоқол қанчадан-қанча ўспиринлар мукандага кетаётганида уларга муваффақият тилаган, улар эркаклик шарафини олганларида улар билан бирга қувнаган эди. У ёшликдан бирга ўсган ўртоқлари қазо қилганда мотам батукисига рақсга тушди. Жангда ен-

гилган оқсоқолларнинг бошини қишлоғи атрофидаги учли ёғочларга санчиб, кўп марта қўлини қон қилган. У душманига раҳм қилмас ва ҳеч қачон бирорта қулни ҳам озодликка чиқармаганди. Мағлуб қабилаларнинг аёлларини асирликка олар экан, уларни сира ўлдирилишига йўл қўймас, чунки хотинлар далада деҳқончилик қилишлари ва Луба қабиласи эркаклари учун бола туғиб бериши керак эди. Лекин оқсоқол ўғирлик қилган одамларни сира кечирмас, уларни дарҳол ўлимга маҳкум этарди, у тириклайин ўтда куяётган жодугарларни кўрса жуда севиниб кетарди. У ҳар доим жангда ҳам, овда ҳам аёвсиз бўлган одамларни жуда ҳурмат қиларди.

Мутомбо Мукуло яшаб ўтган ҳаётидан фахрланарди. Ҳа, у бир донишманд яшаганчалик яшади. Дарҳақиқат, оқсоқол ҳамма нарсани кўриб, ҳамма нарсани тушуниб турса, у ўз юртининг энг кекса ва энг донишманд одами бўлиб қолади. Агар кекса оқсоқол ўз халқи ва ерининг тарихини унутмаган бўлса, улуг ўтмиши ва ҳозирги ночор турмушини кўра олса-ю, халқ ҳаётини яхшилашга кучи етмаса, киши ўзини энг бахтсиз ва энг ночор одамдек ҳис этади.

Буларнинг ҳаммасини бир кун кечаси кекса Мутомбо Мукуло ўрмоннинг қаеридадир ёввойи итлар акиллаб қолганида обдан ўйлаб кўрганди. Шу кечаси унга охир-оқибат ўлим келиб ёпишишини истади. Негаки, яздонлар олдига боришни кўпдан орзу қиларди. Қаттол шамоллар унинг руҳини олиб кетишига ўлим яздони Камвари йўл қўймаслигини хоҳлади.

— Камварининг даргоҳи кенг! — деб қўйди чол.

Ногоҳ кулба девори ортида сиртлон қаҳ-қаҳ урди. Чол сесканиб кетди-да, биринчи хотинини чақира бошлади. Хотини келиши билан у ёнида ётишни буюрди, чунки бир ўзи ётишга қўрқди.

Азонда у Илунганинг овчилари чорлаётган қичқирғидан уйғониб кетди. Чол бир амаллаб кулбаси эшиги ёнига бориб, ташқарига қаради. Дарахтларнинг учи шамолдан тебранаётган эди. Бу шамол ёмғир олиб келувчи ёки момақалдироқ қалдиратувчи шамол эмас, балки сахий, ялангликда олов билан ов қилишга жуда қўл келадиган яхшигина шамол эди.

— Яхшигина шамол!— қичқирди чол Илунгага қаддини ростлаб хахоларкан.

У узун йўл бўйлаб қўлларида камон, ўқ ва найза кўтариб кетаётган овчиларни кўриб, уларга омад тилади.

Илунга ва унинг шерикларининг оёқ товуши узоқлашди. Қишлоқ узра хўрознинг қичқирган овози янгради. Қулбалар тепасидан бир гала капалаклар учиб ўтди. Дарахт тепасида қуш сайради. Мутомбо Мукуло чиптага зўрға келиб ўтирди-да, кийик боласи гўштидан тотишни ўйлади.

V

Мутомбо Мукуло дунёдан ўтди. Лубанинг кўҳна дарахти қуриб қолди. Лекин ҳамон қилт этган шамол йўқ эди. Ер ёрила бошлади. Иссиққа бардош беролмаган қушлар узоқ-узоқларга учиб кетдилар. Экин майдонлари қуриб чўлга айланди. Луба аёллари қайта уруғ сепишга қўллари бормасди.

Кекса Мутомбо Мукуло Луба ҳалокатга учрашини айтган эди, чиндан ҳам Лубанинг кўҳна дарахти ер билан битта бўлди. Лубаликлар унинг мотам маросимини кўнгилдагидек ўтказдилар. Уни туғилиб ўсган она-Ери бағрига дафн этганларидан кейин, қариялар бу ерларни ташлаб, дарёнинг нариги соҳилига ўтишга қарор қилдилар.

Лекин Маи ота қабри ёнида қолишга қарор қилди. У акалари Касонго ва Каньюка ўрнига ҳам отаси учун аза тутди. Акалари ўз қудратларини ошириш ниятида жангарилик қилишар, вақтлари бўлмаётганлиги туфайли, оталари қабрига келолмаган эдилар.

Успириндар эса Касонго ва Каньюка қаҳрамонликлари ҳақида ўй сураб, акаларига насиб этган серҳосил ерларга шерик бўлишни орзу қилардилар. Шунинг учун улар нариги соҳилдаги ерларга боргилари келмади. Бу улар учун харобага айланган кўҳна ерга жуда яқиндек туюларди. Уларнинг истаклари нима эканини ҳамма биларди. Фақат Илунганинг дўстлари кекса оқсоқол ўлимидан кейин Луба диёри йўқ бўлиб кетганини, бундан кейинги ҳаётлари қандай кечишини билмас эдилар. Илунганинг дўстлари энди ёш оқсо-

қол нима қила олишини билишмас, қачон бир қарорға келишини кутардилар. Илунга эса ҳамон нола қилиб, отаси учун йиғларди.

Ниҳоят, оқсоқол кулбасини ва унинг биринчи хотинини ёқиб юборишди. Илунга ва Маи оналари ўлимига кўз ёши тўкмадилар. Луба урфи одатига кўра у оқсоқол билан бирга дафн қилиниши керак. Қисмат шуни тақозо қилган эди. Аммо дафн чоғида оқсоқолнинг биринчи хотини мвата-мвари — халқ онаси тириклайин кўмиб юборилаётганда болалик хотинлар нола қилиб еру кўкни бузиб юборишди.

Бир неча кундан кейин тонг-саҳарда Илунга ва унинг жасур йўлдошлари қишлоқни тарк этиб, дадил қадамлар билан кенг ялангликлардан ўтиб, жануб томонга йўл олдилар. Йўл-йўлакай қўшиқ айтиб боришар, уларнинг овозини шамол узоқ-узоқларга олиб кетарди. Овчилар Луба эли билан хайрлашмоқда эдилар.

Барча довюрак эркаклар кетиб қолишаётганини кўриб, бечора аёллар кўз ёши тўкардилар. Аммо овчилар бола-чақалари ва хотинларидан кўра кўпроқ жасорат кўрсатишни яхши кўрардилар. Йиғлаётган аёллар бу кетаётган йигитларнинг кўпчилиги қайтиб келишини билмас эдилар, чунки одамлар туғилиб ўсган ерларида ўлишни истайдилар. Бу ерга фақат Илунга қайтиб келмайди.

Ярим кечада ёввойи итларнинг увиллаши ва қоплонларнинг ўкириши қишлоқ теварагини тутганда ёлғиз қолган Маи қўлига кисанже мусиқа асбобини олиб, марҳум отасининг хотирасига марсия айта бошлади.

Дарёнинг нариги томонида қариялар қишлоқлари бўшаб қолганидан пальма шароби ичишар, чилимни қўлдан қўлга узатиб, галма-галдан чекиб ўтиришарди.

Ҳанузгача тиқ этган шамол йўқ эди.

2. СОПҚОНЧИЛАР ОТАСИ

I

Рубилаши ва Руиза дарёлари оралиғидаги яйловда бунго халқи овчилик ва балиқчилик қилиб яшарди. Шунингдек, қамишзорларда учрайдиган сувсарлар

ҳамда тимсоҳлар тухумини еб яшовчи катта калтаке-сакларни тутишар эди.

Хотинлар эрталабдан кечгача экинзорларда меҳнат қилишарди. Улар янги ой жилва қилганда уруғ сепишарди. Бироқ эрлари билан экинзорларга боришдан олдин ҳосил маросими шарафига хотинлар норасида гўдак болаларни бошлари узра баланд кўтариб янги ой ёғдусига тутишар, рақс тушиб, ой шаънига қўшиқлар айтишарди.

Бунголиклар темир нималигини билишмас, тош уларнинг бирдан-бир қуроли эди. Қўшни қабилалар билан уруш қилган тақдирда ҳам улар тошотарлик санъатини ишга солардилар. Тинчлик даврида сопқонга ҳожат қолмади. Иала-Маку бош оқсоқол бўлиб танилди. Унинг билагида билагузук — лукао ярқиради. Бу билагузук ҳукмдорлик рамзи сифатида отабоболардан унга мерос бўлиб қолганди.

Кекса Иала-Маку энг донгдор сопқончилардан бўлиб, халқ уни эъзозлаб «тошотарлар отахони» дер эди. Уруш тугаб Иала-Маку энг катта ерларни ишғол этгач, у сопқонда тош отмай қўйди. Охири қишлоқ ўртасида ўсиб турган катта муқаддас дарахт — мулемба тагига сопқонини кўмишга мажбур бўлди.

Оқсоқол Конти исмли биринчи хотинидан бўлган болаларни кўрса севинарди. Конти эса шунчалар қариб қолган эдики, у оқсоқолнинг бошқа хотинлари ўз вазифаларини қандай адо этаётганликларини кузатишга ҳам кучи етмай қолганди. Иала-Мақунинг ўттизта хотини бор эди. Ёши бир жойга боргандан кейин барча хотинлари кулбалари ораллиғидаги кулбада истиқомат қила бошлади. Унинг битта малла ити ҳам бор эди. У ҳам қариб қолиб, акиллашни ҳам унутган, овга ҳам боролмай қолган эди. У фақат тунда ёки қишлоқда биров ўлиб қолса ойга қараб увилларди, холос. Кекса оқсоқол эски одатига кўра олдига келган одамларни кулба бўсағасида қабул қилар, тоғорада сувга бўктириб қўйилган қамиш хивичдан битта-битта олиб бўйра тўқирди. Қўллари дам-бадам совуқ сувга тушаверганидан ҳадеганда қовушмасди. У ажин босиб кетган қўлларини қуёшга тутар ва доимий ҳамроҳи бўлиб қолган малла ити билан сўзлашарди. Аҳён-аҳёнда та-

маки чекар, сўнг аста, шошмасдан яна бўйра тўқишга киришар эди. Бошқа оқсоқоллар унингдек улуғ ва машҳур бўлмасалар-да, қариянинг олдига келиб уни зиёрат қилишар, ундан маслаҳатлар сўрашар, шундай вақтларда ҳам Иала-Маку қўлидаги ишини йиғиштириб қўймас эди. Унинг олдига келганлар унинг тўқиган бўйраларини кўриб, мақташганида қалби қувончга тўларди. Қари оқсоқол шошмасдан қамиш хивичлардан битта-битта олар, ишдан бошини кўтариб, бир оз нафасини ростлаб олгач, қатъий овозда маслаҳат берарди. У бош кўтарган оқсоқоллардан қай бирини ўлдириш, одамларга офат келтирувчи афсунгарларни қай тариқа тириклайин ўтда куйдириш, қайси қишлоқдан қайси нобоп хотинни қувиб чиқариш кераклиги борми, ҳамма-ҳаммасини аниқ-таниқ сўйларди.

Чолнинг айтгани айтган эди. Байрам кунлари оқсоқоллардан бири арзигулик совға келтирса, унга жавобан Иала-Маку яқинда тўқиб бўлган бўйраларидан бирини инъом этарди. Бўйра у қадар қимматбаҳо бўлмаса-да, қарияники табаррук, деб уни олган одам жуда хурсанд бўларди. Бу бўйра гўё улуғ оқсоқол билан бўлган яхши муносабатдан гувоҳлик берарди.

II

Иала-Макунинг уч фарзанди — икки ўғил ва бир қизи бор эди. Каттасининг исми Кингури бўлиб у баджаҳл ва серғайрат эди. Унинг укаси Иала эса акасидан жуда қўрқар, унинг чизган чизигидан чиқмасди. Улар иккиси сингиллари Луежини бирдек ёмон кўришар ва сира чиқиштирмас эдилар. Улар сингилларини жуда кам кўришар, фақат оталари ёки оналарини кўргани келганларида кўришарди. Қиз эса баъзи кунлари отаси олдида ўтириб унга бўйра тўқишга кўмаклашарди.

Балиқ овидан қайтгач, ака-укалар кечқурунлари оталари олдига келишарди. Улар оталари қаршисига ўтириб олиб ўтган-кетганлардан сўйлашарди. Оқсоқол бошидан ўтган воқеаларни кўп маротаба ҳикоя қилган бўлса-да, беихтиёр яна такрорлар, ўғиллари эса жим ўтириб тинглашарди...

Кунлардан бир кун оқсоқол бир саргузаштни айтиб

бераётган чоғида Кингури унинг гапини бўлиб: — Бунголиклар нега Луба аҳлидек темир қурулдан фойдаланмайдилар, деб сўраган эди, ота бетгачопар ўғлига ҳатто қайрилиб боқмади, фақат ҳўл қамиш билан уни бир уриб қўйди-да, гапида давом этди. Сўнг у Луба халқи тўғрисида гапира кетди. Лубаликлар ўғри ва майхўр бўлишлигини, уришишдан бошқага ярамасликликларини айтиб эзмаланди.

— Ана шу темир найзалар билан улар бир-бирларини мағлуб этадилар! — деди чол ғазабланиб.

Кингури отасидан кечирим сўради, лекин ўзича нима бўлса ҳам ўша темир қурулга эга бўлишга қарор қилди. У туғилиб ўсган қишлоғидан итоаткор укаси Иала билан бирга Лубани қидириб кетишга аҳд қилди.

Ака-ука анча вақтгача қишлоқма-қишлоқ юриб, балиқчилар ва овчилар оромгоҳларида тўхтадилар, кичик, енгил қайиқларда дарёлардан сузиб ўтдилар, лекин турғун сувларда ёвуз руҳлар борлигини билиб кўл яқинига бормадилар. Ака-ука лубаликларни қидириб йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар, турли-туман қабила одамларига дуч келдилар, бироқ ҳеч кимда темирдан ясалган найза-ўқни кўрмадилар.

III

Кулба бўсағасига ўтириб олган кекса Иала-Маку бўйра тўқиб, чилим чекарди. Бироқ унинг қўллари қалтирар ва ҳўл қамиш нўдалари унинг қўлидан тушиб кетарди. Чол совуқдан эмас, ғазабдан қалтирарди. Худонинг берган қуни лубаликларни излаб кетган ўғлилари тўғрисида шикоят эшитарди.

Кучли шамол эсган кунларнинг бирида ноғоралар овози янгради. У ноғораларнинг овози чор атрофга ёйилиб қаёқларгадир изғиб юрган Кингури билан Иалани уйга қайтаришга даъват этди. Кунлар кетидан кунлар ўтиб борар, лекин ака-укаларнинг қораси кўринмасди.

Ноғоралар овози узоқ-узоқларга етиб борар, ака-укалар бу сасни эшитишса ҳам парво қилмай, бечора оталарини қариган чоғида менсимай, елка қисганча хаҳолаб йўлда давом этишарди.

Қари оқсоқолнинг қулоғига фақат нохуш хабарлар эшитиларди. Одамлар чолга унинг ўғиллари хотинларнинг номусига текканликлари борми, кулбаларга ўт қўйганликлари борми, маст бўлиб юрганликлари ва ўғирлик қилганликлари борми, одамлар билан уришиб ҳатто одам ўлдириш даражасига етиб борганлари борми — ҳамма-ҳаммасини гапиришарди. Қари оқсоқол Иала-Мақунинг фиғони осмонда эди.

Кулбанинг бир бурчига чўнқайиб ўтириб олган бечора Конти, бу бебош ўғиллари қилмишига юзи чидамай, жимгина йиғларди. Она икки боласига қараганда кўпроқ Кингурини яхши кўрарди. У бахтиқаро ўғлига ачинарди. Она одамлар айтганидек, ўғлининг шумқадам бўлиб кетганига сира ишонгиси келмасди.

Лекин Кингурини ҳамма ерда одамлар қарғарди. Жануб текисликларидаги қишлоқларда момақалдироқ гумбурласа, хотинлар бу Кингури қичқиряпти, дер эдилар. Буни эшитган болалар қўрққанларидан жим бўлиб қолишарди. Қариялар ҳам Кингуридан норози эдилар. Шундай қилиб, оқсоқолнинг катта ўғли Кингури эл орасида ёмонотлиқ бўлиб танилди.

Бир куни Иала-Маку биринчи хотини Контига, Кингури ҳеч қачон бунгонинг оқсоқоли бўлмайди, чунки халқ уни жуда ёмон кўради, деб айтди. Иккинчи ўғли Иала ҳам оқсоқолликка нолойиқ, чунки у акасининг изидан кетмоқда, у акаси қилаётган номаъқулчиликларга шерик бўлиб юрибди. Бунго қабиласидек эрксевар халқнинг оқсоқоли, энг яхши одам бўлишидан ташқари, ўз халқига маъқул, унинг севгисига лойиқ киши бўлиши лозим. Унинг ўғиллари бундай шарафга нолойиқ эдилар. Агар Иала-Мақунинг куни битса, у оқсоқолликни опасининг ўғлига мерос тариқасида топширади. Нима бўлса ҳам унинг қони ҳам бир, боз устига, яхши одам, ҳақиқий бунго.

Шундай қилиб, Конти ётиб қолди. У бўйрадан қайта турмай, бошига тушган ташвишлардан эзилиб, эртаю кеч йиғларди. Бечора она йиғлай-йиғлай оламдан ўтиб кетди. Яна ноғоралар овози ҳавода янгради, бу гал бу ноғора садолари Кингури билан Иалани уйга қайтиб, ўлган онаси билан видолашишга чақирарди.

Ака-укалар ноғоралар овозини эшитсалар-да, уйга қайтишмади, чунки дайдиликнинг сархашлиги уларни борган сари узоқ ерларга олиб кетмоқда эди.

Ниҳоят, ноғора садолари ака-укаларга:

— Сизнинг доғингизда адо бўлган онангиз ўз туғилиб ўсган ери — Каланьига кўмилди, — деган хабарни берганида, иккови ҳам бир-бирини қучоқлаб, юзларини юзларига қўйдилар — уларнинг кўзларидан бир неча томчи ёш думалади. Шу куни тунда Кингури батукига рақсга тушиб, марҳум онаси хотирасига қўшиқ айтди. Сўнгра у пальма шаробидан шунчалик кўп ичдики, унинг кўз олдида онасининг қиёфаси сўниб кетди, ўта мастлигидан кўз ўнгидаги ҳамма нарса хиралашиб кетди.

IV

Осмонда қора булутлар кезарди, ёввойи шамол эса тикка ўсган ўт-ўланларни тебратарди. Атрофни қоронғилик босиб, қишлоқ узра тун ўзининг қора чодирини тикканида Кингури ва Иала ўз туғилиб ўсган она қишлоқларига кириб келдилар. Ака-укалар ноғора овозини кўп вақтдан бери эшитишмаган эди. Кингури ва Иала қулоқларига бу ноғора садолари сўнгги бор ўша муштипар оналари дафн қилинган куни эшитилган эди.

Она вафотига ҳам анча вақт бўлди. Кингури йўл юрса ҳам мўл юрди, кўпгина бегона пальмазорларда шароб ичди, ўйин майдонларида рақсга тушди. Кўпгина дарёлар сувидан балиқ овлади ва аёлларга шунчалик кўнгил қўйдик, уларни санаган билан адо этиб бўлмасди.

Кингури ўз қишлоғидан шу қадар узоқлашиб кетган эдики, кунлардан бир кун у ўз акасини Касаи дарёсининг тиниқ сувида кўриб қолди. Укаси Иалани ҳам ёнма-ён тургани учун унинг ғазабнок кўзларига назар ташлади-да, кўриб кетганидан орқасига қарамай анча жойгача қочиб борганини эслади. Лекин ака-укалар Касаи дарёси соҳилларида кўп юрмадилар. Кингури инсон қадами етмаган Касаи дарёсининг бошланиш ерига қандай боришни ерлик халқлардан сўраб-суриштирди, аммо унинг қаердан бошланишини ҳеч ким ай-

тиб бермагач, Луба халқи ўша ерларда яшаса керак, деб чамалади-да, укасини олиб ўз қишлоғи сари раво-на бўлди. Улар уйга қайтишди, йўлда ичиб безорилик қилмадилар.

Улар кекса Иала-Маку ҳузурига етиб келганларида, чол одатдагидек кулба бўсағасида бўйра тўқиб ўтирарди.

— Ота, биз қайтиб келдик,— деди Кингури.

Бироқ оқсоқол ўғилларига қайрилиб ҳам қарамади. Мўйсафид учун ўғиллари аллақачон бандаликни бажо келтирганди. Уларга жавобан чол бепарволик билан фақат елка қисди ва нима қилсаларинг қила-верларинг, менга фарқи йўқ, дегандек қўл силкиб қўйди. Оталари учун энди улар қишлоқдан кетадиларми ёки эл-юртларини бутунлай тарк этадиларми — фарқи йўқ эди. Ҳа, нима қилсалар қилаверишсин!

Кингури бундай кутиб олишни сира ўйламаган эди. У, қайтиб келишимиздан падари бузрукворимиз севи-нади, деб ўйлаган эди. У шартта отасига орқа ўгириб ўз кулбаси томон жадал юриб кетди. Кингури кўзлари-даги ғазабни кўрган одамлар кўрқиб, унга кўринмас-ликка ҳаракат қилишар, шоша-пиша йўл бўшатиб, чет-га ўтишарди, Кингурини биринчи марта бундай ҳолда кўрган одамлар ҳайратда эдилар. Иала отаси олдида чўнқайиб ўтирганича қимир этмас, унинг авзойидан отасига бутунлай итоат қилиши аниқдек туюларди. Лекин чол кичик ўғли билан ҳам сўзлашгиси келмади. Ота кўнглида кўпдан бери йиғилиб ётган аламзадалиқ ўғиллари гуноҳидан ўтишга монелик қиларди!

Эҳтиётлик билан қамиш хивичларни йиғиб, ёғоч тоғорадаги сувга солиб қўйди-да, Иала-Маку Луежини чақирди ва унинг кўмагида кулба томон йўл олди.

Ҳовлига югуриб кирган малла ит чолни танимай, келгиндига акиллагандек, Иалага ташланиб, тинимсиз акиллай бошлади. Жаҳли чиққан Иала итни тепиб юборди. Ит ангиллаганча думини қисиб, эгасидан ҳи-моя сўрагандек жилпаңлади.

Шу кечаси икки ака-ука шаробдан ҳар кунгидек ичолмай бир кулбада тунашди. Бирорта аёл улар билан ўз ўрнини баҳам кўрмади.

Эртасига эрталаб юрт отасидан рухсат олмасдан,

одатга хилоф равишда улар икковлон дарё соҳили яқинидаги пальмазорга равона бўлишди. Улар экинзор ёнидан ўтиб боришар экан, шудгорларда бел эгиб меҳнат қилаётган аёлларга синглисиди ишбоши бўлиб турганини кўриб, ҳайратдан қотиб қолдилар. Ака-укалар отасининг истағи ва буйруғига биноан илгари оналари Конти бажарадиган ишни энди Луежи бажараётганлигини тушуниб етдилар.

— Ана унга қара! Отамиз ақлдан озибди! — деди Кингури бармоғи билан укасига синглисиди кўрсатиб.

Шундан кейин иккаласи ўз сингилларидан юз ўгириб, ерга тупурдилар. Таҳқирланишдан кўнгли ранжиган бечора Луежи ерга қараб қолди. Ака-уканинг бу ҳаракатидан хотин-қизлар ҳам озор чекишди.

— Юр бу ердан! Бизга бу ерда қиладиган иш йўқ, — жекирди Кингури укасига.

Йигитлар беҳаё қўшиқлар айтиб маст-аласт ҳолатда қишлоққа ярим кечада кириб келишди. Улар қишлоқнинг қоқ ўртасига келганларида қулаб кетмаслик учун бир-бирларини қучиб олишди. Сўнг қишлоқни бошларига кўтариб, аллақачон уларни унутиб юборган ўртоқларини чақирдишди ва жўралари чиқавермагач, оғзиларига келган мазаматни аямадилар. Аммо ҳеч ким эшик очмади, уларни тартибга чақирмади ҳам. Шу тариқа аҳмоқлик ва безориликда оқсоқолнинг ўриллари олдига тушадиган одам топилмади.

Эртаси куни Иала-Маку ўғилларини ўз ҳузурига чақирди. Қария фарзандларига ёмон кўз билан қараб турди-да: — Агар кечагидек аҳмоқлик қиладиган бўлсаларинг адабингизни бериб, роса дўшпослайман, — деб ўшқирди. Лекин ўғлонлар оталарига қараб, масхараомуз қаҳ-қаҳ уришди:

— Буни қаранглар! Шарти кетиб, парти қолгану тагин бизни калтаклар эмиш-а! — Улар гандираклаганларича беҳаё қўшиқларни хиргойи қилиб пальмазорга кетишди.

V

Ўғлонларнинг назарида бу хил тириклик бир ёқлама, боз устига, зерикарли эди. Улар яна падари бузрукворларига тегишли қишлоқларга бориб, кўнгиљуш-

лик қилавердилар. Кингури ва Иала улуғ оқсоқолнинг фарзандлари бўлганликлари учун қишлоқ оқсоқоллари уларнинг авбошликларига чидаб келардилар.

Кингури аллақачонлар оқсоқоллар кўзига отнинг қашқасидек маълум эди. Бош оқсоқолнинг ўғли Кингури ўспиринлар мактаби — мукандада сабоқ олиб юрганда ҳам, бунго йигитлари ичида биргина Кингури кексаларни мазах қилар, уларни оёқ учида кўрсатар эди. Агар қариялар унга танбеҳ берсалар, уларга:

— Ёш хотинларингизни қандай эвляяпсизлар? — деб савол берарди. Унинг жавобидан баъзилари уялиб қолишар, бошқалари эса Кингурини очиқдан-очиқ дуойи бад қилишарди.

Ҳар доим нимадандир норози бўлиб юрган ўспиринлар Кингурининг бу қилмишларига таҳсин ўқишарди. Уша йигитчалар ҳамиша унинг орқасидан эргашиб юришар ва унинг хатти-ҳаракатларини қаҳрамонликка йўйишарди. Аммо кекса оқсоқоллар ҳам қараб турмай, уларга дўқ-пўписа қилиб, қамчи ўқталишар, Кингурини ҳам савалашга уриниб кўришарди.

Ниҳоят, пичоқ бориб суякка тақалди — Кингури билан Иалага қарши халқ норозилик билдирди. Оқсоқол нима учун сукут сақламоқда? Ахир уларнинг ичмаган шаробларию зўрламаган қизлари қолмади-ку!

— Ҳамма гап Кингурида! У ақлдан озган! — дерди оқсоқоллар. Ниҳоят, улар Иала-Мақунинг олдига бориб, икки ака-ука ярамас кирдикорлари билан бошқа ёшларни йўлдан ураётганликларини гапириб, Кингури ва Иалага муносиб жазо беришни талаб қилдилар. Бош оқсоқол ҳам аллақачонлар ўғли Кингури ўринбосар бўлолмаслигини биларди. Фақат бошқа оқсоқоллар орасига низо солмаслик учун уларга бу ҳақда оғиз очмаган эди. Шунинг учун у оқсоқолларнинг шикоятини тинглаб бўлгач, уларга ўғли меросхўр бўлганлиги учун унга ҳеч қандай жазо бера олмаслигини айтиш билан чекланди.

Орадан бир ой вақт ўтгач, атрофдаги қишлоқларда бу ака-уканинг дастидан калтак емаган, ё боши ёрилмаган, ёки қўли синмаган бирорта одам қолмади. Оқсоқолнинг ўғиллари энди қайга боришмасин уларга ҳеч ким шароб тугул овқат ҳам бермай қўйди. Фақат

баъзи бировлар раҳм-шафқат юзасидан худди гадойга садақа бергандек озгина маниок беришарди.

Очликдан даргазаб бўлган Кингури ва Иала Жанубга қараб отланишди ва у ердаги қишлоқларда оқсоқол номидан ўлпон йиғмоқчи бўлишди. Иала-Маку бундан хабар топиб, ноғора садоси орқали ўғилларига ҳатто чўп ҳам бермасликни эълон қилди.

— Чол бизни очдан ўлдирмоқчи!— деди Кингури ноғора овозини эшитиб.

Ака-ука бир неча кун балиқчилар манзилгоҳида яшашди. У ерда уларнинг ҳамфикр тенгқурлари бор эди. Улар Кингурининг қилиқларидан фахрланиб юришар эди. Лекин охири улар ҳам уйга қайтишга мажбур бўлдилар. Анча вақтгача ака-ука икковлон безорлик қилмасдан тинч юришди. Уларнинг тинчиб қолганига одамлар шукур қилиб, дарбадарликда толиқиб инсофга келишибди, деб ўйлашди. Улар қишлоқ одамлари билан бирга балиқ овига боришар, оталарининг бўйра тўқиши учун дарё соҳилидаги қамишзорлардан қамиш ўриб келишарди. Иала ҳатто кулбасининг томини тузата бошлади. Кингури эса нимагадир ғамгин ҳолда бир чеккада шумшайиб ўтирарди. У ота кулбаси бўсағасида мизғир, малла ит эса унинг оёғидаги ярани ялаб ётарди. Гоҳо Иала унинг ёнига келиб ўтирар, кисанже чалиб, олис қишлоқларда ўрганган қўшиқларни куйларди.

Янги ой ер юзини сутдек нурга кўмган кечаси аёллар гўдак болаларини бошлари узра кўтариб, ой нурига тутиб, худодан фарзандларига бахту саодат тилаётганларида, Кингури тутақиб, ўрнидан дик этиб турди-да:

— Юр!— деб хитоб қилди укасига.

Шу кун тонггача Кингури шароб ичди. Кечаси янги ой жилва қилиб ҳосил маросими ўтказиш чоғида Кингури муқаддас яйловга келиб, қамчи билан сава-лаб, жуфт-жуфт бўлиб ётганларни тўзитиб юборди. Сўнг у Иала билан бирга аёлларни қувиб, ялиниб-ёлворишларига қарамай, уларни кўтариб ерга ура бошлади. Бу воқеадан кейин икки ака-ука бир неча кунгача ҳеч кимга кўринмай яшириниб юрдилар. Аммо оқсоқолнинг иккала ўғли пальмазорга яшириниб олиб, у

ерда эрталабдан кечгача шароб ичиб ётганликларини ҳамма биларди. Каланъи элининг осмонида юлдузлар ярақлаб турган гўзал тунда пальмазордан итларнинг ҳуришига ва сиртлонларнинг ўкиришига ўхшаш товушларни одамлар қўрқибгина эшитардилар. Пальмазорда бу хил ҳайвонлар яшамаслиги ҳаммага аён эди. Оқсоқолнинг икки ўғли ичкилик ичиб, ҳайвонларга тақлидан шундай овоз чиқараётганлигини одамлар билишарди.

Ичиб олган икки ака-ука оёқларида зўрға туриб, оталари кулбасига етиб келдилар. Кингури қаерда турганлигини билмасди. Хиёл ҳушёр тортган укаси Иала кўзларини ишқалаб пичирлади:

— Бу ахир отамиз-ку! Кетдик бу ердан!

Иала-Маку ўғлиларига қайрилиб ҳам қарамади. Чол индамасдан бўйра тўқир, бармоқлари эса бир оз титтарди.

— Буни қара, шунча шароб бор экан-а!— хитоб қилди Кингури ёғоч тоғорадаги қамиш ивитиб қўйилган сувга қараб.

Чол ўғлига қаради, Кингури мастлик туфайли оёғида зўрға турганлигини кўриб, елка қисди ва ишини давом эттирди.

— Лаънати қария!— қичқириб юборди Кингури.— Шаробни исроф этишга нима ҳаққинг бор?

Иала-Макунинг аъзойи бадани ғазабдан титраб кетди. Иала ўз болалари билан тенг бўлишни ўзига эп кўрмай, ўзини қўлга олди-да, чурқ этмади.

— Қария, шаробимга тега кўрма!— деди Кингури қутуриб.

— Шаробни нима қиласан тентак? Бир оёғинг ерда бўлса, бир оёғинг гўрда-ку! Уни менга беру бу ердан туёғингни шиқиллат!— дея отасининг бошига таёқ билан туширди.

Иала-Маку секин ингранди-да, орқаси билан ерга қулади.

Кингури ёғоч тоғорадаги сувдан мириқиб ичаркан, укасига қараб:

— Чол энди шароб ичмайди,— деди ва қўполлик билан отасининг узатган қўлини итариб юборди.

Лекин кекса Иала-Маку энди бу оғриқни сезмас

эди. У кулбаси эшиги олдида оғзидан қон оқиб ётарди.

Ака-ука эса қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаб, қилган қотилликларидан мутлақо беҳабар ҳолда, қўшиқ айтиб қишлоқдан чиқиб кетишди.

3. ЖАҲОНГАШТАЛИК ЙЎЛЛАРИ

I

Луежи деҳқончилик ишларини битказиб ямс ва маниок солиб тўлдирилган саватларни кўтарган чўрилари билан қишлоққа қайтарди. Олдинда малла ит иссиқдан ҳаллослаб, тилини осилтириб борарди. Аёллар қўлларигадаги саватларини ерга қўйиб, дам ола бошладилар. Шамол ўт-ўланларни денгиз тўлқинлари сари, осмон ер билан тўташган томон сари эгарди. Қишлоқда ғалати бир сокинлик ҳукм сурарди.

— Эркаклар балки қайтишмагандир,— деди Луежи ва отасининг кулбаси томон йўл олди. У ҳовлига етиб бормасданоқ, ит унинг олдига тушиб югуриб кетди ва тумшугини тепага кўтариб гингший бошлади.

— Оҳ!— деди Луежи ва ит ортидан кулба томон югурди. Шу ерда кимнингдир инграган овози эшитилди. У юрагини ҳовучлаб қоронғиликка боқди. Ит борган сари қаттиқроқ инграрди. Луежи кулба бўсағасидан ичкарироқда ётган отасини кўрди. Унинг қони ерга оқиб халқоб бўлиб қолганди. Чол қимирлама, лекин билинар-билимас инграрди. Луежининг келишини кутмасдан унинг ўзи кулбага судралиб кириб мадорсизликдан шу ерда ётиб қолганди.

Луежи чўриларни чақирди. Улар биргаликда қарияни эҳтиётлик билан ўрнига келтириб ётқиздилар ва жароҳатини тозалаб ювдилар.

Бу сафар ноғбралар чалинмади. Улар одатдагидек халққа оқсоқол бетоблигини хабар қилиш ўрнига сукут сақладилар. Бироқ қариялар Луежигача чекка қишлоқларнинг оқсоқолларига одам юбориб, қари Иала-Макунинг аҳволидан уларни хабардор қилиб қўйиш

лозимлигини тайинладилар. Луежи кечаю кундуз отасини парвариш қилар, лекин унинг тузалиб кетишига сира умиди йўқ эди.

Пальмазорда ухлаб ётган Кингури ва Иала ниҳоят уйғондилар. Кечаги бўлиб ўтган воқеаларни Кингури зўрға эслай бошлади. Кеча ундан ҳушёрроқ бўлган Иала акасига кеча у отасининг бошига таёқ билан урганлигини эслатди. Иккаласи ҳам қўрқиб, Каланъи эли узра ногора садолари оқсоқолнинг фожиавий ўлимидан машъум хабар тарқатишини пойлаб ўтиришарди.

— Улар бизни ушлаб оладилар!— деди Кингури қўрққанидан башараси буришиб.

Яқин-йироқдан то тонгга қадар оқсоқоллар аста-секин саф-саф бўлиб сўзлашмасдан келавердилар.

Машъум хабарни чопарлар Иала-Макуга тегишли барча қишлоқ оқсоқолларига етказишган эдилар. Мана, оқсоқол қизи Луежи чақирувига кўра оқсоқоллар йиғилди.

Иала-Макунинг кулбаси олдида ёнаётган гулхан шуъласи чолнинг бўздек оқарган юзи ва хиралашган кўзларини ёритиб турарди. Луежи нозик қўллари билан отасининг пешонасини силарди. Кулбага тўпланган оқсоқоллар ўлаётган оқсоқол атрофида бош эгиб, сукут сақлаб туришарди.

— Ота, айт, бу ишни ким қилди, наҳотки Кингури бўлса?— пичирлаб сўради Луежи отасига энгашиб.

Чол имо билан тасдиқ ишорасини қилди.

— Иалаям урдими?

— Йўқ!— пичирлаб жавоб берди оқсоқол ва алам-ли оҳ чекди.

Луежининг ғам тўла шахло кўзларидан кўксига дув-дув ёш оқа бошлади. Ҳар тарафдан келган оқсоқоллар ўлаётган қария атрофида чурқ этмай серрайиб туришарди.

Тонг ёриша бошлаганида бунго оқсоқоли Иала-Маку ўлими яқинлашиб қолганлигини ҳис этди. Қадрдон дўстлари ва маслаҳатчиларига қараб ўзининг охирги истагини баён этди. У Кингури ва Иалага лаънатлар айтиб, ўзидан кейин бунго халқининг ҳукмронлиги қизи Луежига ўтажагини ва ҳамма унга бўйсунуши керак-

лигини тутила-тутила гапирди. Ҳозирча Луежи анча ёш бўлганлиги учун оқсоқоллар уни Кингуридан ҳимоя қилишлари, унинг ишларини кузатиб туришлари ва йўл-йўриқ кўрсатиб туришлари лозим. Иала-Макуга оқсоқоллар унинг сўнгги истагини сўзсиз бажо келтиришлари ҳақида қасамёд қилганларидан сўнг, у анча уриниб қўлидаги лукано билагузугини ечди ва қизининг нозик билакларига тақиб қўйди. Кейинчалик ҳукмдорлик рамзи бўлмиш бу билагузукни — лукано-ни Луежи ким билан турмуш қурса, ана ўшанга тақдим этишини тайинлади.

Ҳа, шундан кейин кекса оқсоқол бир оғиз ҳам сўзламади. Эрта тонгда қуёшнинг заррин нури унинг кулбасини ёрита бошлаганда, оқсоқолнинг киприкларида, сўнгги кўз ёшлари — ўлим ёшлари жилваланди.

Каланъи эли узра юзлаб ноғора овози янгради, уларнинг садосини шамол узоқ-узоқларга олиб кетди. Моҳир сопқон отувчи, бунго элидаги барча дарёларнинг энг уста балиқчиси, улуғ оқсоқол Иала-Маку вафот этди.

Пальмазордаги тинчликни ҳам ўша ноғораларнинг овози бузди. Иаланинг юраги ачишиб, кўзлари ёшга тўлди. Кингури хўмрайиб, тишини-тишига қўйди. Пальма дарахти учларида бир қуш сайрайди. Бир неча сония ўтгач, унга жавобан бошқа қуш ҳам сайрайди.

Қушлар сайроғини тинглаб турган калтакесак мошдек кўзларини катта очиб, дарахт шоҳида донг қотиб қолди.

— Бу ердан кетишимиз даркор! Ҳа, иложи борича тезроқ! — деди Кингури амирона. Ака-ука пальмазордан чиқиб, она қишлоқларидан бош олиб кета бошладилар. Худди шу вақтда юздан ортиқ ноғора мамлакатнинг чекка-чеккаларидан бунго одамларини улуғ оқсоқол билан сўнгги бор дийдор кўришиб, унинг ўлимига кўз ёши тўкишга чақирарди.

II

Бир неча ойдан кейин Кингури ва Иала уйга қайтишга қарор қилишди.

Кингури бунго ерининг соҳибаси Луежи бўлганлигини эшитиб, алаmidан ўз ёнига ўзи қовурилмоқда эди. У жангчилар, қариялар ва оқсоқоллар синглицини қўллаб-қўлтиқлаётганликларига сира ишонгиси келмасди. У ҳаммасини ўз кўзи билан кўришни истади.

Шундай қилиб, Кингури уйига қайтиб келди. Луежи қариялар маслаҳатига биноан ҳокимият ишларини осойишталик билан уддалаб бораётганини кўриб, синглицига нисбатан кучли адоват сақласа-да, дардим ичимда, лабларим хандон қабилида синглицини билан ҳокимият талашмаслигини, зеро, ота амри вожиб эканлигини айтди.

У Каланъи элида кўп бўлмади, яна сафарга отланди. Қандайдир нотинч овоз уни олис-олисларга боришга даъват этарди. Кингури ўша ерларда муқимликда қолиб, мустақил ҳокимият ўрнатишни истади. Лекин унга эргашган қасоскорлар жуда ҳам оз эди. У янги ерларга жойлашиб олгач, ўз ёнига жасур ва жангари кишиларни йиға бошлади, чунки улар билан бирга жаҳонгашталиқ йўлларида шон-шухрат орттирмоқчи эди. У шундай деса-да, асл муддаоси қандай бўлмасин, синглицини қўл остидаги кўҳна бунго ерларини тортиб олиш эди.

— Кингури бизни жанг қилишга чақирмоқда, — дейишарди одамлар бир-бирига унинг мақсадини англаб. — Бизга урушнинг нима кераги бор? Ким Кингури билан борса, унинг қулига айланади.

Шундай қилиб марҳум оқсоқолнинг катта ўғли Кингури бунго одамлари келавермагач, у қароқчиларга бош бўлди. Бунгонинг бирорта оқсоқоли унинг ҳокимиятини тан олмади.

Лекин ярим кечада ҳам Каланъи қишлоқларига Кингури одамларининг овози эшитилиб турарди. Бунгонинг тинч ва осойишта ҳаёт кечирувчи халқи оқсоқолнинг бебош ўғлидан хавотирда эдилар. Ахир у қароқчи тўдасига бош, қишлоққа бирдан бостириб кириши мумкин. Боз устига қонхўрлик Кингурининг касбига айланганди.

Шундан кейин бунголиклар ўз қишлоқлари атрофига тўсиқлар қура бошладилар. Қурулланган мерганлар

кечаю кундуз йўлларда қўриқчилик қилишар, кечалари қишлоқ атрофида ва ичкарасида катта-катта гулханлар ёқилиб қўйиларди. Қари жодугарлар худодан Кингури ва унинг шериклари қилаётган безориликларини тўхтатишни илтижо қилардилар. Бутун мамлакат бўйлаб бунголарни зийракликка ундовчи ноғора садолари янграрди.

Кунлардан бир кун Кингури кичкина бир қишлоққа ҳужум қилиб, анча одамларни асир олиб қайтаётганида, Каланъи элининг ноғора садоларини эшитиб қолди. Босқинчилар бу мудҳиш хабардан ларзага келдилар. Ноғора садолари мазмунидан шу нарса англашилди: — Ким Кингурига хизмат қилса, у ўлимга маҳкумдир.

Ғазабланган босқинчилар олдиларига солиб олиб кетаётган тутқунларни савалай бошладилар. Кингурининг жанговар қақирғи шамолнинг увиллаган овозига қўшилиб кетди. У қишлоғи атрофига ясалган тўсиқ ортига яширинишга ошиқаркан, ўзлигини ҳимоя эта олишига ақли етмаса-да, одамларига жангга ҳозирлик кўриш ҳақида буйруқ берганди.

— Луежи биздан қўрқади!— деб хитоб қилди у ўз одамларига, уларга далда бермоқчи бўлиб.— Қўяверинглар, Луежининг оқсоқоллари яқинлашаверсинлар. Биз уларнинг таъзирини бериб қўямиз!

Бироқ сафарларда юравериб силласи қуриган Кингурининг одамлари ноғора садоси бекордан-бекорга бу хабарни етказмаслигини яхши билишарди.

Кингури бу кичкина ҳокимиятнинг оқсоқоли бўлганидан бери, унинг одамлари на овга чиқишар ва на дарёга тўр ташлаб балиқ тутишарди. Улар ўғирланган озиқ-овқат билан кун кечиришар, ҳатто аёллари ҳам деҳқончилик ишларини унутиб юборгандилар. Ёмғиргарчилик мавсуми келганида, осмонда момақалдироқ гумбурлади, чармоқ чақди, Кингури одамлари овқатсиз қолди. Ўғирланган таомлар тугади. Одамлар ҳеч нарса экилмаган бўм-бўш ерларни кўриб ғамга ботдилар.

Шундан кейин, Кингури бу қишлоқни ҳам тарк этиб, яна талон-торож ишларини давом эттирди. Лекин Бунгонинг чекка қишлоқларидаги одамлар кўч-кўрон-

ларини олиб, бошқа ёққа кетиб қолган эдилар Кингури чор-ночор аёлларни дарё соҳилидаги ерларда деҳқончилик ишлари билан машғул бўлишга ундаб кўрди, эркакларни эса балиқ овлашга юборди. Бироқ унинг одамлари саркашлик қилиб, бошлари оққан ёққа кета бошладилар. Очлик ва норозилик уларни янада шафқатсиз қилиб юборганди. Кингури асирга олинган одамларини сира аямасдан савалади — бу билан ўз одамларини қўрқитиб, итоаткор қилиб олмоқчи бўлган эди. Кингури Каланъи аскарларининг ўч олишидан қўрқиб, ўз қишлоғидан ташқарига чиқмасди. У четга чиқса ҳам фақат балиқларни тузга алмашиш ёки қулларидан бирортасини сотишга чиқарди. Исёнкор Кингури билан бирга яшаётган одамларга халқ лаънатлар айтди, оқсоқоллар уларни ўлимга маҳкум қилдилар.

III

Замин соҳибаси Луежи-иа Канти тонг ёришиши билан ўрnidан турар ва ҳар кунгидек чўрилари билан дарё соҳилидаги ерларга борарди. У ерда бир вақтлар онаси қилган ишларни, яъни қари Канти каби эрта тонгдан то қош қорайгунча дала ишларини бошқариб турарди. У қора ёғочдан ишланган ва сиртига одамлар ҳаётини акс эттирувчи турли манзаралар ўйиб солинган баланд маснадда намойишкорона ўтириб, маслаҳат сўраб келган одамларни қабул қилар, янги қснунлар чиқазар ва давлат ишларини ҳал қилаётганида қариялар билан бамаслаҳат халқ манфаатини кўзлаб иш тутарди. У шундай иш тутгани учун халқ орасида обрў қозонди, чунки халқ ҳақиқатни жуда эъзозлайди.

Донишманд қариялар ва оқсоқоллар Иала-Маку васиятига амал қилишар, қизини сира ёлғиз қолдиришмас, уни ҳар доим назорат қилиб туришар, чунки тажрибасиз ва ёш қизнинг соддалигидан фойдаланиб бирор кимса ҳокимият тепасига чиқиб олиши мумкин-да! Улар бирорта одам акаси Кингурига нисбатан унинг меҳрини уйғотиб қўйишидан жуда кўрқар эдилар. Шу-

нинг учун маслаҳатчилар уни акасидан совитиш ниятида Кингури қилган бир жиноятга юз жиноятни қўшиб гапирардилар. Луежи ҳаммининг гапини тинглар, лекин ўз билганидан қолмасди. У зарур хулоса чиқариш учун ўз ақлини бошқаларникидан кам эмас деб ҳисобларди.

Вақти-вақти билан Луежига Кингури ҳақида турли хабарлар келиб турар, лекин бу хабарлар олдингиларидек жуда хавотирли эмасди. Чопарлар келтирган хабарларга қараганда Кингури ҳар доим ўз қишлоғида бўлар, фақат гоҳо-гоҳо Касаи дарёси соҳилларига бориб келар экан. Луежи кичик акасининг ҳам аҳволидан сўраганида ҳеч қаерга бормаи, у ўз вақтини кисанже чалиб ўтказишини, ичкилик ичиб безорилик қилмаслигини гапириб беришди. Шундан кейин Луежининг шахло кўзларига ёш келди — кичик акасининг кисанже чалиб қўшиқ айтишини онаизори хуш кўришини эслаб қолди.

Кунлардан бир кун қариялар қароргоҳ олдида йигилиб, Луежига турмушга чиқиш вақти келганлигини тантанали равишда айтдилар. Ахир у бунго ҳалқига манзур бўладиган оқсоқол — ўғлон туғиши лозим эдида. Отасининг орзуси шундай эди.

— Қани у? — кулиб юборди қиз ва саросима бўлиб қолган оқсоқолларга қараб. Ахир, улар бировни унга рўпара қилиша олмас эдилар-да.

Шундан кейин қариялар ўзаро маслаҳатлашиб Луежининг ҳузурига ўз ўғилларини юбордилар. Бироқ Луежи уларнинг бирортасига ҳам кўнгил бермади. Ҳатто чўрилари билан маишат қилиб, улар билан тунларни бирга ўтказиб маст бўлиб, жанжаллашиб юрганларни олдига солиб қувлади.

Луежи бир куни кечқурун дала ишларидан қайтаётиб, акаси Иалани балиқчилар билан сўзлашиб турганини кўриб қолди.

У акаси билан худди ўрталарида ҳеч нарса бўлмагандек сўзлашди. Лекин Кингури ҳақида ҳеч нарса сўрамади. Шунда Иала ўз синглисини қалбида акасига нисбатан бир оз бўлса-да, меҳр уйғотиш ниятида Кингуридан сўз очди. У Кингурининг касаллигини, қишлоқма-қишлоқ кезавериб чарчаганлигини, синглиси

билан қайта дўст бўлиш нияти йўқ эмаслигини айтди.

Луежи Иалага шароб келтиришларини ва унинг яшаши учун бир кулбани бўшатиб беришларини буюрди. Кечаси синглиси гўзал чўрилардан бирини Иала кулбасига бир идиш шароб билан юборди. Луежи буйруғига кўра чўри қиз танини Иалага бағишлаши керак эди. Буни чўри қиздан эшитган Иала синглиси унинг гуноҳларидан кечганлигини англади ва қўлига кисанже олиб, ёшлигида ўрганган мунгли куйларни чала бошлади. Луежи бу куйни узоқдан тинглар экан, акаси унинг кўрсатган саховатидан миннатдор эканлигини пайқади.

Эрта билан барвақт Иала синглисининг олдига йўл слди. Бир вақтлар акаси отасини урган ерда у Кингури ҳақида ва унинг узоқ вақтдан бери ўғирлик қилиш ва одам ўлдиришни касб қилиб олган шериклари ҳақида гапирди.

— Кингури — бағри тош одам! — хитоб қилди Луежи акаси ҳақида гап юритишни хоҳламай.

Аввалига Иала синглисининг жаҳлини чиқармаслик учун индамади, сўнг акасининг бошига тушган мусибатлар ҳақида сўзлаб берди.

— Энди унинг қуллари ҳам, чўрилари ҳам йўқ. Кингури тамоман қашшоқлашди. Унга раҳминг келсин, Луежи.

Иала синглисининг кўнгли юмшаганлигини кўриб, уни Каланъига акаси юборганлигини, Соҳибасидан ўз туғилиб ўсган ерлари, дарё соҳилларида яшашга ижозат сўраганини ва қабиланинг бошқа барча оқсоқоллари каби ўз вақтида ўлпон тўлаб туришга ваъда берганини очиқ айтди.

Кечқурун Иала Луежига бир сават балиқ келтирганида, синглиси акаси айтган таклифга рози эканлигини гапирди.

Кингури қишлоққа яқинроқ бир ерда яшай қолсин, лекин ҳар доим у билан бирга юрадиган шериклари Луежи одамларини асло ранжитмасин. Акс ҳолда Луежи Кингурининг бошини танасидан жудо қилади.

Шундай қилиб, Кингурига ўз туғилиб ўсган

соҳилларида яшашга рухсат берилди. Сингил оқсоқоллар ихтиёрига қарши иш тутди. Улар ҳаммаси Кингурининг Каланъи элида яшашига қарши эдилар.

IV

Дастлабки вақтларда тирикликни бир изга солиб олиши учун акасига Луежи озиқ-овқат юбориб турди. Улар Луежи юборган шаробдан ичишарди. Чунки барча пальма ўрмонлари Замин соҳибасининг шахсий мулки эди.

Кингури ноғоралари жим турарди. Одамлар Луежининг қишлоғидан нарироқда ўзларига кулбалар қурар, қишлоқларидан дарё соҳилига қараб йўл очишарди. Шундан кейин Кингури сингисининг олдига келди. У бунга оқсоқоллар йигинида оқсоқоллар ундан юз ўгираётганликларига қарамай, уларнинг қаба-тида ўтираверди.

Кингури экинлари мўл-кўл ҳосил бера бошлаганида, у Каланъига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Кингури Луежига унинг одамлари қишлоқ атрофида ўралишиб юрганидан шикоят қилди. Ниҳоят, ёмғиргарчилик мавсуми бошланганида Замин Соҳибаси барча оқсоқолларга ноғоралар садоси орқали бож тўлаш вақти етганлигини билдирди. Кингури бож тўлашдан бош тортди. Шундан кейин жазоланишдан қочиб, у Касаи ерларига қочиб кетди. Шундай қилиб, Иала акасининг ўрнига ўлпон тўлашга қарор қилди.

Кингури қайтиб келиб Иаланинг бу тантилигидан ниҳоятда ғазабланди. Худди шу пайт Луежи акасига катта калebasда пальма шароби юборди. Ғазабидан қутураётган Кингури сингисига лаънатлар айтиб, укасининг қўлидаги идишни тепиб юборди. У ғазаб отига минган эди, сингисининг бошига барча кулфатларни ёғдириб қарғади. Оқсоқолга бундай арзимас совғаларни юбормайдилар.

Шу кечаси Кингури яна уруш батуқисига рақсга тушди ва ўзининг барча одамларини Замин соҳибасига қарши жангга чақирди.

4. ДҮСТЛИК МАСКАНИ

I

Жанубий ялангликлар узра совуқ шамол эса бошлади. Оҳулар пода-пода бўлиб сарғайган ўтларни топтаб, сакраб-сакраб елдек учиб югуришарди. Камон ва найзалар билан қурулланган йигирма нафар овчи шамолга кўкрак тутиб боришарди. Олдинда Лубанинг моҳир овчиси Илунга вақти-вақти билан орқада қолаётганларни илдамликка чақириб қўярди. Бу бепоён текисликлар бўйлаб у ёшликдан мукандада бирга қатлашган тенгқурлари билан бирга оҳу қувиб борарди. Овчилар баъзан баланд ўсган ўтлар орасидан оҳуларнинг бир озгина чиқиб турган шохлари учларини кўрардилар. Оҳуларнинг ҳуркиб ҳар тарафга тумтарақай бўлиб қочилари овчиларнинг асабига тегарди. Уларнинг ҳозирги ишлари шунчаки эрмак эди. Чунки улар бу учиб-елиб бораётган жониворларга ета олмасликларига шубҳа йўқ эди. Улар қирда ов қилишга ўрганмаганлар. Улар хахолашиб, оҳуларни баттар чўчитиб юборишарди.

Овчилар шамолда кўзлари ёшланиб кетса-да, оҳу қувишга қизиқиб кетиб янада тезроқ чопишарди. Оҳулар ғойиб бўлгач, шамол пасайиб, ўтлар силкинмай қолди, одамлар ҳаллослай-ҳаллослай тўхтадилар. Қурулларини ерга қўйиб, узала тушиб ётдилар. Улар майсазор устида қуёш тиккага келгунча мириқиб дам олдилар. Шундан кейин Илунга ўрнидан туриб, ҳаммани яна сафарга отлантирди.

Улар ўз юртларининг ноғора товушларини кўп вақтлардан бери эшитмас, ёт элларда ватанларини қўмсардилар. Ҳар куни қуёш ботиш олдидан овчилар ўзларини хаёлан ўз уйларида ҳис этардилар. Улар чордана қуриб кўзларини юмган ҳолда сукут сақлаб ўтиришар, баъзи-баъзида ҳар ким ўз билганича кисанже чаларди. Улар бу мусиқа асбобини чалиш орқали узоқдаги ёру биродарлари билан сўзлашардилар — гоҳ сафар чоғида кўрган-кечирганлари ҳақида гапиришар, гоҳ улардан ҳол-аҳвол сўрашарди. Шомнинг майин шабадаси гўё уларга тасалли бергандек, саломларини

олис она қишлоқларига элтарди. Улар ўз жигаргўшалари билан хаёлан суҳбатлашар эканлар, ўзларини севикли маҳбубалари ёнида ҳис этардилар.

Яланглик ва қирлардаги барча африкаликлар дилларга ҳузур бағишловчи бу суҳбатларни биладилар, кисанже орқали изҳор қиладилар, чунки кисанже халқнинг қалби ва халқ овозининг тимсолидир.

Эрта билан уйқудан уйғонгач, Илунганинг овчилари туни билан ёнларида ёниб турган гулханларни ўчиришди ва ҳар қайсиси ўлжа излаб ҳар тарафга тарқаб кетди. Қуёш уфқ ортига қизариб ботган пайтида улар ўзларига хос овоз чиқариб, бир-бирларини чақирдилар ва ҳаммалари йиғилиб жамулжам бўлдилар. Улар яна гулхан ёқиб гўшт пишириб, тановул қила бошладилар. Сўнг мириқиб бир чилимни галма-гал чекдилар-да, яна бепоён текислик бўйлаб қуёш ботар томонга қараб то қоронғи тушгунча юриб бордилар.

Илунга одамларига олов билан ов қилишга рухсат бермасди, чунки ов қилинадиган ерлар уники эмас эди. У бу ерларнинг эгасини танимас, кимгадир тегишли эканлигига иккиланмас эди. Ахир, ер эгасиз бўлмайди-ку! Унинг бунга ишончи комил эди.

Луба ясси тоғликларида эсган иссиқ шамол оҳуларни Жануб текисликларига ҳайдаб келди. Уларни бу ерда Илунганинг овчилари қарши олдилар. Лекин оҳуларни овлашдан олдин улар шу ерларнинг эгаларидан ижозат сўрашлари керак эди. Қуёш уфқ ортига ўттиз маротаба ботди, лекин шу давр ичида уларга бирорта одам дуч келмади.

Илунганинг одамлари бекитиқча ов қилишни ёқтирмас эдилар. Бундан кўра жонивор билан юзмаюз олишган маъқул. Улар гўшт қиладиган ов учрамаганидан ўзларини ночор ҳисоблашарди. Фақат қорин тўйдириш учун қилинган овда шавқу завқ бўлмайди.

Луба овчиларига олов билан ов қилиш жуда ёқарди. Қирдаги ўт-ўланлар гуркираб ёпирилиб денгиз тўлқинидек ёна бошлаганида уларнинг қалблари қувончга тўларди. Қурт-қумурсқадан тортиб то йирик

хайвонгача — ҳамма-ҳаммаси довдираб, қаёққа бо-ришларини билмай қоладилар. Мана шуни ов деса бўлади!

Луба ялангликнинг моҳир овчилари эди. Илунга эса улар ичида жасурлиги билан ажраб турар эди. Ҳозирги кеча-кундузда эса Илунга ва унинг чапдаст сайёдлари ўрмон ичидаги кўллар соҳилларидаги кечимларга сув ичишга келган оҳуларни пойлаб дарахт тагида писиб ўтирувчи, йиртқич хайвонлар келиб қолса ўша дарахт устига чиқиб олувчи ожиз, фақат қорни ҳаракатида юрувчи овчиларден ўлжа олишга мажбур эдилар.

Овчилар ҳар куни эрта билан уйқудан тургач, бу ерларда одам боласи яшармикан, деган умид билан бирор ердан тутун кўтарилишини кутардилар. Кечалари Илунга ва унинг одамлари тун сукунатида қулоқ тутишар, узоқдан бўлса-да, бирор ноғора овози эшитилиб қолишини пойлаб ётишарди.

Бир куни Илунганинг одамлари ватанларига қайтиб кетишга ижозат сўрадилар. Улар йўл юриш азобидан қутулмоқчи бўлмадилар, билъакс, Илунга олов билан ов қилишга рухсат бермаганлиги учун ўз ватанларига бориб мириқиб ўт билан ов қилишга ошиқишди.

Бироқ Илунга уларга жавобан елка қисди-да: наҳотки йўл юришга энди мажоллари келмаса, деди. Ўз қишлоқларидаги аёллар анча вақтдан бери гўшт тановул этмаганликларини ҳам эслатиб қўйди у.

— Хотинларимиз ва бола-чақаларимиз майда ҳашаротларни тутиб емоқдалар,— деди Илунга.

Шундан кейин ҳеч ким Лубага қайтиш тўғрисида гап очмади.

Бир куни овчилар оқшом чоғи уфқда қандайдир қора доғ кўриб қолдилар. Ҳамма ўша томонга қараб югурди. Бу шохдор барқ уриб ўсган дарахт бўлиб, у жуда қадимий муқаддас дарахт — мулемба экан. Унинг танасига бир неча бор ўт теккани билиниб турарди. Овчилар шу кечани қадимий дарахт тагида ўтказдилар. Илунга ҳаммадан кейин ухлашга ётди, унинг кўзи уйқуга кетар экан, қулоғига олис-олис-ларда чалинаётган ноғора овози эшитилди.

— Батуки!— қичқириб юборди Илунга ўрнидан сакраб турар экан.

Овчилар ҳам ўрниларидан тура солиб узоқ-узоқлардан келаётган ногора овозига қулоқ тутдилар.

Улар ўша ногора овозига келган томонга қараб кун бўйи юрдилар, туз тугаб қолганлиги учун тузсиз гўшти чор-ночор тановул қилишарди.

— Уғлонларимиз бизни унутиб юбордилар!— нолиди овчилардан бири.

Илунга жаҳл билан унинг гапини бўлди:

— Сенинг хотининг уларга аллақачон бошқа ота тошиб берган...

Бирдан майин шамол уларга яна ногора садосини олиб келди.

— Ҳей одамлар!— қичқирди Илунга.— Яқин келиб қолдик!

Лекин кечга яқин яланглик узра ўчоқлардан кўтарилаётган тутунларни кўрдилар.

Бу қишлоқми ёки овчилар қароргоҳими, буни Илунга одамлари билишмасди... Нима бўлганида ҳам улар шу ерда одам боласи билан юз кўришадилар. Чунки олов ёнган ерда албатта одам яшайди.

Овчилар узоқдан кўриниб турган дарахтлар олдига баланд ўтлар орасидан ўтиб боришар экан, тўсатдан шилдираб оқаётган сув овозини эшитиб қолдилар. Сабрсизлик билан улар ҳаммаси ўша овоз келган томонга югуриб кетдилар ва тўсатдан катта дарёнинг нариги қирғоғида чўмилаётган шўх хотин-қизларга рўпара бўлдилар. Хотин-қизлар уларни кўрган заҳоти қўрққанларидан қичқириб юбордилар ва қамишзор ичига яшириндилар. Улар қамишлар орасига яшириниб олиб, қўрқа-писа кўзларини катта очиб, қадди-қомати келишган, ўрам-ўрам кокиллари елкаларига тушиб турган қулоқларига қуёш тусли катта ҳалқалар осган ва яхшигина қуролланган бу нотаниш эркакларга тикилиб туришарди. Лекин бу қизиқсиниш уларни қўрқувлардан холи қилди. Шунинг учун улар бу одамлардан қочмасдан қамишзорга беркинганларича бу келгиндиларни зимдан кузата бошладилар.

— Заб келишган аёллар кетиб қолишди-да,— деди Илунга афсус билан.

Бироқ Луба овчиларидан бири нариги қирғоққа сузиб ўтмоқчи бўлганида, аёллардан бир довюракроғи қамишлар ичидан бошини чиқарди-да, бу қирғоққа ўтишни хаёлларига ҳам келтирмасликни уқтирди. Бу ерлар Луежи-иа-Кантига қарашли ва бошқа ердан келган ҳар бир келгинди дарёдан сузиб ўтса, соқчилар томонидан маҳв этилади.

Овчилар бу огоҳлантиришдан анча ҳайиқдилар, Илунга эса ўша аёл билан гаплашишга аҳд қилди. Лекин ўша аёлнинг ўзи биринчи бўлиб ким у ва мақсади нима эканлигини сўради.

Илунга дарёга яқинроқ келди, овчилар унинг орқасида туришарди.

— Мен матамбалик овчи Илунга бўламан. Мен бу ерга ўз жасур дўстларим билан келганман,— деди Илунга қамишлар орасида яшириниб турган аёлга мурожаат қилиб.— Бизда тузга алмашишга етарли гўшт бор.

Шундан кейин қамишлар орасидан бир неча аёлнинг боши кўринди. Шивир-шивир ва кулги овозлари эшитилди.

— Бизда туз йўқ,— такрорлади Илунга.

— Тўхтаб тур!

Овчилар Илунгани ўраб олдилар. Улар дарё соҳилида сув кечиб туришарди.

— Жойингизда тура турунглар, биз Замин Соҳибаси олдига бориб ижозат сўраб келамиз.— Ҳаммалиги ҳам хахолаб югургилаб кетишди.

Овчилар анча вақтгача кутдилар, қош ҳам қорая бошлади, шунда нариги қирғоқдан уларни кимдир чақирди. Илунга ким ва нима исташларини яна такрорлади. У қоронғи бўлгани учун кимга гапираётганлигини илғамасдан сўзларди. Бир оздан сўнг нариги соҳилдан жавоб эшитилди:

— Шошмай тур!

Овчилар сувнинг шопиллашини эшитишди. Қирғоққа қайиқ яқинлашди, қамишлар шитирлади ва киши ерга енгилгина тушди. У эҳтиром билан Илунгага салом берди ва унинг олдига ичига хўрак солинган учта катта сават қўйди. Бу Замин Соҳибасидан келгиндиларга юборилган тортиқ бўлиб, соҳиба уларни эр-

тага қабул қила олишини билдирибди. Келгиндиларни қайиқ келиб олиб кетгунича таҳаммул қилишлари керак.

— Бекангизга ташаккур билдираман, бироқ олдинга бу хўраклардан ўзинг татиб кўр,— деди Илунга саватлардаги хўракка ишора қилиб.

Бунголик саватлардаги хўраклардан оз-оздан еб кўриб, хўрак заҳарланмаганини маълум қилди.

— Ташаккур айт бекангга,— такрорлади Илунга,— биз унинг совғаларини қабул қиламиз.— Барча овчилар ҳам рози-ризалик белгиси сифатида таъзим қилдилар.

Бунголик уларга яна бир бойлам тамаки барги берди-да, қайиққа ўтириб, қоронғида кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейин Илунга бир неча шохни кесиб келди-да, уларни ерга тиқиб, ўқ-ёйини, шимбуй — болтасини ва ов пичоғини осиб қўйди. Сўнг оёғини дарё томонга узатиб гулхан ёнига чўзилди, дўстларининг сўзлашуви уни аллалади шекилли, донг қотиб ухлаб қолди. Овчилар олис, ёт қирғоқда жонажон Лубада кечган воқеалардан бир-бирларига нақл сўйлардилар.

II

Замин соҳибаси кулба яқинидаги катта тош устида ўтирарди. Чўрилари эса унга соҳилда пайдо бўлган номаълум овчилар ва уларнинг сардори ҳақида сўйлаб беришмоқда эди.

— У жуда кетворган!— деди бири.

— Кокилларини айтмайсанми!— деди иккинчиси.

— Қулоқларида каттагина ҳалқалари ҳам бор,— деди бир қизча шавқ билан қўлларини кўксига босиб.

Шундан кейин бошқа чўрилар ҳам бир-бирларига гал бермай баробар чуғурлаша кетишди:

— Уларнинг қўлларида қандайдир қуролилари бор, биз бунақасини сира кўрмаганмиз!

— Унинг қуроли ҳамманикидан ҳам чиройлироқ!

— Кўзлари худди қуёшдек чақнайди-я!

— Унинг тишлари худди сеникига ўхшаш оппоқ, Луежи.

— У ҳамма бунголиклардан ҳам барваста!

— Луежи, у ҳаммасига бошчилик қиларкан!

Шундай қилиб, бу беназир келгинди Луежини ҳам қизиқтириб қўйди. У туни билан ўша йигитни ўйлаб ётди. Эрта билан ўрнидан тургач, ҳамма чўриларни уйғотиб, илгари отаси ўтирган катта тошни ўз кулбаси олдига келтириб қўйишларини буюрди. Бу тош устида Иала-Маку одатда қариялар билан суҳбатлашганида ё бўлмасам бошқа элатларнинг оқсоқолларини қабул этганида ўтирарди. Энди бу тош устида Луежи чордана қурди. Атрофига унинг чўрилари тизилишди. Соҳиба келгиндиларга одам юборган бўлса-да, нимагадир улардан ҳамон дарак йўқ эди. Луежи келгиндиларни кўришга шунчалик иштиёқманд эдики, гоҳ бир чўрисини, гоҳ иккинчи чўрисини йўл муюлишига юбориб, уларни сабрсизлик билан кутарди. Ниҳоят, чўриларининг ҳаяжони ва қувноқ овозлари эшитилди.

— Келишяпти!

Мана, Луежи юборган бунголик билан Илунга кўринди, унинг орқасидан Лубанинг бошқа овчилари ўқ-ёйларини орқаларига осиб келишарди.

Луежининг эътиборини у умрида илк бор кўраётган мана шу беназир қурооллар ўзига тортди. Нимадан ясалгани ҳам номаълум. Бунголиклар учун бу ялтироқ қуроол тамоман янгилик эди. Мана, унинг шахло кўзлари Илунганинг кўзлари билан учрашди. Луежи анча вақтгача кўзини қадди-қомати келишган овчидан ва унинг ўнг қўлида ярақлаб турган болтачадан узмади. Бу номаълум қуроолнинг зарнигор дастаси қуёшда тобланиб ялтирарди.

Илунга Соҳиба олдига келиб тўхтади ва таъзим бажо келтирганича унинг оёқлари пойига қўлидаги қуролини қўйди — бу билан у яхши ният билан келганлиги, ёмонлик қилиш нияти йўқлигини англатди. Унинг қўлида фақат ялтироқ болтача қолди, холос. Луежи Илунганинг саломига алик олгач, ҳамма овчи-

лар Илунганинг орқасида қатор туриб, ердан бир чимдим тупроқ олдилар-да, кўксиларига суртдилар — бунголиклар ўз эллари оқсоқолларига ана шундай таъзим қилардилар.

Шундан кейин Луежи Илунгага ёнидан жой берди. Бу тош кўпгина оқсоқолларга тахт вазифасини ўтаб келган эди. Илло ўтиришдан олдин унга кўрсатилган илтифот учун миннатдорчилик билдириш мақсадида Илунга болтачасини Соҳибага узатди. Луежи сира кўрилмаган бу қуролга ҳайрән бўлиб бармоқларини теккизиб кўрди-да, уни ёнида ўтирган қизга илинди. Болтача ҳамманинг қўлидан бирма-бир ўтиб бўлгач, Луежи уни Илунгага қайтариб берди, аёл эса отасидан мерос бўлиб қолган билагузуги—луканони кўрсатди. Луежи меҳмонга бу билагузук лубаликларга болтача қанчалик муқаддас бўлса, бунголикларга ҳам худди шундай азизлигини ва у ҳам ҳокимлик рамзи ҳисобланишини айтди.

Овчилар Луежи ажратиб берган кулбаларга тарқаб кетишгач, Илунга аёлга ўз ватанининг тарихини, улуғ оқсоқолнинг ўлими ва акалари ҳақида сўзлаб берди. У ўз ҳикоясида қишлоғидаги жасур овчиларини мақтар ва Шимолдаги ерларда узоқ вақт ҳокимлик қилган оқсоқолларни улуғларди. Луежи эса ўз навбатида бунголикларнинг бошига тушган бахтсизликларни, отасининг ўлими ва акаларининг саркашликлари ҳақида гапириб берди. Гап Кингурига келганда Луежи кўзларида ёш ҳалқаланди. Лекин Илунгани зериктириб қўймаслик учун Луежи Лубанинг ёш оқсоқоли олиб келган қуролни завқ билан томоша қила бошлади.

— Бизнинг ерларда ёввойи ҳайвонлар жуда кўп, хохлаганча ов қилса бўлади, — деди Луежи, — лекин бунголиклар фақат сопқон ёки қопқон билан ов қилишади.

Илунга худди ёш бола билан гаплашаётгандек, мийғида кулиб қўйди. У тош билан фақат қуённи ёки каламушни ўлдириш мумкинлигини хаёлидан ўтказди.

— Сен менинг одамларимга ҳам шунақа қурол би-

лан ов қилишни ўргатасанми?— сўради Луежи ўқ-ёйга ишора қилиб.

Илунга мамнунлик билан розилик билдирди ва дастлабки овдаёқ улар шунчалик кўп ҳайвонларни ўлдиришадики, гўшт қуритишга қишлоқ торлик қилиб қолади, деб ваъда берди.

III

Мана, Илунга ўз одамлари билан текислик бўйлаб олов тўлқинларини ҳосил қилдилар. Олов ҳар галгидек дарё соҳилига келганда тўхташи керак эди. Шундай бўлди ҳам. Улар дарёга орқа ўгириб, қўлларидаги ўқ-ёйлари ва найзаларини қаршиларига югуриб пешвоз чиқаётган оҳуларга қаратдилар. Утдан қўрққан оҳулар дуд ичида қаёққа югуришларини билмас, овчилар қий-қирғи уларни гаранг қилмоқда эди. Бунголиклар ҳам темирдан ясалган қурол билан Луба овчилари қатида турдилар. Улар югуриб келаётган оҳулар подасини кўришлари билан қўлларидаги ўқ-ёй ва найзаларни ташлаб, қўрққанларидан тумтарақай бўлиб қочдилар. Фақат дарёнинг муздек сувига тушганларидан кейингина улар бир оз ўзларига келдилар ва лубаликлар овни яқунлашларини кузатиб турдилар.

Бунголикларни темир қуролга ўргатишда Илунга жуда кўп вақт ва куч сарфлади. Ҳаммадан ҳам илгари сопқон билан тош отиб юрган овчиларни уларга қараб югуриб келаётган ҳайвонлардан қўрқиб кетмасликка, қуролни ташлаб қочиш ўрнига ҳайвонларга ўқ билан пешвоз чиқишга ўргатиш жуда мушкул бўлди.

Каланъи элига қайтиб ўша Замин соҳибасига биз камон ва ўқ санъатини тўла эгалладик дейишдан олдин, бунго овчилари Луба овчилари билан биргаликда бепоён ялангликларда қанчадан-қанча пичанзорларни ёқиб ов қилдилар.

Барча қишлоқлар гўшт билан тўла таъминланди. Ови ўнгидан келган овчилар шарафига батуки

рақсига тушишди, ҳар ер-ҳар ерда гулханлар ёниб турарди.

Луба овчилари тушаётган батуки рақси бунголарга жуда маъқул бўлди. Орадан кўп ойлар ва кунлар ўтгач, улар ҳам лубаликлардек рақсга тушишни ўргандилар. Чунки ов батукисига фақат ҳақиқий овчиларгина туша олар эдилар. Ахир бу батукида қўшиқ ҳам, мусиқа ҳам, рақс ҳам—барчаси олов билан ов қилишга даъват этиларди. Ноғоралар гумбур-гумбурида олов тўлқини, оҳу туёқларининг дукури ҳамда ҳайвонларнинг ҳайқириғи мужассам эди. Рақслар орқали овчиларнинг ов чоғидаги хатти-ҳаракати, ўқ-ёй отиш, камон танобини тортиб мўлжалга олишлар ифода этиларди. Қўшиқларда эса ҳар доим энг жасур, энг қаққон ва уddaбурон овчилар ва улуғ овлар хотираси мавжуд. Йиртқич ҳайвонлар билан бўлган яккама-якка олишувда ҳалок бўлган сайёдни эса халқ энг сеvimли оқсоқолини дафн этаётгандаги иззат-икром билан кўмишар эди.

Ҳа, бу санъатни бунголиклар ўрганиб олишгунларича орадан анча кунлар ва ойлар ўтди. Шундан кейин улар тош отадиган сопқондан бутунлай воз кечдилар ва лубаликлар келтириб берган темир найза ва ўқ-ёй билан қурулландилар. Шундай қилиб, бунголиклар тош ўрнига темир ишлата бошладилар.

Улар янги ов яздонларини ҳурмат қила бошладилар ва овчиларнинг қадимий расм-русmlарини бажо келтирадиган бўлдилар. Илло бунголиклар ўзларининг қадимий яздонларини ҳам, ўз ватанларининг ўтмишини ҳам унутишмаган эди.

Бунго элининг барча текисликлари ёниб бўлгач, Луба овчилари ўз она-Ерларига йўл олдилар. Фақат Илунга Луежи ватанида қолди. Чунки Луежининг мафтункор боқиши жасур йигитни шу ерларга ипсиз боғлаб қўйганди.

Луба овчилари жўнаб кетганларидан кейин бир неча кун ўтгач, Илунга ўзининг муқаддас болтачасини акаси Касонгога юборишни Луежидан сўради. Илунга Лубага қайтиб бормасликка қарор қилган эди.

У кўҳна ва нуфузи кетган Лубада оқсоқол бўлиш-

ни сира истамади. Шунинг учун бир вақтлар унинг отаси ва Лубанинг бошқа собиқ оқсоқоллари қўлида тутган бу болтачанинг унга тегишлилиги қолмади. Илунганинг акаси Касонго бир вақтлар шу муқаддас болтачани унга берган эди. Энди у бунини ўз қўли билан ўша ерларда қолишга қарор қилган Мутомбо Мукулонинг кенжа ўғли Маиға бера қолсин.

Аммо Луежи ҳали Илунга қатъий бир қарорга келишини кутиб, ҳозирча ўз фикридан қайтиб қолишидан қўрқиб муқаддас болтачани чопарларидан бериб юборишга шошилмас ва ҳар куни галга солиб келарди.

Ниҳоят, Илунга бир куни ҳаммадан барвақт туриб, у билан илк бор учрашган жойда — Луежи ўтирган катта тош ёнига мужанго ниҳолини ўтказди.

Замин соҳибаси ерга ўтказилган ниҳолларни кўриб қувонганидан юраги ўйнаб, кўзлари беихтиёр чақнаб кетди.

— Бунини Илунга эди! — деб хитоб қилди унга чўриларидан бири ва барча қизлар қувончлари ичларига сиғмай чапак чалиб юборишди. Улар эркак киши одатда шунга ўхшаш ниҳолни ўз севгилисини илк бор учратган ергагина экинчини яхши билишар эди.

Илунганинг меҳрини қабул қилиш мақсадида Луежи чўриларига ниҳол атрофидаги ўтларни юлдириб, тозалашни буюрди ва ўзини ниҳол тағига сув қуйди. Шу кундан эътиборан янги экилган ниҳоллар атрофи топ-тоза, тағи ҳар доим нам эди.

Лугежи ва Илунга иккаласи эса бу ерга баъзи-баъзида келиб суҳбатлашиб ўтиришар ва пальма шаробидан ичишар эди. Кечалари Илунга ўз ватанининг қадимий қўшиқларидан куйлар эди. Мужангонинг ниҳоли униб, дастлабки куртаклар япроқ ёзган куни Илунга катта тош ёнига бир-бирига хиёл эгилиб турган иккита дарахт кўчатини ўтказди. Бу дарахтлар Луежиға бўлган муҳаббатнинг изҳори эди.

Илунгадан яширинча Луежи жодугарларга фол очирди, уларнинг таъкидлашича, кекса оқсоқол Иала-Маку Луба овчиси Илунгани куёв қилган эмиш. Шундан кейин Луежи ўз элатидаги қария ва оқсоқолларни

чақириб, ўз қарорини ва яздонлар хоҳишини уларга билдирди.

Бироқ кўпгина оқсоқоллар Замин Соҳибаси фикрига қўшилмадилар. Улар Илунгани келгинди деб ҳисоблашар, у бу ерда Луежига бўлган муҳаббати туфайли эмас, балки фаровон юртда оч қорнини тўйғазиш учун қоляпти, дейишарди.

— У бизнинг этимизни емоқчи!— дейишарди оқсоқоллар.

Аммо Замин Соҳибаси ўз сўзида қатъиян туриб олди:

— Болаларимнинг қонида барибир бизнинг қон юради,— дерди у қарияларга қараб.— Илунгани отамнинг арвоҳи юборди. У қандайдир қул эмас. Касонго ва Каньюка исмли оқсоқоллар унинг туғишган акалари!

Оқсоқоллар лом-мим деёлмай қолишди. Улар фақат бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

— Унинг ерлари ҳосилсиз,— деди барибир бўш келмай Кингурига ҳамтовоқ бўлган бир оқсоқол.— Шундоғам уни обдан боқдинг. Ҳайда келгиндини!

— Бориб айт Кингурига, мен унинг маслаҳатига муҳтож эмасман!— деб хитоб қилди Луежи унинг гапини бўлиб. Луежи бу оқсоқолнинг Кингури билан жуда иноқлигини яхши биларди, шунинг учун унинг юзига қайрилиб қарамай, гапини давом эттирди:— Илунга бизга темир қурол олиб келганини унутдиларингизми? У эмасми олов билан ов қилишни одамларимизга ўргатган?

Шундан кейин барча одил оқсоқоллар ва қариялар бир овоздан шундай дейишди:

— Ҳа, Илунга сеники, уни улуг оқсоқол Иала-Маку йўллаган. Илунга сен туфайли бунго халқига муносиб оқсоқол бўладиган ўғлон берса ажабмас.

Қариялар ана шундай қарорга келишди.

Уша куниёқ Илунгага турмушга чиқиш ҳақидаги хабарни етказиш учун Луежи Касонгога чопар юборди. Улар катта совғалар билан жўнадилар.

Ҳадеганда чопарлардан дарак йўқ эди. Шунинг учун Замин Соҳибаси ҳар куни эрта билан ибодатхонага борар, қайтишда сайёҳлар яздони Сапо-иа Лупето пойига

кичкина новда қўяр эди. Унинг юборган чопарлари Касонго элидан қайтишганида яздон тасвири пойида ўттиз битта новда ётарди. Луежи уларни йиғиб олдида, севги яздонларидан бири бўлмиш Камау қўриқлаб турган кичкина калebasга солиб қўйди.

Бир вақтлар унинг онаси шу ибодатхонада унга, яздонларга меҳр қўйиш ва уларга сиғинишни ўргатган бўлса, бугун бу ердаги кичкина калebas унинг севги рамзига айланган, у бу идишга ўзича меҳр-муҳаббат билан қарарди.

Ниҳоят, бунго чопарлари қайтдилар, улар Касонго элида кўрган-кечирганларидан сўйлаб, улардан ниҳоятда мамнун эканликларини яширмадилар. Чопарларни Касонго оқсоқоли жуда яхши кутиб олибди. Уларнинг шарафига байрам батукиси ташкил этиб, катта маросим ўтказибди, одамларга кўплаб гўшт ва шароб берибди. Шунинг учун бўлса керак, чопарлар ўз ерларига қайтгач, касонголиклар ҳақида худди яздонлар тўғрисида гапиргандек сўзлардилар. Уларнинг фил овлашлари бунголикларни ҳайратга солди, улар бундай ов қилиш мумкинлигини хаёлларига ҳам келтира олмас эдилар. Касон ўқи ва найза ёрдамида шундай баҳайбат ҳайвонни ўлдириш мумкинлигига ақллари бовар қилмасди.

Чопарлар кўрган-билганларини ҳикоя қилишганида, Каланъи элининг одамлари уларнинг гапларига ишонмасдан, масхараомуз кулдилар. Лекин эртаси куни Касонго чопарлари келиб, Луежига фил тишларини ҳадя этишганида, бунголлар уларнинг қабиладошлари ёлгон гапирмаганликларига ишонч ҳосил қилдилар.

Илунгага эса Касонго болтачани қайтариб юборибди. Болтачани у Луежи унга паҳлавон ўғил туғиб бергунича сақласин. Ўшанда бу гўдак Свана Мулопо деб тан олинади ва Луба оқсоқолининг шу қимматбаҳо болтачасига эга бўлади. Кечаси Замин Соҳибасининг барча ноғоралари тўйдан хушхабар бериб янгради, юзлаб гулханлар ёқилди. Ўйин-кулги авж олди. Луежи ва Илунга севгиси шарафига қўшиқлар айтилди. Бепоен текисликлар узра тонг ёриша бошлаганида Замин Соҳибаси Луежи-иа-Канти аёл бўлиб уйғонди.

IV

Кингури тўйга келмади. Иала эса фақат бир неча кундан кейингина келиб, синглисига акаси Кингури бу тўйдан норози эканлигини, келгинди билан бир ёстиққа бош қўйиш бунго қонининг бузилишига олиб келишини маълум қилди.

Айрим оқсоқоллар Кингурини қўллаб-қувватладилар. Улар ҳам аллақандай келгинди бунго халқи устидан ҳокимлик қилишига норози бўлганларини билдириш мақсадида тўйга келмадилар. Луежи бир неча оқсоқолни яширинча қатл қилиб юборишни буюрди. Кингурига эса ўз қароқчилари билан унга илгари ажратилган ерларда муқим туришни, уруш қилишни зинҳор хаёлига келтирмаслигини билдирди. Агарда у урушишни ихтиёр этса, Илунгага акаси томонидан бунголиклар билан Кингури қишлоғини бир зумда яксон қилишини тайинлади. Ҳа, Кингури яздонларга шукур қилиб тинч-тотув яшайверсин, акс ҳолда Луежи акасининг калласини танидан жудо этиб, Илунга кулбаси олдига осиб қўйишни муқаррар!

Кингури Замин Соҳибаси ихтиёридаги айрим оқсоқоллар омон бўлса, ёвуз мақсадлари рўёбга чиқиши турган гап эди. Боз устига, етарли даражада аскарни бўлмаганлиги сабабли манфур синглиси билан жанг қилишга ботинмай, бошқача йўлдан боришга аҳд қилди. Ниҳоят, у Луежининг бир чўриси билан яширинча учрашиб, соҳибанинг билагидаги ҳокимлик рамзи бўлган луканони ўғирлаб берса, уни ўзига биринчи хотин қилиб олишлигини айтди. Қиз бечора Кингурининг олдида қўрқа-писа, майли, ўйлаб кўрай-чи, деди-да, Луежи қароргоҳига бориб ҳамма бўлиб ўтган гапни миридан-сиригача унга айтиб берди.

Шундан кейин Замин Соҳибаси Илунгага ҳеч нарса демай, барча оқсоқолларни йиғиб, Кингури устидан арз қилди. У оғироёқ эди. Буни ҳамма биларди. Луежи оқсоқолларга луканони Илунгага топшириш вақти келганини ва бу билагузукни у яқинда дунёга келувчи, келажакда бунго халқининг оқсоқоли бўлиб қолувчи фарзандига топширажагини айтди.

Шундан кейин луканони топшириш учун тантанали кун белгиланди.

Бепоен ялангликлардаги овчиларни ва дарёларда қайиқларда сузиб юрган балиқчиларни, барча бунго аҳлини чақириб, уч кечаю уч кундуз ногора садолари янгради. Замин Соҳибаси чақириғига итоат этиб ҳамма томондан одамлар йиғила бошлади.

Одамлар қўшиқ айтиб, рақсга туша туриб бунголикларнинг қадимий урф-одатига кўра Илунгани энг оғир қийноқлар билан имтиҳон қила бошлашди. Фақат чинакам қатъиятли, жасур, турли азобларга бардош бера оладиган одамгина оқсоқол бўлиши мумкин.

Халқ бахти саодати йўлида ана шундай қийноқ синови ўтмоқда эди.

Шу уч кун давомида одамлар шароб ичиб, рақсга тушдилар. Уч кечаю уч кундуз азобларга юз тутган Илунга ўз жасурлиги ва қатъиятини халқ олдида намойиш этди. Ниҳоят, Замин Соҳибаси Илунганинг қўлидан тутиб, бир вақтлар уни қабул қилган жойга, катта тош устига чиқарди. Илунга баданидан тер аралаш қон оқарди, лекин унинг юзидан табассум аримасди, чунки у барча синовлардан ўтган эди. Замин Соҳибаси ўз қайлиғи билан ёнма-ён ўтирди. Шундан кейин қарияларнинг энг кексаси Тубанго Замин Соҳибаси билан Иала-Макуга тегишли бўлган луканони олиб, тантанали равишда Илунганинг қўлига тақиб қўйди. Шундай қилиб, Илунга бунго оқсоқоли деб тан олинди.

Шодиёна қайқириқлар Каланьни юрти узра янгради. Халқ янги оқсоқолни олқишлар эди.

Худди шу вақтда тўсатдан Кингури пайдо бўлди. У келгиндининг қўлида ярқираб турган ҳокимлик рамзи бўлмиш луканони кўриб, ўз қабиласига оқсоқол бўлишдан маҳрум бўлганлигини англади. У аламига чидай олмай инграб юборди. Лекин унинг инграши одамларнинг шодиёнаси ичида фарқ бўлиб кетди. Шундан кейин Кингури Каланьидан бош олиб чиқиб кетди.

Илунга яқинда ўтказган ёш ниҳоллар ёнида кўкара бошлаган дарахт кўчатлари — мужанганалар олдида бунголиклар абадий дўст бўлишга қасамёд қилиш-

ди. Ушандан бери уларнинг ватани Лунда, яъни «Дўстлик» деб атала бошлади.

Ушандан бери ана шу муқаддас жойда Лунданинг барча оқсоқоллари кекса оқсоқол қўлидан билагузук — лукано оладиган бўлишди. Илунга эккан дарахтлар соясида улар қабиланинг янги қонунларини эълон қилишар ва ўша ердан янги ерларни ишғол этиш учун жангга жўнашар эди. Бу жанговар сафарлар Лундани Қора Африканинг энг улуг давлатларидан бирига айлантирди.

5. КИНГУРИ СУҚМОҒИ

I

Кингури нима иш қилиб юргани ва қаерларда тентираб юргани ҳеч кимга маълум эмас эди. Илло уни гоҳ дарё соҳилида, гоҳ қирда, гоҳо солда сузиб кетаётганини кўрганлар, унинг атрофига ҳар тарафдан одамлар йигилаётганини ва улар кундан-кунга кўпайиб бораётганини айтишди. Шундан кейин қишлоқларнинг оқсоқоллари Луежига, энг жасур овчилар Илунга берган темир найзалари билан Кингури томонига ўтиб кетмоқдалар, деб нолишди.

Илунга ўзининг содиқ одамларидан бир нечтасини Кингури қишлоғига юбориб, унинг нима иш қилаётганини билиб келишни буюрди. Борган одамлар Кингурини ов қилаётган чоғида кўриб, унинг жасоратларига қойил қолдилар, бундай қаҳрамонликни ҳатто бирорта луба ҳам қила олмасди. Кингури уларни ўзи билан бирга олов билан ов қилишга чақирди, шунда хабар олиб келишга борганлардан икки киши Кингурининг томонига ўтиб кетди. Лекин бу қилган ишлари учун улар жонларидан жудо бўлдилар. Илунга одам юбориб ўша хоинларни зимдан ўлдиртириб юборди. Сўнг Кингуридан дарҳол ўлпон тўлашни талаб қилди.

Илунга авалгидек Кингури ўлпон тўлашдан бош тортса, унинг қишлоғига бостириб кириб Кингури томо-

нига ўтиб кетган одамларни ҳам қул қилиб олиб келмоқчи бўлди. Бироқ Кингурининг вакиллари дарҳол келиб, Илунганинг поймга юзлаб темирдан ишланган ўқ-ёй ва найзаларни ташладилар. Иала эса акасининг номидан Илунгага темирдан ясалган кўплаб ўқ ва найзалар ҳадя қилишни ваъда қилдиким, бу қурооллар билан барча қишлоқ ва кулбаларнинг атрофига тўсиқ ясаб чиқса етар эди.

Шундан кейин, Илунга Кингурининг Жануб ерларида нима ишлар билан банд бўлиб юрганига тушунди. У одамларни темирдан қурол ясашга ўргатаётган эди. Кингури уруш очишга ҳам тайёр эди, лекин Илунга бу таклифни ҳозирча қабул қила олмасди. Чунки у бунго халқининг қувончи чексизлигини кўриб турарди, зеро улар ўз ерларида темирдан қурол-аслаҳа ясашни ўрганган эдилар. Кингури бу билан бир вақтлар Луба бунго халқига ҳадя қилинган арзимас темир қурооллар энди қудратли кучга айланганига ишора қилишарди.

II

Ниҳоят, Луежи ва Илунга ўғил кўрдилар. Келгусида оқсоқолларнинг оқсоқоли бўлишига лойиқ бўлган гўдакнинг кўрманаси учун Лунданинг барча оқсоқолларидан қимматбаҳо совғалар кела бошлади. Кингури ҳам қуроолланган одамлари билан ўн икки чокарига совғалар кўтартириб синглисини табриклашга келди.

Қасонго ҳам сон-саноқсиз фил суяқларини Илунгага ўз одамларидан бериб юборди. Қанъиука эса Илунгага темир қурол ва мисли кўрилмаган гулдор бўйралар йўллади. Энг камбағал ҳисобланган Май бўлса акасига икки ифбатли қизни ҳадя этди. Бироқ унинг вакиллари ийманибгина бўлса-да, Илунгадан озгина ямс сўраб, Лубанинг кўҳна ерида одамлар ҳали ҳам очнаҳор кун кечиришларини, агар ўша ерда Май аждодлар хокини қўриқлашга аҳд қилмаганда аллақачонлар Луба ери ташландиқ масканга айланган бўлишини айтишди.

Гўдакка Ноежи деб исм беришди. Уч кундан кейин уни ибодатхонага олиб бордилар. Энди у Лунданинг оқсоқоли деб аталиши мумкин эди.

Оқсоқоллар гўдак олдида бош эгдилар. Улар қаторида Кингури билан бирга Иала ҳам бор эди.

Лунданинг қариялари Луежининг ўғлига сўзсиз бўйсуниларини маълум қилдилар. Улар унга ўзларини ва болаларини ҳамда халқ тақдирини топширдилар. Қариялар гўдакнинг бошига қўл қўйиб, уни кўз қорачиғидек асрашга, бу борада билимларини ҳам, ҳаётларини ҳам аямасликка қасамёд қилганларида бола бечора жонҳолатда йиғлаб юборди!

Илунга ўғли номидан қарияларга миннатдорчилик билдирди. Шундан кейин гўдакнинг исмини ўзгартирдилар. Уни Ианва деб атадилар. Ушандан бери мамлакатнинг барча бурчакларида ҳам уни Мвата-Ианва — оқсоқол Ианва деб атай бошладилар. Лунданинг барча оқсоқолларини эса мватанва деб атайдиган бўлишди.

Кингури кичкина Ианванинг шарафига Илунганинг ёнида батукига рақсга тушарди. Бола келгиндидан бўлган бўлса-да, унга муваффақиятлар тилади, чунки гўдак томирида Кингурининг ҳам қони бор эди.

Шу куни Илунга ва Кингури худди биродарлардек бир калebasдан шароб ичиб, бир чилимни галма-гал чекдилар. Луежи ҳам ўғлининг дунёга келиши хайрли бўлгани учун, яздонларга сиғиниб, ўз миннатдорчилигини билдирди.

Кингури ўз оқсоқоллари билан Илунга ва Замин Соҳибаси бошқараётган қабила йиғинларида иштирок эта бошлади, энди ҳамма тотув ва аҳил эди. Лунда ҳақиқий дўстлик масканига айланди.

Лугежи ҳар куни акасига сифатли шароб юборар, Илунга ҳам ўз навбатида Кингурига тайёрлаш усули фақат ўз ватанидагина маълум бўлган ноёб тамаки боғламларидан ва гўзал чўриларидан пешкаш тортиб турарди.

III

Лугежининг кўкрагида сути камайиб, боласини камроқ парвариш қиладиган кунлар келганда одамлар

Замин Соҳибасининг феъли ўзгариб, ғалатиноқ бўлиб қолганлигини пайқадилар. Ҳар доим чўртнесарлиги билан танилган мағрур аёл Илунга олдида фавқулудда ўзини паст тутиб сўзлашадиган бўлиб қолди.

Кингури синглисининг бу қилиқларини қоралаб, бир неча бор Луежига улуг оқсоқолнинг қизи келгинди олдида ўзини бунчалик пастга урмаслиги кераклигини айтди.

Аммо Луежи бу гапдан аччиқланиб, Илунга менинг учун, аввало, ўғлимнинг отаси, деб жавоб берди. Бу ҳам камлик қилганидек, Кингурига ҳам, бошқа оқсоқолларга ҳам, Илунга фақат иззат-икромга лойиқ, чунки у Лунданинг бўлажак оқсоқолининг отаси, деб бир неча бор тайинлади.

Байрам тантаналарининг бирида Луежи Кингурини худди бошқа барча оқсоқоллар ва ҳурматли қариялар каби Илунгага эгилиб салом беришга мажбур қилди. У синглисининг буйруғини бажо келтирди, лекин унинг юзидаги ўзгаришни кўрганлар шуни фаҳмладиларки, уни ҳар қанча мажбур этмасинлар, у иккинчи маротаба Илунга олдида ўзини ерга урмайди. Ҳатто Илунганинг ўзи ҳам Кингурининг юзидаги совуқлик ва кўсидаги ғазабни кўриб, юзини ундан ўгириб олди.

Уша куни Кингури кўп дўст орттирди. Ҳатто илгари уни хуш кўрмай юрган қари оқсоқоллар ҳам, унинг қамчини зарбидан танаси қонга бўялган одамлар ҳам Кингурининг бу хатти-ҳаракатидан мамнун бўлдилар. У Илунганинг юборган одамларига Каланьига энди сира бормаслигини ва унинг ёнида зинҳор ўтирмаслигини, шунингдек, ҳеч қандай мунозараларда иштирок этмаслигини сшқор этди. Дарҳақиқат, у энди байрам шодиёналарига ҳам, улуг йиғинларга ҳам бормаи қўйди.

Қишлоқда Замин Соҳибасидан норози бўлган оқсоқоллар бирин-кетин пайдо бўла бошлади.

— Луежи ақлдан озди!— дердилар Кингурига улар.

Шундан кейин улар Илунга одамлар олдида Луежига ширин муомала қилганида, унинг қувончи ичига

сигмай шодланиб қичқириб юборганлигини айтиб беришди.

Кингури Каланьига боришдан бош тортиб, борган сари ўзига ён босувчи одамларни кўпайтираверди.

Кингури олдига келган оқсоқоллар Замин Соҳибаси биргина ўзининг қадрини билмаётганлигидан шикоят қилишмасди. Улар Луежи устидан янада кўпроқ далил топа бошладилар. Ҳа, энди улар Иала-Мақунинг ўғлидан мадад сўрамоқда эдилар.

Луежи Кингури қишлоғида бўлаётган машмашалардан хабар топди. У бу гапларнинг охири нима бўлар экан, деб қаттиқ хавотирланди. Бирор тадбир ишлатиб бўлса ҳам Кингурини бўйсундириш лозимлигини Илунгага тушунтиришга ҳаракат қилди.

Кингури ҳам Луежи қилаётган тадбирлардан хабардор эди, шунинг учун ўз дўстларига доимо қуролланган аскарлар ҳамроҳлигида юриш лозимлигини уқтириб қўйди.

Каланьида Луежининг тарафдорлари соҳибанинг ҳаёти улар учун ватанларининг тинчлиги ва бахти бўлиб ҳисобланса-да, Кингури Замин Соҳибасига уруш очиб келса, уни хотиржамгина кутиб олишга тайёрланмоқда эдилар.

Донишманд кексалар, шу юртнинг энг ҳурматли оқсоқоллари эндиликда Каланьига кўчиб келдилар. Бу билан улар ўзларининг ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса ҳам Луежи билан Илунгани ва бўлажак оқсоқолни ҳар қандай бало-қазодан асрашга ҳозир у нозир эканликларини билдирмоқда эдилар.

Шундан кейин исёнкор оқсоқоллар ҳадиксираб қолишди. Энди улар кундан-кунга Кингурини камроқ зиёрат қилишар, ўзларига нисбатан бўлган шубҳани йўқотиш учун донишманд қарияларга совға-саломлар юборишар, нимага ҳозирлик кўрадиган бўлсалар, ноғора чалиб хабар бериб туришарди.

Кингури ўзига содиқ аскарлар камайиб кетаётганлигини ва Лунда орасида обрўси тўкилиб бораётганлигини пайқаб, ўзидан хавфсирай бошлади. Чунки улар

зимдан уни ўлдириб юборишлари мумкин. Шунини ҳисобга олган ҳолда ярим кечада ўзига энг яқин одамларни тўплади-да, қуролланган аскарлари ҳамроҳлигида Жанубга қараб йўл олди. Бироқ она-Еридан бош олиб чиқиб кетишдан олдин Замин Соҳибасига чопар юбориб, туғишган диёрида ўлим хавфи билан яшай олмаслиги сабабли қишлоқни ташлаб кетишга мажбур бўлганлигини хабар қилди. Синглиси унинг қуёш ботар томондаги ерларга кетаётганлигини билиб қўйсин ва у тезда қайтади ва қайтганда ҳам ёлғиз эмас, аскар тўплаб қайтади ва барча ҳақоратлар учун ўч олиш учун қайтади. Шунини ҳам билиб қўйсинки, бу ерларда энди келгиндининг ҳукмронлиги кўпга бормайди!

IV

Кингурунинг кетиб қолиши одамларни ташвишга солди. Узоқ-узоқдаги қишлоқлардан одамлар Кингури ўз юртини ташлаб кетганлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилиш учун Каланьига келишарди. Кўпчилик ҳатто гўдак Ианвани кўрсатишларини талаб этишар, чунки уни Кингури ўғирлаб кетибди, деган мишмишлар тарқаган эди. Кексалар ва эрксевар одамлар Илунга томонида эдилар, чунки у қонуний оқсоқол эди, зеро унинг билагида муқаддас лукано бор эди, у душманларни ўлимга маҳкум этиб, дўстларга мурувват қилар, ўз ватанида тартиб ўрнатмоқда эди.

Лекин ўзбошимчаликка мойил ёшлар Кингуруни қўллаб-қувватлар эдилар. Албатта, улар буни сир тутардилар, чунки Илунгадан жуда қўрқишарди. У, Луежининг акасига бўлган аламини сир тутиб, Кингурига ён босаётган ҳар қандай одамнинг бошини танасидан жудо қилиши мумкин эди.

Қариялар Илунгага Кингурунинг орқасидан одам юбориб, у ғаламиснинг бошини олиб, Каланьига келтиришни маслаҳат берардилар. Шундай қилинса, бошқа ўзбошимчаликлар ҳам барҳам топади. Аммо Луежи бунга йўл қўймади.

Ҳар куни Каланьига Кингури ва унинг қуроолланган жўралари қилаётган ишлардан турли хабарлар келиб турарди.

Қўлларини тепага кўтариб, даҳшатдан башараларини бужмайтириб, одамлар Кингурининг даҳшатли қилмишлари ҳақида қишлоқларни вайрон қилгани, одамларни банди қилиб ҳайдаб олиб кетгани, гуноҳсиз эркаклар ва аёлларни ўлдираётгани ҳақида ҳаяжонланиб ва ҳовлиқиб гапиришарди. Каланьига келганлар: «Кингури оловдан ҳам даҳшатли», дейишарди. Кингурининг қароқчилиги тўғрисидаги хабарларни Илунга ишончли одамларидан эшитиб турарди.

Шундай қилиб, кенгаш бошланмасдан аввал Кингури ҳақида хабар келтирган чопарлар сўзини тинглашарди. Бир кун узоқ йўл юриб чарчаб келганидан зўрға оёғида турган бир одам, Кингури яқинда Шиумбве дарёси соҳилларига бориб етди, деб хабар қилди.

Мана, ниҳоят, чопарлардан бири Кингури Касаи дарёси бўйларида қанчадан-қанча ерлик халқларни ер билан битта қилиб ўтганлигини айтди.

Шундан кейингина Луежи ва Илунга фароғат топди: чунки Кингури улардан анча йироқлашиб кетган эди.

V

Касаи соҳилларига етиб келган Кингури ҳақида ўша-ўша ҳеч қандай хабар бўлмади. Лекин қачон бўлмасин, қайси Лунда ўз она қишлоғини тарк этиб кетса, Кингури йўли билан кетди, дейишарди.

Лундадан Кингури ғойиб бўлди, лекин унинг хотираси муртад одамлар қалбида сақланиб қолди.

Ниҳоят, шундай кун келдики, оқсоқоллар йигилишида Луежи Кингури ҳақида хабар топганлигини маълум қилди. Унинг бебош акаси Кванза дарёси соҳилларига жойлашиб олибди, ерлик халқлар уни яхши қарши олишибди. У ерлар ҳосилдор, кенг, одамлари аҳил ва фаровон турмуш кечирिशаркан.

— Кингури ўша ерларда қолади. У жуда бадавлат оқсоқол бўлади, — деди Луежи ва қарияларга тикилиб қараганча сўради:

— Орангизда Кингури томонга ўтадиганлар борми?

Ноқулай ҳолга тушган оқсоқоллар унга содиқ эканликларини яздонларни ўртага қўйиб, онт ичишди.

— Биз киндик қонимиз тўкилган ерда ўламмиз!— дедилар улар.

Яна бир неча кун ўтгач, Замин Соҳибаси акаси ҳақида янги хабар эшитганлигини айтди.

— Кингури оқ танли одамлар билан учрашибди!— деди у.

Ҳалигача ҳеч ким ва ҳеч қачон оқ танли одамлар тўғрисида гапирмаганди, биров ҳатто ер юзида оқ танли одамлар бўлиши мумкинлигини ҳам хаёлига келтира олмасди.

Луежининг гапини эшитган оқсоқоллар ҳайрат бармоқларини тишлаб қолдилар. Шундан кейин Луежи кеча кечаси Каланъи чегарасида соқчилар томонидан ушлаб олган йўловчини чақиртирди.

Кимбунду қабиласидан қочиб келган бу мусофирнинг ўз оғзидан одамлар Кингури Кванза дарёси соҳилида оқ танли одамлар билан учрашганлигини билдилар. Бу оқ танли одамлар денгиз ортидан келган бўлиб, ҳозир улар жинга аҳли билан урушмоқда экан.

Кимбунду қабиласидан бўлган у одам бошқа ҳеч нарса айтолмади, чунки у ўша одамларни ўз кўзи билан кўрмаган эди. У ҳам бу гапларни бир ҳамқишлоғидан эшитган экан. Ҳамқишлоғи оқ танли одамни мвана-калунга — денгиз ўғлони деб атабди, чунки оқ танли одамлар денгиз ортидан келишган-да. Улар олиб келган қуролдан ўт ва момақалдироқ овози чиқар экан. Улар ўша қурол билан савдо-сотик учун янги йўл очиш мақсадида қора танли одамларни ўз ерларида ўлдиришар экан.

Қўрқувдан кўзлари олайиб кетган бир қария:

— Энди Кингури Лундага қайтади!— деб хитоб қилди.

Шунда Луежи унга нафрат билан бақирди:

— Аиоко ки Кингури! Кингури билан даф бўл!

Эртаси куни баъзи лундаликлар Кванза дарёси соҳиларидаги ҳосилдор ерларга Кингурини излаб ке-

таётганларини Луежи эшитиб қолди-да, елка қисиб қўя қолди ва хотиржамлик билан:

— Аиоко! Кетишаверсин!— деди.

Шундан кейин, Лундани ташлаб Кингури кетидан кетганларни «аиоко» дейишадиган бўлишди, кейинчалик улар «киоко»га айланиб кетдилар. Келгинди қўл остида қолишни истамасдан ўз ерини ташлаб кетувчилар ўзларини киоклар — яъни «кетаётганлар», деб атай бошладилар. Шундай қилиб, улар бу билан келгинди оқсоқол ҳокимиятини тан олмай, Кингурини оқсоқол деб билишарди. Киок халқининг пайдо бўлишига ҳам Лундадан чиққан биринчи одам — Кингури сабаб бўлган эди.

Ўшандан бери Лундада Кингури сўқмоғи йўқ бўлиб кетмади. Сўнгги кўчманчиларнинг сўқмоғи — бўйсунмас одамларнинг йўлидир.

МУНДАРИЖА

Халқ эртаклари

«Ангола эртакчилари» тўпламидан

Қолибри ва ари	5
Шер ва чиябўри	6
Жанжалкаш хотин	8
Қуён, фил ва Гинпопотам	12
Мангуста, каламуш ва мусича	13
Ша-Шипонинг форга тушиб кетгани	14
Тулки ва каклик	15

Халқ эртаклари

«Мисосо» («Тарих») тўпламидан.

Қиммалауэзо	19
Оҳу Сеша ва шер	37
Ҳамён	40
Шер буванинг қўли	41
Уч опа-сингил	43
Овчи	50
Гапирадиган балиқ	51
Сандиқ	54
Икки дўст — Сеша ва Бомби	56
Ҳайвонлар шоҳи	58
Қуён ва маймун	68
Опа-сингил эгизаклар	69
Қоплон, кийик ва маймун	72
Итнинг ўчи	79
Икки ака-ука ва махлуқ	80
Илон	83
Сув ости маликаси	89
Самба	97
Икки ошна — қуён ва маймун	99

Эртақлар

«Она-Еримнинг акс садоси» тўпламидан

Доно тошбақа	105
Уғри ва сеҳргар	110
Ҳебо	120
Қалб яраси оғирми ё тан жароҳати?	124
Банго а мусунго	130

Қора ер тарихи

Каштру Сороменью қайта ишлаган Ангола афсоналари

Каленга	142
Сеҳрланган кўл	169
Қароргоҳнинг вайрон бўлиши	174
Покиза олов	180
Муқаддас дарахт	184
Текисликлар садоси	189
Қасос	203
Қурбонлик	209
Сотилмай қолган чўри	227
Луежи ва Илунга	236
1. Лубанинг кўҳна дарахти	236
2. Сопқончилар отаси	248
3. Жаҳонгашталиқ йўллари	259
4. Дўстлик маскани	268
5. Кингури сўқмоғи	283

На узбекском языке

СКАЗКИ И ЛЕГЕНДЫ АНГОЛЫ

Перевод с издания Издательства «Наука»
Москва — 1975

Редактор *А. Қосимов*
Расмлар редактори *И. Кириакиди*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *М. Аҳмедова*
ИБ № 347

Босмахонага берилди 17. 03. 78. Босишга рухсат этилди 13. 09. 78. Формати 84×108^{1/32}. Босма л. 9,25. Шартли босма л. 15,54. Нашр л. 14,4+0,6 вкл. Тиражи 60000. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 18-78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида 3 инчи ва мелований қорозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1978 йил. Заказ № 1136. Баҳоси 4-муқовада 2с. 50 т. 5-муқовада 1 с. 50 т.

Ангола эртак ва афсоналари. «Ангола эртакчилари» тўпламидан. Русчадан С. Йўлдошева ва Д. Раҳмонов таржимаси. Рассом Б. Ҳайбуллин.— Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 С. 296 б.—(Халқ эртаклари).

Бу китоб ўзбек китобхоналарини фақат Ангола халқ оғзаки¹ инжоди билан таништирибгина қолмасдан, Ангола адаби Каштру Сороменью томонидан узоқ йиллар мобайнида йиғиб, қайта ишланган ривоятларни ҳам ўз ичига олган. Бу эртакларда жасур ва донишманд халқнинг қалби, унинг ўзига хос юмори, эрқарвар табиати акс этган.

Сказки и легенды Анголы.

И(Афр)